

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ
АКАДЕМИЯСИ

М.ИМОМНАЗАРОВ

МИЛЛИЙ
МАЊНАВИЯТИМИЗ
НАЗАРИЯСИГА
ЧИЗГИЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1998

Масъул мұхаррир:
Н. КОМИЛОВ

Тақризчилар:
И. ЭРГАШЕВ М. ИСХОҚОВ М. ҚОДИРОВ

Имомназаров М.

Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар
// Масъул мұхаррир: Н. Комилов//.— Т.: «Шарқ»,
1998.—240б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси.

ББК 87.3+87.7

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни
Бош таҳририяти,
1998

МУАЛЛИФДАН

Ушбу китоб «Миллий маънавиятимизнинг тақомил босқичлари» деб аталган биринчи рисоланинг узвий давоми бўлиб, «Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар» деб номланди.

Биринчи китобдда миллий маънавиятимиз тарихий тақомил нуқтаи назаридан кўздан кечирилган, назарий масалалар фақат таъқун дараҷасида тилга олиб ўтилган эди. **Хотима ўрнида** баён этилган қисқа хуносаларда эндиликда миллий маънавиятимизни таркибий йўналишида ўрганиш зарурати қайд этилиб, инсоннинг табиатга маънавий муносабати, миллий ўзликни англаш, ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимизнинг тақомил босқичлари, Борлиқ ҳақиқатини англашнинг турли йўналишлари ҳақида шакланиб этилиб келётган дастлабки мулоҳазалар билдирилган эди. Унда миллий маънавиятимиз тақомилининг ҳар бир босқичи муайян маърифий йўналиш билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланиб, Сунна босқичи — ибрат йўналиши, Ислом маърифатчилиги босқичи — илм ва мантиқий тафаккур йўналиши, Тасаввуф ирфони босқичи биринчи наёвбатда риёзат, яъни иродга тарбияси билан ва «Мажоз тарик» босқичи — меҳр йўналиши билан алоқадорлиги эслаб ўтилган эди. Агар IX—XIV асрлар кўпроқ хос ахлининг ички маънавий тақомилини таъмин этган бўлса, XV асрдан шахснинг ўзлигини англаш жараёни ижтимоий воқеалик таҳлили билан бевосита туташиб, маънавий тақомил натижалари тобора кенгроқ ҳалқ оммаси орасига ёйла бошлаганлигига ҳам эътибор қаратилган эди.

Янги даврда башарият маънавий тақомили жараёнида муайян эврилишлар юз бериб, воқеаликни англаш унга фаол муносабатда бўлишини тақозо эта бошлади. Бу соҳада Европа минтақаси ҳалқлари илгорлашиб, Ислом минтақасида бўхроний ҳолат юзага келди. Куръони каримда нозил этилган «ЛАҚАД ХОЛАҚНА-Л-ИНСАНА ФИИ АҲСАНИ ТАҚВИМ. СУММА РАДАДНАХУ АСФАЛА-С-САФИЙИН»... (Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик.

Сүнгра уни энг тубан ҳолатга қайтардик... «Тийн» сурасининг 4–5-оятлари)га биноан ибтидоий инсон руҳиятига хос гумроҳлик ва жаҳолат, айниқса, ижтимоий-сиёсий соҳадаги хурофотлар миллатимизнинг 12 асрлик ислом минтақа маънавияти доирасидаги тақомилии жараённада тўлиқ енгиг ўтилмаганинги сабабли вазият мураккаблашиб, XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб минтақамиз ҳалқлари, шу жумладан, она ҳалқимиз 150 йил қарамлик асрратига маҳкум бўлади.

Биринчи китоб хотимасини етарлича мукаммал деб бўлмайди, зотан, бутун бир китобга мавзу бўладиган муаммолар ҳақида 4 саҳифада нима ҳам дейши мумкин. Ҳуллас, биринчи китоб мазмуни маънавиятимизнинг тарихий тақомилиига бағишиланган бўлса, унда кўтарилган муаммолар юзасидан назарий таҳлил зарурати иккинчи китоб ёзилишини тақозо этди. Албатта, масаланинг бир нозик жиҳати бор. Миллий маънавиятимиз кўлами шунчалар кенг, мазмуни шу қадар теранки, алоҳида бир киши ҳар қанча уринғани билан на унинг тарихини, на назариясини етарли даражада мукаммал яратса олмайди. Шу сабабли биринчи китоб келгусида қилиниши лозим бўлган ишларга бир дебоча, баҳс учун асос сифатида ёзилган бўлса, қўлингиздаги иккинчи китоб ҳам мавзу юзасидан дастлабки назарий мулоҳазалар шаклидадир. Бу мулоҳазалар миллий маънавиятимиз тарихий тажрибасига, бунгача барҳаёт етиб келган қадрияtlар тизимига таянади.

Келгусида миллий маънавиятимизнинг тарихий тақомилиига бағишилаб — ҳар соҳа мутахассисларидан иборат муалифлар жамоаси тарафидан — бир неча жислд китоблар тайёрлаш режалаштирилмоқда. Ана ўшандада кўп масалалар бўйича батифсилроқ маълумотлар жамланади ва улар асосида назарий муаммолар янада муайянлашади. Балки ҳар бир муаммо юзасидан алоҳида тадқиқотлар амалга оширилар. Ҳозирча бугунги кун учун долзарб бир қатор мавзулар хусусида фикр юритилди. Эслатиб ўтиши жоиз бўлган яна бир жиҳат шуки, баъзан киши ўз нуқтани назарини ёрқинроқ тушунтириши учун муайян бошқача қарашлар билан баҳсга киришишига мажбур бўлади. Биз ҳам иложисиз шундай шароитларга тўғри келдик. Аммо баҳсада ўзга томон қарашлари аниқ ифода этилмаса, мавхумлик пайдо бўлади, шу сабабли ўзгалардан иқтибослар келтириши эҳтиёжи бор. Биз ҳам иқтибослар келтирдик, уларнинг муалифлари аниқ маълум, фикрлари матбуотда чоп этилган. Аммо биз исмларни тилга олмадик, манба-

ларни китоб охирида изоҳлар сифатида бериш билан чекланаб, саҳифалари билан алоҳида кўрсатиб ўтмадик, зеро, мақсад бирор бир шахсни «фош қилиши» эмас, балки ўз қарашларимизни изҳор этиши эди.

Бу китобда ёзилган барча фикр ва мулоҳазалар миллий маънавий меросимизга таянади, бу меросга баъзан тўғридан-тўғри мурожсаат этилган ва иктибослар келтирилган, баъзан эса мулоҳазалар мустақил кўринишда баён этилган, аммо шунда ҳам муаллиф илоҳий китоблар ва ўтмиш алломалар меросини ўзи англаган даражадаги талқинига суюнганилигини қайд этиб ўтишини лозим кўради. Балки баъзи мулоҳазалар баҳсли кўринар, чунки талқинлар турлича бўлиши мумкин, алоҳида муаллиф баёнида, албатта, бундан қочиб бўлмайди, аммо бу китоб ҳам аввалгисидай баҳс учун бир асос сифатида эълон қилинаётганилиги сабабли муаллифнинг фикри асло охирги ва мутлақ ҳақиқат даввосини англатмайди.

Китоб ўзаро тенг бўлмаган уч қисмдан иборат. Биринчи қисм Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки олти йили давомида маънавият соҳасида қўлга киритилган назарий ўзгаришлар ҳақида бўлиб, аслида биринчи китобнинг узвий давомидир, чунки биринчи китоб 1991 йил билан якунланган эди. Албатта, Мустақиллик даври миллий маънавиятимиз тақомили масаласи ўз кўлами ва аҳамиятига кўра маҳсус ва батафсил тадқиқот мавзуси бўлишига лойиқ ва келгусида бу иш амалга оширилиши шубҳасиз. Бу китобда дастлабки кузатувлар натижаси баён этилди. Унда бевосита мустақиллигимиз самарала-ридан бўлмиши миллий маънавият назариясининг шаклла-ниш жараёнига, бу жараёнда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг етакчилик мавқеига эътибор қаратилди ва шу билан бирга шахс маънавиятнинг энг муҳим қирраларидан бўлмиши масъулияят туйғуси давлат раҳба-рининг муайян йўналишдаги фаолияти мисолида очиб берилиди. Бу қисм муайян маънода китобнинг иккинчи қисми учун назарий йўналиш берувчи муқаддима вазифасини ҳам бажариши кўзда тутилди.

Иккинчи қисм соф назарий муаммоларга багишланган бўлиб, беш бобдан иборат.

Маълумки, миллий маънавият назарияси ҳақида гапи-риш учун унинг асосий тушунчаларини аниқлаб, уларга таъриф бериш, уларнинг бошқа ёндош тушунчалар билан муносабатини ёритиб бериш лозим бўлади. Асли изчил назарияни муайян фандаги асосий тушунчанинг батафсил таърифи сифатида тасаввур этиши ҳам мумкин. «Миллий

маънавият» тушунчаси икки қисмдан таркиб топган бўлиб, «маънавият» — зот, «миллий» сифатдир. Агар «маънавият» тушунчасининг қамровини миллий меросимизга таянган ҳолда изоҳлаб бера олсак, миллий маънавият назарияси асослари ҳақида сўз юритган бўламиз. Бунинг учун аввало миллий маънавиятимизнинг тарихий тақомилини кўздан кечириш лозим эди. Биринчи китоб ушбу соҳадаги дастлабки уриниш бўлди. Энди иккинчи қадам — асосий маънавий қадрияtlарни бирма-бир кўздан кечириш навбати келди.


Маънавият — беҳудуд уммон. Унинг тарихий тақомил босқичларидан ташқари мазмуний қамрови ҳам турлича бўлиши табиийдир. Ҳар бир инсон ва миллат маънавияти ўз камолот йўлида тарихий давр ҳамда мазмуний қўламига кўра турли маънавий қадрияtlар мажмуини қамраб аста-секин юксалиб боради. Бу юксалиш поғоналарининг ҳар бирини шартли равишда муайян маънавий қадрияtlар тизими сифатида идрок этсак, шунда шахс ва миллат маънавиятининг умумбашарий маънавият билан уйғунлашиб бориши жараёнини муайян тамоийл тарзида гавдалантириш мумкин. Бунда ҳар бир юксалиш поғонаси «маънавият» тушунчасининг муайян қатламини изоҳлаб бера боради.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, иккинчи қисм бобларини 5 асосий тушунча атрофида шакллантирилди. Булар — *Ватан*, *Шахс*, *Миллат*, *Адолат*, *Ҳақиқат* бўлиб, айни шу тушунчалар тизими таҳлаб олинганининг ўз муайян маъно ва мантиқи мавжуд. Улар ҳақида китоб саҳифаларида батафсил сўз юритилади.

Учинчи қисмда *Фаридиддин Аттор* ва *Алишер Навоийнинг «Ҳақиқат» ва «мажоз» тушунчалари нисбатига оид қарашлари қиёсий таҳлил этилган.*

Бу масала «маънавият» тушунчасининг аждодларимиз меросидаги талқинига аниқлик киритишда ўта муҳим бўлиб, *Алишер Навоий* дунёқарашини тўғри англаб етишимизга ёрдам беради.

БАРЫШНИКИ



МУСТАКАМЛИК
МАВЗУМАТЫ

1 - фасл. Маънавият нима?

(Бир мақола муаллифи билан сиртқи мунозара)

«Маънавият» тушунчаси мустақиллик давридан расмий истеъмолга кирди. Бугунги кунда «Маънавият нима?» деган саволга хилма-хил жавоблар пайдо бўлмоқда. Матбуотда баъзан бир кишининг ўзи бир мақоланинг ичида турли таърифларни келтирган ҳолатлар ҳам учрайди. Маънавият ниҳоятда кенг қамровли тушунча эканлигидан бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бундан ташқари, келтирилган таърифларни дабдурустдан буткул нотўғри деб баҳолаш ҳам асли инсофдан эмас, чунки уларнинг кўпчилигига масаланинг қайсиdir қирраси ўз аксини топган бўлади. Аммо, тўғриси, анчайин назарий мулоҳазаларни кўздан кечирганда ички қониқиши ҳосил бўлмаганлигини ҳам қайд этиш лозим. Ушбу фаслда маънавият ҳақидаги барча билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни батафсил таҳдил этиб чиқиш имкони йўқ. Шу сабабли намуна сифатида фақат биргина мақоладан олинган иқтибосларни кўриб чиқиш билан чекланишга тўғри келди. «Маънавият — маданиятнинг ғоявий-моҳиятли мазмуни», дейилади бу мақоладаги бир таърифда. Бир қарашда таъриф жуда ҳам бемаъни кўринмайди. Аммо дикқат билан ёндошсак, унда бир қатор қусурлар мавжудлиги аён бўлади. Биринчидан, жумла соф ўзбекча эмас. «Ғоявий-моҳиятли мазмун» нима дегани? «Идейно-сущностное содержание» бирикмасининг нўноққина ағдармаси-ку! Ўзбек «ғоявий-моҳиятли» деган қўш сифат ишлатмайди. «Моҳиятли» сўзи сунъий ясалган ва «ғоявий» билан зўраки бирлаштирилган. Таърифнинг иккинчи қусури биринчиси билан боғлиқ. Бу таъриф миллий маънавиятимизнинг тарихий такомили билан мувофиқлик ҳосил қилмаган. Шу сабабли қулоққа ғализ, ётдек эшитилади, онгимиз унинг моҳиятини англашга қийналади, руҳимизга эса умуман таъсир қилмайди, таъбимизга ўтиришмайди. Учинчидан, ва балки энг асосийси, бу таъриф «маънавият» тушунчасининг мустақил таърифи эмас, унда «маънавият» иккинчи бир тушунча — «маданият» ҳодисасига боғлаб қўйилган, ундан келиб чиқувчи иккиласмчи ҳодисага айлантирилган. Демак, бу таъ-

риф моҳиятини идрок этиш учун биз унинг муаллифидан «маданият» тушунчаси ҳақида қўшимча изоҳ талаб этишга мажбур бўламиз. «Маданият», яъни русча «культура» тушунчасининг Европа илмида 300 дан ортиқ турли таърифи мавжуд эканини эсласак, умуман маънавиятни маданиятга боғлаб таърифлаш фикримизга бирор-бир ойдинлик, тартиб кирита олмаслиги маълум бўлиб қолади. Бундай чалкашликларнинг туб сабаби бизга марксизмдан мерос қолган «Материя — бирламчи» деган ақида бўлиб, бу ақидага таяниб маънавиятни қидириш мушкул савдо. Чунки шакл бирламчи бўлгач, мазмун мавхумлашади, чексиз ўзгарувчи шакллар мажмуидан ягона моҳиятни келтириб чиқаришга уриниш инсонни ҳам ақлан, ҳам жисман тинкасини, силласини қуритишдан бошқа қониқарли натижга бермайди. Турли таърифлар кўпая беради, улар балки ҳодисанинг маълум қирраларига муайян ишоралар каби туюлар, аммо улар кўпайган сари онгимиз асл моҳият ҳақида яхлит тасаввурдан шунча узоқлаша беради. Мана мисоллар:

«Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик қасб этган мажмуидир». (Аввало, маънавият инсоннинг моҳияти эмас. Инсон моҳияти моддийлик ва маънавият бирлигидан ташкил топади, фақат маънавият десак, бирёзламаликка йўл қўямиз. — М. И.)

«Маънавият — маданият мазмунида умуминсоний қадриятларнинг мажмуни ва уларнинг муайян тарзда ўзаро уйғуллаштириб ҳалқнинг тарихий тажрибаси ва ҳозирги замон тараққиёти заруриятини англаш (тўғри ёки нотўғри) даражасидан келиб чиқиб талқин қилиниши ва акс эттирилишидир».

«Маънавият миллиатнинг асрлар давомида шаклланган, илдизлари унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва событ ҳиссий (эмоционал) дунёсидир».*

Бу таърифлар ҳаммаси бир олимнинг бир мақоласидан келтирилмоқда. Албаттa, «Маънавият» жуда кенг қамровли тушунча бўлганлигидан унга берилган таърифлар ҳам қайси нуқтаи назардан ёндошилганига қараб, турлича бўлиши мумкин. Ушбу қўлингиздаги китоб саҳифаларида ҳам унинг турлича таърифлари учрайди. Аммо мақолада келтирилган таърифларнинг,

бизнинг назаримизда, эътиrozга сабаб бўладиган бошқа жиҳати бор. Уларнинг барчасида ўзак моҳиятни англатувчи тушунча, асли ундан келиб чиқадиган иккиламчи тушунчалар орқали изоҳлашга ҳаракат қилинган. Масалан, биринчи мисолда «инсон» ўзи нима, «ижтимоий-маданий мавжудот»ни қандай тушунмоқ керак, инсоний хислат ва фазилатларга нималар киради деган қўшимча саволлар яна турлича жавобларни тақозо қилали. Иккинчи мисолдаги «маданият», «умуминсоний қадриятлар» каби асли замираида «маънавият» тушунчasi яширин бўлган атамалар бу ўринда мустақил таърифга муҳтоҷ бўлиб қолганидан ташқари, умуман, жумлалар шу даражада мураккаб тузилганки, унинг мазмунини яхлит тасаввур қилиш нари турсин, грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри тузилганлигини аниқлаш ўзи қўйинлашиб кетади. Бундай таърифлар беихтиёр рус маданиятидаги машҳур рамзий шахс Козьма Прутков номига боғланган «Нельзя объять необъятное» (Беш бармоқни оғизга тиқолмайсан) деган аччиқ кинояни эсга солади. Юқорида келтирилган охирги таъриф ҳақиқатга яқинроқ туюлса ҳам, аммо унинг таркибидаги «интеллектуал» ва «эмоционал» сўзлари яна олим тафаккури қайси йўналишга мойиллигини эслатиб туради.

Мулоҳазаларнинг боришидан китобхонда муаллиф материализм ва Европа маданиятига файирлик билан қарап экан, деган таассурот туғилиши мумкин. Аслида, масала бироз бошқачароқ. Мен фақат мантиқий изчиллик тарафдориман. Икки жиҳатдан. Биринчиси шуки, башарият илми беҳудуд. Барчасини бир инсон эгаллаб ола билмайди. Шуни назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир тадқиқотчи ўзи учун энг ўнғай, шу билан бирга бошқани ҳам чалғитмайдиган йўлни тутгани маъқул. «Маънавият» тушунчаси асл маъносида Европа илмида мавжуд эмас. Ушбу минтақа илмида шу маънога яқин икки тушунча бор: бири — «духовность», бу сўз «дух», яъни, «рух» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, балки биздаги «руҳоният» сўзига мувофиқроқ маъно берар. Иккинчиси — «духовая культура», буни ўзбек тилига «маънавий маданият» деб таржима қилишади. Кечаги совет ўқув юртларида марксистик фалсафадан таълим олган ҳамкасб биродарларимиз, ўзларини кўп ҳам уринтирмай, бугун ушбу «духовая культура» тушунчасини ўзбекчалаштириб, бунинг устига янада жўнлаштириб «маънавият»га айлантириб қўя қолмоқдалар. Мен фоят хижолат билан айтиб

қўймоқчиманки, илм бунчалик осон яратилмайди. Кўшнининг молини сўраб олиш керак, иложи бўлса, ҳаққини ҳам бериб, рози қилиб олиш керак. Индамай олиб чиқиб, тўнини ағдариб кийдириб, мана энди бизники бўлди, деган билан фасби мол ҳалол бўлмайди.

Жиддийроқ қилиб, илмий тил билан фикримизни баён этадиган бўлсак, аввало, «маънавий маданият» деганда «маданият» асосий тушунча, «маънавий» унинг сифати вазифасида келмоқда. «Маънавият» атамаси эса асл тушунчанинг ўзини ифодалайди. Демак, бу ерда ўзаро муайян дараҷада боғлиқ, аммо алоҳида моҳиятлар ҳақида баҳс кетмоқда. «Маданият» аслан моддий воқеаликдир, чунки у инсоннинг яратувчилик фаолияти натижасида дунёга келади. Маънавият эса гайримоддийдир, чунки у Оллоҳ инояти билан инсон қалбida зухур этади. Шу сабабли материалистик дунёқараш соҳиби маънавиятни ё тан олмайди, ёки маданиятнинг бир шакли сифатида — «маънавий маданият» деб талқин этади, яъни материалист учун маънавият моддийликка нисбатан иккиласми (моддийликдан келиб чиқувчи) ҳодиса бўлиб англашилади. «Маданият» ва «маънавият» тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида ўз ўрнида яна батафсилоқ сўз юритилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Аниқ фанлар, табиатга оид фанлар, агарчи, маълум дараҷада, умум башарият учун ягона, яхлит бўлса ҳам (чунки Ер курраси, унинг моддий моҳияти, унсурлари умумийдир), аммо ижтимоий соҳа, инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар бундай эмас, зотан, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир маданий минтақанинг ижтимоий ҳаёти ўзига хос умумий жиҳатларга эга, улар асрлар давомида, тарихий тараққиёт жараёнида маълум яхлитликда шаклланган. Маълумки, минг йиллар давомида Ер юзидағи турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари бугунгидек, яъни XX асрдагидек, яқин ва мунтазам бўлган эмасди: на нақлиёт, на ахборот воситалари бугунги кунимиздагидек ривожлашишга эга бўлмагани балки бунга сабабдир. Ўтмишда асрлар мобайнида Ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, Жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти — буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар,

санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирганки, аҳли ба-шарнинг бундай бебаҳо мулкини, маънавий ҳазиналари-ни бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юбориши-миз мутлақо ижобий натижалар бермайди. Шу нуқтаи назардан бутунги ўзбекнинг миллий маънавияти асрлар давомида нафақат умумтуркӣ маънавий муҳит, балки VIII аср иккинчи ярми — IX аср бошларидан то большевиклар тоталитаризмининг XX аср 30-йиллардаги қонли қатағонларигача ислом минтака маданияти аталмиш ягона сарчашмадан сув ичиб шакллангани, ранг олгани-ни инкор этиб бўладими?

Бизнинг онгимизга Янги давр Европа маданияти, асосан, ўзининг мафкуравийлаштирилган, бузилган бир йўналиши заминида, яъни марксизмнинг Россия большевизми вариантида, мустақилликкача бўлган охириги 70 йил давомида зўрлик билан сингдирилди. Оддий ҳалқ, ишчи ва деҳқонлар, хизматчилар буни қанчалик жиддий ва чуқур қабул қилиди, бу алоҳида масала, аммо зиёлиларимиз, айниқса, пешқадам олимларимиз, назариётчиларимиз онги бу заҳардан ўзга аҳо-ли қатламларига нисбатан жиддийроқ шикаст қўргани бутунги кунда аччиқ ҳақиқат бўлиб қолмоқда. Бу бизнинг айбимиз эмас, фожиамиздир, аммо буни жиддий англаб етиш ҳалқимиз, маънавиятимиз келажаги учун жуда зарур. Бу оғир дарднинг давоси фақат битта — ўтмиш аждодларимиз меросига имконимиз етганича холис, сидқидилдан, самимий эҳтиром билан мурожаат қилиш, ушбу меросни имкон борича ўз ички уйғунлигига ўрганишга интилиш. Бу улуғ даргоҳга киришнинг энг асосий шарти барча бегона қолиллар, андозалар, ўлчовларни оstonада, ташқарида қолдиришдир, мин-баъд уларни оstonадан ичкарига олиб ўтмаслик зарур, чунки бу муazzзам даргоҳнинг ўз ўлчовлари, тизимлари, андозалари бор, астойдил изласак, улар топилади, улар бизнинг коримизга бемалол ярайди, фақат холис ва жиддий ёндошсак, бас.

Европа ҳалқлари ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, аждодлари қолдириган меросга мос қилиб илмий андоза ва ўлчовлар яратганлар, таърифлар ва тизимлар шакллантирганлар. Агар улар яратган мерос таъсирида, унга эргашиб бошқа бир ҳалқ маданий бойлик ҳосил қилган бўлса (масалан, собиқ СССР ҳалқлари вакиллари яратган кўпчилик асарларни олайлик), албатта, Европа маданияти

андоза ва ўлчовларини унга тадбиқ этса бўлар. Аммо ўзбекнинг миллий маънавияти охириг 70 йилда шакланган деб бўлмаганидек, бу мавзуда илмий мулоҳазалар юритиш учун онгимизга кечаги зўраки жойлаштирилган сунъий қолиплардан ўйламай-нетмай фойдаланишга уринишимиз ҳам ўринли бўлмас. Ҳар кимга кийим тикилганда андозаси ўша одамнинг бўй-бастига, қоматига ўлчаб бичилади, умумий қолипга барчанинг оёғи мос тушавермайди.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайир кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аждодларимиз аллақачонлар англаб етган. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиши учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Ўз миллий маънавиятимизни тиклашга астойдил киришганимиз асло ўзгага ғайирлик маъносини билдирамайди, балки умумбашарий мувозанатни, уйғунликни, демакки, адолатни тиклашга уринишидир. Зотан, уйғунлик бузилса, башар маънавияти ҳам тўкис бўлмас. Шу ишонч сабаб кейинги мулоҳазалар, имкон етканича, аждодларимиз меросига таянади. Иккинчи жиҳат шундаки, инсон ўзини мутлақ ҳақиқат эгаси деб билса, адашади. Беайб — Парвардигор. Мутлақ ҳақиқат — Оллоҳнинг ҳақиқати, мутлақ илм ғайб илмидир. Азалий ва абадий Борлиқ, беҳудуд ва бепоён, аммо ягона ва яхлит моҳият Ҳақнинг ўзидир. Асли ҳақиқат ушбу Ҳақнинг моҳиятидир. Руслар уни «Истина» деб бош ҳарф билан ёзадилар. Инсон онгидаги ҳақиқатлар эса ҳар бири ўзича нисбий ва нотўкис бўлиб, ҳеч бир инсон мукаммал бўлмаганидек, улар қалбida, шуурида акс этган Ҳақиқат нурининг шуъласи ҳам тўкис-тугаллик тимсоли бўлиши қийин. Инсон шуни унутмаслиги лозим.

Маънавият тушунчасининг таърифи, биз баъзан осонгина ҳал қилиб кўя қолмоқчи бўлганимиздек, оддий лисоний жумбоқ эмас, «маъно», «маъни» сўзларининг бугунги биз тушунган мазмуни билан ечilmайди. Жалолиддин Румийнинг буюк ирфоний асари беҳудага «Маснавийи маънавий» номи билан шуҳрат таратган эмас. Бу ердаги «маъно» тушунчаси Оллоҳнинг сири,

Хақ асрори, умуман, «файб» ҳақыда, агар материалистлар тушунадиган ифодага күчирсак, биз зохир күзимиз билан күриб турган чексиз замон ва маконда чексиз ва худудсиз шақылар мажмуини түзгитиб юбормай, фоят бир мураккаб тизимда ушлаб турган ички уйғунлик, инсон онги ҳеч қаңон түлиқ англаб ета олмагувчи яхлит моҳият ҳақыда ишора этмоқда. Суфийлар «Хақ асрори» ҳақыда фақат ишора, рамз, тимсол билан сўзлаганлар, чунки, Ҳақ илми биз учун «файб илми»дир, инсон мулоҳазалари эса доимо нотугал ва нотўқисидир.

Маънавият — инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган Ҳақиқат нуридири, дейилган таъриф, дарҳақиқат, суфиёна, рамзий таърифдир. Зотан, бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди. Аммо инсон ақли бир нарсаларни аникрок, муайянроқ билгиси келади, у яхлит ёғдуни ҳам камалак рангларига (русча талқинда олсак, «спектр»га) ажратмагунича кўнгли жойига тушмайди. Оллоҳ инсон ақлига шундай бетизгин шиддат баҳш этган экан, бизда не ихтиёр. Инсон ақли, аникроғи, мантиқий тафаккур, ҳар қандай ҳаётий уйғунлик-нинг ички таркибини бирма-бир кўздан кечириб чиқиши, унинг қисмларини, буларнинг бир-бирига нисбатини таҳдил ва тадқиқ этмоққа қизиқади, шуни амалга оширмаса, ичи ёниб, юраги оловлана беради. Жумладан, биз бандай ожида ҳам шу қусур йўқ эмас.

Маънавият яхлит моҳият бўлганлигидан уни назарий ўрганиш деганда ушбу ўзак моҳиятни турли нисбатларда кўриб чиқиши назарда тутилади, чунки бу имконимиздаги ягона йўлдир. Албаттага, чексиз нисбатлар-аро бутун учун энг долзарбларини танлаб олишга тўғри келади. Бутуннинг энг долзарб муаммоси эса мустақиллик ва маънавият нисбати бўлиб, қолган масалалар шунга боғлиқ ҳолда келиб чиқаверади. Мустақиллик маънавиятининг таянч қоидалари 1992 йилдаёқ Президентимизнинг китобларида аниқ ва равшан ифодалаб берилган эди. Биз ўз ўрнида уларга батафсил тўхталашибиз. Ҳозир Мустақиллик маънавиятининг бош масаласидан сўз очмасак бўлмайди. Маънавият ҳақыда ҳар қанча гапириш, ёзиш мумкин. Аммо маънавият фалсафа эмас, дунёни ҳар қанча изоҳлаб берганингиз билан, қонун-қоидасини аниқлаб, тушунтириб берганингиз билан Сиз ақли, билимдон, мантиқий фикрловчи одам сифатида қадрланингиз мумкин, аммо булар Сизни маънавий баркамол эканлигингиздан далолат бермайди. Яна Сиз ўта истеъдодли бўлишингиз, Ватан

ҳақида, мустақиллик ҳақида ажойиб қасидалар бити-шингиз мумкин. Албатта, истеъод ҳам маънавиятни шонаси, аммо таърифу тавсифлар билан Ватан равнақи таъмин этилмайди, мустақиллик мустаҳкамланмайди. Мустақиллик маънавиятиниң бош мезони, асоспойдевори масъулият туйгусидир. Шундай экан, сұхбатниң аввалида ҳам «Мустақиллик масъулияты» турмоги вожиб.

2-ғасл. Мустақиллик масъулияты

Инсон тақдири — Оллоҳнинг инояти. Аммо инсон ўз тақдирига муносиб яшай билмоғи керак. Чунки бу дунё синов майдони. Бу дунёда Оллоҳ ҳар кимга қай даража юксак мартаба тақдир этган бўлса, унга шу даража оғир ва жиддий масъулият ҳам юклайди. Ислом Каримовнинг тақдири ўзбек миллатининг баҳти ва келажаги билан туғаш ёзилмиш экан. Бутун бир улуғ ҳалқнинг мустақиллик масъулияти Исо таваллудидан иккинчи мингйиллик тугалланиб учинчи мингйиллик бошланиш арафасида ушбу шахснинг ақл ва иродасига ҳавола этилганлиги осмоний бир аломатdir.

Аллома тадқиқотчи ақлларни ҳайратга солувчи назария яратади, мумтоз шоир кўнгилларни мафтун этувчи шеър, деҳқон ризқи рўз, косиб ўзгалар эҳтиёжига яраша бир буюм яратса, тадбиркор янги бир корхонага асос солиб, юзлаб ё минглаб ишчи-хизматчиларга фойдали меҳнат билан оила боқиши имконини туғдиради. Давлат арбоби бўлишга жазм этган шахс буларнинг барчасидан оғирроқ масъулиятни ўз елкасига олади. Бунинг учун қанчалар жасорат, қанчалар матонат, қанчалар билим ва тажриба, қанчалар журъят ва ҳиммат талаб этилади. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд камолотга етказган тасаввуф йўлининг ҳар бир улуғ қоидасини сиёsat майдонига қадам босишни ният қилган инсон маънавиятининг ҳам таянч нуқталари сифатида талқин этиш мумкин: «Назар бар қадам» — давлат раҳбари ҳар бир қадамининг минг бир натижасини ҳисобга олмай олға боса оладими? Ахир, бутун ҳалқнинг, бутун жаҳоннинг кўзи унда-ку! «Хуш дар дам» — давлат арбобининг бир сония хотири паришон бўлиши мумкинми? Ҳар нафаси миллионлаб инсонлар тақдири устида турипти, ахир. «Сафар дар ватан» — сафарда Ватан манфаати, Ватанда жаҳон ташвиши унга доимий ҳамроҳ эмасми? Ўз мам-

лакати, ўз халқи манфаатларини жаҳон жамоатчилиги талаблари билан мувофиқ сақлаб туриш учун қанча ҳүшёрлик, акж ва ирода талаб этилади? «Хилват дар анжуман» — Йўлбошли доимо халқ билан, аммо унинг кўнглида ҳар дақиқада не савдолар кечади, буни атрофдагилар сезадими? Бундай оғир ва мушкул вазиятда фақат бир илож ва имкон қолади, у ҳам бўлса дилни Оллоҳга топшириб, ҳар ишга холис Оллоҳ йўлида бел боғлаш, яъни улуғ орифнинг асосий шиорига амал қилиш: «дил ба ёру даст ба кор».

Зоҳид фақат тақвони билади, ошиқ жонини маъшуқ йўлига тиккан. Орифга қийин, бутун борлиқ ҳақиқати унинг қалбida. Аммо ҳукмдорга неча карра қийин эканини ким билади? Аждодларимиз юрт эгасини Оллоҳнинг Ердаги сояси деб бекор айтмаганлар. Бошқача бўлиши мумкин эмас ўзи. Нега тарихда баъзи ҳукмдорлар 1-2 йил, бир неча ой, ҳатто бир неча кунгина таҳт соҳиби бўлганлар? Чунки ҳукмдорлик юкини гарданда омон сақлаб туриш ўзи бўладиган иш эмас, унча-мунча инсон қудрати бунга дош беролмайди.

Ҳар иш Оллоҳдан. Оллоҳ ҳукмини биз гумроҳ бандалар турлича талқин қиласиз. Агар ҳақиқатни англаб ётишга холис Оллоҳ йўлида ҳаракат қилсак, иншоолоҳ, ўзи ҳидоят этар. Аммо гараз аралашса, у талқиннинг хуносаси пуч.

Неча минг йиллик тарихимизда не хоқонлар, не хонлар, не амирлар, не шоҳлар ўтди. Уларнинг бирлари миллат довругини дунёга тарқатган бўлсалар, бошқалири юртни абгор қилганлиги ҳам сир эмас. Охирги юз йил давомида юртимизнинг етакчи ўғлонлари фожеъ тақдирга рўбарў келдилар. Амир Олимхоннинг сиёсатидан норизо бўлган Файзуллахўжа халқим дея қон ютди, аммо орзуси ушалмади. Усмон Юсупов умрини Ўзбекистон халқи учун тикиди, аммо халқ асоратда қолаберди. Шароф Рашидов халқ оғирини енгил қиласман деб кўп уринди, аммо охири бориб халқни ҳам, унинг ўзини ҳам ёмонотлиқ қилиш бошланди. Қарамлик касофатидан эди бу фожиалар. Янги даврда ўзбек халқининг омади Ислом Каримов номи билан боғланди.

150 йиллик асоратдан Мустақилликнинг ойдин йўлига шаҳдам қадамлар билан чиқиб келдик. Энг таҳликали вазиятда Президент масъулиятни дадил уҳдасига олди. Ўша онда ҳатто халқ ноибларининг улкан бир кенгashi ҳам эсанкираб, Президентнинг журъатини дабдурустдан идрок эта олмай, ҳайратдан ўзини йўқот-

ди. Озодлик талаб этиб ҳайқириб юрганлар талмовсираб, ҳақиқатдан чекина бошладилар. Чунки шиорнинг салмоғи бошқа, амалий азму қарорнинг юки бўлакча эди. Шиорни ўртага ташлаб ўзинг четда тураберсанг ҳам бўлади, аммо бутун масъулиятни елкага олиб туриб амалий қарор қабул қилиш ҳаёт ва мамот масаласи, бир умрлик заҳматни ўз қисмати деб икрор бўлиш ва бу юкни охиригача элтиш салоҳиятини ҳис этиш билан боғлиқ.

Халққа турли ваъдалар бериб, ёки мухолифни боллаб фош этиб, сайловда ютиб кетиш қаҳрамонлик эмас-лигини собиқ иттифоқдош жумхуриятларнинг яқин тарихида кўз билан кўрдик. Ҳокимиятни эгаллаш бошқа, давлатни оқиллик билан бошқариб, халқни оғир вазиятдан олиб чиқиб кетиш эса буткул бошқача қурдат ва иқтидор талаб этар экан.

Биз Президентнинг мустақил миллий сиёсат, Ота юрт мавқеини олам узра юксакларга кўтариш, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий уйғунликни таъминлаш, демократик ҳукуқий давлат тизимини шакллантириш, ижтимоий кафолатларни мукаммаллаштириш йўлидаги ва бошқа қатор чўнг хизматларига алоҳида тўхтатмаймиз. Собиқ «Иттифоқ»нинг хомашё базаси бўлмиш — марказ манфаатларига қатъий бўйсунувчи ягона тизим занжирига кўл-оёғи, ҳар бир ҳужайраси билан чамбарчас боғлаб ташланган республиканинг асли но-чор иқтисодий ишлаб чиқариш биноси «Иттифоқ» парчалангач, буткул ҳаробага айланган эди. Ислом Каримов бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги ислоҳотларни шундай мураккаб шароитда шундай носоз пойdevорга таяниб амалга ошира бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг аҳволи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига барқарорлиги ва ижобий силжишлари билан ажralиб турибти. Аммо биз иқтисодий масалаларга ҳам батафсил тўхтамоқчи эмасмиз.

Бир маънавиятчи кўзи билан қараганда, назаримда, дунёда жуда кўп сиёсатчилар асосан сиёсий ўйинлар олиб боришади. Бамисоли моҳир шахматчилар сингари. Давлат бошлиқлари одатда меросий мавжуд давлатни бошқаришади. Аммо гоҳо алоҳида шахслар тақдирига бир пайтнинг ўзида ҳам давлатни янгидан тузиш, ҳам бир йўла бошқариб бориш вазифаси тушади. 600 йил илгари Буюк Амир Темур тақдири шундай бўлган эди. Энди Ислом Каримовга ҳам шундай мураккаб ва масъулиятни вазифа насиб этди. Замон ўзгача. Шавкатли

соҳибқирон ўз вазифасини кўпроқ жангу жадалларда ҳал этган бўлса, Ислом Каримов кўпроқ мураккаб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий чигалликларни ечиш, муаммоловга жавоб излаш йўналишидан бормоқда. Ўзбекистон тақдирини бутун фақат жаҳон миқёсида тафаккур этиб оқилона ҳал қилиш мумкин. Бир нафас ўзингни ўйлашга фурсат йўқ. Ҳар бир дақиқа ҳисобли. Аммо ўзлигидан кечиб қўйган одам енгил яшайди, мириқиб яшайди, чарчамайди ёки чарчаса ҳам сезмайди, суткада 24 соат ишласа-да, завқ билан ишлайди. Чунки юрагида ишқ бор, аланга бор. Ёниб яшаган одам, нурланиб, атрофга нур таратиб яшайди. Ўзи яратадан келажакни ўзи кўриб турди, кўнгли қувонади. Шу билан бирга дилни оғритувчи дард ҳам беҳисоб. «Президент бўлсан-да, ёлғиз бир кишиман», деган эди Йўлбошчимиз бир нутқида.* Нега ёлғиз? Ахир, ҳалқ дарди билан қўйган одам ёлғиз бўлмайди-ку. Тўғри. Лекин мураккаблик шу ердаки, шунча ёрдамчилар, шунча ҳокиму вазирлар иш олиб бориб тургани билан ички қониқиш, ҳаловат йўқ. Мустақиллик масъулияти фақат сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларнингина эмас, маънавий муаммоларни ҳам уйғун ҳал қилиб боришини тақозо этади.

Ўзбекистоннинг сиёсий мавқеи жаҳон миқёсида юксалиб бормоқда. Мустақил мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституция жаҳоннинг энг илғор давлатчилик анъаналарини ўзбекнинг миллий табиати билан уйғулаштира олди. Қолган қонунлар ҳам тобора Конституцияга мослашиб бормоқда. Бозор иқтисодига ўтиш борасида, мамлакатнинг ички иқтисодий тизимини уйғулаштириш, илғор технологик жараёнларга ўтиш йўналишида яхши ишлар амалга ошмоқда. Ижтимоий уйғунлик, барқарор осойишталиқ, ҳалқ бирдамлиги фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги билан баҳамжиҳат ривожланмоқда. Турли сиёсий партиялар ўз мустақил йўналишларини шакллантириб демократия одобини, баҳс, мунозара одобини ўзлаштириб бормоқдалар. Аммо маънавият масаласида ҳануз кўнгил хотиржам эмас. Инсонлар онгини эски ақидалар тўлиқ тарқ этиши қийин кечмоқда. Айниқса, раҳбарлар руҳига сингиб кетган кўнилмаларни енгиб ўтиш машаққати ҳар қадамда сезилиб қолаяпти. Ҳар бир раҳбар ўзи эгаллаб турган юксак мақомни бутун масъулияти билан, кўлами ва залвори билан ҳис этяптими, ўтмиш ва келажак олдида, ҳалқ ва Оллоҳ олдида ҳар бир қадами учун жавоб беришга ҳозирми? Шу оғир юкни кўтаришга

кудрати, билим ва иқтидори, ирода ва саботи етадими? «Ватан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйдиган, қалбида ўти ва эрк туйгуси бор, файратли, куюнчак», айниқса, бугунги кун миллат эҳтиёжи ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар, афсуски, ҳануз кам, кўпчилик ёшларда тажриба этишмайди.

Маънавиятсиз келажак йўқ. Чунки уни роботлар эмас, инсонлар яратади. Инсонлар онги қандай бўлса, мамлакат келажаги ҳам шунга яраша бўлади. Энг катта бойлик — инсонлар руҳиятида яширин. Ана шу сармоя тобора кенгроқ миқёсда муомалага кирган сари, ҳосил унумлироқ бўла беради, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи юксала беради, ўзбеклар ўз аждодларига муносиб улуғворлик касб эта беради.

Ҳали шўролар тузуми мавжуд бўлиб, юртимиз «совет социалистик республикаси» деб аталган даврда — 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимга муносиб топилди. Шу куни президент сифатидаги биринчи нутқидаёқ Йўлбошчимиз «халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш», давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу мутлақо янгича ёндошув, ўша пайтлар республика раҳбари учун катта жасорат эди.

СССР даврида ҳукмрон комфирқа ва давлатнинг барча қарорларида иқтисодий, сиёсий, мафкуравий масалаларга катта аҳамият берилган ҳолда маданиятга энг охирида ғарибина бир жой ажратилар, «маънавият» тушунчаси эса ўша пайтларда юқори доираларда умуман ишлатилмас эди. Бунинг сабаби шундаки, ҳалқ маънавиятини, миллат маънавиятини сунъий равишда, қандайдир ўйлаб топилган ақидаларга (догмаларга) таяниб, юзага келтириб ҳам, кескин ўзгартириб ҳам бўлмайди, чунки **маънавият** тушунчасининг мазмуни бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда шаклланадиган нарса эмас, у ҳар бир ҳалқнинг жуда узоқ тарихи қаъридан озиқ олиб, теранлик касб этиб келади. Тоталитар тузум эса бутун СССР аҳолисини миллатсиз, маънавиятсиз, мустақил ўй-фикрсиз «коммунизм қурувчилари» атальмиш қиёфасиз мавжудотларга, дунёни ўз измига бўйин-сундириш орзусида бўлган кичик бир гуруҳнинг иродасини қулоқ қоқмай ижро этувчи улкан механизмининг «паррак» ва «винтча»ларига айлантириш ниятида эди.

Ислом Каримов ҳалқ маънавиятини юксалтириш деганда нимани кўзда тутганлигини ҳам ўша нутқининг ўзида очик-ойдин баён этди. Инсон руҳиятининг нозик ва мураккаб томонлари билан, «хазиналарга тўла миллий-тариҳий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик» жамиятга қанчалар зарар келтирғанлигини қайд этиб, янгича вазифаларни олга сурди:

«Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, ҳалқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тариҳининг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

*Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждан эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак».**

Шу орада «Мустақиллик декларацияси», давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Ислом динига, «ҳалқ душмани», «миллатчи» сифатида қатағон этилган юрт озодлиги фидойиларига муносабат ўзгара бошлади, Куръони карим, ҳадиси шарифлар таржимаси нашр этила бошлади. Буюк аждодларимиз хотираси эъзозланниб, улар васият этган руҳ озодлиги, қалб поклиги, имону диёнат тушунчалари нафақат инсонлар дилида, балки расмий даражаларда, матбуот саҳифаларида ҳам қайта қадру қиймат касб эта бошлади.

1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди ва ўша йил тўкин кузнинг биринчи ойида ўзбек миллий маънавиятининг қўёшига бағишли надиган асосий тантана ва тадбирларни ўтказиш белгиланди. Оллоҳнинг иноятини қарангки, худди ушбу тантаналар бошланиши олдидан Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи куни Мустақиллик байрамига айланди. Президентимиз «миллат байрами» деб атаган Мир Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйи, шундай қилиб, «Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват баҳш этди», «юритимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унтутилмас сана бўлиб қолди».

Миллий мустақиллигимизнинг иккинчи йилида Президент «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг ало-

* Китобда келтирилган иқтибосларнинг манбалари изоҳларда кўрса-тилган.— *Mux.*

ҳида боби «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб номланган ва унда бу 4 асосий негиз бирма-бир санаб кўрсатилган:

«— Умуминсоний қадриятларга содиклик;

— Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— Ватанпарварлик».

Мустақиллик маънавиятининг асосини ташкил этувчи бу тўрт негиз ўзаро чуқур ички уйғунликка эгадир.

Маълумки, ҳар бир миллат, ҳар бир ҳалқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир ҳалқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди. «*Одамзод бирорвинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди*», дейди Йўлбошчимиз. Ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари бўлганидек, ҳар бир юрт ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза-ўлчовлари, расм-қоидалари бўлади. Улар ўша юртнинг табиий-жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

Мавхум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти тури турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуудан иборат. Қандай миллат, қандай ҳалқ бўлмасин, барибир, уни муайян **инсонлар** ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзуниятларига эга. Аммо уларнинг барчаси Оллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси — бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган **муайян қадриятлар мажмуи** ҳам мавжуддир. Бу қадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўр-кўронга инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли таъсир этиши мумкинлиги тарих тажрибасида кўп марта исботланган. Албатта, бундай қадриятлар барча инсонлар, барча миллатлар томонидан бирданига, азал-ибтиодан англаб етилган, идрок қилинган деб бўлмайди. **Умуминсоний қадриятлар** ҳар бир миллатнинг маънавий мулкига айланиши учун асрлар, балки минг йиллар керак бўлди. Ҳатто бугун ҳам барча инсонлар, барча элат ва тоифалар уларни тугал англаб етган, дейиш қийин.

Масалан, энг асосий умуминсоний қадрият ҳар бир дунё юзига келган инсоннинг яшаш ҳуқуқини олайлик. Барча илоҳий китоблар инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади, ўзгаларга ноҳақ озор етказмасликка, инсонни нобуд этмасликка чакиради. Аммо инсонлар доимо ушбу даъватга риоя этиб келмоқдами? Қайтага, астағфуруулло, ўша китоблар қатидан ўзларига мақбул бўймаган ўзга инсонларни йўқ қилиш учун фатволар излайдилар, ўзларини «мусулмон», ўзгаларни «кофир» деб эълон қиласидилар. Ҳолбуки, инсонлар эътиқоди ҳақида ҳукм чиқариш фақат Оллоҳга тегишилдири. Оллоҳ ҳатто ўз пайғамбарларига ҳам ўзгалар устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқини берган эмас, Оллоҳнинг расуллари фақат унинг ҳидоятини бандаларга етказишга масъул этилган, яъни **пайғом** (хабар) элтувчиidlар. «Ҳукм қилиш фақат Оллоҳнинг ўзига хосдир», дейилади Куръони каримнинг «Анъом» сураси 57-оятида. Атроф муҳит, табиятга беҳуда зиён етказмаслик яна бир умуминсоний қадрият бўлиб, афсуски, бу ҳам ҳанузгача кўпчилик инсонлар томонидан амалда риоя этилаётган қоидага айлангани йўқ. Инсонлар, одатда, арзимас ҳою ҳаваслари йўлида ўз келажаклари илдизига аёвсиз болта урадилар. Яна бир умуминсоний қадрият **адолат туйғуси** бўлиб, ўзбек ҳалқининг «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғри маса, бировга», деган ўткир рамзий мақоли бу қадриятни кучли бир тарзда ифодалайди. Инсон кофирга ҳам, мусулмонга ҳам, дўстига ҳам, душманига ҳам адолат юзасидан муомала қилиши зарурлиги илоҳий китобларда очиқ-оидин баён этилган. Оллоҳ таолоннинг «Раҳмон» исм-сифатида унинг Олий адолати ёрқин ифодасини топган ва бу ҳам инсонга табаррук ибрат бўлмоғи керак. Аммо адолат тарозуси паллаларини доимо тенг тутиш жуда кам одамларга насиб этиб келмоқда. Яратувчилик меҳнати билан шугулланиб, ўз моддий эҳтиёжларини таъмин этиш ҳам умуминсоний қадрият ва табиий заруратдир. Бу қадриятни тан олгиси келмай, айланиб ўтишга, ўзгалар меҳнати ҳисобидан ўз баҳтини куришга уринган кимсалар ҳануз керагидан ошиқ учрайди. 130 йиллик асоратдан сўнг янгидан мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашга интилар экан, аввалбошдан ўз баҳтини ўзгалар ҳисобига куришга умид боғласмасдан, барча ҳалқлар билан тенг, адолатли, дўстона ва самимий муносабатлар ўрнатишга тарафдор бўлиб чиқмоқда, башариятнинг келажаги учун ўзини ҳам бошқа-

лар қатори масъул ҳис этмоқда. Бундай ёндошув ўзбек халқининг минг йиллик маънавий тажрибасига кўп жиҳатдан мувофиқ келади.

Аммо миллат умумбашарий миқёсда ўз муносиб қадрини топиши учун миллий меросга таяниши ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиши етарли эмас. Агар қайси миллат ўзига мансуб ҳар бир инсоннинг барча ички имкониятлари, истеъоди рӯёбга чиқишига шароит яратмас экан, ҳар бир шахснинг ташаббуси қадр толмас экан, ҳар бир ёш қалбida билимга, тафаккурга, фаол яратувчиликка интилиш иштиёқи аланга олмас экан, миллат камоли, мамлакат қудратининг юксалиши ҳақидаги галлар оғизда қолиб кета беради. Ҳар бир фуқаросининг баҳти учун қайғурмаган жамият етук жамият бўлмайди. Шу сабабли мустақил юртимизда ўтказилаётган барча ислоҳотлар, қабул қилинаётган барча қонунлар руҳи шунга йўналмоқда.

Ватан меҳри олий қадриятдир. Ўз ватанини севмаган, миллатининг қадрига етмаган ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам, куррайи замин ободлигининг ҳам қадрига етмайди. Бу ҳам — ҳақиқат. Демак, Ватанга садоқат — ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр, аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қиласиди, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Чунки Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, гўё таянчсиз муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялади. Демак, мустақиллик маънавияти она юрга муҳаббатдан, миллат манфаатларига садоқатдан бошланади, ҳар бир шахснинг ўз ички имкониятларини Ватан манфаати йўлида унумли ривожлантириши билан намоён бўлади, унда миллий маънавий меросдан мукаммал баҳрамандликка интилиш умумбашарий қадриятлардан оғишмаслик, ўзга миллатлар маданияти, ўзга минтақа ва ўлкаларда эришилган илфор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш иштиёқи билан уйғунликда тўлақонли тажассум топади.

Президентимизнинг барча нутқлари ва рисолаларини ўзимни қизиқтирган мавзу нуқтаи назаридан бирмабир кўздан ўтказиб чиқдим. Мени ҳайратга соглан нарса шуки, аждодларимиз яратган маънавий мерос, халқимизнинг дилида сараланиб келаётган, унинг оғзаки

ижоди, ҳикматлари, мatal ва мақолларида акс этган эзгу ақидалар ва Президентимизнинг маънавият масалаларига муносабати, мулоҳазалари, фикр йўналиши ўзак-ўзагидан ўзаро мувофиқ, уйғун бўлиб чиқди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасдек туюлади биринчи қарашда. Аммо дунё сиёсатида бунга зид мисоллар кам эмас-ку. Оллоҳ таолодан баҳт тилаганда тўқис тилаган дуруст. Илоҳи, миллатимизга мустақиллик саодатини насиб этган Парвардигори Олам унинг бардавомлигини ҳам, баракатини ҳам тўқис ато этган бўлсин. Иншооллоҳ, миллат ва унинг Йўлбошчиси азму қарорда, саъй-ҳаракатда доимо ҳамдам, ҳамқадам келмоқда, келажакда ҳам шундай бўлсин.

Йўлбошчи халқдан айру эмас. Чунки халқнинг, миллатнинг ниҳоний тиласи, истаги бугун Йўлбошчининг кўнглидаги тилакдир, истакдир. Баъзан ишларимиз биз кутган суръатлар билан олга силжимаётган бўлса, бунинг иллати иккита: бири — худбинлик балоси, нафс балоси. Бу касаллик бутун аҳли башарда бор. Бинобарин дунёнинг кўпгина мамлакатларида жамият бу иллатни қандайдир ҳудудларда жиловлашга эришган. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва масъулияти меъёрларини муайян ўлчовларда сақлаб боришга одат ҳосил қилган. Собиқ «совет» кишилари онгида эса бу ўлчовларнинг асослари, туб маънавий негизлари ювилиб кетган бўлиб, бундай маънавий инқирознинг сабаблари 70 йиллик тоталитар тузум мафкураси билан боғлиқ. Бу мафкура бизнинг миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳи учун азалдан бегона, ёт бўлиб, фақат сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида четдан зўравонлик йўли билан киритилди ва онгимизга сингдириш учун шафқатсиз чоралар қўлланди.

Таассуф билан қайд этиш лозимки, большевистик тоталитар тузумнинг бу уринишлари муайян «натижажа»ларга эриша олди. Туркий асотирларда, Алишер Навоий ва Беҳбудий асарларида, ниҳоят, XX асрда яратилган «Бўронли бекат» романида гавдалантирилган «манкуртлик касали» одамларимиз онгида анча-мунча томир отиб ултурди. 70 йил мобайнида большевистик мафкуранинг якка ҳукмронлиги, айниқса, 1937—1938 йил қатағонларидан кейинги авлодни ўз миллий қадриятларидан, маънавий меросидан жиддий бегоналашувига сабаб бўлди. Ана шу мажбурий юқтирилган иллат маънавиятимиздаги қарамлик асорати бўлиб, унга алоҳида тўхталиб ўтиш эҳтиёжи бор.

З - ф а с л. Қарамлик асорати

«Үз истиқолол ва тараққиёттүйлүмиз, — деб ёзади И.А. Каримов, — бу гул билан қопланған йүл эмас, бутомалитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартар-раф этишининг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир».

Октябрь тўнтаришининг ташаббускорлари ваъда қилган «нурли келажак» миллион-миллион инсонлар фожиасига айланниб, қон кечиб, инсонларни очлик ва хўрликка гирифтор қилиб бунёд этилган истибод тузуми ниҳоий натижада ўз-ўзини буткул бебурд қилди. Дунё узра ҳукмронлик даъвоси билан бошланган «энг илгор ижтимоий тузум» куриш йўлидаги чиранишлар хомхा�ёл бўлиб чиқди. Ташқаридан ҳеч бир душман очиқ ҳамла қўлмай СССРнинг ўз-ўзидан парчаланиб кетиши, «социалистик лагерь»га мансуб давлатларнинг бирин-кетин бозор иқтисодига, хусусий мулкчилик муносабатларини тиклашга, яъни марксистик нуқтаи назардан «орқага», «капитализм»га қайтиши, XX аср охирларидағи технологик янгиланиш жараёнлари, иқтисодий юксалиш, моддий фаровонлик «капиталистик» дунёning пешқадам давлатларида юз берадиганлиги, демократия ва маънавият соҳасида ҳам кейинги пайтларда ўшалар илгарилаб кетаётганлиги, бизга эргашиб социалистик тамойилга ўтган ёш мустақил давлатларнинг кўпчилиги иқтисодий ва сиёсий тангликлардан боши чиқмай қолганлиги ва яна жуда кўп ҳаётй далиллар марксизм асосчиларининг нақадар адашганликларини кўрсатиб турипти. Булар амалиёт сабоқлари.

Аммо турли сабабларга кўра собиқ иттифоқ даврини кўмсаётган бир қатор назарийчилар марксизмнинг ҳаётдаги мағлубиятларини у ёки бу жузъий баҳоналар билан изоҳлашга ҳаракат қилиб, ҳануз «доҳийлар» орзусини баъзи тузатишлар билан амалга ошириш мумкин деб умидвор бўлмоқдалар, масалан, Россиянинг бундай хатарли «хаёлпарастлар»и бугунги кун сиёсат майдонида сезиларли ва фаол ижтимоий куч сифатида юзага чиқиб ҳалқ тақдирини белгилашга уринмоқдалар.

Бизда бевосита бундай хавф йўқ. Ҳалқимиз қарамлик асоратидан қутулганига Оллоҳга минг шукроналар айтиб, мустақиллик йўлида яқдил олға ҳаракат қилмоқда. Бунинг ижобий натижалари ҳам кундан-кун ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Шундай бўлса ҳамки, ҳамма иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳалқимизга марксизм ил-

гари ҳам зўраки «қабул қилдирилган» эди, шу сабабли ҳурлик даври келиши билан ялпи ўз маънавий қадриятларимизга қайтиш бошланди. Аммо инсон дунёга кўз очган кунидан барча воситалар билан руҳига сингдириб келингган ақидалардан қутулиши осон эмас. 70 йил давомида барчамизга мунтазам уқдириб келингган «ҳақиқатлар», бутун ҳаёт тарзимизга татбиқ этилган «шўро» тартиб-қоидалари ўзимиз хоҳлаш-хоҳламаслигимиздан қатъи назар онгимизнинг қат-қатига жойлашиб, бутун энди эркин ва мустақил фикрлашга, минг йиллик қадриятларимизни, тарих ҳақиқатини ҳамда воқеликни тўғри ва холис қабул қилишга ҳалақит бермоқда.

Президент 1996 йил 12 апрелдаги чет эл журналистлари билан ўтказган сұхбатида яна қайта тақрорлаганидек, «ўтмишнинг қотиб қолган андозалари таъсиридан кутулиш жуда қийин кечеётир». Ушбу қийинчиликнинг яна бир жиддий сабаби бор. Маълумки, зиёлилар жамиятнинг маънавий жиҳатдан етакчи кучларидир. Бу ҳақиқатни большевистик тузум раҳбарлари ҳам яхши билишган ва шу туфайли зиёли тоифасига алоҳида «эътибор» қаратишган. Бу «эътибор» икки йўналишда намоён бўлган. Биринчидан, барча мустақил фикрли, айниқса, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган ва ўз қарашларини сабит ҳимоя қилган ҳақиқий зиё эгалари тўғридан-тўғри қириб ташланган, жисмонан маҳв этилган. Буни бутун ҳаммамиз яхши биламиз. Иккинчи йўналиш балки биринчисидан ҳам хавфлироқ бўлиб, бутун-бутун авлодлар онгини тамомила чалғитиб ташлашга мўлжалланган. Уни амалга оширишдаги маккорлик ва устомонлик шундаки, юртнинг истеъоддли ва билимга чанқоқ ёшлари мактаб ёшидан «коммунистик» тарбия билан онги заҳарланган. Ёлғон «ҳақиқат»лар башарият тафаккурининг энг янги ва илфор ютуқлари сифатида уларнинг «миясига қўйилган». Айниқса, ижтимоий соҳада билим олишга, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга уринганлар онги бу жиҳатдан жиддий шикаст кўрган. Мана энди бутун ёш авлод тарбияси билан машғул бўлишга масъул этилган, турли илмий унвон ва даражага эга бўлган бу соҳа вакиллари ўз хотираларига пухта ўрнашган ақидалардан халос бўлишда жиддий мушқулотларга дуч келмоқдалар.

«Энг аввало, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишишим лозим, — деган эди Йўлбошчимиз тўрт йил илгари.— Бу энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири».

Бугунги кунда руҳимизда дадил ўзгаришлар шақлланмоқда, халқимиз маънавий инқироздан чиқиб олди. Аммо ҳануз эски мағкура кишанлари узил-кесил парчаланган деб бўлмайди. Шу сабабли коммунистик ақидапарастликнинг асос принципларини бир қадар кўздан кечириб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Уларнинг захрига шу қадар онгимиз одат ҳосил қилганки, бугун бизнинг олға силжишишимизга нақадар халақит берётганигини дабдурустдан тасаввур ҳам қила олмаймиз, кўзимизга оддий назарий баҳсдек кўринади.

Марксизмнинг энг биринчи жиддий ақидаси зўравон даҳрийлик, яъни комфирқа асосчиси таъбири билан айтганда «жанговар атеизм» (воинственный атеизм). Дунё тарихида атеизм янгилик эмас. Даҳрийлик инсоннинг ўз кучига ошиқча бино қўйиши, яъни такаббурликдан, борлиқнинг сир-синоатини чуқур англамай, жўн тушуниш ва талқин этишдан, андишасизлик ва ўзгалар фикрини менсимасликдан келиб чиқади. Ақлли одам ўзини ҳақ деб ҳисоблашдан аввал ўзгаларни тушунишга, ўзига хато туюлган мулоҳазалар мөҳиятини англаб етишга уринади. «Дунёда барча ёлғончию мен ростгўй, барча нодону мен доно, барча гумроҳу мен ҳақ» деб ўйлагани андиша қиласди.

Виждон эркинлиги инсон ҳурлигининг таркибий қисми, агар ким даҳрийлик эътиқодида бўлса, ўзининг иши, аммо бутун жамиятни шу йўлга мажбур қилиш — большевистик истибдоднинг энг оғир жиноятларидан-дир.

Даҳрийлар дунёни билиш, ҳақиқатни англаб етишнинг фақат бир йўналишига, яъни кўпроқ мантиқий тафаккурга, маҳсус тажрибалар асосида чиқарилган хуносаларга таянадилар. Ваҳоланки, маҳсус тажриба хусусий билим беради, умумий уйғунлик сирларини очиб кўрсатмайди.

Даҳрийлар илоҳий китобларни тарихий ёки фалсафий рисолаларга қиёслаб, улардан «камчилик» топадилар. Ваҳоланки, ваҳий матнлар файласуфлар ёки бошқа тоифа олимлар учун эмас, ўз даврининг барча (хос ва авом) кишилари учун нозил қилингандир. Илоҳий китоблар мантиқ ва далил-исбот тили билан эмас, ишора ва рамзлар тили билан сўзлайди, чунки илмий тил фикрни чеклашга, мажозий нутқ эса тасаввурни чексизликка етаклашга мўлжаллангандир. Илоҳий мантиқ инсон тасаввuriга сифмайди, шу сабабли унга фақат ишоралар қилинади.

Даҳрийлар саволни ҳам нотўғри қўядилар. Улар «худо борми, йўқми?» деб ўзларини ёки ўзгаларни сўроққа тутар экан, аввал «инсон ўзини яратган қудратнинг асл миқёсини тасаввур этиши мумкинми», деб ўйлаб кўрмайдилар. Биз уларга шундай қарши савол берамиз: «Сиз файбга ишонасизми?» Бу савол анча одий ва инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини ҳам тўғри белгилайди. «Файб» — Борлиқнинг ушбу шахс учун, балки бутун инсоният учун шу бугун бор-йўқлиги но-маълум бўлиб турган қисми. Агар инсон файбга ишон-маса, унда илмий изланишлар ҳам, янги қашфиётлар ҳам юз бериши қийин. Агар ишонса — кейинги саволга ўрин қолмайди.

Худосизлик табиатга шафқатсиз муомалани шакллантиради. Бутунги экологик фожиаларнинг кўпи ушбу худобехабарлик оқибатлариридир. Худосизлик ҳар бир шахс томонидан ўзга инсонларга ўз баразли мақсадлари йўлидаги бир восита деб қарашини ўргатади, бу қараши инсон ҳаётининг қадрсизланишига олиб келади ва уни ҳеч қандай гуманизм («инсонпарварлик») шиорлари билан тузатиб бўлмайди. Ва, ниҳоят, худосизлик инсоннинг ўзга инсонлар, ҳатто, яқин қариндошлар — отаона, фарзанд, оға-ини, опа-сингил, дўст-қадрдонлардан ҳам бегоналашувига, охир-оқибатда, ўзлигини, ўз қадрини ҳам билмасликка, хуллас, инсон ҳаётининг асл мазмуни йўқолишига олиб келади. Инсон фақат оний лаззат, ҳайвоний ҳирслар қулига айланади, маънавият тушунчаси ошиқча бўлиб қолади. Худосизлик инсонни эътиқоддан маҳрум қиласи, қалбидаги маънавият нури-ни ўчиради.

Иккинчи таянч нуқта — пролетар диктатураси. Ишчилар синфининг энг илфор синф эканлиги афсона. Аввало, ишчи ҳам инсон. Йисон камчиликсиз, қусурсиз бўлмайди. Марксизм асосчилари капиталистдан, деҳқондан, зиёлидан турли қусурлар топган ҳолда, ишчини фариштага чиқариб қўйдилар. Аммо ишчилар синфининг мутлақ диктатураси нимага олиб келганини бутун жаҳон кўрди. Ишчи ўз тоифасининг тор манфаатлари доирасида қолар экан, на тадбиркорнинг, на зиёли, на деҳқоннинг асл фазилати нимада эканини англаб ета олмайди. Марксизм асосчилари ҳам ўз қа-рашларини ишчилар синфи тафаккур доираси билан чеклаб бошқа ижтимоий тоифалар моҳиятини холис талқин эта олмадилар.¹

¹ Ижтимоий тоифалар ҳақида IV бобда батафсил мулоҳаза юритилиди.

Учинчи, бугунги куннинг энг жиддий масаласи — хусусий мулкка муносабат. Мулк ҳуқуқи инсон иқтисодий эркинлигининг кафолатидир. Мулки бор инсон — том маънодаги эркин инсон. Мулки йўқ одам кимгадир доимий қарамликка маҳкум. Хусусий мулкнинг йўқ қилиниши инсон эркининг, демократиянинг, эркин ташаббус ва тадбиркорликнинг, демакки, ривожланишнинг илдизига болта уришдир. Хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши барча инсонни ягона «доҳий»га қул қилиб боғлаб беради, иқтисодий эркинликдан буткул маҳрум этади. Иқтисодий қуллик ва эътиқодсизлик (ягона Тангрининг мавжудлигини инкор этиш) инсонни ҳайвондан ҳам ночор ва хароб қилиб қўяди, тоталитар диктатура эса уни буткул нобуд этади.

Мулк инсонга ўз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Шўролар тузуми инсонтириклиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик ушбу ҳуқуқни жиноят даражасида баҳолаб, инсонни буткул ундан маҳрум этач, ўз бўйнига ҳеч қачон мукаммал бажариб бўлмайдиган вазифаларни олишга мажбур бўлди. Фуқароларининг фидойиларча тинимсиз меҳнати ва «баҳтли келажак» йўлидаги сўзсиз итоаткорлиги эвазига собиқ тоталитар тузум уларга нималардир ваъда қилиши даркор эди. Дарҳақиқат, қофозда жуда кўп «имтиёз»лар хусусида лофт урилди. Жумладан, кафолатли иш ҳақи, ёш авлодга бепул таълим, беморларга бепул тиббий ёрдам, кексаларга нафақа, гўдақларга имтиёзли ясли-богчалар, ишчиларга тураржойлар, дам олувчилиарга йўлланмалар ва ҳоказо, ва ҳоказо. Аввало, буларнинг кўпи амалда кимларга тегди, кимларга тегмади. Масалан, болаларни боғчага жойлаш ёки навбат билан тураржойга эга бўлиш муаммолари ўз давридаёқ турли латифа ва ҳажвий саҳналарга мавзу бўлганлиги сир эмас. Бу ҳам майли. Аммо бундай маккорона сиёсаннинг энг асосий зарари энди маълум бўляяпти ва ёш миллий мустақил давлатимизни оёққа турғизишга жиддий ҳалақит бермоқда. Бу боқибекамлик, мутелик, «берсанг ейман, урсанг ўламан» кайфияти. Илмий тушунча сифатида таърифласак, шахснинг ўз **иқтисодий мустақиллик масъулиятини ҳис қилмаслиги**. Буни бугунги публицистлар «боқимандалик кайфияти» деб аташмоқда.

Дунёнинг ҳеч қайси бурчида ҳеч ким давлат мени боқиши керак, деб ўламайди. Чунки Октябрь тўнтаришигача ҳеч бир давлат бу масъулиятни ўз гарданига

олган эмас. Большевиклар ҳокимияти ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам мағкуравий йўналишларда мутлақ ҳукмронликни ўз қўлларида тўплаб, иложсиз барча фуқаронинг иқтисодий таъминоти масаласини ҳам ўз уҳдаларига олишга мажбур бўлди. Натижада барча аҳоли руҳий фаолиятсилигка маҳкум бўлди, изланишнинг, ташаббус ва тадбирнинг маъноси қолмади. Биринчи, ҳатто иккинчи авлод илгариги тузум даврида ҳосил қилган кўнималари таъсирида, қолаверса, бир бурда нон учун астойдил меҳнат қилган бўлсалар, кейинги авлодлар буткул йўналишни йўқотди, ҳалол меҳнат ва ташаббуснинг қадрсизлиги шароитида бефарқлик касалига чалинди. Оргиқча ўзини уринтирувчи одам атроф-теваракдагиларнинг энсасини қотирадиган, жамоа ичидаги бегона кўринадиган бўлди. Барча «совет халқи» учун умумий бўлган рус тилида «Ташаббуснинг жазоси бор» («Инициатива — наказуема»), «Иш бўлса, қочмайди» («Работа не волк, в лес не убежит»), «Эртага қилиш мумкин бўлган ишга бугун уринма» («Что можно сделать завтра, не делай сегодня») каби турли истеҳзоли иборалар пайдо бўлди. Одамлар қўл учидаги («спустя рукава») иш қиласидиган, ойлаб, йиллаб бекорчи қофозбозлик билан вақт ўтказадиган, ўзини кўп уринтирамай, хизмат вазифаларини фақат эл кўзига, расмият учун қофозда бажарадиган бўлиб кетишиди. Ким шаллақироқ бўлса, таниш-билишни ишга солса, ёки убу «узатса» давлатнинг текин «имтиёзлари»дан бемалол фойдаланадиган; камтар, камсукум, ўз ишига меҳр қўйган кишилар четда қолиб кетадиган бўлди. Охироқибатда иқтисодий мустақиллик масъулияти кўпчиликнинг онгига унтутилиб, фақат икки нарса қолди: бири — давлат ишини ишончли билиб, давлат таъминотига умид боғлаш (чунки бутун «совет» тарғибот тизими шу йўналишни тарғиб ва тавсиф қиласар эди), иккинчиси — хусусий мулкдор йўналишига ишончсизлик ва бу йўналишда уқувсизлик (чунки хусусий мулк қонундан ташқари бўлган шароитда хусусий бойлик ортириш фақат гайриқонуний, демак, мавжуд қонунларга кўра жиноий йўл билан бўлиши мумкин эди ва ҳар қандай бойликка интилиш «совет даври» жамоатчилиги назарида ўта салбий тамойил ҳисобланарди). Бутун ушбу икки тамойилни енгиб ўтиш ҳаммамиз учун жуда машақватли бўлмоқда ва ислоҳотлар суръатини етарлича жадаллаштиришга халал бермоқда.

Энди охирги ва, назаримизда, бугунги кун учун энг

муҳим ҳамда долзарб масала хусусида. Баъзан назарий баҳсларда шундай фикр олға сурлади: марксистларнинг ижтимоий воқелиқдаги амалий ҳаракатларида жуда күп қусурлар рўй берганини тан олмаслик иложи йўқ, аммо Маркс фалсафасининг дунёни идрок этишдаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди-ку. Хусусан, диалектика дунёни идрок этишнинг методи сифатида ўрганишга арзимайдими? Умуман олганда, нотўғри назарияларни ҳам ибрат нуқтаи назаридан ўрганиш фойдадан холи эмас. Лекин масаланинг нозик томони шундаки, дунё илми тарихида нотўғри назариялар, фараз ва тахминлар беҳисоб. Уларни муайян фан соҳаси билан алоҳида шуғулланувчи киши ўрганса бўлади ва балки ўрганиш ҳам керакдир. Аммо бир нотўғри назарияни ажратиб олиб барча ўқув юртларида уни батафсил ўрганишни (ҳатто танқидий нуқтаи назардан ҳам) талаб қилисак кўп ҳам инсофдан бўлмас. Чунки инсоннинг вақти чегарали. Агар у ўз ихтиёри билан бир нарсани ўрганишни лозим топса, бошқа гап, аммо ҳар бир мутахассисликни эгаллашга жазм этган кишининг вақтини иложи борича тежаб, режа ва дастур тузмоқ ақдла мувофиқдир.

Диалектика тўғрими, нотўғрими? Қадимда «диалектика» баҳс одоби, тартиб-қоидаси сифатида талқин этилган ва бу нуқтаи назардан «диалектика» атамасига ҳеч қандай эътироz бўлиши мумкин эмас. Аммо марксистик фалсафанинг асосий методологик пойдевори ҳисобланган «диалектика» тушунчаси, аниқроғи, унинг асосий қонуни хусусида алоҳида тўхталиш жоиз.

Диалектик материализмнинг Ленин таърифига кўра ядроси, яъни ўзаги, мағзи «қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши» қонунидир. Агар Ҳегель ўзининг «идеалистик» фалсафий мушоҳадасида муайян таҳлил усули сифатида уни қўллаган бўлса, Маркс-Энгельс бу «фалсафий спекуляция» усулини воқелик сифатида мавжуд деб қараб «табиат ва ижтимоий-тарихий воқеликнинг ўз-ўзидан ҳаракатланиш ва ривожланиш манбаи» деб эълон қилидилар.* Бу фаразнинг қанчалик ҳақиқатга тўғри келиши ҳақидаги мулоҳазаларни кейинроққа қолдириб, ҳозирча ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётга қўлланиши ва унинг оқибатлари масаласига тўхталиб ўтсак. Аввало, бу қонун марксистларнинг ўзи томонидан барча нарса-ҳодисаларнинг ички моҳияти сифатида талқин этилди. Бу талқинга кўра, агар қарама-қарши жиҳатларнинг бири бартараф этилса, иккинчиси ҳам ўз моҳиятини

ўзгартиради. Яна аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, аслида ҳеч бир нарса-ҳодисанинг моҳиятига оид жиҳатлардан (улар нечта бўлишидан қатъи назар) бирортасини ажратиб олиб, чиқариб ташлаш воқеликда мумкин эмас, чунки нарса-ҳодисанинг **моҳияти** моддий эмас, мавҳум тушунчадир, бизнинг онгимиздаги тасаввурдир, у яхлит бўлади, назарияда муайян қирраларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлса-да, амалда улардан бирортасини ажратиб олиб ташлаб бўлмайди, чунки **моҳиятдаги** ҳар қандай ўзгариш ушбу нарса-ҳодисани буткул бошқа нарсага айлантириб ташлайди.

Аммо Гегелнинг фалсафий мушоҳадаларида қўлланилган таҳлил усули марксистлар томонидан «воқеликнинг моҳияти» деб эълон қилингач, амалда ундан жуда «ажойиб» бир шаклда, аникроқ айтганда, **сиёсий кураш воситаси** сифатида фаол истифода этилди. Аввало, ижтимоий воқелик қарама-қарши синфларнинг аёвсиз курашидан иборат деб эълон қилинди. Жамиятдаги мавжуд турли тоифалар аро мураккаб муносабатлар ўта жўнлаштирилиб, фақат икки ўзаро муросасиз (антогонистик) синфнинг курашидан иборат деб қаралди. Бошқа ижтимоий тоифалар жабҳанинг ё у, ё бу тарафига ўтишлари воқе ҳаёт тақозоси сифатида тақдим этилди. Устига-устак, мавжуд ижтимоий воқеликнинг таркибий унсури бўлмиш ишчилар синфи (пролетариат) энг илғор синф деб эълон қилинди ва, натижада, дунё оддий марксистлар назаридаги худди милодий III асрда яшаган Моний таълимотидаги сингари нур ва зулмат, ёвузлик ва эзгулик кучлари орасидаги кураш тарзида тасаввур этилди. Бунда ишчилар синфи — эзгулик кучлари, келажак сари етакловчи қудрат, буржуазия — ёвузлик тимсоли, эксплуататор, йўқликка маҳкум қилиниши керак бўлган ўтмиш сарқити, жамиятнинг келгуси ривожига тўскенилик қилувчи реакцион куч сифатида баҳоланди. Бундай ибтидоий (жоҳилона) тасаввурларнинг нималарга олиб келганлиги ҳаммамизга маълум.

Ленин «ғоялар омма руҳини эгаллаб олса, қудратли кучга айланади», деб беҳуда айтмаган. Воқеликнинг моҳияти қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашидан иборат деган талқин ижтимоий воқеликдаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўша даврда чиндан ҳам камситилган ва ночор аҳволда бўлган гуруҳлар томонидан уларнинг ўз савиясига яраша жўн тушунилиб, инқилобий шиор тарзида қабул қилинди. Натижада бу гуруҳлар

сиёсий ҳокимиятга интилувчи радикал унсурлар қўлида қудратли бузгунчилик қуролига айланди, ва ниҳоят, уларга таяниб, ишчилар синфи анча-мунча ўзлигини таниган Фарбий Европада эмас, балки, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида энг қолоқ давлатлардан бўлмиш Россияда большевиклар устамонлик билан ҳокимиятни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Ушбу ғоянинг «омма руҳини эгаллаши» нафақат Россия, балки бутун башарият учун неча ўн миллионлаб кишиларнинг беҳуда қурбон бўлишларига сабабчи бўлди, чунки марксизм мафқурасига таянмагандан бир ҳовуч большевиклар улкан бир ҳудудни 70 йил қўлда сақлаб, дунёни икки муросасиз зид қутбга ажратиб ташлаши мушкул эди. Дарҳақиқат, Маркснинг «кашфиёт»и ижтимоий ҳаётда ўз бузгунчилик қудратига кўра атом ва водород бомбаси ёхуд бошқа энг даҳшатли ялпи қирғин қуроларидан кам кучга эга бўлмади. Шукурлар бўлсинким, бутун бу «кашфиёт» эскирди, жаҳоншумул қонун сифатида ўзининг инсон манфаатлари учун яроқсиз эканлигини тўлиқ исбот қилди. «Амалиёт — ҳақиқатнинг маҳак тошидир», — деган эди большевиклар доҳийси. Агар шу қоида тўғри бўлса, диалектик материализмнинг ўзак қонуни — «қарама-қаршиликлар бирлиги ва қурашибиши»ни Борлик ҳақиқати (ёки моҳияти) деб тушуниш инсониятни ҳам, ушбу фалсафанинг тарафдорларини ҳам яхши оқибатларга етакламаганлигини ҳаёт воқелиги (практика) очиқ-ойдин исботлаб берди.

Президент И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида шундай ёзади: «*Қурашаётган тарафлар ўз нуқтаи назарлари ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтириб, можароларни қанчалик чуқурлаштириб борсалар, бу можаро унинг қатнашчилари қўлга киритган ютуқлардан кўра беқиёс даражада кўп нарса йўқотишларига олиб келиши мумкинлиги ўнчалик ойдинлашиб бораверади. Миллионлаб кишиларнинг тақдирни хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқибат бўлмайди*». Албаттаги, бу мулоҳазалар муайян ўзаро зид жанговар гуруҳлар ҳақида айтилмоқда. Аммо моҳиятнан тарафлар орасидаги қарама-қаршиликларни чуқурлаштириш ва бутун эътиборни шунга қаратиш айни марксизмнинг асосий қонуни табиатига мосдир. Шу жиҳатдан дунёни идрок этишнинг бундай янгилиш йўналиши унинг тарафдорлари қандай талқин этишидан қатъи назар амалда «нифоқни авж олдириш» фалсафаси

бўлиб чиқаберади. Бугунги ҳассос шароитда бу хавфни жиддий идрок этиш ва «қурбонлар эвазига ёрқин кела-жакка эришиш» ўта хатарли ният эканлигини унутмаслик ниҳоятда муҳимдир.

4 - ф а с л. Мустақил тафаккур зарурати

Мустақилликнинг иккинчи йилида Асосий қонуни-миз қабул қилинди. Унинг II боби 12-моддасида «Ўзбе-кистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институт-лар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси си-фатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб ёзиб кўйилган. Етмиш йил тоталитаризм жабрини тортган халқимиз бу қоиданинг қанчалик катта аҳамиятта эга эканлигини яхши тушунади.

Инсон ва жамият ҳаётини аёвсиз курашдан иборат деб билган бир гуруҳ ашаддий мафкурачилар таназзул ботқоғига ботган, беъмани урушлардан силласи қуриган улкан бир империядаги энг начор қатламларга таяниб, уларга «фаровон келажак» ваъда қилиб, олғирлик билан сиёсий ҳокимиятни кўлга киритгач, биринчи бўлиб «сиёсий душман» ҳисобланмиш мулкдор тоифаларни таг-тубидан йўқ қилишга киришдилар. Кимнингки бирор сабаб билан ҳаётдан норозилиги бўлса, уларни хусусий мулк эгаларига қарши оёқлантирилар. Чамаси ўн беш йилга чўзилган қонли курашлар давомида «эксплуататор» ва «эзувчи» синфлардан тамомила қу-тулгач, 30-йиллар бошидан «халқ душманлари»га нав-бат келди. Сталин бошлиқ ҳукмрон гуруҳ кечаги ўз сафдошларини, коммунистик foяning содиқ фидеойларини ҳам, большевиклар макрига учиб, уларга эргашган, улар билан ёнма-ён «синфий душман»ларга қарши жанг қылган турли миллат вакиллари орасидаги иттироқчиларини ҳам «халқ душманлари», «жаҳон им-периализмининг жосулари» деб эълон қилиб, аёвсиз қириб ташлади. Агар «синфий душманлар» муайян да-ражада қуролли қаршилик кўрсатишга уринган бўлсалар, кейинги бечораларнинг кўплари айби нима эканлигини ҳам англаб-англамай НКВД жаллодлари қўлида қўйдек бўғизландилар. Орада уруш бошланиб, жон олиб, жон берган қаҳрамонлар кўпи жанглар тугар-тутамас «ватан хоини» сифатида Сибир ўрмонларига жўнатилди. Кейинги йилларда ҳам яхлит «совет халқи»

ицидан гурух-гурух «душман»лар қидириб топилиб, КГБ авахталари тўлдириб турилди.

Тинимсиз кураш ғоясини ҳёт маъноси деб эълон қилган «доҳийлар»нинг содиқ шогирд ва издошлари тирик «душманлар» билан курашиб қаноатланмадилар. Улар 70 йил давомида СССР ва бошқа мамлакатлардаги миллатларнинг ўтмиш маънавий мероси билан ҳам тинимсиз «жанг» қилдилар. «Дин — афюн», диний илм пешволари, тасаввуф уламолари «ашаддий реакционер», барча ўтмишдаги ҳукмдорлар — қонхўр, босқинчи (факат айрим рус подшоҳлари бундан истисно этилди), ўтмиш алломалар — дунёқараш чекланган, шоирлар — маддоҳ ва ҳоказо қора тамғалар қарамлик асосатига тушган барча ҳалқларнинг бой маънавий меросига босиб чиқилди. Большевизм мафкурасининг итоаткор қулларига айлантирилган «совет интеллегенцияси»га тирик ва ўлик «доҳийлар»ни мадҳ этиш, «коммунизмнинг биринчи босқичи» деб эълон қилинган большевистик диктатура тузумининг жаҳон тарихидаги барча макон ва замонлардан «афзалиги»ни ҳар қандай усул билан исботлаб, ҳам далиллаб бериш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Ушбу вазифадан заррача чекиниш ҳалққа ва «нурли келажак»ка хиёнат деб баҳоланаар, ҳатто, баъзан маҳбубасини холис (партия ва коммунизмни қўшмай) васф этиш ҳам жиноят даражасида айб саналган даврлар бўлди.

Шу ўринда баъзан баҳс туғилиб қолади. Устозлар бизга шундай эътиroz билдиришиади: «Ахир, ўша 70 йил давомида ўтмиш алломаларимиз мероси анча-мунча ўрганилди-ку?! Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа қатор алломаларимизнинг асарлари жиддий тадқиқ этилди, рус ва ўзбек тилларида босилиб чиқди, тарғиб қилинди. Бу улкан ижодий меҳнат бир неча авлод олимларнинг умр мазмунини ташкил этмадими?» Ниҳоятда тўғри. Устозларимиз бу йўлда чинакам фидойилик намуналарини кўрсатишиди. Бугунги миллий маънавиятни тиклаш йўлидаги уринишлар кўп жиҳатдан ўша заҳматкаш устозлар яратган залворли пойдеворга таяниб турипти. Аммо айрим инсонларнинг миллат маънавияти йўлидаги фидойилиги билан ҳукмрон тузум ва унинг мафкураси кўзлаган асл мақсад, бу соҳада юритган қатъий сиёсати орасида жиддий фарқ бор эканлигини ҳам бугун ўзимизга ойдинлаштириб олишимиз керак. Биз ўтмишни ёппа инкор қилиш йўлидан борсак, яна «большевикча» иш тутган бўламиз.

Етмиш йил ичида нималар ютдик ва нималарни ютқиздик — унинг сарҳисоби алоҳида. Бу ўринда яхши англаб етишимиз керак бўлган масала шуки, собиқ ҳукмрон тузум ўтмиш меросни ўрганишда ҳам ўз сиёсати, етакчиғояси, мафкураси илдизларини мустаҳкамлашни ният қилди. Ўзбекнинг асл миллий маънавияти, аждодлар яратган бойлик уларни бевосита ҳеч қачон ва мутлақо қизиқтирган эмас.

Большевиклар диктатураси, агар олимларимиз учун ўтмиш аждодлар меросини ўрганишга муайян имкон берган бўлса, бунинг эвазига улар олдига аниқ шарт ва талаблар ҳам қўйган эди. Бир сўз билан «коммунистик партиявийлик» деб аташ мумкин бўлган талабнинг мазмунни шунда эдики, ўтмиш меросимизда марксизм гояларини қувватловчи, бу гояларнинг кенг халқ оммаси онгига пухта ва мустаҳкам ўрнашувига хизмат қилувчи ҳар қандай нарса топилса, барчасини яққол очиб бериш, тарғиб қилиш, аждодларимиз билдирган фикр ва мулоҳазаларни иложи борича «марксистик руҳда» талқин қилиш, аммо агар нимаики «пролетар диктатураси» гояларига зид келиш эҳтимоли бўлса, рад этиш, инкор қилиш, қора ёрлиқлар ёпиштириш, зарур ҳолатларда эса қўриб туриб кўрмасликка солиб ўтиб кетиш лозим эди. Меросни ўрганиш ишига марксизм «фалсафа»сини чукур ва жиддий ўзлаштирган, тоталитар сиёсатга содиқлиги тажрибада исбот этилган, мавжуд тузумга чин дилдан тарафдор кишилар дарга қилиб белгиланар, уларга ҳар бир соҳа тадқиқотчиларининг «диалектик ва тарихий материализм», «илмий коммунизм» принципларидан заррача ўнг ё сўлга оғишмай бораётганилигини қатъий назорат этиш ва таъминлаш ишониб топширилган эди. Олимларимиз баъзан қўриб-билиб туриб риёкорлик қилишга мажбур бўлишар, аммо очигини айтиш керак, 37—38-йиллардан кейин илмга кириб келган авладнинг аксарияти марксизм доҳийлари «яратган» кўплаб соҳта «ҳақиқатлар»га кўп ўринда чиппа-чин ишонар эдилар. Қатағонлар одамларнинг юрагини олиб қўйган, ҳукмрон «партия» нима деса, «ҳа, шу тўғри экан-да» деб қўя қоладиган қилиб қўйган эди.

Бу гаплардан бугунги холоса шуки, 70 йил давомида ўтмиш меросимизни ўрганиш йўлида қилинган ишларнинг амалий томонлари — нашрлар, маълумотлар — бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, гоявий-назарий йўналишлар, талқин ва холосалар, андоза ва тушунчалар — барчаси жиддий ва холис қайта қўриб

чиқиши талаб қиласы, чунки аждодларимиз мероси бегона қолиллар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган, оммавий нашрларда «партиявийлик» қолипига тушмай қолган жойлари (күпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланган. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аждодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўғри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатгандар, аждодларимиз сўзини холис, минтака маънавияти-нинг амалий ва назарий такомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафқура талабларига мос йўналишда талқин этганлар. Шундай қилиб, ўтмиш меросимиз намуналари билан асл қўлёзмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона ҳукмрон идеология рухсат берган «ҳақиқатлар»дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли бехабар тарбия топганлар.

Большевиклар партияси ҳар томонлама ва изчил суратда 70 йил давомида миллион-миллион ҳалқни ялпи манқуртлаштириш сиёсатини олиб борди. 70-йилларга келиб улкан бир ҳудудда воқеан «манқуртлар салтанати» шаклланди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президент И.А. Каримов бу ҳақда шундай фикр билдиради: «*Бу тузум ўз ҳалқининг тарихини, унинг руҳи ва урғодатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянгар эди*». Бу даврга келиб, бошқарув тизимларида ёлғон форя фидойилари ҳам қирилиб битди, айтиш мумкинки, фақат риёкорлар ва манқуртлар қолди. «Тургунлик даври», яъни асл маъносида ифодаланса, тузумнинг илдиз-илдизидан ириб-чириб емирилиши авж палласига етиши. Меҳнаткаш ҳалқ, зиёлилар мавжуд ҳокимиётта нисбатан нафратини деярли яширмай қўйдилар, «нурли келажак» ваъдаларининг сароб эканлиги тўла-тўқис барчага аён бўлди. Қарам миллатлар маънавиятига қарши курашнинг янги йўлларини қидиришга тушган тоталитар салтанат соҳиблари энди очиқ шовинизмга зўр бера бошладилар, миллатимизга қарши «ўзбеклар иши» очилиши таназзул ботқоғидан чиқиш йўлини топа олмай қолган «кремлчилар»нинг жон талвасаси кўринишларидан бири эди. Оллоҳнинг тақдиридан қочиб кутилиб бўлмайди. Дунёни даҳшатга солиш

қудратига эга бўлган риёкор империя бирор ташқи душман ҳамласига учрамай, ўз-ўзидан, ич-ичидан емирилиб бирйўла қулаг тушди. Чунки бу империя **куралар** ғоясига қурилган эди, тинч яратувчилик жараёни унинг учун ўлим билан баробар эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллатимизнинг баҳти бўлди. Миллат қайтадан ўзлигини таний бошлади. Аммо 70 йиллик мафқуравий оғу асоратидан инсонлар онгининг покланиши осон ва тез ўтиб кетадиган жараён эмас. Айниқса, собиқ тузумдаги кўпчилик катта-кичик лавозим эгалари ва ижтимоий соҳада фаолият кўрсатган интелигенциянинг юқори қатламлари тафаккури ёлғон ғоялар таъсирига қаттиқ берилгандилиги, баъзан сидқидилдан уларни асл ҳақиқат деб тасаввур қилишлари сир эмас. Шундай экан, миллий мустақиллик шароитида инсонлар онгидаги қарамлик асоратларини енгib ўтишнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб чиқиш, амалий чора-тадбирлар режасини тушиб, ҳаётга татбиқ этиш бутунги кун заруратидир.

Эски мафқуранинг яроқсизлиги бутун ҳаммага маълум. Аммо инсон онгидан янгилиш ғояларни ситиб чиқаришнинг фақат бир усули бор — уларнинг ўrniga янги қадриялар тизимини шакллантириш, «кишиларнинг тафаккурини янги қадриялар сари йўналтириш лозим». Бу мавзуга Президент ўз нутқ ва маърузаларида қайта-қайта мурожаат этади. Инсон маънавий дунёси нозик соҳа. Ундаги вазиятни осонликча, муайян фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди.

Бизда шу сабабдан маънавий ислоҳотлар буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, меросини холис ўрганиш билан бошланди. Бунинг учун «совет даври»да номларини тилга олиш ҳам манъ этилган алломаларимизга биринчи навбатда эътибор қаратилди. Тасаввубуф пирлари — Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйгуларини уйғотди. Шаҳарнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мұжассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди. XX аср бошларидан миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жадид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. «Босмачи» дея ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз қадрларига лойиқ баҳоландилар. 1200

йил мобайнида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат тубдан ўзгара бошлади. «Дин одамзодни ёмон йўлга бошламайди», дейди Президент. Динни ниқоб қилиб низолар чиқаришга уриниш остида эса доимо муйян худбин ният, фаразгўйлик ёки жаҳолат ётади.

«Тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифаттарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати туғилди», деган эди Йўлбошчимиз 1993 йилдаёқ. Президент Ўзбекистонни мустақил иқтисадий ривожланиш йўли асосларини ишлаб чиқар экан, биринчи марта «дунёда умумий йўл-йўриклар, ўхшаш андозалар йўқ» эканлигини эътироф этиб, ўзимизнинг миллий «бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиши»ни мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун миллий тафаккур анъаналаримизни инсонлар онгига қайта тиклаш зарур эди. «Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар мувваффақиятга эришади», деб таъкидлadi Президент. Асосий қонунимизни яратиш жараёнида ҳам шу жиҳатга катта эътибор берилди. Шу сабабли мустақил Ўзбекистон Конституцияси «умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради».

Миллий мустақиллик мафкураси ҳақида сўз кетганда баъзилар иккиланиб қолишлиди. Конституция ва бунгиги кун жаҳон цивилизацияси талабларига бу фоя қандай мувофиқ келса экан, деган хаёлга боришади. Аслида, масаланинг моҳиятини яхши англаб етилса, бундай тараддудга мутглақо ўрин қолмайди. Миллий мустақиллик мафкураси миллий маънавиятимизнинг чўнг қоясига, халқ тафаккурига таянади, миллий ифтихор, Ватан мустақиллиги ва равнақи учун масъулият туйгуларида ифодаланади. «Юрг дарди билан яшаш — улуғ баҳт» деб ҳисоблайди Президент. Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимдаги бутун фаолияти давомида бу ҳикматнинг нақадар чуқур маънога эга эканлигини ўз шахсий ибрати билан исбот қилиб келмоқда. Ўзлигимизни англаш йўли — бу нафақат аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш ва қадрлаш, балки уларнинг пок руҳларига таяниб илгари кетиш, мустақил ва ижодий тафаккур билан, Ватан ва халқ келажаги буюк-

лигига ишонч билан, ҳалол ва самимий, оқилона ва дид-фаросатни ишга солиб амалда фаоллик кўрсатиш, ҳалқ юкини тарааддулдиз елкага олиш йўлидир. Президент худди шу маънода миллий истиқлол мафкураси ҳақида сўз юритади: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига қўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимиизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди».

Миллий истиқлол мафкураси бизга эл-юртимиз, Ватанимиз олдидағи фуқаролик бурчимизни теран англаб етишимизга ёрдам беради, ёш авлоднинг ҳар бир вакилини ҳақиқий миллат фарзанди бўлиб улғайишига кўмаклашади. Миллий истиқлол мафкураси қонун моддаси кучи билан эмас, маънавий камолот орқали эришиладиган ҳидоят йўлидир. Маънавиятимиз анъаналаридан келиб чиқадиган бўлсак, асли «мафкура» сўзи «идеология» тушунчасининг айний таржимаси эмас, мафкура — бу фикр майдони, у тор қолип ҳам бўлиши мумкин, жаҳон цивилизацияси ва миллий маънавиятимиз қадрияларини уйғунлаштирувчи кенг тафаккур оламини ҳам ўз ичига қамраши мумкин. Шу сабабли миллий истиқлол мафкурасини ўзлаштириш айни тафаккуримизнинг миллий маънавиятимиз илдизларидан баҳраманд бўлиши билан боғлиқ. Аслини олганда, гап нима устида кетаётганини Президент Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида 1994 йил ёзида сўзлаган нутқида батафсил изоҳлаб берди. Унда исломий қадриятлар, маънавий мерос, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш ҳақида сўзлаб, Йўлбошчимиз яқин ўтмишдаги қарамлик мафкурасидан халос бўлиш учун «ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий рух билан бойитиш вазифамиз» эканлигини яна бир карпа таъкидлаб ўтди.

1994 йил баҳорида Президентнинг «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик марказини тузиш ҳақида фармони чиқди. Бу марказнинг тузилишидан умидлар катта эди. Аммо, очиғини айтиш лозимки, биринчи икки йил мобайнида марказнинг иш фаолияти суст бўлди, кўнгилдагидек натижалар қўлга киритилмади. Вилоятларда айрим катта-кичик раҳбарлар эски мафкура сарқитларидан қутула олмай, маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккичи даражали иш сифатида қарашда давом этдилар, ҳалқ

маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ишига эътиборсизлик билан ёндошдилар.

Мустақиљигимизнинг уч асосий жиҳати мавжуд. Сиёсий мустақиљлик, иқтисодий мустақиљлик, маънавий мустақиљлик. Сиёсий мустақиљлик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиљлик бўлмаса, сиёсий мустақиљликнинг замини мурт бўлиб қолади. Аммо маънавий мустақиљлик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди.

Маънавият доимо миллий бўлади, космополит бўлмайди, аммо унда умуминсоний қадрияларига зид нарса ҳам йўқ, чунки ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички руҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга ҳалқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалақдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштиромайди. Асли умуминсоний қадрияларни ҳам бирор-бир алоҳида ҳалқ яратмайди, бу қадрияларни ҳар бир ҳалқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараённида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятдаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Миллий маънавиятининг шаклланишида маънавий мерос, яъни аждодларимиз неча минг йиллар давомида юзага келтирган маънавий бойлик асосий ўрин тутади. Шу сабабли, маънавий меросини унугтан ҳалқ ўзлигини унугади, унинг маънавий дунёси кундан-кун ғариблашади. Ҳеч бир ҳалқ дунёда якка яшамайди, ёлғизликда ривожланмайди ҳам. Элат ва миллатлар доимо бирбири билан турлича муносабатда бўладилар ва тарих давомида бир-бирларига таъсир ўтказиб, бир-бирларини маънавий бойитиб борадилар. Аммо ҳеч қачон, ҳеч бир ҳалқ ўзлигидан бутқул кечиб, бошқа ҳалқ маънавияти ҳисобидан ўзини бойита олган эмас. Якка бир шахс бутқул ўзга бир маънавий мұхитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин. Бу инсон табиатига хос нарса. Аммо бир ҳалқ тўлиғича ўзлигидан кечиб, ўзга ҳалқ маънавий дунёсини қабул қиласа, демак, ундей ҳалқ йўқ бўлади, ўз маънавий қиёфасини йўқотган мил-

лат йўқолган миллатдир. Шу сабабли миллий мустақиллик пойдеворини маънавий мустақиллик ташкил этади, деб бемалол айтиш мумкин. Миллий маънавиятнинг такомили эса ўша миллатга мансуб ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ ва ушбу заминга таяниб юксалади.

Бизнинг ўтмишимиз қанча буюқ бўлмасин, келажигимиз миллатнинг ҳар бир аъзоси, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси қай даражада маънавий камолот ҳосил қилгани билан белгиланади. Бу ўринда давлатнинг масъул вазифаларини ижро этиб турган шахсларнинг, тарбиячи ва раҳбарларнинг, зиёлиларнинг мақоми алоҳидадир.

Инсон ким? Жамият нима? Инсоннинг ўз олдидаги ва ўзгалар олдидаги бурч ва вазифалари нимадан иборат? Бундай муҳим саволларга аждодларимиз мукаммал жавоб берганлар. Уларнинг асарлари маънавий меросимизнинг олтин фондини ташкил қилади.

Қадим битиклар, Адиб Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Ясавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Насриддин Рабгузий, Алишер Навоий асарларида инсон ва жамият муносабатларига жиддий аҳамият берилган. Инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигининг турли жиҳатлари бу китоблар саҳифаларида ҳам фалсафий-дидактик ҳикматлар шаклида, ҳам баркамол бадиий тимсоллар орқали ҳар тарафлама гавдалантириб берилган. Ушбу асарлар моҳиятини англаб етсак, юксак маънавиятнинг мазмуни бизга аён бўлади.

1994 йил декабрида илк бор Ўзбекистонда кўп partiyaийлик асосида эркин ва демократик сайловлар ўтказилди. Олий Мажлисда 4 мустақил партия ва 1 халқ ҳаракатининг намояндлари фаолият олиб боришга киришдилар. 1995 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзууда катта маъруза қилиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига оид муҳим масалалар билан бир қаторда миллатнинг маънавий такомилий йўналишида ҳам янгича ёндошувлар, долзарб муаммоларнинг пухта ўйланган ечимларини халқ намояндлари муҳокамасига ҳавола этди. Аввало, 130 йиллик мустамлака асоратидан қутулиб қайта қад ростлаган мустақил давлатчилигимизнинг бетакрор қиёфаси очиб берилди. Унинг халқимиз, миллатимиз

«тарихий ва маънавий тараққиётининг» ҳосиласи, «ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг» натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди. «Социализм» гояларининг халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилгани, улар халқимизни манқуртлаштириш учун хизмат қилгани очик айтилди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласи. Шундай экан, давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш баробарида маънавиятга ҳам доимо алоҳида эътибор ажратиш талаб этилади. Президент ўз маъруzasининг «Юксак маънавият — келажак пойдевори» деб аталган бобида мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида бу соҳада эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳдил этиб берди. «Эндиги асосий вазифа, — деб фикрини изҳор этди Йўлбошчимиз, — кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир». Бунинг учун ҳар биримиз «босиб ўтган ўйлийни танқидий баҳолаб»,.. «буюқ маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишмиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак».

«Биз, — дейди Президент, — иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишининг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз».

Дарҳақиқат, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар халқ онгига теран етиб бориши, амалда жадал ўзгаришлар ҳосил қилиши учун инсонлар онгига туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Биз тоталитар давлат мулкига асосланган иқтисодни рад этиб, мулкчилик шаклларининг турли туманлигига асосланган эркин бозор иқтисодига ўтмоқдамиз, сиёсатда якка партия, ягона мафкура зўравонлигига барҳам бериб, кўп партияйиilik, фикр ва қарашлар хилма-хиллигига йўл очмоқдамиз. Аммо, афсуски, тафаккуrimизни ҳануз эски андозалар, тор қолиллар тутал тарқ этгани йўқ. Тафаккуrimиз, қарашларимиздаги янги тамойиллар ҳануз анча юзада, онгимизнинг сиртқи қатламларида қолиб кетмоқда, баъзан янги қадриятларни ҳам эски ўлчовлар билан баҳолашга уринмоқдамиз.

Мустақиллик даврида, ҳатто 1995—1997 йилларда босилиб чиқаётган янги китоблар, дарслик ва қўллан-

маларда ислом динига эҳтиром, аждодларимиз меросига мурожаат, Авесто, Куръон ва ҳадислар, тасаввух тамойиллари ва ирфонга қизиқиш кучли намоён бўлмоқда. Миллий Уйғониш даври намоёндаларининг қарашларига эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга методологик ёндошувлар, фоя ва тушунчалар, нарса-ҳодисалар моҳиятини изоҳлашда ўша охирги 70 йил мобайнида онгимизга сингдирилган қадриятлар тизимидан чиқиб кетишимиз қийин кечмоқда. Ижтимоий фан соҳаларидан сунъий ўйлаб топилган «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм» каби фанларнинг аллақачон номи учди. Бироқ, марксизмнинг ўзак томири бўлмиш «диалектик ва тарихий материализм» фалсафаси ҳали кучини йўқотгани йўқ. Дарсликларда Маркс, Энгельс, Ленин номлари, умуман марксизм фоялари қаттиқ танқид остига олингани ҳолда, фалсафий-методологик таҳлилга ўтилганда яна ўша собиқ «доҳийлар» вақтида «асос солиб» кетган принциплар, дормалар иктиёрий ёки беихтиёр равишда қўлланилмоқда. Ўтмиш аждодларимиз ижодига, башарият тафаккурининг буюк вакиллари меросига баҳо берилганда яна марксистик меъёрлар тақорорланмоқда. Бунинг, албатта, чукӯр сабаблари бор. 70 йил давомида ижтимоий фанлар соҳасида собиқ «СССР» худудида минглаб тадқиқотчилар иш олиб бордилар, улар бутун башарият яратган меросни марксизмга хизмат қилидириш учун сафарбар этилган эдилар ва, дарҳақиқат, бу мақсад йўлида «кatta ишларни» амалга оширидилар. Уларнинг кўпчилиги чин кўнгилдан марксизмнинг ярим ёлғон ақидаларига ишониб қолган эдилар, «диалектик ва тарихий материализм»ни жаҳон афкор оммаси эришган энг илғор ютуқлар хulosаси деб тасаввур қиласи эдилар. Чунки ўша давр олимларимизнинг кўпчилиги чет элларда чиқаётган марксизм фалсафасини жиддий фош этувчи илмий қарашлардан хабардор бўлиш имконига эга эмас эдилар, ўтмиш алломалар мероси билан асл манбалар орқали танишмаган, XIX—XX асрлар Россиясида етишиб чиқсан Соловьев, Бердяев, Флоренский каби файласуфлар ижоди, ҳатто «инқилобнинг бўрон куши» аталган Максим Горькийнинг Октябр тўнтириши ижрочиларига нисбатан баён қилган кескин фош этувчи мулоҳазаларини ҳам ўқиб чиқмаган эдилар. Ҳозир улар кексайган, ўз эътиқодларини кескин ўзгартириши қийин. Аммо маҳсус илмий кенгашларда номзодлик ва докторлик илмий даражаси учун тадқиқот бажарив

келган ёшлар тақдирига ҳал қилувчи овоз берадиганлар кўпчилиги ўшалар, Олий аттестация комиссияларидағи эксперт кенгаш аъзоларининг муайян қисми ўшалар ёки уларнинг «садик» шогирдлари. Янги ёзилаётган дарслерларга ҳаммуалиф, мұхаррір ёки тақризчилар яна ўшалардан. Халқымиз, ёшларимиз — андишли, устозларни ҳурмат қиласиз, кексаларнинг күнглига озор беришга хижолат чекамиз. Бироқ, вазият шундай қолаберса, миллат тақдири қандай кечади? Бу мұлоҳазалар устозларга ҳамла даьевати эмас, балки улар ҳам, биз шогирдлар ҳам, биздан кўра ёш, фанга энди кириб келаётган авлодлар ҳам виждонни, диённатни ўртага қўйиб ўйлаб кўрадиган бир муаммо, юракни сирқиратадиган дард изҳори, холос. Ўзбекнинг андишаси милий маънавиятимизнинг ноёб гавҳари, дилга нур берувчи жилоларидан. Аммо баъзи ўринларда бу нозик туйғуни биз нотўғри талқин этмаяпмизми? «Андиша» — бир ишни амалга ошириш, бир сўзни айтишдан олдин ҳар томонини ўйлаб, тафаккур қилиб, ўлчаб кўриш дегани. Бироқ, ўлагани эриниш, кечаги кун онгига ўрнашган фикрларни бутунги кун меъёрлари нуқтаи назаридан жиддий қайта кўриб чиқишига ҳафсала қилмаслик, ўзининг мутлақ ҳақ эканига шубҳа қилишни ортиқча билиш, ўзгалар, айниқса, ўзидан ёши кичиклар ақлини, билимини ўз даражасидан юқори бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олмаслик ҳолатлари — бир томондан, тақдири боғлиқ бўлиб турган одамларга қарши гапиришдан ўзини эҳтиёт қилиш, ўзи жамият учун фойдали деб тақдим этаётган илмий изланишларида назарий мустақилликка интилиш заруратини, яъни ўзи учун ҳаёт ҳақиқатига мустақил ёндошув ишлаб чиқиш мұхимлигини жиддий ҳис қилмаслик, умуман, илм ва ҳаёт орасидаги боғланишни юзаки идрорк этиш, «ўзингни бил, ўзгани қўй» принципи зиёли учун айб эканлигини эътиборсиз қолдириш ва бошқа маънавий қусурлар, — иккинчи томондан, «андиша» тушунчасини худбинлик, фараз, лоқайдлик каби биз қоралайдиган қусурларга қалқон ёки соябон қилиб қўйилишига олиб келмаяптими?

Андишасизлик бўлса ҳам мен юрагимдаги оғриқларни тўкиб солдим. Бу ёғи кекса ва ёш, устоз ва тенгдош, ўзини «зиёли» деган табаррук сўзга муносаб кўра билган миллатдошларим ҳукмига ҳавола. Айни миллат манфаатлари устида гап кетаётгани учун шу сўз танланди.

Модомики ёлғон андишаларни йиғишириб қўйиб муаммоларни рўйи-рост, очиқ-оидин муҳокама қилиш йўлига ўтган эканмиз, яна бир оғрикли муаммога тўхтальмоқчиман. Давлат тизимида фаолият кўрсатаётган, давлат бюджети ҳисобидан маош олаётган хизматчилардан кўпинча бир хил ёзғириш қулоққа чалинади: «Шу маош етмаяпти-да, ойликлар кам, нархлар юқори бўлиб кетяпти». Дарҳақиқат, ўзимизнинг «ойлигимиз» (маошимиз) ҳам жуда мақтангулик эмас. Кўп орзу-ҳавасларнинг ушалиши қийин кечаяпти. Аммо ўйлаб кўрайлик. Бизга маош ҳажмини ким белгилайди? Президентми? Бош вазирми? Ёки Олий Мажлисми? Йўқ. Ҳар бир киши ўзини мустақил шахс деб тасаввур этар экан, ўзи ва оиласи иқтисодий таъминотини ўзи белгилайди, бошқа ҳеч ким эмас. Миллат ҳаётининг моддий фаронлиги ўша миллиатни ташкил этувчи барча мустақил тафаккур эгаси бўлган шахсларнинг саъй-ҳаракати билан боғлиқ. Шундай экан, даромадларимиз ҳажми ўзимизнинг ҳаётга муносабатимиз, ақл-идрок, фаҳм-фаросатимиз, ҳалоллигимиз, меҳнаткашлигимиз ва тадбиркорлигимиз билан боғлиқ. Маош камлигидан шикоят қиласиз, аммо оч қолаётганимиз йўқ, тўй-маъракаларимизда исрофгарчилик тўхтаётгани йўқ, устимиздаги кийим-кечагимиз хароб бўлиб, яланғоч қолаётганимиз йўқ. Қайтага ёшлар ҳам, катталар ҳам энг янги андозаларда тикилаётган бир-биридан кўркам, чиройли кийимларда яйраб-яшнаб юришипти, жаҳоннинг турли ўлкаларидан келган турли-туман маҳсулотларни истемол қилишмокда, турфа буюмлардан фойдаланишмоқда, фақат ора-сирада «маош кам-да» деб уф тортиб кўйишади.

Бугунги шикоятлар сабаби битта — ўйсизлик, ўз тақдирига беҳафсалалик билан муносабатда бўлиш. Кимки яхши яшашни астойдил хоҳлаётган бўлса, у яхши даромад олиб, яхши яшашнинг уддасидан чиқаяпти. Бугун бунинг учун барча шароитлар бор. Энг муҳими, инсоннинг мулк ҳуқуқи унга қайтариб берилди. У бугун мулкнинг турли хилларидан ўзи ихтиёр этганини танлаб олиши ва ўз моддий мустақиллигини таъминлаши мумкин. Аммо собиқ шўролар жамияти ҳосил қилган кўникма ва одатларимизни бизга ўз асл имкониятларимизни намоён этиш ва улардан тўғри фойдаланишимизга халақит бермоқда. Шўролар жа-

миятидаги принциплар жуда оддий эди: сен давлат нима буюрса — бажарасан, давлат эса сени мөддий жиҳатдан қўлидан келганча таъминлади. Бу бир қараашда якка шахс учун жуда ўнгай туюлса-да, жамият учун ўта ҳалокатли йўл эди. Чунки бир нарсани сарф қилиш, истеъмол қилиш учун аввал уни яратиш, юзага келтириш керак. Ҳар бир жамият ўз аъзолари биргаликда нима яратган бўлса — ўшанга эга бўлади.

Шўролар тоталитар жамиятида яратувчилик тақсимотдан ажралган бўлиб, ўртада компартияning идеологияси турар эди. Компартия иқтисодий таъминотда ҳам ўз фоявий принципларидан келиб чиқар, кимни маъқул билса, ўшанга ҳамма имкониятлар муҳайё, ким назардан четда бўлса, у ҳамма нарсадан маҳрум эди. Яратувчилик эмас, фоявийлик таъминотда имтиёз берарди. Шу сабабли компартия маддоҳлари иззатда, ҳақиқий яратувчилар эса оғир меҳнатда эди. Ваҳоланки, маддоҳ ерга уруғ қадамайди, нон ёпмайди, фақат истеъмол қиласи. Жамиятда «тарифботчи», «олим» ва «педагог» деб номланувчи тоифалар орасидан жуда катта маддоҳлар гуруҳи шаклланиб улгурган бўлиб, бугун ўша собиқ мафкурачи (идеолог)ларнинг аҳволи анча қийинлашиб қолди. Улар «олим» бўлиб инсон фойдаси учун бир ҳақиқий кашфиёт қилмаганлар, «педагог» бўлиб ўқувчига ҳаёт учун фойдали муайян билим берган эмаслар. Компартия 7 йил бурун тўлиқ касодга учради, натижада 70 йил мобайнида урчиб кетган гуруҳ ҳам «иссиқ жойи»дан ажралди, «калавасининг учини йўқотди». Бугун уларнинг баъзиси ўзини тадбиркорликка, баъзиси бошқа тирикчиликка уриб кетди, ёшлар қўпи касбини ўзгартироқда, аммо ҳануз бир неча минг, балки кўпроқ «ижтимоий фан» соҳаси арбоблари турли усууллар билан ўзининг «ўтмай қолган моли»ни ўтказишга уриниб ётипти, жамиятда ўз «касб»лари зарур эканлигига ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам ишонтироқ умидлари йўқ эмас. Тан олиш керакки, бу мулоҳазалар бироз назарий умумлашма хусусиятига эга. Асли воқелик мураккаброқ. Аввало, юқоридаги тасвиrlланган ҳолат ҳаммада бир хил даражада эмас. Одамлар ўзгариб бормоқда. Иккинчидан, кўпчилик ўз асл аҳволини тўғри тасаввур эта олмаслиги мумкин. Балки юқорида айтилган хислатлар муайян даражада энг яқин одамларимиз, жумладан, ўзимизда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, мен ўзимни ҳам фаришта деб билмайман. Шундай экан, бу ерда муайян шахслар ҳақида эмас, умумий

вазият ҳақида сўз бормоқда. Шу сабабли кимларни дир айблашга ҳаракат қилмай, ҳар ким ўз вижданни олдида ўзи хисоб бергани дуруст.

Жамият учун, миллат учун фойда келтириш ҳар бир инсоннинг қўлидан келади. Фақат буни жуда хоҳлаши керак. Дўплини ерга қўйиб, «хўп, менинг шу юришимдан бирорвга ёки ўзимга тайинли фойда борми?» деб жиддий мулоҳаза қилиб кўриши керак. Шунда кўп нарса аён бўлади. Шахсан мен ўйлаб кўрдим ва шундай хуносага келдим. Эски ақида ва қолиплардан узил-кесил воз кечиш, ҳаёт ҳақиқатига очик кўз ва ҳалол виждан билан ёндошиб, инсон ва жамият учун воқеан фойдали меҳнат билан машғул бўлиш зарур экан. Тадбиркорлик қўлимдан келадими, йўқми, аниқ билмадим, аммо кўнгил мойиллиги дунё ҳақиқатини билишга интилиш экан, шу йўналишда бор билим ва салоҳиятимни ишга солиб, холис ва астойдил уриниб кўришга қарор қилдим.

Ҳеч қачон бир инсон ҳақиқатнинг замирига етган эмас. Бунинг учун шу кунгача инсоният эришган ютуқларга таяниш кераклиги маълум. Аммо бутун инсоният яратиб қолдирган меросни мукаммал ўзлаштириш ҳам бир киши учун оғирлик қиласди. Мен миллий маънавиятимиз, яъни аждодларимиз, ўзим туғилиб ўсган шу замин фарзандлари яратган меросга таяндим, уни имкон даражасида дунё маданияти ютуқларига қиёсан кузатдим. Чунончи қўп нарсалар аён бўлди. Биринчидан, дунёни файласуфлар эмас, амалиётчилар теранроқ идрок этар экан. Амалиётчиларнинг энг камтари деҳқон бўлиб, кенг миқёсда иш олиб борувчилари тадбиркорлар экан. Тадбиркорларнинг кичиги косиб, хунарманд бўлиб, каттароғи минглаб ишчиларни маош билан таъминлашга қодир бўлса, энг улуғлари мамлакатларни бошқарар эканлар. Улар файласуфлик даъво қилмайдилар, фақат ўз амалий фаолиятларига тааллуқли йўналишларда мулоҳаза билдирадилар. Аммо уларнинг муайян соҳага оид фикрлари замирида баъзан юзлаб файласуф биргалашиб еча билмаган ҳақиқатлар мазмуни акс этади. Биз агар ана ўша мазмунни тўғри англаб ета билсак, ақидапарастлик қолипларимизга жойлашга интилмасак, кўпроқ баҳра олишимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан бугунги кун миллатимизнинг энг улуғ амалиётчиси — Президентимизнинг мулоҳазаларига назар ташлайлик.

Олдинги фаслда батафсил кўриб чиқилганидек,

марксистлар диалектикани «борлиқ ва тафаккурнинг энг умумий қонуниятлари ҳақидағы таълимот» деб ҳисоблаб, унинг марказига қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини қўйдилар. Бу қонун ўз навбатида «табиат ва ижтимоий-тарихий воқеалиқнинг ўз-ўзидан ҳаракатланиш ва ривожланиш манбаи» деб эълон қилинди. Ушбу дуалистик (Ислом Шарқида санавийа деб юритилган) принципга асосланган даҳриёна фаразнинг сиёсатга татбиқ этилиши охир-натижада дунёни бир-бирига зид икки қутбга бўлиб юборди ва сайёрада глобал ҳалокат хатарини туғдирди. «Ниятига яраша» деган ибора бор ҳалқимизда. (Ҳалқ фалсафаси деҳқон фалсафаси сингари ҳаёт ҳақиқатини лўнда ва содда ифодалайди, аммо жўн бўлмайди. Мингта файласуфнинг жилд-жилд китоби мазмунини ҳалқ 4 та мақолга жойлаб қўя қолади).

Нияти бузуқ бўлиб чиқди коммунистларнинг. Чунки, биринчидан, ҳаётнинг асоси ҳам, манбаи ҳам **кураш** бўлмайди, кураш бузғунчиликдир, яратиш эмас. Иккинчидан, ҳаётнинг, воқеаликнинг асосида **жуфтлик** эмас, хилма-хиллик ётади. Нега муайян даврда муайян турӯхлар марксизмга ишонди? Бинобарин, биринчидан, коммунистик ғоялар уларнинг ўша даврдаги манфаатларига мос бўлиб кўринди. Буни Маркс олдиндан инобатга олган эди. Иккинчидан, марксизм соғ ёлғонга эмас, ярим ёлғонларга асосланган. Назаримда, даҳриёна фалсафаларнинг барчаси ростга ўхшаш ёлғонларга қурилган, негаки, даҳрийлик моҳияттан файбни тан олмайди, фақат инсон илми етиб борган нарсаларгина мавжуд деган ақидага таянади. Дарҳақиқат, ҳаётда жуфтликлар анча-мунча учрайди — минус-плюс, эркак-аёл, яралиш-емрилиш ва ҳоказо. Аммо воқеаликда жуфтликка асосланмаган нарса-ҳодисалар ҳам етарли. Ҳаётда кураш, жанг, мунозара, рақобат кўп учрайди. Ёвузлик ҳам йўқ эмас (қотиллик, туҳмат, зўравонлик, муттаҳамлик, ўғрилик, қароқчилик, фоҳишлилик — ҳаммаси бор). Аммо ёвузлик ва кураш ҳаётнинг асосида ётмайди, аниқроқ айтганда, ёвузлик ва эзгулик teng эмас. Агар холис кузатилса, ҳаётда ёмонликдан кўра яхшилик кўпроқ учрайди. Кўп ҳолларда ёмонлик эмас, тушунмовчилик ишни мураккаблаштиради. «Зло — локомотив истории» (Ёвузлик — тарих локомотиви) — деган экан Гегель. Бу — ноҳақ гап. Ҳаётнинг ривожланишида ёвузликнинг ижобий хизмати бор, деб тасаввур қилиш инсониятни ҳалокатга

етакловчи шайтон васвасасидир. Биз бу фалсафанинг нимага олиб келганини совет тоталитар тузуми амалиётида очиқ-ойдин кўрдик.

И.А. Каримов нимани таклиф қиласди? Президент бизга миллий тафаккур анъаналарини давом эттириш ва бойитиш заруратини уқдирад экан, бу қоидага амал қилишда аввало ўзи намуна кўрсатади.

1995 йил 27 октябрда Ўзбекистон телекўрсатувлар мухбири билан суҳбатда Йўлбошчимиз бугунги кунда «кўп кутбли дунё ҳақида фикр юритиш лозим бўлади», деб айтди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифалари ҳақидаги мулоҳазалари давомида ўз фикрини шундай изоҳлади: «*Африка қитъаси вакиллари ўзларига хос, осиёликлар — бошқачароқ фикр қиласди... Америкаликларнинг ўз ёндошувлари, европаликларнинг ўз ёндошувлари бор*». Шундай шароитда жаҳоннинг 187 давлати вакилларидан тузилган ташкилотнинг асосий вазифаси — «*халқлар ўртасидаги аҳилликни таъминлаш, турли қарама-қаршиликлар, тўқнашувларга олиб келадиган низоларга йўл қўймасликдан иборат*». Умуман, Президент **аҳиллик ва муросани** доимо низо ва зидлашувлардан афзал билади. Президент бу ҳақда аввалдан гапириб келади, аммо биз «аҳиллик» сўзини жўн тушуниб, анчагача унинг фалсафий таҳлилига киришмадик. Президентнинг 1993 йилда айтилган «Янги уй қурмай туриб эскисини бузмайлик» деган принципи «Интернационал» гимнининг лейтмотивига мутлақо зид эди. Ўша йили Эълон қилинган ислоҳотларнинг беш принципи ҳам коммунистик ақидаларга нафақат тоявий, балки методологик жиҳатдан ҳам мувофиқ тушмас эди. Биз бунга ҳам ўз вақтида Эътибор бермадик. Президент «кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди» деб очиқ айтди, аммо биз-назариётчилар ҳаётимизда янги ўлчов-андозалар шаклланаётганини сезмадик. Марксистик ақидаларда давлатларнинг типлари олдиндан аниқ қолилларга солиб чиқилган, Йўлбошчимиз эса «ҳар бир давлат — бетакрор» деди, яна «ҳа» деб қўя қолдик. Очигини айтиш керак, биз Президентнинг гапларига фақат қарсак чалиш билан чекланиб келаяпмиз, уларни назарий таҳлил қилиб, методологик хulosалар чиқаришга асло шошилаётганимиз йўқ ёки марксизмнинг ягона ва охирги ҳақиқат эканлиги ҳақидаги такаббурона даъвосига ҳануз ишончимиз комил.

Мамлакатимиз иқтисодда мулк шаклларининг хилма-хиллигига, сиёsatда партиялар, мафкуралар ва қа-

рашлар хилма-хиллигига ўтаяпти. Маънавиятда эса файласуфларимиз ҳануз марксистик методологияни ягона ҳақиқат билиб, унга садоқат сақлаб туришипти, ҳануз диалектика — билиш назариясининг асосида. Мен адашаётган бўлай-ку, аммо «Президент И.А. Каримов асарларида диалектика масалалари» деган мавзуда балки китоб ҳам тайёрланётганини эшитсан, кўп ҳайрон бўлмас эдим.

«Энг катта бойлик элнинг тинчлиги, осойишталиги», дейди Президент. Мен аминманки, ҳеч бир ўзбек файласуфи урушни, элнинг бесаранжомлигини хоҳламайди. Чин қўнгилдан Президент фикрига қўшилади. Аммо шу пайтнинг ўзида ҳаётнинг асоси курашдан, зиддиятдан иборат, деб талабаларга таълим беришда давом эта беради (Бу гап муболага эмас, 1997 йилда олий ўкув юртларида фалсафа фанидан асосий қўлланма сифатида Халқ таълими вазирлиги тавсия қилган дарсликнинг З-саҳифасида «фалсафа фанининг асосий негизини диалектика назарияси ташкил этади» деб ёзил қўйилган).^{*} Бундай «файласуф» онгига бир пайтлар сингиб қолган чала ёлғоннинг тарғиботи бугунги кун учун ўта зарарли эканлигини етти ухлаб тушида ҳам кўрмайди. Болаларимизда бир яхши хислат бор — кўпчилиги фалсафий чала ёлғонларга умуман қулоқ солмай қўйган. Балки 30—40-йиллар авлоди учун коммунистик идеологиянинг муайян даражада жозибаси бўлгандир. Аммо 60-йиллардан бошлаб, талабаларнинг аксариятида юқорида санаб ўтилган фанларга қизиқиш мутлақо йўқолган. Асосий ташвиш имтиҳон, синовлардан ўтиб олиш эди, холос... Мен, ҳозир ўйлаб кўриб, марксистик ярим ёлғон «фалсафа»ни жиддий қабул қиласмаган ўша талабалар минг марта ҳақ экан, деб ҳисоблай бошладим. Собиқ совет тузуми уларнинг фикрини сўрамаган. Лекин бугун олий ўкув юртларида ўқитилаётган «фалсафа» ҳақида холис сўров ўтказиш зарур эмасми? Фақат бу сўровни «файласуф» ўтказмасин.

Президент «ижобий мухолифат» ҳақида армон қиласди. «Мухолифат, — умид билдиради у, — мукобил дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак». И.А. Каримов сиёсатда ўз ҳокимиятига мухолифлар бўлишига қарши эмас, факат мухолифатнинг мавжудлиги элга бузғунчилик эмас, яратувчилик, янгича қарашлар келтирса деб армон қиласди. Президент халқ донолигига таянади. «Доноларимиз, — дейди у, — бир кун жанжал чиққан

үйдан 40 кун барака күтарилади, деб бежиз айтмаганлар». Қисқаси, Президентнинг тилаги, орзуси элга тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва изчил тараққиётдир. Урушни уумуман «одамзод табиатига ёт нарса», жаҳолат ва нодонлик, жамиятдаги таназзул оқибати деб ҳисоблайди.

Тараққиёт кураш ва зиддиятлар натижасида эмас, ҳамкорлик ва турли кучларнинг ижодий уюшуви орқали юз беради. 1996 йил 24 апрелдаги ЮНЕСКОнинг 50 йиллигига бағищланган Ижроия кенгаси сессиясида И.А. Каримов бу фикрни халқаро миёсга татбиқан мукаммал бир тарзда шундай ифодалаб берди. «Биз, — деди у, — ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз». Турли миллат ва минтақа маданиятларнинг уйғунлашуви, унинг фикрича, борган сари башариятнинг келажак тараққиётини белгиловчи омилга айланиб бормоқда. Жаҳон миёссида «ҳамкорлик» тушунчаси ишлатилса, мамлакат ҳудудида бу сўз «ҳамжиҳатлик» принципида ифодаланади. Чунки мамлакат бир бутун — ҳар бири миз ўз саъй-ҳаракатимиз билан унинг турли жиҳатларини шакллантирамиз. Жаҳондаги мустақил давлатларга эса биз фақат ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликниги на таклиф қилишимиз мумкин.

Тавҳид таълимоти «ваҳдатда касрат, касратда ваҳдат» гоясига таянади. Ҳар бир инсон Борлик ҳақиқатининг бир жиҳатини ифодалайди, бутун инсоният фикри умумий маҳражга келтирилса, ҳақиқатга анча яқин келинади. Бу гоя миллий маънавиятимизда кўрлар ва фил ҳақидаги ривоятда ифодаланган. И.А. Каримов худди шу гояни амалиётчи сифатида қўйилдагича баён қиласди: «Ҳар қандай фикрни умумий фикрлар мажмуининг бир бўлаги деб ҳисоблаб, бундан керакли холосалар чиқариш лозим». Президент доим «кўп томонлама мулокот» тарафдори. У низоларни бартараф этишининг ягона йўли «томонларнинг бир-бираига ён бериши ва муроса йўли билан бир-бiri томон яқинлашуви» деб тушунади. «Дунё жуда мураккаб эканлигини идрок этмасдан туриб» ҳеч бир инсон, ҳеч бир миллат бугунги қунда ўз йўлини, фаолият йўналишини тўғри белгилай олмайди. Миллатни, башариятни тараққиёт сари йўналтириш учун «барча кучларни бирлаштирувчи», «уларнинг интилишларини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга».

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори ҳам қардош ва тенгдош ҳалқларнинг ўзаро манфаатли маданий ва иқтисодий интеграцияга, уйғуналашувга интилишлари ни ифодалайди. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳақида билдирилган мулоҳазаларда ҳам яхлит маънавий мұхитнинг турли жиҳатлари, яхлит воқелик-нинг турли қирралари ҳақида гап боради. Манфаатлар тұқнашуви, рақобат бозор иқтисоди учун хос нарса. Аммо рақобатни курашдан фарқлаш керак. Тадбиркорларнинг рақобати бир-бирига зиён етказиш, ишидан ишқал чиқаришга қаратылса, низо ва бузғунчилікка, миллат ва жамиятнинг заарига қараб юради. Агар рақобат бир-биридан сифатлироқ, харидоргирроқ, инсон эхтиёжига яроқлироқ буюм, маҳсулот чиқариш са-ри, яъни ижобий ва ижодий йўналиш касб этса, жамият фаровонлиги, инсон камолотига хизмат қиласи. Биз мусулмон фарзандимиз, Оллоҳнинг адолатига имонимиз комил. Ҳар ким экканини ўради, бирорга қилинадиган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир күн албатта инсоннинг ўзига қайтади, деб ишонамиз. Бирор фойда кўриши учун, албатта, иккинчи одам зарар кўриши шарт эмас. Бизда ҳозир шундай тадбиркорлар етишиб чиқдиларки, улар ақли, салоҳияти, меҳнати билан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам манфаат келтирмоқдалар.

Жаҳондаги энг олижаноб ва масъулиятли юмуш — дүстингни, ҳамкорингни, қўшнингни, хуллас, ўзга инсонни «улуг мақсадлар йўлида йўлдошлиқ қилишга кўндириш», — дейди Президент.

Ислом динига муносабат ҳусусида. Бизда давлат диндан ажратилган. Чунки давлатни бошқариш сиёсат йўналишига, дин, эътиқод масаласи эса маънавиятга оид масаладир. Давлатда қонун бор, зарур ўринда куч ишлатилади, умуман, сиёсат инсонлараро муомалага оид бўлганлиги сабабли турлича вазият бўлиши мумкин. Аммо маънавият кўнгил иши, инсоннинг ўз шахсига муносабати, асл моҳиятига мувофиқ айтилса, ҳар бир инсоннинг ягона Ҳақ олдилаги масъулияти масаласидир. Шу сабабли давлат ва диннинг бир-биридан ажратилганлиги мантиққа мувофиқдир. Жамиятдаги умумий маънавий савия қанча паст бўлса, бу жамиятда одамлар орасидаги муомалада куч ишлатиш эхтиёжи ва эҳтимоли шунча юқори бўлади. Маънавий баркамоллик эса сиёсатни ҳам мўътадиллаштиради, куч ишлатувчи тузилмалар хизмати қисқариб, фуқароларнинг ихтиё-

рий бирлашуви асосидаги жамоат ташкилотларининг мавқеи ошиб бораверади.

«Бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди Президент, — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устун бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат». Албатта, бундай жамиятнинг ҳар бир аъзоси юксак маънавият соҳиби бўлиши керак, бусиз орзу орзулигича қолаберади. Маънавият эса аввало эътиқоддан бошланади. «Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирор нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам қўрқинчлидир», деб огоҳлантиради Президент. Албатта, маълум бир даврда коммунистик эътиқод эгалиари, соф виждонли даҳрийлар ҳам бўлиши мумкин эканлигини инкор этмайлик. Робин Гуд ёки Степан Разин сингари адолатли қароқчилар ҳақида ҳам афсоналар бор-ку («адолатли» ва «қароқчи» тушунчаларини бирга қўшиш биз учун жуда тасаввур қилиш қийин масала бўлса ҳам).

Аммо даҳрийлик инсон тарихида алоҳида ҳолатларда бир-бир учраб турадиган ҳодиса. Дин эса асрлар давомида миллион-миллион инсонларнинг эътиқодини шакллантириб келган. Жумладан, ислом дини 14 асрдан бери улуғ бир минтақада инсонлар тафаккур йўналишига таъсир ўтказиб келмоқда. Марксизм онгимизда аждодлар салоҳиятига нописандликни тарбиялади. Кимки 5—6 аср илгари ўтган бўлса, унинг мулоҳазалари бизга ноқис қўринадиган бўлди (айни марксизм ақидаларига номувофиқлиги туфайли). Ўз вақтида биз Имоми Аъзам, Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро сингари юзлаб жаҳоншумул улуғ алломаларнинг эътиқодини «афюн» деб эълон қилдик ва асло этимиизга ўйлаб кўрмадикки, «хўш, улар яратган улкан маънавий меросга ўзимиз бир мисқол қўшиш қурдатига эгамизми?» Мустақиллик бизга имонимизни, эътиқодимизни тиқлаш йўлинни кўрсатди. «Ислом дини, — дейди Президент, — биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик». Биз охирги ўзгаришлар баракотидан имонни, ахлоқни, диёнатни тан ола бошладик. Аммо ислом маърифати масаласида ҳануз жиддий хulosага кела олмай, гумон аралаш турипмиз. Онгимизни марксизм ақидалари тугал тарк этмагунча, бу масалада узил-кесил хulosага келишимиз, албатта, мушқул.

«Ислом» сўзининг ўзи тинчлик-тотувликни, ҳилм

(юмшоқлик)ни, ўзгага яхшилик тилагини билдиради. «Ассалому алайкум» деб мурожаатни бошлаймиз, демак, қаршимиздаги одамга Оллоҳдан тинчлик ва саломатлик, эзгулик истаб муомалага киришамиз. Шундай экан, юрт осойишталиги, инсонлараро аҳиллик ва муроса, ўзгани тушунишга интилиш, Оллоҳ яратган барча мавжудотга самимий меҳр кўзи билан ёндошув — ҳақиқий исломий қадриятлардандир ва бугун биз мустақиллик маънавиятини ушбу асос нуқталарга таяниб шакллантироқчимиз. Тан олиш керак, Йўлбошчимиз ушбу йўлда ҳар жиҳатдан бизга намуна кўрсатмоқда, фақат биз ушбу самимий уринишларга жиддий эътибор қаратсак, уларни кўнгилда таҳлилдан ўтказиб, амалда ўзимиз учун ибрат қилиб олсак, бас. «*Адолатли давлат, эркин жамиятни амалга ошириш йўллари мингйиллик диний ақидалар билан муштарак*», дейди Президент.

«Бир кишининг муаммоси ҳамманинг муаммоси, бир кишининг хурсандчилиги ҳамманинг хурсандчилиги» — бу бизга узоқ келажакда вайда қилинган сароб эмас, миллий маънавиятимизнинг минг йиллик қадриятидир. Маҳаллаларда, қариндош-урӯғ орасида, дўстлар даврасида бу қадриятни содда қилиб «меҳр-оқибат» дейдилар. Агар шу қонида миллат миқёсига татбиқ этилса, шунда Ўзбекистон дарҳақиқат улут давлат бўлиши шубҳасиз.

Ислом Каримовнинг янги китоби «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» мустақиллик даври миллий маънавиятимизнинг назарий асослари шакланишида мухим босқич бўлди. Бу асар воқеликка ёндошув ва муаммолар таҳлилида мутлақо янги асосларга таянади.

«Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетаяпмиз?» деб ўз-ўзига савол беради китоб муаллифи. XXI аср бўсағасида дунё кўзимизга қандай кўринади? Унинг фазилат ва қусурлари нимада? «Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга?» Бу ёруғ жаҳон марксизм талқинига мутлақо мувофиқ эмаслигини Президентнинг китобидан ёрқин тасаввур қиласиз. Бу китобда фақатгина бир мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсати мавзусини эмас, одам ва олам тақдири ҳақида, башариятнинг янги асрдаги ҳаёти қандай асосларга қурилиши мақбуллиги тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалар ифодасини кузатамиз. «*Бизни қўршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқ-*

да ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажсак», — деб хулоса қиласи Президент ўз кузатишлари ва ўйларига.

Биз шу кунгача бу асар мазмунини ҳар томонлама тушуниб етишга ҳаракат қилмоқдамиз. Аммо муаллифнинг маънавият ривожига кўшган энг катта ҳиссаси китобнинг мазмуний қурилишида яққол намоён бўлган янгича тафаккур услубидадир. Маълумки, собиқ СССР даврида ташқи сиёsat муаммолари ҳам дунёни қарама-қарши икки қутбга бўлинган ҳолда тасаввур қилиш асосига қурилар эди. Масалан, ўша даврдаги шўролар тузуми учун энг асосий хавф манбаи «халқаро империалистик кучлар» эди. Совет жамиятидаги барча ички ишлатлар манбаи ҳам «феодал ва буржуа ўтмиш сарқитларি» ҳамда «жаҳон империализмининг найранглари» оқибати деб қараларди. Муаллиф бу тасаввурларнинг ўтмишга айланганини қайд этади: *«Икки мағкуравий тузумнинг кураши ва бу курашининг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди»*.

Президентнинг янги китобида хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ҳам, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ҳам турфа йўналишда, яшаб турган дунёмиз, атроф-воқелик каби сержило ва мураккаб эканлигига эътибор қаратилган. Муаллиф уларни бир-бир санаб кўрсатар экан, асло ягона манбага олиб бориб боғламайди, яъни ягона душман ахтармайди (асли «душман» ва «дўст» категориялари ҳам нисбий, ҳар бир нарса-ҳодисанинг турли жиҳати ва таъсир йўналишлари мавжуд. Масалан, диний экстремизм хавфи «дин — афюндири» деган хулосага асос бермайди ва диний эътиқоднинг олий маънавий қадрият эканлиги албатта ислом фундаментализмини тақозо қилмайди ва ҳ. к.). Китобда баён этилган мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи қучлар турлича ва турли даражада қувватга эга, тараққиётимиз кафолатлари ҳам ранг-баранг ва турли-туман омилларнинг ўзаро уйғунилигига боғлиқ. Дунё энди икки қутбли эмас, деб таъкидлайди асар муаллифи ва ушбу кўп қутбли дунёда ҳар бир миллат, ҳар бир инсон ўз йўлини тўғри топиб юра олиши учун воқеликка қандай назар билан қарашни ўргатади. Насиҳат қилиб, кўрсатма бериб эмас, шахсий намуна кўрсатиб, воқеий ибрат орқали намоён қиласи. Президент дунё аҳлига мурожаат қиласи: *«Янги минг-йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва*

ҳамкорлик құлниңиң үзәмиз. Ҳағысилек, барқарорлық ва сабитқадам ривожланиш деган сүзлар бунинг рамзи-дир».

Президентнинг бу янгича ёндошуви тұлиғича неча минг йиллик миңлий маңнавиятимиз аньанаңларига, бу-гунги жаңон фикрий камолотининг эң ілғор тамойил-ларига таянади. Үнда ҳар бир шахс маңнавий хурлиги, бир томондан, Ватан ва миллат манфаатларига муво-фиқиқи билан, иккінчи томондан, умумбашарий қад-риятлар мұхофазаси билан үйгүнлашған. Зоро, асл маңнавият шахс, миллат, башарият манфаатларининг үйгүнлигидадир. Бу үйгүнлик Олий Ҳақиқатта оғишмай интилиш фалсафасини XXI асрнинг етакчи маңнавий йұна-лиши бўлишини орзу қиласан.

1997 йил августда Олий Мажlisнинг навбатдаги сессиясида «Таълим түғрисида» қонун қабул қилинди ва «Миңлий таълим дастури» маъқулланди. Халқимиз бу соҳадаги ўзгаришларни анчадан бери зориқиб ку-таёттан эди. Очигини айтиш керак, ўрга мактабда ҳам, олий мактабда ҳам ўқувчиларнинг күпчилик қисми «турғунлик даври»даёқ астойдил билимга интилиш иш-тиёқини йўқотганлиги ҳеч кимга сир эмас. Нега? Чунки ўқув юртларига бериладиган билимлар мажмуи билан ҳаёт зарурати орасида жуда катта узилиш юз берган эди. Шўролар ҳокимияти ақидапарастликка зўр бериб, таъ-лим системасида мутлақо ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ кел-майдиган, инсоннинг ҳаёт кечириши, ўз турмушини түғри асосларга қўйишига ёрдам бермайдиган, мавжуд воқеликдан узоқ, маҳаллий шароитларни заррача ҳи-собга олмайдиган, мавхум ғояларга таянувчи ўқув тизи-мини яратган эди. Президент бунга аввал бошиданоқ аҳамият бериб, «*таълим тизимимиз жаңон цивилизация-сининг илғор ютуқларидан ва ҳалқимизнинг тарихий ил-дизларидан ажралиб қолган эди*», деб қайд этди. «Бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислоҳ қилиш» зарурати мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан-ноқ давлат раҳбарининг дикқат марказида турди. Чунки янги авлод ҳаётга қандай билим, қандай маңнавий бой-лик, қандай замонавий билимлар билан кириб келса, мамлакат келажаги шунга боғлиқ бўлади. Миңлий маңнавият асослари ушбу таълим дастурида муносиб ўрин эгаллаши назарда тутилганлиги келажакдан умид-ларимизни янада нурлантиради.

Миңлий маңнавият миллатнинг ўтмиши, бугуни ва

келажагини қамрайди, уларни яхлит тизимда тутиб турди. Ўтмиш аждодларимиз мероси бугунги жаҳон даряси билан уйғуллашибилса, мамлакатимиздаги воқе ахволга татбиқ этилса, ундан келажак куртаклари униб чиқади, келажак унсурлари шакланади.

Маънавият жуда мураккаб, серқирра, шу билан бирга халқ дилига ниҳоятда яқин, тушунарли ҳодиса. Президент асарларида баён этилган муроҳазаларга таяниб, уларнинг аждодларимиз яратган бой мерос ва халқимиз тилида, дилида, мақол ва маталлари, урфодат ва анъаналарида тирик сақланиб келаётган миллий маънавиятимизнинг бош тамойилларини теран акс этиришидан келиб чиқиб, Шахс ва миллат маънавий камолида беш даража, беш погона сифатида 5 улуғ маънавий қадрият, беш маънавият майдонини ажратиб олдик. Булар — **Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат** деб аталади. Булар ҳар бири ҳам Миллат маънавиятининг бош таянчлари, ҳар бири алоҳида бир тизим, мураккаб ички мундарижали маънавий тушунчалар. Уларнинг ҳар бири хусусида балки ўнлаб китоблар битилса камдир. Аммо биз ўз қувватимизга яраша улар ҳақида илк муроҳазалар билдиришни ният қилдик.

Маънавият ҳақида баҳс юритилар экан, ўзак тушунча Шахс тушунчасидир. Чунки маънавият асли шахсдан ташқарида бўлмайди. Аммо ҳар бир шахс муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради. Унинг руҳияти ушбу маконда шакланади, шу ўлка унга Ватан саналади, кўнгил дунёсида унга маънавий муносабат юзага келади. Дилида Ватан туйғуси шакланмаган инсонни хали Шахс сифатида тасаввур этиш қийин. Демак, шахс маънавий камолоти **аввалида** ўз киндик қони тўкилган заминга меҳр, унинг руҳидаги **Она-табиат** билан уйғунлик ётади.

Маънавият муайян шахсдан ташқарида бўлмас экан, миллат маънавияти ҳам аслида ушбу миллатга алоқадор алоҳида шахслар маънавиятидан ташқари эмасдир. Маънавиятнинг бепоёнлиги алоҳида шахс маънавиятининг бехудудлиги билан боғлиқ. Маънавият инсон қалбida акс этган илоҳий нур, Олий Ҳақиқат нуридир. Илоҳий оятга таянувчи бу мажозий таъриф миллий маънавиятимиз такомил босқичлари давомида шакланган ва турлича тарзда қатор алломаларимиз меросида ўз ифодасини топган. Уни ҳозирги замон илмий тилига кўчирсан, инсон руҳиятида акс этган Борлиқ

ҳақиқати, янада аниқроғи **Инсон рұхидаги Борлық ҳақиқати билан үйгүнлик** деб таърифлаш мүмкін. Инсон рұхияти чексиз жилоларга эга, Борлық ҳақиқати асли беҳудуд, демакки, ҳар бир шахс маңнавияти иккі карра бепоён ва чексиздір. Миллат маңнавияти ушбу миллатта қайсидір бир тарзда алоқадор шахслар маңнавияти-нинг мажмудидір. Ана энди 3 карра чексизлик ҳосил бўлди.

Миллат маңнавиятини ушбу миллатга алоқадор шахслар маңнавий дунёси мажмуй ташкил этади, дедик. Аммо улар сони чексиз, чунки миллат маңнавияти унинг бутун ўтмиши, бугуни ва келажагини қамраб олади. Ўз навбатида бутун кўз очиб дунёни кўриб турган барча инсон у ёки бу муайян миллат маңнавиятидан ташқарида бўла олмайди. Масаланинг мураккаблиги шундаки, ҳеч бир инсон ўзи мансуб миллат маңнавиятини ота-онадан қон билан, ирсий қабул қилиб олиши кафолатланмаган. Агар ўзбек тўлигича рус маданияти муҳитида тарбияланса, унинг рұхидаги ўша миллат маңнавияти шаклланади. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Аммо агар немис фарзанди гўдаклигидан етим қолиб, ўзбек қишлоғида, соғ ўзбек оиласида тарбияланса, ўзбек бўлиб вояга этади. Бунга ҳам ҳаётда намуналар бор. Шу сабабли Форобий қозоқ бўлганми ёки ўзбекми, Абу Али тоҷикмиди ёки туркмиди қабилидаги баҳслар мутлақо маңнавиятга алоқаси йўқ. Ҳар бир шахс маңнавияти ушбу инсон тарбия топған маңнавий муҳит билан бевосита алоқадордир. Аммо бир нозик жиҳат мавжуд. Ўзбек оиласида тарбия топған немис фарзанди улғайиб, вояга етгач, нега ранги-рўйи атрофдаги дўстларига ўхшамаслиги ҳақида ўйлаши табиий, бир кун келиб ўзининг туғилишдан олмон ирқига мансуб эканини англаб етгач, унинг рұхидаги мураккаб туйгулар үйғонади, у табиий равишда ўзи асли мансуб бўлган миллат маңнавиятига интила бошлайди. Бундан ташқари ҳар бир миллат қонида минг йиллар давомида шаклланган **ирсий хотира** ҳам мавжуд эканини инкор қилмайлик. Демак, шахс маңнавий тўқислигининг **иккинчи** нишонаси унинг ўз миллий маңнавиятига алоқадорлиги, уни қай даражада рұхига сингдириб олганлиги билан боғлиқ экан. Албатта, Ватанга меҳр энди миллат маңнавияти-нинг ҳам узвий қисми эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Инсон Ватанни таниди, миллатни сүйди. Бўлдими? Ўз шахсий манфаатидан ўзгани тан олмайдиган, хис қилмайдиган одам — соғ жаҳолат бандасидир. Аммо

миллий худбинлик бালын шахсий худбинликдан күра хавфлироқ бўлиши мумкин. Бунга ҳам башарият тарихида истаганча фожеъ ҳодисалар гувоҳ. Айниқса, Янги тарихда. Ўзгани севишга ҳеч кимни мажбурлаб бўлмайди. Аммо инсон руҳида доимо адолат туйғуси ҳукмрон бўлмоғи керак. Бу — айни маънавият. Буни ҳатто, учинчи ўринга қўйиб ҳам бўлмайди. Аммо адолат юзасидан қайд этиш керакки, дилида Ватан туйғуси бўлмаган, ўз миллатини сўймаган инсон ўзгаларга нисбатан сидқидилдан адолатли бўлишига ҳам кўнгил бовар қилмайди. Шу билан бирга инсон руҳида табиатга нисбатан, ўзгаларга нисбатан меҳр ва адолат туйғулари шаклланиши учун унинг моддийлиги, ундаги нафс, яъни фафлат, шаҳват ва кибр доимо ҳалақит бериб туришини ҳам инобатга олиб ҳаётга, ўз фаолиятингга сергак боқиши лозим. Ушбу иллатлар ҳар бир инсон фитрати билан боғлиқ бўлгани туфайли инсон моддий мавжудот сифатида тирик экан, улардан буткул қутулиш умиди хомхаёл, фақат уларни мувозанатловчи куч керак, айни шу куч — маънавиятдир, маънавият — инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик дедик, яъни инсон руҳи **Борлиқ ҳақиқатини** англаб етсагина ўзига сингдирсагина, у билан уйғунлик ҳосил қила олади. Демак, энг олий поя — **Ҳақиқат**. У Борлиқнинг моҳиятидир. Борлиқ моҳиятини англаб етиш жараёни **маърифат** дейилади. Маърифат йўллари беҳисоб. Аммо бизнинг суҳбатимиз миллий маънавиятга оид бўлгани важидан Борлиқ ҳақиқати ҳақида тасаввурларни ҳам ушбу ҳудудда қидирганимиз мантиқан ўринли бўлади. Маърифат асли алоҳида шахс руҳига алоқадор жараён, миллат маънавиятида эса ушбу жараённи таъминловчи усуслар, восита ва имконлар ҳақида сўз юритиш мумкин. Йорода қудрати, ирфон ва риёзат, меҳр бевосита шахснинг фардий (индивидуал) тажрибасига кўпроқ алоқадор бўлгани сабабли биз асосан илм ҳақида мулоҳаза юритишимиизга тўғри келади. Маънавият ҳақида сўз кечганда аниқ фанлар ва моддий борлиқ нарса-ҳодисаларини таҳлил этувчи илмлардан кўра Борлиқнинг маънавий моҳиятига эътибор қаратувчи соҳаларни кўриб чиқиш муҳимроқдир. Шуларни назарда тутган ҳолда охирги бобда биз кўпроқ Борлиқ моҳияти ҳақида эмас, шу мавзуга алоқадор илмлар нисбати ҳақида аждодларимиз тажрибасига таяниб, баъзи хulosалар қилдик. Қолган тафсилотлар **китобнинг иккинчи қисми** мундарижасини ташкил қиласди.

КИСИ

Мадам Ани
Кадрия Гаджиева



Маънавият нима, — деган саволга И.Каримов бир ўринда шундай қисқа ва лўнда жавоб берган: «*Маънавият — инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир*». Нега энди маънавият бунчалик қудратга эга? Маънавиятнинг асл маңбай илоҳий нур, Олий ҳақиқат нуридири, дедик. У инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этади. Аммо бунинг учун кўзгу сайқал топган бўлмоғи керак. Инсон риёзат чекмаса, ўзлигини ёниб изламаса, Ҳақиқат сари фақат онги эмас, борлиқ вужуди билан интилмаса, унинг кўнгил кўзгуси сайқалланиши ҳам мушкул. Шу сабабли маънавият нури барчага баробар насиб этмоғи тасаввурдан йироқдир. Маданият — инсон маънавиятининг моддий воқелиқдаги излари, зоҳирда ифода топган шакли, кўзга кўриниб турувчи қобигидир. Баъзи меваларнинг данаги пуч чиққанидек, баъзан шаклан ифодаланган маданият қобигининг ичи пуч бўлиши, ҳатто ичидан ширин мағиз ўрнига аччиқ мағиз ёки курт чиқиши, яъни илоҳий нур ўрнига шайтоний васвасага дуч келиб қолишимиз ҳам мумкин. Бугунги дунё воқелигига бундай ҳолатлар учраб турипти.

Инсониятни бошқа маҳлуқот дунёсидан ажратиб турувчи нарса унинг моддийлигидан ташқари қалбида илоҳий нур ҳам мавжудлигидир. Бу қадим алломаларимизнинг ақидаси илоҳий қаломга таянади. Миллатни бирлаштириб турувчи омиллар — тил, тарихий ва ҳудудий бирлик уларда яхлит маънавий қиёфани шакллантиради. Маънавиятнинг миллийлиги шундан. Аммо илоҳий нур биринчи навбатда ҳар бир саодатманд инсоннинг қалбида, кўнгил кўзгусида аксланади.

Миллат ва шахс маънавияти нималарда ўзини аён этади? Уни қандай ўрганамиз, деган муаммо бор. Маънавият инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Унинг яшаш тарзи, қилган ишлари, яратган асари, меҳнатининг натижалари, атроф-воқе-ликка муносабати — барча-барчаси инсон маънавиятининг кўзгусидир. Олимнинг кашфиёти, шоирнинг шеъри, бастакор мусиқаси маънавий дунё даракчиларири. Аммо дид бўлмаса, идрок ва билим етишмаса, уларни

сезиб олиш, англаб етиш мушкул. Демак, ўзганинг маънавий камолот даражасини хис қилиш учун ўзингда ҳам етарли савия, баркамоллик бўлмоғи зарур.

Бизнинг назаримизда, миллат маънавиятининг энг ёрқин ва тўлақонли акс эттирувчи кўзгуси — адабиёт ва санъатдир. Масалан, Алишер Навоий ижодида бир пайтнинг ўзида ҳам буюк аллома ижодкорнинг шахсий маънавияти, ҳам ўзбекнинг миллий маънавияти ёрқин ва тўлақонли акс этган. Шу билан бирга Навоий ижодида барча туркий халқлар, бутун ислом минтақаси маънавиятига хос умумий жиҳатлар ҳамда умумбашарият маънавиятининг муайян даврига хос улуғ қадриятлар ҳам ўзига хос бир тарзда ифода этилгандир. Бундан ташқари, миллат маънавияти яна турли анъана, урф одат ва маросимларда, табиат, илм ва техникага муносабатда, қўйингки, алоҳида инсонлар; ҳатто бутун бир халқнинг турмуш тарзи, ижоди, меҳнати ва унинг маҳсулида турли даражада ўзлигини намоён этади.

Барча ижтимоий ва инсонга оид илмлар иложисиз инсон ҳамда миллат маънавиятининг у ёки бу қирралари, жиҳатлари билан бевосита иш олиб боради, уларни муайян нуқтаи назардан текширади. Аммо, афуски, ҳеч бир хусусий фан инсон ва миллат маънавиятини тўлиқ қамраб ола олмайди, яхлитликда олиб қарамайди. Шу сабабли Инсон ҳақида, жамият ҳақида маънавият нуқтаи назаридан туриб фикр юритадиган бир алоҳида илм йўналиши лозим эмасмикан деган савол туғилиши табиийдир.

XIX аср Европасида қадим Юнондаги каби яна фалсафий тафаккур биринчи ўринга кўтарилди. Аммо кўп ўтмай уни марксистлар сиёсий кураш қуролига, жанговар мафкурага айлантирилдилар. Бугунги кун бизнинг онгимиздаги фалсафий мушоҳада майдони, хоҳлаймизми, йўқми, Гегель диалектикасининг Марксча талқинидан узоқ кета олмайди. Чунки, 70 йил мобайнида дунёning барча фалсафасини «забардаст совет идеологлари» ўз қолипларига жойлаб, ўз андозаларида ўлчаб-кесиб бўлганлар.

Демак, Президентнинг маънавиятга эътибори беҳудага эмас, зотан, фақат аждодларимиз яратган маънавий мерос асосида шаклланган тафаккургина ҳақиқий мустақил миллий тафаккур бўла олади. Ушбу китобдан мақсад ана шу йўналишда бир қатор ўзак тушунчаларга доир дастлабки мулоҳазаларни қоғозга туширишdir.

Евropa илмида аксиология фани бор. Ўзбекчага уни

қадриятшунослик деб таржима қилишади. Инсон ниманы қадрига етса, ўша унинг учун қадриятга айланади. Бир нарсанинг қадрига етиш учун унинг моҳиятини англаб етиш лозим. Инсон аввало ўзлигини англашга уринади. Одам боласи ўзлигини англашга борган сари Шахсга айланаб боради. Демак, инсон маънавиятига оид тушунчалар марказида Шахс туради. Шахс — ўзлигини англаб етган, ўз қадрини билган инсондир. Аммо ҳеч бир инсон Ватансиз дунёга келадими, Шахс бўлиб етиладими? Демак, сўзнинг аввалида — Ватан тушунчаси.

I боб.

ВАТАН

Ватан туйғуси ҳақида алоҳида китоблар ёзилган. Ватан тушунчаси кенг қамровли, баъзан кўп маъноли тушунча. Инсон ўз киндиқ қони тўкилган, туғилиб ўсган диёрини Ватан дейди, аммо ҳар бир инсон бу тушунчага ўз маънавий камолот даражасига кўра қамров беради. «Ўз уйим — ўлан тўшагим», дейди бирор, бошқаси туғилган шаҳар ёки қишлоғини Ватаним, юртим, дейди. Тасаввуф аҳли «Ватан» дегандা инсон руҳининг муваққат макони бўлмиш моддий воқеликни, жумладан, баданни тушунади. Энг муҳими, Ватан тушунчаси маънавий муносабатни билдиради, яъни у маънавий қадриятдир, Ватан туйғуси инсон маънавий камолоти даражасидан хабар бергувчи илк муҳим нишонадир.

Бепоён коинот миқёсида инсон зоти истиқомат қилиб турган Ер курраси кичик бир зарра, холос. Шу жиҳатдан қараганда, сайёрамиз аҳли башар учун яхлит Ватандир. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари бугунги кунда тақдир тақозоси билан турли миллат ва элатларга бўлинниб, турли ўлкаларга сочилиб кетмишлар. Жумладан, туркий элатларнинг асл ота юрти Туркистон янги аср бошларида баъзи «оға»ларнинг фаразли найранглари оқибатида парчалаб ташланди. Бугунги воқелик ушбу ўлкада бир қатор мустақил давлатларнинг шаклланганлиги билан ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё деб аталаётган ушбу минтақанинг қоқ марказидан жой олиб турибди.

«Ўзбекистон» номи бугун ҳам жуғрофий ҳудуд, ҳам жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш

сиёсий бирлик, ҳам ушбу диёрнинг барча аҳолисини қамраб олувчи яхлит ижтимоий воқеликни англатади. Ана шу Ватан учун борлигини бағишламаган ўзбек — ўзбек эмас. Аммо ҳамма гапни бирдан айтиб бўлмайди. Биз суҳбатни, биринчи навбатда, ўзимиз истиқомат қилиб турган атроф-воқелик, табиий мұхит, яъни Онерга муносабатдан бошлаганимиз дуруст. Зеро, қадам босиб турганимиз Она-тупроқ бўлмаса, қайси Ватан ҳақида сўзлаш мумкин. Демак, инсон маънавиятининг биринчи ўлчови унинг Она-заминга, табиатга муносабатидир.

Эслатиб ўтиш жоизки, табиат, моддий борлиқ ҳам, маънавий моҳият ҳам бир манбага — Ҳаллоқи оламнинг қудратига туташади, ўшанинг ҳосиласидир. Ҳаётда асли жуда оз миқдорни ташкил этувчи даҳрийларгина ҳақдирлар, илоҳий қудратга ишонган дунё аҳлининг кўпчилиги эса янглишади, деган ақида нималарга олиб келганини кўрдик. Кўпчиликнинг зиддига иш қилиш эмас, кўпчиликни тушунишга интилиш хайрли амал эканлигига икрор бўлиш пайтимиз келди. Зотан, улуғ аждодларимиз шу йўлдан борганлар, миллий маънавиятимиз шуни тақозо этади. Аждодларимиз ақли ва салоҳиятига бовар қылсак, улар бу дунёни «суврат» деб, «мажоз» деб, «кўзгу» деб атайдилар. Дарҳақиқат, инсон дастлаб кўз очгач, дунёга, атроф-табиатга кўзгудек муносабатда бўлади, ундан ўзини излайди, ўзини табиат орқали англаб етишга интилади. Худди ана шу даврдан миллий маънавият шакллана бошлайди. Ҳар бир элат, ҳар бир ҳалқ доимий истиқомат қиласидиган макон ўзга ўлкалардан нимаси биландир фарқ қиласи, ажralиб туради. Туркий элат яшаган табиат шароити, албатта, тарихда доимо бир тусда бўлмаган, туркий қавмлар Волга ва Ока бўйлари, Шимолий Кавказ, Босфор кўрфази қирғоқлари ва Онадўлида, Эрондаги Урмия кўли ва Кавказ ортидаги Куба водийси, Хурросон ва Туроннинг обод воҳалари, Тангритоғ этаклари, Иргиш ва Энасойни ўраб турган қуюқ ўрмонлар бағрида, Ўрхун ва Ёйиқ дарёларидан сув ичган дашту далаларда ҳаёт кечирганлар. Аммо Фарбий Мўгулистандан Азов денгизигача, Ўрол тоғларидан Шимолий Афғонистонгача чўзилган улуғ бир сарҳаднинг кўпчилик қисмидаги қуёш нури мўл, Оллоҳнинг обираҳмати танқисроқ, яйловлар бехудуд, табиий ўрмонлар сийракроқ, чўл ва саҳролар белоён, водий ва воҳалар ноёброқ, тоғлар баланд, аммо абадий музликлар камроқ сақланганнадир. Шулар барча-

си бир бўлиб инсоннинг табиатга муносабатида ўзига хос қадриятлар тизимини шакллантирган. Аждодларимиз обиҳаёт аталмиш сувни, бизни боқувчи Она-замин тупроғини, кўёш ва унинг инсон қўлига ўрганган парчаси — оловни муқаддас санаб эъзозлаганлар. Сабаби, худди шу табиатнинг асос унсурлари инсон ҳаётини таъминловчи бош омиллар эканлиги неча минг йиллик ҳаёт тажрибасидан уларга аён бўлган.

Демак, инсон табиат, атроф-муҳитни тушунишга интилиш ва у билан амалий муносабатларга киришиш жараёнида ўз моддийлигини таъминлаб ҳамда ўзлигини таниб борар экан, инсон ва табиат орасидаги муносабатларнинг маънавий жиҳатлари ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

6-фасл. Табиат ва инсон

Бугунги кунда ҳар бир шахс ўзини инсон сифатида табиатнинг бошқа мавжудотларидан ажратади, муайян миллат вакили сифатида бошқа халқлар ва элатлардан фарқини сезади ва, ниҳоят, аҳли башар сифатида ўзга инсонлар билан умумий жиҳатлари, Она-сайёранинг онгли фарзанди сифатидаги ҳукуқ ва масъулияtlари ҳақида бош қотиради. Табиат олдида ҳар бир алоҳида шахс масъулдир, чунки у Ер юзидағи халифадир, ҳар бир элат ва миллатнинг ўзи яшаб турган табиий макон — Она-Ватани олдида масъуллиги бор, аммо, барибир, биз яшаб турган Ер курраси ягона макон ва масканимиз экан, аҳли башарнинг унинг олдидағи масъуллиги ҳам яхлитдир. Бугунги инсон аҳлиниң құдрати қарши-сисида табиат ожизланиб қолганлиги — умумбашарий муаммо ва умумбашарият учун таҳликали вазиятдир. Ақл — маънавиятта дахлдор, аммо маънавият ақелдан иборат эмас. Маънавият мувозанатни сақтай билишадир ва ақлнинг бугунги құдрати инсон маънавиятининг ўзга жиҳатларига ҳам жиддий эътиборни тақозо қиласи. Зотан, ақл ва худбинликнинг бирлашуви яхшиликка олиб бормайди. Буни инсоннинг табиатта муносабати доирасида кўриб чиқайлик.

Инсон ўзликни англаш жараёнида маънавий камолотга эришади. Исломгача башарият эришган маънавий мувозанат асотир тафаккур даражасида бўлди. Асотир идроки илмий идрокдан жиддий фарқ қиласи. Инсоннинг табиат билан дастлабки муносабатлари

фаол моддий муносабатлар бўлиб, яхлит асотир тафаккур тизими ушбу муносабатларнинг неча минг йиллик тажрибаси натижасида шаклланди. Бу тизим «Авесто» китобларида, Геродотнинг «Тарих»идаги маълумотларда, қадим туркӣ битикларда, ҳалқ яратган оғзаки аданбиёт намуналари, мақол ва маталларда ўз ифодасини топган.

«Авесто» китобида табиатга муносабат икки жиҳати билан намоён бўлади. Бири — табиат унсурларини муқаддаслаштириш, иккинчиси — инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини муқаддаслаштириш. Масалан, Ардвисурага бағишланган бешинчи яштда сув улуғланади, унинг дон ундириши, чорва ташналигини қондириши, инсон бойлигига барака келтириб, мулкини кўпайтириши, ўлкаларни гуллаб-яшнатиши тилга олинади. Аммо бу сув мавҳум тушунча шаклида эмас, тўлиб оқаётган улкан дарё тимсолида намоён бўлади. Заратуштра макони қадим Хоразм эканини ёдга олсак, кут-барака манбаи ҳисобланган бу азим дарё Амударё (Жайхун, Ўқуз дарёси)дир.*

«Авесто» матнлари мураккаб мазмунга эга. Биргина ушбу алқов (яшт) мазмунини тўлиқ олиб таҳлил эта бошлаганда неча қават мазмунлар силсиласи очила бошлайди. Биз фақат энг қадимий мазмун қаватига нигоҳ ташлаб ўтдик. Умуман, «Авесто» мазмунини инсон маънавият такомили нуқтаи назаридан таҳлил этиш ниҳоятда қизиқарли хуносаларга имкон бериши шубҳасиз.

Геродотнинг «Тарих» асаридаги қадим асотирларни туркӣ битиклар билан қиёсий ўрганиш осмон, ер ва инсон муносабатлари тарзида акс этган «табиат (ер) — инсон — маънавият (осмон)» уйғунлигини аждодларимиз қандай ҳис этганлигидан хабар беради.

*«Юзада кўк Тангри
Остда қора ер қилинди,
Иккиси аро киши ўғли қилинди»,*

деб бошланади Култегин катта битиги.** «Ирқ битик»да ҳам инсон ўз тақдирини табиат кўзгусидан қидиради.

Исломгача туркӣ битикларда миллий тафаккур, юнонларда мантиқий тафаккур шакллана бошлади. Аммо исломгача шаклланган фалсафий тафаккур таркибида асотир тафаккур унсурлари кучли таъсир қудра-

тини сақлаб қолгани ўша давр матнларидан очиқ намоён бўлади (масалан, Платоннинг «идеялар дунёси», ёки «Авесто»даги турли моддий ҳодисалар моҳияти билан боғлиқ «илоҳа»лар).

Ислом даврига келиб инсоннинг табиатга муносабатида янги босқич бошланди. Куръони каримнинг нозил бўлиши асотир тафаккурга охирги ҳал қидувчи зарба бўлди. Одам Ато авлодларига Ер юзига халифалик масъулияти билан яратилганликлари ҳақида аниқ хабар берилди. Бу инсон тафаккурининг янги ривожланиш даражасига мувофиқ келувчи маънавий вазифа бўлиб, энди фақат яратувчилик меҳнати билан фахрланиш, ер, сув, оловни эъзозлаш кифоя қилмас эди.

Ислом минтақа маданиятида аста-секинлик билан инсон онгидаги асотир тафаккур унсурлари илмий ва бадиий тафаккур қудрати билан сиқиб чиқарилди. Асотир тафаккур ўрнини илмий тафаккур мустаҳкам ва асосли эгаллай бошлаганлиги сабабли энди атроф-вокелик билан муносабатларни ҳам илмий асосга қўймоқ тақозо этиларди. Бу масъулиятни тўқис-тугал англаб етиш осонликча кечгани йўқ. Бу даврдаги инсоннинг табиатта муносабатида бир неча йўналишни тилга олиб ўтиш лозим.

Биринчиси, тавҳид таълимотидан келиб чиқсан ҳолда инсон ўзини табиатнинг узвий бир қисми сифатида англаб етиши бўлиб, бу ҳолат тафсилотларининг таҳлили асосан ислом маърифатчилиги вакиллари томонидан амалга оширилди.

Иккинчиси, инсоннинг Ер юзида халифалиги, яъни инсоннинг табиат соҳиби эканлиги масаласи. Бу масала мулк муносабатлари билан боғлиқ равишда ислом даврида асосан фикҳ илми алломаларининг диққат марказида бўлди. Ерга, сувга, маъданларга инсоннинг мулкий муносабатлари даражаси бу йўналишдаги муҳим муаммолардан бўлиб, вакф масаласида бевосита маънавият ва иқтисод нисбати муаммоларига тулашиб кетади.

Куръони каримнинг «Мулк» сураси шундай бошланади: «Таборак-аллази биядиҳил мулку ва ҳува ало кули шайъин қадийр» (Қўлида мулк бўлган зот улуғ, муқаддасdir. У барча нарсага қодир.*.) Бу ягона Оллоҳнинг сифатидир. Бугун борлиқни у вужудга келтирган, демак, борлиқ унинг мулкидир. Инсон эса — унинг Ер юзидаги халифаси. Ҳар бир инсоннинг мулкий ҳуқуқи ушбу мантиқ асосида белгиланади. Адолат ҳар бир

шахснинг унга Оллоҳ ато этган қудрати ва салоҳиятига яраша, мөҳнатига лойиқ мулк эгаси бўла олиш ҳуқуқидадир. Инсон ўзи яратмаган, ўзи ярата олмайдиган ҳеч бир нарсага соҳиб бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Аммо унинг мөҳнати ва салоҳияти билан яратилган ҳеч бир нарса унинг инон-ихтиёридан ташқари умумхалқ ёки давлат мулки бўлиши ҳам жоиз эмас. Табиий бойликлар шоҳга ҳам, фуқарога ҳам мутлақ тобе бўла олмайди. Улар Яратганинг мулки, муқаддас мулк. Шу сабабли ер, сув, қазилма бойликлар, табиий ўрмон ва ҳоказолар ўша заминда яшовчи аҳоли фойдаланиши учун яратилган бўлиб, давлат қонунлари ва халқаро келишувлар асосида тасаруф этилмоги лозим.

Табиий муҳитни авайлаб-эъзозлаб муносабатда бўлиш, ер, сув, ҳаво поклиги фақат биз учун, бугунги авлод учунгина эмас, неча минг йиллик келгуси авлодлар учун ҳам аталган эканлигини ниҳоятда ҳушёрлик билан ёдда тутиш, демакки, ўта қатъий қоидалар билан муҳофаза қилиш лозим. Ердан, сувдан оқилона фойдаланиш зарур — маълум ҳудуд ёки дарё, сой, кўл, денгиз хусусий мулк бўлиши, яъни тўлиғича якка бир шахс инон-ихтиёрига ўтиб, ободу вайронлиги унинг иродаси, хоҳишига мутлақ боғлиқ бўлиб қолиши мумкин эмас. Ҳатто давлат ёки умумхалқ мулки дея аталиши ҳам шартлидир. Шу маънодаки, ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқ ўз келажак авлодини, келажак инсониятни табиий имкониятлардан маҳрум этишга ҳаққи йўқ. Ҳар ким бир нарсани яратса, ўша унинг мулки бўлсин — хоҳласа сотсин, хоҳласа бузиб ташласин. Аммо шундай деймизу, бу қоида ҳатто буюк истеъдодлар қудрати билан яратилган бойликларга ҳам тўлиқ даҳлдор эмас. Чунки истеъдод Оллоҳ инъом этган неъматдир, демак, бу истеъдод меваси ҳам ўз қиймати, аҳамиятига кўра камида умуммиллий, кўп ҳолларда умумбашарий мулкка айланади. Демак, на уни яратган инсон, на бошқалар бу мулкка шикаст етказишга ҳуқуқли бўлмай қолади. Истеъдод эгасининг башарият олдида, Оллоҳ олдида алоҳида маънавий масъулияти мавжуд. У ўз истеъдодини Оллоҳнинг неъмати сифатида қадрлаши, уни ботил хаёллар ихтиёрига бериб қўймаслиги, беписанд муносабатда бўлмаслиги керак. Ҳар ким ўзидағи яширин истеъдодни излаши, топиши, тарбиялаб камолга етказиши, миллат ва башарият маънавий равнақи учун ҳисса бўлиб қўшиладиган воқеъ бойликка айлантириши вожибdir. Истеъдод эгаси эл эъзозига лойик. Ўз ис-

төйдөлдөрлиниң қадрига етмаган халқ эса, шубҳасиз, таназзулга юз тутади.

Учинчи муҳим жиҳат — инсоннинг табиат олдидағи масъулияти ва табиатта мәхр масаласи бўлиб, бу муаммо «Авесто»да асотир дараражасида ҳал қилинган бўлса, ислом даврига келиб кўпроқ бадиий тафаккур ихтиёрига ўтди ва «мажоз тариқи» босқичида мукаммал ҳал қилинди. Янги давр Европасида, айниқса марксистлар тафаккурида, илм ва имон, ақл ва туйғу, мулк ва мешнат, моддият ва маънавият аро зиддият, кураш етакчи ўрин эгаллаб, фақатгина ижтимоий тараққиётни инқилоблар орқали амалга ошириш эмас, балки табиатни ҳам ўзбошимчалик, зўравонлик ва тазиик йўли билан инсон эҳтиёжига мослаш ҳаракати расм бўлди. Ислом минтақасида алломаларимиз уйғунлик ва яратувчиликни биринчи ўринга қўйиб, ўзни ва ўзгани тушунишга интилиш, жумладан, табиат ва инсон муносабатларини асл моҳиятига мувофиқ англаб етиб, шунга яраша муоммалини шакллантиришга интилдилар. Навоий наздида табиатнинг бирор унсурига онгли равишда зарап етказиш Оллоҳга хиёнат дараражасида тушунилар эди. Шу маънода, Ватангча хиёнат ҳам фақат жанг пайтида душман тарафга ўтиб кетиш эмас, биринчи навбатда, Онаер, сув, ҳаво, тупроқни қадр этмаслик, уларни булғаш, миллият мулкига зиён етказиш, авлодлар ҳаққига хиёнат қилишда деб англанган. Миллий маънавиятимиз учун табиатга муносабатда Янги даврга ўтиш босқичининг Навоийдан кейинги ривожини назарияда Бедил меросидан ва амалиётда Миллий Уйғониш намоёндлари фаолиятидан қидириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Аммо сиёсат соҳасида асотир тафаккур қолдиклари тугал енгиб ўтилмаганлиги Ислом минтақасини Янги даврда турғунликка олиб келди ва натижада Европа илгариилаб кетиб, минтақамиз халқлари асоратга тушиб қолди. Анъанага кўра минтақамизды сиёсий ҳокимият учун кураш фақат сулолалар аро мавжуд бўлиб, миллий зиддиятлар бизнинг халқларимиз учун хос эмас эди. Чунки бизда турли сиёсий-худудий бирликлар (давлатлар) доимо кўпмиллатли бўлган. Бу анъана бугун ҳам биз учун қадрли бўлиб, давлатимиз сиёсатида ўз аксини топмоқда. Ватан хавфсизлигини кенг маънода тушуниш, унга таҳдид этиши мумкин бўлган асосий хавфлар ва уларни бартараф этиш йўллари Президентимизнинг янги китобида мукаммал таҳлил этиб берилган.

II бөб. ШАХС

7-фасл. Инсон табиати ва маънавият

«Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон!» деб ҳайқирган эди ичи куйиб кетган шоир. Элат миллат бўлиши учун, мавхум қиёфали «оломон» асл маънодаги «халқ»قا («будун»га) айланishi учун аввало ушбу мамлакатнинг ҳар бир фуқароси Шахсга, мустақил маънавият эгасига айланishi керак. Инсон шахсга айланмаса, элат миллатга, оломон халқقا айланмайди. Хўш, шахс ким ўзи? Ҳуқуқшунослар тилида «жисмоний шахс» ва «ҳуқуқий (юридик) шахс» тушунчалари мавжуд. Ҳудди шунга монанд маънавият нуқтаи назаридан ҳам шахс тушунчаси икки ҳолатни кўзда тутади. Биринчиси, ҳар бир инсонга шахс деб ёндошмоғимиз лозим. Бу фақат имкониятни назарда тутади. Иккинчиси, ҳар инсоннинг маънавий камол топиши, етуклиги уни мустақил шахс даражасига олиб чиқувчи омил ҳисобланади.

Мустақил шахс — маънавий камолотнинг муайян даражасига етишган инсондир. Маънавий камолотнинг чегараси йўқ. Шу сабабли унинг муайян даражаси деганда нимани тушунмоқ керак? Бу йўналишда бирор аниқликка эришиш учун сұхбатни инсон табиати ва унга маънавиятнинг нисбати мавзусидан бошламоқ мақбул кўринади.

A. РУҲИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Инсон моҳиятида икки жиҳат мавжуд, деймиз. Моддийлик ва маънавият. Шунда кимdir холоса қиласи: «Демак, маънавият бу руҳият экан-да. Чунки моддийлик материя (ҳаюло) билан боғлиқ, у инсоннинг шаклий вужуди, суврати. Руҳият эса файримоддий, мавхум моҳият»

Асли ундей эмас. Руҳият инсоннинг табиатига оиддир. Унда шаҳват бор — шаҳват инсон жисмiga боғлиқ, руҳиятимиздаги кўп ҳолатлар ана шу шаҳватнинг таъсирида юз беради. Инсонда нафс бор, моддий вужудини доимий қайта тиклаб бориши учун у турли озуқа билан таомланиб турмоғи керак — инсон нафси унинг руҳида очкўзлик кайфиятини пайдо қиласи. Очкўзлик очлик эмас, баъзан қорин меш бўлиб шишиб кетса ҳам, инсоннинг кўзи тўймайди. Пул бўлмаса бугунги кунда

инсоннинг тирикчилиги ўтмайди. Шу сабабли инсон пул қидиради, қарабисизки, руҳиятида пулга тўймаслик касаллиги вужудга келади. Инсонда жаҳл бор, у руҳиятга оид, маънавиятга эмас. Шундай қилиб, инсон руҳияти зиддиятли воқеликдир.

Инсон вужуди табиатга оид, унга алоқадор, аникроғи, унинг бир узви, ажралмас бўлаги. Инсон руҳияти унинг табиати, моддий борлиғи билан туташ. Маънавият эса инсон руҳини ягона илоҳий моҳият, Ҳақ билан туташтиради. Шу маънода, инсон ҳайвон ва фаришта орасида туради. Ҳайвон соғ моддий оламга, фаришта соғ маънавий оламга алоқадор саналса, инсонда ҳайвон зотига хос моддийлик ҳам, фариштага хос маънавият ҳам мавжуд.

Инсоннинг яралиши ҳақида Алишер Навоий ёзади:

*Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,
Елини ҳам туфроққа айлаб адуб.
Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўйуб инсон ҳилқатида муттаҳид.*

Бу ерда тўрт унсур (моддий дунёнинг, табиатнинг тўрт асосий элементи) ҳақида, уларнинг бир-бирига зиддиги ҳақида ва инсон жисми ушбу тўрт зиддиятни ўзаро уйғуллаштирилувидан вужудга келгани ҳақида гап бормоқда. Инсон табиати нега аввалбошдан зиддиятли эканлиги изоҳланмоқда.

«Зубдатул ҳақойик» рисоласида Азизуддин Насафий шу ҳақиқатни илмий тил билан баён қилган.* У ўзидан олдин ўтган алломалар фикрини умумлаштириб, инсон мизожини белгиловчи тўрт моддани табиатнинг тўрт унсури билан мувофиқлиги ҳақида ёзади. Унинг фикрича, ўт (савдо) — тупроқ мизожига, балғам — сув мизожига, қон — ҳаво мизожига ва сафро — олов мизожига мувофиқ келади. Маълумки, инсон озиқланади ва озуқа унинг танасига ҳазм бўлиб, инсон жисман ўсади. Ўсиш хусусияти туфайли инсон жонсиз табиат, яъни маъданлардан фарқ қиласди. Ана шу ўсишни бошқарувчи механизми «Зубдатул ҳақойик» муаллифи ўсимлик руҳи деб атайди. Ўсимлик руҳи жонли табиатдаги турли кўкатлар, дараҳтлар ва инсон учун умумийdir. Дараҳтлар ўсади, аммо мустақил равишда ўз маконини тез ўзгартира олмайди, бошқа жонзотлар билан фаол мулоқотга кирмайди. Бу хусусиятлар энди ҳайвонга хос бўлиб, шу сабабли инсондаги сезгиларни — кўриш, эшлиши, таъм билиш, ҳид ажратиш, бадани билан сезиших хусусиятлари-

ни ҳам ҳайвон руҳига оид деб ҳисоблаймиз. Сезги органдары ҳайвон руҳини қўзғотади. У туфайли инсонда манфаатдорлик ва ҳузурланишга интилиш, зарар ва хатарга қарши қўзғалиш пайдо бўлади. Насафий улардан биринчисини ҳирс (нафс), иккинчисини газаб қуввати деб атайди. Булар ҳайвонларнинг ҳаёт фаолиятида етакчи ўрин эгалловчи хислатлардир. Бугунги кун Европа фани уларни инстинкт деб атайди. Демак, шахсий фойдани ва зарарни билиб, биринчисига табиий интилиш ва иккинчисига қаршилик кўрсатиш ҳали инсонликдан нишона эмас, балки инсоннинг ҳайвонлар билан умумий томони экан. Азизуддин ёзди:

«Билгилки, баъзиларнинг фикрича, айрим одамларда тўртта руҳ мавжуд, яъни: ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи, жон (қалб) руҳи ва инсон руҳи (нафси нотиқа). Яна бошқа бир хил одамларда бешта руҳ бор дейдилар, яъни: ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи, қалб руҳи, инсон руҳи ва муқаддас руҳ. Ва яна дейдиларки, инсоний руҳ ва муқаддас руҳ юқори оламдандир, яъни ғайб оламидандир — осмоний фаришталар жинсидан. Ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи ва қалб руҳи — қуий оламдан, озуқанинг қиёми ва шарбатидан. Ушбу беш руҳнинг ҳар бири бир жавҳардир. Улар бир-биридан ажратилган ва ўзаро фарқланади. Та-на гўё шамъ бўлиб, ўсимлик руҳи мисли шамъдон, ҳайвон руҳи гўё пилик, қалб руҳи бамисоли ёф бўлса, инсон руҳини нурга қиёслаш мумкин. Муқаддас руҳ эса — бу «нурдан ало нур» — «нур устига ало нур»дир.

Бошқа баъзилар ҳар бир одамда фақат битта руҳ бор дейдилар, аммо бу руҳнинг даражалари бор ва ҳар бир даражанинг номи мавжуд... Руҳ битта ва жисм ҳам биттадир, лекин жисмнинг даражалари бор ва ҳар бир даражанинг қандайдир номи бор. Руҳнинг ҳам даражалари бор ва даражалар қандайдир номларга эга. Жисм руҳга мувофиқдир ва руҳ жисмга мувофиқдир... Жисм ҳам, руҳ ҳам иккаласи бирга ривожланади ва комилликка эришгунча камолот зинапояларидан кўтарилиб бора-верадилар ва даражаларни эгаллайдилар. Уларнинг зуваласини ҳар қанча кўпроқ пишигтса, тарбияланса, улар моҳиятида яширган сифатлар кўрина бошлайди».

Ҳайвон руҳи фақат атроф-воқеликдаги аниқ (конкрет) нарса-ҳодисаларни идрок этади, уларнинг ўзига кўриниб турган фойда-зарарини англайди. Инсон руҳи эса моддий муайян нарсаларни ҳам, улар ортидаги умумийликни ҳам англаб ета олади. Ушбу хусусияти туфайли у имон, эътиқод эгаси бўла олади, иродасини

эркин идора эта олади, онгли равишда риёзат чекишга қодир, борлик моҳиятини англаб етишга, яъни маърифатга ва меҳрга қодир. Инсон тақволи, нарсалар моҳиятини англаб етувчи (имл олишга қобил), ориф ва ҳатто валий дараҷасига етиб қаромат кўрсатишга қодирдир. Ҳақ таоло наби ва расул (пайғамбар)ларни инсон зотидан танлади, уни илоҳий ҳақиқатга дохил бўлиш дараҷасигача мушарраф этди.

Хуллас, Ҳаллоқи олам икки дунёни инсон учун яратди, мақсад инсон эди, унга бутун маҳлуклардан ўзгача фазилатлар баҳш этди. Инсон кўнглини маърифат хазинаси қилиб бу сеҳрли тилсим ичига ўзини яшириди. Инсон кўнгли маҳфий хазина сифатида Оллоҳ ҳақиқати сиррини ўзида пинҳон этган бўлиб, уни яширган ҳам, асррагувчи ҳам ўзидир.

Маънавият ана шу кўнгил тилсимига яширинган Оллоҳ ҳақиқатидир, руҳият эмас. Чунки руҳиятда ҳайвоний интилишлар инсоний маърифат билан чатишиб кетгандир.

Б. МАЪНАВИЯТ ВА ИРСИЯТ

Инсон руҳияти икки асосда шаклланади. Бири — ирсият ва иккинчиси ижтимоий таъсир ва тарбия. Европа илмида ирсият фани бугунги кунда юксак ривожланиш нуқтасига кўтарилган, шу сабабли биз бу соҳага кўп ҳам даҳл қилмаганимиз маъқул. Аммо миллий маънавиятимизга оид бир ҳикмат борки, уни эслаб ўтмасак, маънавият ҳақида мулоҳазаларимиз мұкаммал бўлмайди. «Ҳаромдан ҳазар» дейди ҳалқимиз. Ҳар бир инсон бу синон дунёсида ҳалолга интилиб, ҳаромдан четланиб яшашга уринмоғи лозим. Бу маънавият қоидасининг ирсиятта ҳам бевосита алоқаси бор. Икки жиҳатдан. Биринчиси шуки, эр киши аҳли оиласини, фарзандларини ҳалол касб билан едириб-ичираяптими, ёки ҳаром-харишдан ҳазар қилмасликка ўргатаяптими? Ҳаромдан бўлган ҳар нарса ҳаромга тортади. Инсоннинг хулқига ҳаром аралашса, унда ҳаром ишларга мойиллик уйғонади. Демак, фарзандини ҳалол ризқ билан боқмаган киши унинг маънавий камолини ҳам хатар остига қўяди. Ирсият бузилади.

Иккинчи жиддий муаммо никоҳнинг муқаддаслиги масаласига доир. Маълумки, исломда зино, яъни эркак ва аёлнинг никоҳсиз қўшилуви энг оғир гуноҳлардан (гуноҳи кабиралардан) ҳисобланади. Бунинг сабаби, эр-

как ва аёл табиатидаги зотий фарқлар билан изоҳданади. Ҳаётда эр киши табиатан эркинроқ яратилган. Шу сабабли унинг маънавий масъулияти ҳам жиддийроқ. Эркак ва аёлнинг бирга яшашга аҳдлашуви кўпчилик халқлар одатига кўра, жумладан, исломда гувоҳлар иштирокида Оллоҳнинг номи билан расмийлаштирилади ва тўй бериб элга овоза қилинади. Чунки расмий ни-коҳсиз дунёга келган бола кўпинча жамиятда ўз муносиб ўрнини топмайди, ўзини маънавий камситилган ҳис қиласди. Бу номукаммаллик туйгуси унинг хотирида жамиятга зид иш тутиш тамойилини пайдо қилиши мумкин. Бадий адабиётда ҳам бунга талай мисоллар мавжуд. Агар бундай шахслар кўпайса, жамият ҳаёти издан чиқиш хавфи туғилади. Шу сабабли ҳар бир инсон келгуси авлодлар ҳаққи ўз ҳаётини аввалбошдан тўғри изга солишини режалаштиromoғи ва бу йўлда масъулият билан иш тутмоғи лозим. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида никоҳ масаласига муносабат ўзгариб бормоқда. Йнсоннинг жисмоний ва маънавий балоғати орасидаги нисбат билан боғлиқ бу муаммони аҳли башар жиддий ўйлаб кўрмоғи жоиздир.

Рұх тарбияси ва унинг ирсиятга таъсири ҳақида аждодларимиз кўп ибратли китоблар қолдирганлар. Жумладан, Шайх Нажмиддин Кубронинг XIII асрда яшаб ўтган истеъдодли муриди Нажмиддин Доя қаламига мансуб «Мирсад ул-ибод мин ал-мабда илал-маод» (Оллоҳ бандаларининг бошланғичдан туталланишгача бўлган ҳаёт йўли) рисоласида руҳшунослик ва инсон маънавий такомили ҳақида муфассал таҳдил ва мулоҳазалар мавжуд. Бу китобнинг миллат маънавий такомилига таъсирини билган Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) XIX асрда маҳсус топшириқ бериб уни форс тилидан ўзбекчага ўгиртирган ва китобат этирган.* Рисоланинг биринчи боби — дебоча, 5 фаслдан иборат иккинчи боби эса инсон руҳининг табиати, рұх ва тан нисбати каби масалаларга оид бўлиб моҳиятан руҳшуносликка муқаддимадир. Китобнинг энг асосий қисми — учинчи боб — 20 фаслни ўз ичига олади. Унда инсон тарбиясининг асосий масалалари қамраб олинган. Олимнинг фикрига кўра, энг аввало инсон танасини тўғри тарбияламоғи лозим. Муаллиф танани руҳнинг филофи (қолипи) деб ҳисоблайди. Уни пок тутмоқ, ҳалол меҳнатга, тўғри турмуш тарзига одатлантироқ лозим. Иккинчи навбатда руҳиятни (кўнгилни) покламоқ талаб этилади. Ушбу биринчи босқич, Доя-

нинг тасаввурига кўра, шариат босқичидир. Уни темир маъдани (рудаси)дан соф темир моддасини ажратиб олиш жараёнига қиёслаш мумкин. Иккинчи босқич, яъни пўлат эритиш, ундан кўзгу ясаш, тоблаш ва сайқаллаш ишлари моҳир усталарнинг зукко раҳбарлигини талаб этади. Шу сабабли ўтмишда бу юмушлар тариқат сулукларида, улуг шайхлар назоратида амалга оширилган. Тариқат, яъни маънавий камолот йўли, инсон нафсига қайта ишлов бериб, уни аввал мумдек юмшатиб, кўнгил (дил) ойнасини бунёд этувчи оловли кўрага ўхшатилади. Кўнгил кўзгусига шундай сайқал бериш лозимки, у ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари ўзи ҳам атрофга нур тарата бошласин.

Оллоҳ инсонни ўзининг эрка баандаси, халифаси — яъни, бу дунёдаги ўринбосари қилиб яратган экан, унга жуда кўп иноятлар ато этган. Масалан, ирода эркинлиги. Инсон ҳайвонликка қараб юрадими ёки олий маънавият сари интиладими — ўзи танлаб олади, бирор уни мажбур қилмайди.

Иккинчи бир имконият — илм, дунёни билиш қобилияти. «Қисаси Рабгузий»да баён қилинишича, одам яралишида фаришталар Азозилнинг сўзига кириб, Одамни фийбат қиласидар. Шунда Оллоҳ таоло Одамга «Асмо» илмини ўргатиб, сўнг фаришталарга қатор нарсаларни кўрсатади ва «ушбу нарсаларни отини билсангиз айтинг», деб мурожаат қиласидар. Фаришталар, «биз буларни билмаймиз» деб ожиз қоладилар. Шунда Одамга буйруқ бўлади, у кўрсатилган нарсаларни бирма-бир «бу тош, бу сув, бу дарахт» деб дона-дона айтиб беради. Хитоб келди: «Эй фаришталар, сизларга айтмадимму ман билганни сизлар билмассиз деб. Эмди сизга маълум бўлдиким, Одам олим туур, сиз обидсиз. Менинг ҳазратимда минг обиддан бир олим фозилроқ туур. Қайда обид эрса, олимга хизмат қилмоқ керак. Ул маҳдум бўлсун, сизлар ходим бўлунг. Одамга сажда қилинг». Шундай қилиб, Рабгузий Қуръони карим оятларига таянган ҳолда, инсоннинг улуғлиги унинг дунёни билиш қобилиятида, илмida деб хулоса қиласидар.*

Оллоҳнинг яна бир инояти — инсон руҳининг бақоға дахлдорлигидир. Барча жонзот ўлгач, тупроққа қоришиб кетади. Инсон танаси ҳам шу жумладан. Аммо инсон руҳи абадиятга дахлдор. Чунки инсонда яратувчилик қобилияти бор. У моддий ва маънавий бойликлар яратади. Шу билан ўзини абадиятга дахлдор этади.

Инсон ўзининг жисмоний ўлимини билади. Баъзи калтафаҳм моддиюнчилар унинг жисмоний ўлимини руҳият учун ҳам сўнгги нуқта деб тушунадилар. Ваҳоланки, ушбу талқин инсонни ҳайвон билан тенглаштирувчи, уни алоҳида моҳият сифатида инкор қилувчи бадбин ёндошувдир. Инсон маънавияти физиологик эҳтиёжлар даражасидаги нарса эмас. Инсон ўз жисмоний ўлимини, бу имтиҳон дунёсига фақат бир марта келишини билиш баробарида руҳнинг абадиятга дахлдор эканини ҳам ҳис қилас экан, унда маънавий камолот истаги пайдо бўлади. Ана шу имкон, яъни алоҳида шахснинг маънавий камолот имкони инсон учун Оллоҳнинг энг улуғ иноятидир. Ушбу имкон туфайли инсоният ўзгача бир эзгу олам — Маънавият оламига дахлдор бўлади ва унинг руҳи мангулик касб этади.

Тавҳид моҳиятини англаб етган инсон қалбида улуг бир туйғу — меҳр туйғуси йўғонади ва унинг бутун борлигини чулғаб олади. Меҳр туйғуси санаб ўтилган уч буюк имконни ўзаро йўғунликда бирлаштириб, инсон кўнглини, Навоий ибораси билан айтганда, «ҳақиқат асрорининг ганжинаси»га айлантиради. Зоро, бу йўғунликсиз Маънавият олами зухур этмайди.

Маънавият дунёсида яратувчилик учун эрк лозим. Қул ҳам яратади — агар руҳи эркин бўлса. Руҳ эркинлиги эса ўзликни англашдан келиб чиқади.

Инсон том маъноси билан шахс аталмоғи учун мустақил маънавиятга, яъни ўзи эркин белгилаб олган мустақил камолот йўлига эга бўлмоғи керак. Ушбу камолот йўли маърифат дейилади.

8 - фасл. Маърифат йўллари

(Маънавий тарбия восита ва усуслари)

XX аср бошларида таниқли рус шарқшуноси Олденбург Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишда Шарқ маънавияти кўтарилиган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг «чуғур-чуғури» даражасидадир, деган эди. Нега энди? Менинг назаримда, бу хулоса Шарқда кўп асрлик маънавий такомил жараённида онгли равишда ишлаб чиқилган мукаммал маърифат йўллари, маънавий тарбия восита ва усусларидан ҳайрат заминида шаклланган бўлиши керак.

Аждодларимиз ташбеңига күра маңнавият инсон қалбидә акс этган илохий нур, Олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, фараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устуңлик қила бошлайди. «Кўнгил кўчалари қайларга бошламайди» дейилганда, ана шу зулматда қолган кўнгил кўчаларидаги адашув, гумроҳлик назарда тутилса керак.

Инсон қалбига сайқал бериш жараёни эса маърифат дейилади. Маърифат маңнавият сари элтувчи йўллардан изборат бўлиб, Алишер Навоий «маърифат водийси»ни шундай таъриф этади:

*Водиедур юз туман минг онда ийл,
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.
Ихтилофи жузв ила кулл мундадур,
Ким тараққию таназзул мундадур.
Юз туман раҳрав кўрарсен бекарор,
Ҳар бири бир ийлни айлаб ихтиёр.
Ўз борур ийлиға ҳар бир муфтахир,
Ийлни айлаб ўз ийлиға мунхасир.
Бу они туттмай мусаллам, ул муни,
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай, ул буни.*

(Насрий баёни:

Бу шундай бир водийдирки, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчи сига сира ўхшамайди. Бутун ва бўлак ўргасидаги қарама-қаршилик ҳам шу ерда мавжуд. Тараққиёт ҳам; таназзул ҳам шу жойдадир. Унда сен юз туман йўловчини бекарор бир тарзда, ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди).

Алишер Навоий ўз мулоҳазалари сўнгидаги бир гуруҳ сўқир кишиларнинг фил ҳақидаги баҳслари хусусида машхур ривоятни келтириб, хуоса қиласидики, агарчи маңнавият йўллари беҳисоб бўлса-да, мақсад ягона — Ҳақиқатни англаб етиш. Иисонларнинг Ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлари турлича бўлса ҳам, уларнинг барчаси бир ерга жамланса, умумий тасаввур асл моҳиятга яқинлашади.

Бугунги кунда биз «маърифат» тушунчасини баъзан

тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳаларда билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз. Асли ақл билан англаб етиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш «маърифат водийсида»ги бир йўналиш, холос. Форобий сингари файласуфлар, Юсуф Ҳос Ҳожиб каби аллома шоирлар ақлни, мантиқий тафаккур йўли билан ўзлаштириладиган билимларни инсонни баҳт-саодат сари элтувчи асосий йўл деб тушунгандар. XVIII—XIX аср Европа маданиятида ҳам шу фикр етакчи бўлди. Аммо аждодларимиз илм йўлини етарли деб билган эмаслар.

Мұҳаддислар наздида ҳазрати пайғамбаримиз ибрати инсон маънавий камолоти учун бош маёқdir. Шу сабабли улар умр бўйи риёзиёт чекиб, ҳадис тўплаганлар, уларни таҳқиқ этиб «саҳиҳ», яъни, ҳақиқий, ишончлиарини «заиф»ларидан ажратиб таснифлаганлар. Натижада, инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим муаммоларга жавоб бера оладиган исломий ахлоқ-одоб қоидалар тизими вужудга келган. Ибрат йўли бугун ҳам шахс маънавиятини шакллантирувчи муҳим йўналишлардандир.

Асли маърифатнинг ilk йўли ибратdir. Гўдак ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётта интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, ақалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Дараҳтларнинг қуёш сари бўй чўзмоги — ибрат, жониворларнинг ўз тақдирига ризолиги — ибрат, тоғлар устиворлиги ибрат, уммонлар теранлиги ибрат, қуёш ва ой хизмати, кеча ва қундуз навбати ибрат. Пайғамбарлар сидқи ибрат, валийлар каромати ибрат, алломалар илми ибрат, зоҳидлар тақвоси ибрат, ошиқлар ишқи ибрат, эранлар жасорати ибрат, ташаббускорлар ғайрати, оқиллар тадбири, ҳаёз эгаларининг андишаси, сиддиқлар ибоси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдаклар бегуборлиги, кексалар улуғворлиги — барча-барчаси инсон учун ибратdir.

Ёмондан ёмоналикни англаб, ундан қайтмоқ — ибрат, яхшидан яхшиликни англаб унга эргашмоқ — ибрат. Ўгрининг тақдирни — ибрат, фоҳишанинг фожиаси — ибрат, фотихлар умри — ибрат, сотқинлар тубанлиги — ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси — ибрат.

Ибрат ола билмоқ — маънавият, қўриб, ибрат ол маслик маънавий сўқирлиқдир. Аммо ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид — дил қўзининг қўрлигига далолат, қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани

— ана шу. Масалан, Пайғамбаримизнинг аёлларга мұносабати. Ул ҳазраттинг аёлларга бўлган шафқати, меҳри, ҳилми, садоқати, адолати — ибрат. Ул ҳазрат ҳаёти воқелигидан фақат кўп хотин олишга рухсатни кўриш — хамоқат, ул ҳазратни кўп хотинликда айблаш — мусулмон учун хиёнат, ўзга учун тұхмат. Ҳар икки охириги ҳукм — моҳиятдан узоқ зоҳирбинлик ва жаҳолат, шайтон васвасасидир. Бир неча аёлга уйланиб, уларга пайғамбар шафқати, меҳри, адолати ва ҳимматини кўрсата оламан деб, ўз-ўзига фириб бериш — такаббурлик, шаҳватпарастлик ва гафлаттинг биргалашив инсоф ва инсон тафаккури устидан ҳукм ўрнатиши, инсон маънавий ҳалокатининг ибтидосидир.

Маърифаттинг яна бир буюк ўчоги илмдир. Илм — тафаккур билан бўлади, ахборот йиғиш илмга тайёргарлик бўлиши мумкин, ундан ортиқ эмас. Умр бўйи таом пиширмоқ учун сабзи-пиёз арчиб овора бўлган, аммо олов ёқиб, қозон қиздирмаган одам очликдан ўлар, аммо қорни тўймас. Илм — асли аждодлар ибрати, ўтгандар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир. Пайғамбаримиз ҳаёти — ибрат, имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти — ибрат, «Жомеъ ас-Саҳиҳ» китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, «Фозил шаҳар фуқароларининг қараашлари» рисоласи эса илмдир. «Қонун-фи-т-тиб» — илм, Ибн Синонинг илмга чанқоқлиги эса ибратдир.

Биз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил киришмасак, аммо фарзандимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсан, «Жомеъ-ас-Саҳиҳ»ни ўзлаштирамасдан пайғамбаримизга меҳру садоқатдан лофтурсак, риёдир, мунофиқликдир, бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Оллоҳ олдида шарманда қиласиз, гуноҳларимизни кўпайтирамиз, жаҳолатимизни фош этамиз. Аммо жаҳондаги барча илмларни инсон эгаллаб ета олмаслиги ҳам маълум. Дунёнинг иши илм ва фаросат билан бўлур. Дарвоҷе, фаросат ҳам Оллоҳнинг инъом, маънавият нуридир. Инсон ўзига нима ва қай даражада лозим эканлигини фаросат билан (ва фаросатига яраша) аниқлаб олади. Содда бир мисол: Ибн Синонинг «Қонун-фи-т-тиб» китобини мукаммал ўзлаштирган кишини айблаб бўлмас, Инсон маънавий камолоти — бу билан белгиланмас. Аммо ҳар бир шахс ўз соғлиғининг қадрига етиш даражасида, ҳар бир она ўз фарзандини соғлом вояга етказиш зарурати даражасида тиб илмидан баҳраманд бўлмоғи айни маънавий камолотта ишорадир.

Илм — ҳосил қилинган билимни идрок этмоқдир. Аммо илмни фақат рисолалардан, қоғоз юзидан қидирмоқ ҳам етарли эмас. Махсус расмий маълумотсиз деҳқоннинг зироат илми баъзи ўқиб-уқмаган ёлғон академикницидан бир неча бор юқори ва мукаммалроқ бўлиши мумкин. Ер илми, табиат илми — ёлғиз китобдан ўзлаштирилмайди, ерга, табиатга, ҳар бир кўкат ва жонли мавжудотга меҳр билан, эътибор ва идрок билан белгиланади.

Саркардалик илми, умуман, раҳбарлик илми — санъат дараҷасидаги илмдир, ҳарбий маҳорат ҳақида минг бир китобни ўқиган одам лашкарни жабҳада фала-бага еткиза олишига ҳеч ким кафолот бера олмайди. Бир сўз билан айтганда, илм фақат китобда эмас, китоб ўқимай ҳам илмга эришаман, дейиш оқилликдан ташқариdir.

Тасаввубуф аҳли, яъни суфийлар, ибрат ва ақлга, билимга таянишни етарли деб топмай, риёзат йўлини, руҳий сафарбарлик, иродга қурдатини намойиш этиб, нағсни поклаш йўлларини ишлаб чиққанлар. Тасаввубуф маърифати ўзи бир ҳудудсиз олам. Унинг ўз мақом ва ҳоллари мавжуд. XII—XIII асрларда ўндан ортиқ тасаввубуф сулуклари (йўллари) шаклланган. Жумладан, Марказий Осиёнинг ўзида Яссавия, Қодирия, Кубравия каби турли йўналишлар кенг урф бўлган. Буларнинг ҳар бирига батағсил тўхталинса, сўз узаяди. Риёзат чекиб кўнгилни поклаш, уни ҳудбинлик зангидан тозалаш тасаввубуф сулукларининг асл мақсадидир. Халқимиз содда қилиб, «жондан кечмасант, жонона қайда» дейди. Дарҳақиқат, риёзатсиз на у дунё, на бу дунё саодати инсонга насиб бўлмайди.

Тасаввубуф ирфонида аввал зуҳду тақво етакчи мақом тутган бўлса, кейинроқ илоҳий ишқ тушунчалик юқори ўринга кўтарилиди. Бу туйғу охир-натижада инсонни фанодан бақога олиб чиқувчи асосий восита деб топилди. XIV асрга келиб Марказий Осиёда нақшбандия сулуки тўлиқ шаклланди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд машхур «дил ба ёру, даст ба кор» шиори билан маънавий камолот эгаларини янги — юқори босқичдаги амалий фаолликка уннадилар. Мумтоз адабиётда Навоий таъбири билан айтганда, янги йўналиш — «мажоз тариқи» шаклана бошлади. Бу йўналишнинг маънавий асоси «мажоз ишқи»дир. Ҳанузгача илмий адабиётларда «мажоз ишқи»ни тўғридан-тўғри «дунёвий ишқ» деб талқин қилиш мав-

жуд. Аммо бу йўналиш намояндалари Амир Хусрав Дехлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий каби маънавият дарғалари «мажоз» тушунчасини бундай жўн талқин этган эмаслар. Алишер Навоий «Мажоз ишқи»ни «авом ишқи»дан фарқлаб, «хос ишқи» деб атайди. Унинг асл моҳияти поклик, бегаразлик билан боғлиқ. «Хос ишқ» эгалари инсонга, бутун воқеликка «Олий ҳақиқатнинг мазҳари» (инсон кўзига намоён бўлиши) деб қарайдилар ва шунга мувофиқ муносабатда бўладилар. «Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир», дейилиши шундан. Улар фанода бақони севадилар, инсонга «ҳақиқат асрорининг ганжинаси» бўлган кўнгил мулки туфайли меҳр қўядилар.

Асл маъносига диққат қилсак, ўзбек тилидаги «меҳр» сўзи Навоийлар даврида «мажоз ишқи», «хос ишқи» деб таърифланган туйгунинг моҳиятини ифодалайди. Русларнинг ачиқ мақолларидан бирида «любовь зла» дейилган жумла бор. Ўзбекнинг «меҳр» тушунчасида ана ўша «зло» йўқ, ғараз йўқ. Ота ва она меҳри, фарзанднинг ўз қиблагоҳи ва волидасига бўлган меҳри, оға-ини, опа-сингиллар аро меҳр, Ватан меҳри, табиат ва ундаги турли жонзотларга нисбатан меҳр туйғуси, дўст меҳри — буларнинг барчаси ғараздан холи, табиий ва самимий меҳр намуналаридир. Нафақат инсон боласини, балки турли ҳайвонларнинг жажжи болачаларини кўрганда инсон дилида ажиб ширин туйғу қўзғалади. Бегуноҳ гўдакнинг маъсум қиёфаси, жовдираб сиздан меҳр кутиб турган кўзлари инсонни бефарқ қолдирмайди, беихтиёр жилмаясиз, эркалаб сўзлар айтгингиз келади. Меҳр туйғуси инсон учун улуғ илоҳий тухфадир. Бу туйғудан инсон ўзини маҳрум қиласа, бу дунёнинг ўзида дўзах азоби ўртанишида қолади. Чунки инсон бировга меҳр баҳш этмай, бировдан меҳр кўрмай яшай олмайди.

Хуллас, «маърифат» Ҳақиқатни англаб етиш йўли бўлиб, ўзлигини англаб етган инсон Ҳақни англаб етади, уни тасаввубуф истилоҳида Ориф дейдилар, ҳозирги тилимиздаги «зиёли» тушунчаси асли ушбу дарражада бўлмоғи керак, фақат «интеллигент» (яъни, ақл соҳиби) эмас. Маънавий барқамоллик ҳам шунинг ўзидир.

Ибрат, илм, риёзат, меҳр барчаси маърифат йўллари бўлиб, инсон уларнинг барчасини босиб ўтмай туриб барқамол бўлмайди, мукаммал маънавий қиёфа касб этмайди.

9 - фасл. Одоб, ахлоқ, маънавият

Биз болага одоб ўргатамиз. «Қани, амакингга бир салом бергин», деймиз. Одоб маънавиятимизнинг либосидир. Баъзи ҳолатларда либоста қаттиқ эътибор берилади. Масалан, дипломатия одобининг ўз қонун-қоидалари бор. Баъзан эса маънавият фидойилари умуман либосга эътибор бермайдилар. Тасаввухнинг маломатия тариқида ҳатто ички кибрни енгиш, риё (икки юзламачилик, мунофиқлик)дан қочиш учун ташқи одобга зид ишлар қилганлар. Нотаниш инсон биринчи бўлиб, қадди-қомати, ҳусни, кийиниши ва одоби билан диққатимизни тортади. «Вой, анови кишининг қўполтигини, кийган кийими ҳам бир аҳвол экан», дейишади расида қизлар бир-бирига шивирлашиб. Ёки навқирон йигитлар ўтиб кетаётган гўзал чехрага маҳлиё бўлишади. Унинг сарв қомати, дид билан кийиниши, лола юз, сунбул соchlари, хумор кўзу куюқ кипприк, ҳилол қошлири нигоҳларни яшнатади. Агар бунга ҳаё ва андиша ҳам кўшилса, кўнгилни тамом забт этди, деяверинг.

Инсонни таниш одобдан бошланса, у билан мулокот давомида ахлоқий хислатларини била борасиз. Ваъдага вафо қиласиди, дўстга садоқати қандай, ҳиммати ва саховати, журъати ва шижоати, ўқтамлиги ва орияти — барча ахлоқий фазилатлари бирма-бир кўз олдингизда намоён бўла боради. Бу фазилатлар мажмуйи замирада эса яхлит шахс маънавияти нурланади.

Президент таъкидлаганидек, «Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги». Маънавият — илм ва амал бирлиги бўлса, ахлоқ бевосита ҳар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан маънавий муносабатини англатади. Ахлоқ — маънавиятнинг амалидир. У аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик каби амалий маънавиятнинг ўзак тушунчалари билан боғлиқ.

Маънавият ўзликни англашdir. Ўзлигини англаб етган инсон — маънавий етук шахс. Унинг барча инсоний фазилатлари қалбидаги маънавият нурининг жилолариdir. Ахлоқий кусурлар эса — инсоннинг кўнгил кўзгусидаги занг ва чиркларнинг ўзгалар нигоҳига зоҳир бўлиши. Бир жумла билан ифодалаганда, маънавият шахснинг ўзи учун, ўз қалбига қаратилган, дил кўзини ёритувчи нур, ахлоқ ушбу маънавиятнинг мазҳари, ўзгалар наздида намоён бўлувчи қирралари мажмуи.

Ахлоқ маънавиятга нисбатан сурат, ташқи жиҳат

бўлса, одоб ўз навбатида ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқишидир. Шу сабабли инсонни англаб етиш одобдан ахлоққа, ахлоқдан маънавиятга қараб теранлашиб боради. Аммо шу билан бирга ахлоқ одобга нисбатан, маънавият эса ахлоққа нисбатан кенг қамровли моҳиятлардир. Инсон одоби унинг барча ахлоқий фазилатларини намоён эта олмаганидек, шахснинг барча ахлоқий сифатларини бир ерга жам этганда ҳамма барбири унинг маънавий дунёсини тўлиқ қамраб олган бўлмайсиз. Асли маънавият инсоннинг кўнгил кўзгусида акс этган Ҳақ нури, илоҳий нур бўлгани сабабли муайян маънода кўнгил эгасининг ўзига ҳам охиригача маълум эмасдир, гайдир. Алломалар инсон кўнглини тилсим атайдилар. Кўнгил кўзгусидаги маънавият нури туфайли ҳар бир инсон ўзи сеҳрли тилсимга айланади, моҳияттан чексизлик касб этади.

Алишер Навоий инсон ҳақида ёзган эди:

*Офаринишдин қилиб инсон гараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз.
Кўнгли онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қшиб.
Рози маҳфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилисм,
Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин,
Офарин сунъунгга, эй женофарин.
Айлаганда розининг ганжини арз,
Не само айлаб қабул, они не арз,
Гайри инсонким қилиб они қабул*...*

(Мазмуни: Бутун оламни яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичидаги тенги йўқдир. Унинг кўнгли Ирфон хазинаси бўлди ва бу тилсим ичидаги Ҳақ ўзини яшириди. Шундай қилиб, бу ажойиб жисм, яъни инсон вужуди маҳфий хазина сиррини ўзида яширган ва ул хазинани сақловчи тилсимдир. Инсон ҳам бафрига хазина яширган тилсим, ҳам ул хазинанинг посбони, ишончли эҳтиётловчисидир.

Эй инсонга жон баҳш этувчи, бундай яратган мўъжизангга офаринлар бўлсин! Ҳақ ўз сиррининг хазинасини таклиф этганда, на ер, на осмон уни қабул этишига ботинмадилар, фақат инсонгина уни қабул этиди...)

Демак, инсон кўнгли ирфон хазинаси, Ҳақ сирини ўзида яширган тилсим экан. Инсон шу сабабли буюкдир. Ирфон Ҳақ сирини қалб билан англаб етиш бўй

либ, унга эришган шахс Ориф дейилади. Ҳақ сирри Тавҳид маърифатидир. Тавҳид — ягоналик, яъни бутун борлиқнинг ягона, яхлит моҳияти. Бу олий ҳақиқатни бутун кўлами ва теранлиги билан тушуниб етиш осон эмас. Бунинг учун инсон атроф-воқеълик, табиатга, ўзга инсонлар башариятга, Ватан ва миллатга, ота-она, фарзанд, дўстга нисбатан ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал англаб етмоғи, ўзининг ички қудрати ва салоҳияти, руҳияти, ироди ва ҳимматини қалбан ҳис қилмоғи зарур. Ҳар бир инсон бу ёргу оламга, бу синов майдонига бир олий вазифа билан келган. Ўша асл вазифаси нима эканини топа билмаса, тушуниб етмаса, бу дунёдан нотамом ўтиб кетмоғи мумкин.

*Дунёдан нотамом ўтмоқ баайни,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ, —*

деб огоҳлантиради улуғ шоир.

Инсон Ер юзида халифа этиб яратилган. Бу жуда жиддий ва оғир масъулият. Очик айтиш керак, бундай залворли вазифани ҳар бир шахс алоҳида ўзи асло кўтарила олмайди. Зотан, халифалик бир кишининг эмас, бутун аҳли башарнинг масъулиятидаги яхлит юмушдир. Биз ҳассос сүфийлар хитоби бўлмиш «Аналҳақ»ни баязан жўн талқин этамиз. Асли бу сўзнинг юки бениҳоя вазмин. «Лисон ут-тайр»даги Мансур Халлож ҳақида келтирилган ривоят шу жиҳатдан ибратли. Ривоятнинг қисқача мазмуни шундайки, унга кўра улуғ сүфий тавҳид мақомига етишиб «Ана-л-ҳақ!» ибораси тилида тақрорланиб қолгач, дин аҳли унга насиҳат қилиб, бу даъводан қайтармоқчи бўладилар, жонингга жабр қилма, дейдилар. Аммо шоир ташбехига кўра, Мансур ичган қадаҳ ўта маст қилувчи бўлиб, бу йўлдан қайтиш имкони йўқ эди. Атрофдагилар унинг жонини ўйлашар, унинг хаёлини эса буткул бошқа саволлар банд этганди. Мансур ўйлар эди:

Нега Мұхаммад Расулиллоҳ меъроҷ куни Оллоҳнинг чексиз иноятига сазовор бўлиб, тангридан «Эй ҳабиб, не истагинг бўлса, айт!» деган хитоб эшигтанда, фақат ўз умматининг гуноҳларини авф этишни сўради? Шундай бир беҳудуд илоҳий саҳоват фурсатида Расулиллоҳ дунё яралгандан қиёматгача ўтган барча гуноҳкор бандалар учун Оллоҳнинг раҳматини сўраб олса бўлардику, нега ўз қавми билан чекланди экан, деб куюнади. Улуғ шоир келтирган бу ривоятдан англашиладики, сүфий тавҳид мақомида ўзини бутун башарият, ўтмиш ва

келажак учун масъул ҳис қиласи. Мана тавҳид маънавиятиниң қудрати!

Шу ерда маънавият нима деган саволга янада аниқроқ таъриф билан жавоб бериш мумкин.

Маънавият инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик. Аждодларимиз мукаммал шакллантирган миљий маънавиятимиз холосасига күра Борлиқ ҳақиқати, бу Тавҳид ҳақиқатидир, яни дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда күринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлигидир. Ваҳдатда касрат, касратда ваҳдат эканлигидир. Бу яхлитлик ва хилма-хиллик бирлигинин ўзига хослиги шундаки, Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли ҳар бир заррадаги ўзгариш бутун борлиқни ўзгартиради, ва ўз навбатида, ҳар бир зарранинг ўзгариши бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Аммо инсоннинг ўзга зарралардан фарқи — унинг иродаси эркин, у онгли ҳаракат қиласи, демак, онгли мавжудот сифатида ҳар бир қадами учун масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига бутун Борлиқ олдида, Оллоҳ олдида жавоб беради.

Шу сабабли ҳам маънавиятнинг бош унсури масъульияттири.

Аммо инсонларнинг ҳаётда ўзи танлаб олган ўрни ва мақомига биноан уларнинг масъулият мезони ҳам турличадир.

Давлат раҳбари юрт мустақиллиги, осойишталик ва барқарорлик, жамиятни адолат мезонлари асосида ри-вожланишига масъул бўлса, зиёли ўз маънавиятини юксалтириш баробарида жамиятга, атрофдаги инсонларга ҳам ижобий таъсир этиб, умумий маънавий баркамолликни таъминлашга ҳисса қўшади. Тадбиркор, ишчи, косиб-хунарманд, деҳқон ҳар бирининг ўз масъулият чегаралари бор. Аммо барча инсонлар учун баробар бўлган бир умумий пойdevor мавжудки, уни биз қўйидагича номладик.

А. ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Шахс маънавиятининг турли қирралари бор. Уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиш, алоҳида таҳлил зарур. Аммо бунинг учун алоҳида китоб ёзиш талаб

этлади, зеро, шахс маънавиятининг муфассал таҳлили мўъжаз бир рисоланинг кичик бир бобига жо бўлмайди. Биз ҳам бир намуна сифатида, ҳам бугунги шароитда ниҳоят даражада долзарблигини назарда тутиб, фақат бир муаммога тўхталиб ўтамиз. Шахс маънавиятининг бош белгиси, илгари ҳам айтиб ўтганимиз, масъулият туйғусидир. Масъулият туйғусининг ҳам турли жиҳатлари, даражалари мавжуд. Уларнинг энг асосийси ва бугунги кун воқелигига энг муҳими иқтисодий мустақиллик масъулиятидир. Юқорида бу масаланинг долзарблек сабаби баён қилинди. Бизнинг назаримизда, мавзу батафсилоқ изоҳ талаб этади.

Совет даврида бизда эркак ва аёл тенг ҳуқуқлиги мавжуд деб жаҳонга жар солдик. Асли шу тўғрими? Қонун олдидағи ҳақ-ҳуқуқ нуқтаи назаридан тўғри. Аммо тенг ҳуқуқлилик ҳар жиҳатдан жўн талқин этса бўладиган тенглик эмас. Аёл ва эркакни Оллоҳ таоло кўп жиҳатдан фарқли қилиб яратган. Шу сабабли жўн талқин этиладиган «Тенглик» кўп ўринда аёлнинг зарарига ишлайди.

Аёлнинг моҳияти меҳрга оид, аёл руҳи ва жисми меҳр билан йўғрилган. Шу сабабли табиатан фарзанднинг онада ҳақи кўп. Онасиз фарзандни тасаввур этиб бўлмайди. Гўдак то ўсмир ёшига еткунча онанинг етова бўлади. Ҳатто 5-6 ёшли боланинг ҳам тилини тушуниб, кўнглини ола биладиган, гўдак учун ҳар жиҳатдан она ўрнини боса оладиган оталар ҳаётда унча кўп учрамайди. Эркак — кўччанинг одами. Уларда одатан ҳис-туйғудан кўра ақл-идрок, мантиқий тафаккур кучлироқ. Ўғил бола ўсмир бўлиб, ўзлигини таний бошлагач, отага интилиши кучаяди.

Аёл аввало она, уй бекаси, меҳрибон ҳамшира, эгачи-сингил, жонсарак буви, яъни меҳр чашмасидир. Ўйнинг саришталиги ундан, эркакнинг кўнгил хотиржамлиги, фарзанд кўзининг нури аёл туфайлидир.

Аммо 70 йиллик советларча «тенглик» даврида аёл шахтёр бўлди, механизатор бўлди, йўл қурувчи, бетон қуювчи бўлди, жазира маҳалла пахта чопиқ қилди, той-той пахтани терди, ташиди, чувиди. Отилиб чиққанлари, ҳақини таниғанлари пионерликдан комсомолга, комсомолдан партияга ўтиб, кўл силкий-силкий эркакларга ваъз ўқиди. Аммо аёлликдан уларни бирор озод қилмади, илло, Оллоҳ буюрганини бандаси бекор қила олмайди, уй бекалигини, оналигини, ошпазлиги,

кирчилигини «иккинчи смена»да бажарди. Эркак — аёл «төнглиги» шу эдими?

Аммо фалокатнинг асоси бунда эмас. Аёлни ўзига «төнглиги» билган эркак «ола хуржүн»нинг оғирроқ қисми ни аёлга юклашни машқ қила бошлади. Оиланинг иқтисодий, молиявий таъминотининг «төнглиги» ярмини аёлга юклашни ўзига эп кўришга ўрганди.

Ахир, Оллоҳ эр кишини бехуда «салти-сувой» қилиб қўйилтими? Аёл фарзандларини эплаб, хонадон саришталигини таъминласа, эр киши кўчадан топиб тутиб келишни бўйнига олиши лозим эмасми? Инсон туғилиб вояга етгач, балоғат ёшидан биринчи навбатда ўзининг иқтисодий мустақиллик масъулиятини бўйнига олмоги, эр киши оила қурса, аҳли аёли, норасида фарзандлари таъминотини ташкил этмоғи ҳам қарзу ҳам фарз эмасми? Бутун хотинини, боласини бозорга чиқариб қўйганлар, балки, ноҷордир, аммо тани-жони соғ бўлса, бир йил-ярим йил орасида ўзини бу шармандаликтан кутқармоқнинг астойдил ҳаракатига тушмоғи керак эмасми?

Ким «хотин киши ишламасин» деса бекор айтибди. Рағбат бўлса, истеъодод бўлса ишласин, элга нафи тегсин. Аммо аёл кишининг ишлаши, пул топиши ихтиёрий бўлмоғи керак, эрнинг масъулиятсизлиги натижаси эмас. Яна бир айбимиз — ўғил фарзандимиз ўттизга кирса ҳам, «бала» деб қараймиз. Бу ҳам янги «ўзбекчилик» касалликларидан, аммо «миллий маънавият»га бундай «эркалик»ларнинг алоқаси йўқ.

Бозор иқтисоди фарзандларимизни эрта улгайтира бошлади. Бунга минг шукронга айтсан арзийди. Албатта, сигарет, сақич, «муздек айрон» сотиш нуқтai назаридан эмас. Балки ўз келгуси ҳаётини тўғри қуришга масъуллик ҳисси теранлашаётгани кўзни қувонтиради.

Аёл кишининг масъулияти эса, биринчи навбатда, унинг иффатида, ҳаёсида, саришталигига, ҳаётдаги ўз вазифасини чукур тушуниб, унга мувофиқ йўл танлаши, ўзини фарзанд тарбиясига, бекаликка, оналикка тўғри тайёрлаб боришида кўринади.

Аёлларимиз ўта истеъододли. Уларни қадр этишимиз, истеъододи камол топишига имкон яратишимииз лозим. Аммо «ола хуржун»ни, марҳамат қилиб, ўз елкангизга олинг, омон бўлгур аллп йигитлар!

Аммо оила иқтисодини таъминлаш ҳали камоли маънавият эмас. Маънавият — аҳли оилани ҳалол ризқ билан боқища. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари қуйи-

даги ҳадисга кўп ишора қилганлар: «Ал-ибодату ашара-та ажзоин тисъату минҳо талаб-л-ҳалола ва жузъун во-ҳидун минҳо соир-ул-ибодати», яъни «ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, бир қисми эса бошқа ибодатлар».

Демак, тақвонинг бошланиши ҳалол ризқдан. Агар инсон беш вақт намозни кандо қилмаса, рўза тутса, закот берса, ҳаж зиёратига ҳам етишса-ю, ризқига харом аралаштиrsa, киши ҳаққига хиёнат қилса, бирорни алдаб пул топса, тамагирлик билан кун ўтказса — натижада маълум. Алишер Навоий «Насойим ул-маҳабба...» асарида ёд этган аксари машойхлар луқма ҳалоллигига алоҳида аҳамият берганлар, тер тўкиб касби кор қилиб ўз машшатларини таъминлаганлар. Афсуски, 70 йил давомида ҳалол меҳнат қилганлар эмас, «йўлинни топганлар» айшини сурди ва инсонлар онгида бу вазият жуда оғир асорат қолдирди.

Ҳаромдан қўрқмайдиган одам жамият учун хавфли одамдир. Ҳаромдан қўрқмаслик жаҳолат, ёки мунофиқликдир.

Инсон иқтисодий мустақиллик масъулиятини ҳис қилмаса, ҳалол ризқ изламаса, ундаги қолган барча яхши хулқлар, гўзал одоб ўз тароватини, самимиятини, қийматини йўқотади.

Аммо инсон топганини уйига ташигани билан маънавий юқсанаклик касб этмаслиги аниқ. Ҳар ишда меъёр тузук. Ўзидан, аҳли оиласидан орттириб, миллат хизматини гарданга олиш чинакам мардоналик белгисидир. Фақат бир шарти бор. Мен миллатга хизмат қиласяпман, менинг тирикчилигимни давлат таъминлаб қўйсин, деб даъво қилиш, ҳатто кўнгилдан ўтказиш маънавий ожизликка ишорадир. Аҳли оиласага, бола-чака, ота-онага, миллатга, башариятга хизмат холис ва самимий бўлади. Ўтмиш алломалар ибрати, боболар васияти бу.

III б о б. МИЛЛАТ

10-ф а с л. Шахс, миллат, башарият

Маънавият асло мавҳум нарса эмас. Аҳли башар маънавиятсиз бўлмайди, чунки инсон моҳиятига кўра моддият ва маънавиятнинг бирлигидир. Унда табиий

эҳтиёжлар бор ва маънавий дунё бор. Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқларининг ўз маънавияти бор. Бу маънавий дунё замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради. Аммо санаб ўтилганлар ичидаги бутунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этиш учун энг муайян ва яхлити шахс маънавияти ва миллат маънавиятидир. Чунки ижтимоий гуруҳ ва тоифалар миллатнинг узвий таркибига киради, миллат маънавиятини яхши тасаввур қилмай туриб, ундаги турли тоифаларнинг алоҳида хислатларини ажратиб олишга уриниши ишончли хулосалар бериши мушкул. Минтақа ва аҳли башар эса алоҳида элат ва миллатлардан таркиб топгани туфайли яна миллат маънавиятидан иш бошлишни тақозо этади.

Шахс маънавиятини ўрганиш икки йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси, умумий жиҳатларни тасниф ва тадқиқ этиш, иккинчиси, муайян шахс маънавиятини ўрганиш. Иккинчи йўналишда кўпроқ ўтмиш ва бугунги куннинг умуммиллий аҳамиятга эга бўлган буюк шахслари маънавий дунёсини ўрганиш ибратли бўлиб, асли бу ҳам миллат маънавиятининг таркибий қисмларини ўрганиш демакдир. Шахс маънавиятининг умумий жиҳатларини ўрганиш йўналиши кўп жиҳатдан ахлоқшунослик мавзулари билан туташиб кетади ва унга энг яқин соҳадир. Бундан ташқари, ҳар бир шахс «ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади». Бошқача қилиб айтганда, шахс маънавияти воқеликда миллат маънавиятидан айру, ундан ташқаридан бўлмайди. Маънавият — илоҳий нур, аммо миллий маънавият тарихий ҳодисадир. Ҳар бир алоҳида шахс ўз мустақил маънавий дунёсига эга, миллат маънавияти эса, мутлақ маънода ушбу миллатга мансуб барча шахслар маънавияти асосида асрлар, балки минг йиллар давомида шаклланиб боради. Иккинчи томондан қаранганимизда, келажакдаги ҳар бир шахс маънавиятининг шаклланувида миллат маънавияти етакчи мавқе эгалайди. Миллат ўз маънавий бойлигини қанча унутса, келаётган авлод шу даражада манқуртлашади, ўзлигини танимайдиган даражага келади. Миллат маънавиятининг келажак авлодларга тўлақонли, мукаммал етказилишидаги бош омил унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигидир. Иккинчи навбатда, миллатнинг йўлбош-

чилари — унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги етакчилари руҳиятида уйғун баркамоллик, Ватан ва халқ олдидаги масъулият ҳисси қай даражада эканлиги кўп нарсани белгилайди. Миллатнинг ўзлигини таниши унинг умумбашарий миқёсда ўз ўрнини, мақом ва мав-қеини, бурч ва масъулиятини қанчалик англаб етиши билан боғлиқ. Ҳар бир шахснинг, элат ва миллатнинг Ҳақ олдида масъулияти бордир, умумбашарий миқёсда вазифаси ва мақоми мавжуддир. Миллат ўзлигини англаб етмаган бўлса, у ҳали миллат эмас, маънавий таназзулга юз тутса, миллат сифатида ўзлигини бой бера бошлади.

Ҳар бир инсон зоти маънавий қиёфаси туфайли шахсdir. Ҳайвон ўлгач, тупроққа айланади, инсонни эса унинг маънавияти бақога элтади. Миллат ҳам шундай. Бугунги мустақиллик шароитида Президентимизнинг миллий маънавиятга айрича эътибори шу сабаблидир. Аммо ҳақиқий озод фуқаролар жамияти ташкил топиши учун миллатнинг ҳар бир аъзоси, шу азиз Ватаннинг ҳар бир фуқароси ўзлигини англаб етишга интилмоғи, ўз улуғ мақомига муносаб амал қилмоғи тақозо-зо этилади. Ўзбекистоннинг буюк келажаги масъулияти ҳар биримизнинг зиммамиздадир.

Дунёда ҳеч бир инсон ёлғиз ўзи мавжуд эмас. У табиат билан, ўзга инсонлар билан, олий ягона ҳақиқат билан чексиз боғланувчи иплар орқали туташ. Шу сабабли шахс мустақиллиги ва эркинлигини ҳар қандай мутлақлаштириш гумроҳликка олиб борувчи йўлдир.

Ҳар бир инсоннинг табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўз муайян ўрни, шунга яраша вазифаси бор. Фақат инсонга уларни танлашда маълум эркинлик берилган. Ирода эркинлиги ана шу ўз йўлини ўзи танлай олиш ва ўз маънавий дунёсини мустақил яратади билиш имконида намоён бўлади.

Албатта, ҳар бир инсоннинг мустақил маънавий дунёси нисбий тушунчадир. У ҳар бир оиланинг ўз яшаш жойи, хонадони ёки кўргони бўлгани кабидир. Бу кўргон ичida ҳам ҳамма жойдаги каби ҳаво, сув, инсонлар, емиш ва жиҳозлар мавжуд. Аммо уларнинг жойлашуви, таомнинг тайёрланиши, ўзаро муносабат ва бошқаларда ўзига хослик, бошқа хонадонларга ўхшамаган жойлари бор. Бир хонадонда оддийроқ, одмироқ жиҳозлар кўрсангиз, бошқасида сифатлироқ, ноёброқ ёки гаройиброқ жиҳозларга кўзингиз тушади.

Хонадон ва кўргонлар маҳалла ва мавзеларни, улар

ўз навбатида катта бир шаҳарни ташкил қилганидек, турли шахслар маънавияти ўзаро ўюшиб муайян тоифалар маънавиятини, булар охир бориб миллат маънавий дунёсини ташкил этади.

Миллат маънавияти эса миллат мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий мустақиллик, бир томондан, иқтисодий мустақиллик билан, иккинчи томондан, маънавий мустақиллик билан боғлиқ. Иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган миллатнинг сиёсий мустақиллиги ҳам омонатдир. Аммо маънавий мустақиллиги бўлмаган миллат аслан миллат бўла олмайди.

Давлат ва миллат тушунчалари бир-бири билан боғлиқ. Буни ҳамма билади. Аммо ҳеч бир давлатда ягона миллат яшамайди. Шу сабабли давлат ва миллатнинг ўзаро боғлиқлиги доимо нисбийдир. Шу нисбийликда давлат мустақиллиги кўпроқ иқтисодий омил билан, миллат мустақиллиги маънавий омил билан туташидир. Мустақил маънавият миллат мустақиллигини, мустақил иқтисод эса давлат мустақиллигини таъмин этувчи кучдир.

Миллат маънавияти бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда ҳам тугал яралмайди, тугал йўқ бўлиши ҳам қийин. Агар алоҳида фавқулодда чоралар кўрилмаса. Шу сабабли сиёсий мустақилликнинг бой берилиши бирданига миллатнинг йўқ бўлишига олиб келмайди. Аммо шундай хавф мавжуд, муайян шароитларда баъзан ўта жиддий хавф туғилиши бегумон. Ўзбек миллати кейинги бир асрдан ошиқ вақт ичida худди шундай жиддий хатар тазиқида яшади. Яратганга беадал шукурлар бўлсинки, ушбу таҳлика бошимиздан ариди.

Ўзбек маънавияти ниҳоятда теран томирларга эга. Биз кўпинча тил туташилигидан келиб чиқиб, ўзимизни туркий миллат деб атаемиз. Бу — тўғри. Аммо агар биз маънавиятимиз илдизларини фақат турк тилидаги манбалардан қидирсанак, ўзимизни ўзимиз ниҳоятда камбагаллаштириб қўйган, кемтик бир меросга даъво қилган бўлур эдик. Бу борада биз буюк аждодларимиздан ибрат олсанк арзиди.

Халқимизнинг буюк алломалари ал-Бухорий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий кабилар араб дунёсининг илм марказларида таълим олган, узоқ вақт ўша ерларда араб тилида ижод этишган. Уларни кечагина фаразли қутқуларга учиб, бирини қозоқ, бирини тожик, бирини ўзбек деб талашиб юрдик. Ваҳоланки, араблар булар бизнинг алломаларимиз, деб ҳурмат қилса, эро-

ний халқлар ўз маънавиятига эш билади, шу билан бирга барча туркий халқлар ҳам уларни ўзиники деса тўла ҳақидир.

Мозийда ислом маънавияти доимо ягона минтақа маънавияти бўлиб келган, Ҳирот ва Ҳамадон, Бағдод ва Бухоро, Миср ва Кошфар, Булғор ва Хоразм илм ва маданиятда бир-бирларидан айру яшамаганлар. Узоқ Испаниядан Шарқий Туркистонгача, Волгабўйи ўлкаларидан Шимолий Ҳиндистон диёригача турли халқ ва элатлар ягона маънавият оламидан баҳраманд бўлганлар.

Ўзбек миллий маънавияти ҳудудсиз уммонга туташган бир баҳрdir. Хоразмда туркий салтанат бўлмиш хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган Рашидиддин Ватвот ўзининг XII асрда ёзилган «Хадойик ас-сехр фидакиқ аш-шеър» (Шеърият назокатларининг сехрли боғлари) асарида шеърий санъат ҳақида гапириб, аввал Қуръондан ва Расулиллоҳ ҳадисларидан, сўнг машҳур араб шоирларидан, шундан кейингина форс шеъриятидан намуналар келтиради.* Алишер Навоий эса ўз устоз ва салафлари қаторида Лутфий ва Насимиylар билан бир сафда Саноий ва Низомий, Саъдий ва Амир Хусрав, Мавлавий ва Аттор, Ҳофиз ва Жомийларни тенг ёд этади. Тасаввупнинг тариқатлари ҳақида ёзганда туркистонлик яссавия ва нақшбандия билан бир қаторда ҳиндистонлик чиштия тариқати намояндаларини ҳам бирма-бир тилга олиб ўтади, қадим Юноннинг буюк ҳакимларини Қуръонда қайд этилган пайғамбарлар билан бир китобда йўқлади. Демак, биз ҳам бошқача йўл тутсак, мақсадга эриша олмаймиз.

Асли башарият маънавий олами турли минтақа маънавиятларининг уйғун ҳамкорлигидан вужудга келлар экан, ислом ва насоро дунёси, ҳинд ва хитой маънавияти ўзаро яқинлашувдан фақат ютади. Аммо ягона тил, ягона мағкуранинг зўрлик асосидаги тазиийи ўрнатилса, у — ёмон. Тақдир экан, собиқ СССР аталган ҳудудда турли халқлар зиёлилари бир тилдан фойдаланиб, 70 йил ҳамкорлик қилишган бўлса, бунинг эвазига яралган бойлик ушбу халқларнинг маълум даражада умумий мероси ҳамдир. Бугун биз буни инкор қилсак, фойда қилмаймиз, фақат тўқ мағизларни пучидан, пуфлаб шиширилган мағкура оқовасидан ажратиб ола билмоқ зарур. Қолаверса, бугун биз билан елқадош турган юртимизнинг ўзга тилли зиёлилари ҳам миллий маънавиятимизга ҳисса қўшишлари табиий. Фақат бир меросни иккинчи меросга зид қўймаслик лозим.

Хуллас, ўзбекнинг миллий маънавияти неча минг йиллик тарих ва мураккаб тақдирга эга, турли халқ ва минтақа маданиятларига эш бўлиб келган гўзал ва ранго-ранг дунё, унинг таркибидан не-не буюк шахсларнинг маънавият оламлари жой олган.

11 - ф а с л. Маънавият ва маданият

«Маданият» тушунчасини турлича шарҳлайдилар. Биз уни содда қилиб, «маънавиятнинг моддий воқелик-даги изларидир» деган бўлур эдик. Албатта, бошқача таъриф ҳам бор. Унга кўра асли табиатдан фарқли ўлароқ инсон фаолиятининг барча маҳсулини «маданият» (аниқроғи, культура) дейилади. Аммо масаланинг бир нозик жиҳати бор. Афсуски, инсон воқеликни доим ҳам ижобий тарафга ўзгартиради, деб бўлмайди. Ажойиб қасрларни бунёд этган, воҳаларни обод этган ҳам инсон, шаҳарларни тўпга тутиб кулини кўкка совурган, ўрмонларга ўт қўйган ҳам одам боласи (зеро, ҳайвоннинг қўлидан бу ишлар келмайди). Дунёни ҳайратга солган қашфиётлар, кўнгилларни забт этувчи ғазаллар, достонлар инсон ақл-заковати, истеъоди маҳсули, аммо китобларни гулхан қилиб ёқтирган, она тупроқни заҳарлаб, зилол сувни оғуга айлантирганлар ҳам жоҳил сарбозу саводсиз дехқон эмас, ўзини табиату жамият устидан ҳукмфармо билган уламову кубаролардир. Шу сабабли маданиятни инсоннинг фақат яратувчилик фаолияти натижаларига нисбат берсак дуруст, бузғунчилигига эмас. Яратувчилик эса ақл-идрок, истеъод ва маҳорат, билим ва тажриба, риёзат ва меҳр билан амалга ошади, жаҳолат ва қаҳр, худбинлик ва ғафлат билан эмас.

Демак, маънавият маданиятни яратади, маънавият имкон, маданият — ушбу имкондан туғилган мавжудлик. Маънавият ўтмиш, бугун ва келажакни қамраб олади. Маданият эса ўтмиш ва бугунга таалуқли. Маънавият келажакни белгилайди, маданият бутунги аҳволни кўрсатади.

«Шахс маданияти» деган тушунча мавжуд. Аммо маънавиятдан фарқли ўлароқ шахс маданияти кўпроқ миллат маданияти, аниқроғи, миллий маданиятнинг ҳосиласидир, аксинча эмас.

Маданиятнинг ҳам маънавият сингари қирралари кўп. Биз фақат, баъзи муҳимларини кўриб чиқамиз.

A. ДИН ВА МАЬНАВИЯТ

Баъзилар дин ва маънавиятни бир нарса деб қарашиб мойил бўлишади. Бу унчалик тўғри эмас. Ҳар бир инсоннинг ўз дини бўлмайди. Динлар кўп дунёда, лекин улар муайян. Дин — илоҳий китоблар орқали нозил этилган алоҳида қонун-қоидаларни билдиради. Маънавият қатъий қонун-қоидалар тарзида тасаввур қилинмайди. Ҳар бир шахс маънавияти ўзига хос, ҳар бир инсоннинг ўз маънавий олами мавжуд. Дин инсоннинг дилида бўлиши керак, албатта, аммо ҳар бир инсон бир динни қабул қилиб олади ва унинг қонун-қоидаларига умр бўйи риоя қиласи. Маънавият эса инсон қалбидаги нур, у танлаб олинмайди, у Оллоҳнинг инояти, одамни ҳақ йўлга етакловчи ҳодий, унинг қонун-қоидалари ташқаридан белгилаб берилмайди. Маънавият инсон умри давомида, миллатнинг тарихий тараққиётида та-комил топиб боради, дин эса бир марта қатъий қилиб белгилаб берилади. Ҳар ҳолда бизнинг тасаввурларимиз шундай. Навоий «Талаб водийсининг сифати»да ёзади:

*Куфр ила имонга ургайсен илик,
Бу таъмадинким очилгай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,
Ичкари киргач қутулдинг барчадин.
Куфру имонро хорхравга кеш эмас,
Асли йўлда банди роҳе, беш эмас.*

Самимий диний эътиқод маънавият эшиклидан биридир. Яна бир нозик масала. Кўпроқ оддий эътиқод эгалари динни сунна даражасида идрок этадилар. Диний ва дунёвий (яъни атеистик) илм икки қутбга ажратиб ташланган, санъат марксизм фояларининг тарғибот-чисига айлантирилган бир шароитда, дарҳақиқат, Қуръон ва пайғамбаримиз ҳадислари дин аҳли учун ягона маънавий паноҳ бўлган эди. Аммо воқеликда миллий маънавиятимиз майдонлари бехудуддир. Бизнинг илм ва мантиқ, ирфон ва бадиият оламларимиз ҳам имондан ташқари эмас, балки имонга қувват бағиашлаш, тавҳид эътиқодини теранлик сари етаклаш учун сафарбар этилгандирлар.

Дин ва маънавиятни бирлаштирувчи фазилат эътиқоддир. Диннинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари бор. Ботиний жиҳати имон бўлиб, қолгани — ибодатлар — зоҳирий жиҳатлар, улар имонни муайян ташқи ҳаракат-

лар билан тасдиқлайди. Аммо имон фақат тилда бўлса, исломий ҳаёт қонунлари билан ички маънавий уйғунлик ҳосил қилинмаса, унда маънавият нуқтаи назаридан даҳрийнинг ўз ақидасига эътиқоди мунофиқнинг ташки диндорлигидан афзал бўлиб чиқади. Чунки эътиқодли даҳрий дўзах азоблари хавфи олдида ҳам ўз билганидан қайтмайди. Мунофиқ эса ўз ҳаёт тарзи билан ҳалол инсонларнинг динга ихлосини қайтаради. Диннинг зоҳири сақлаб қолинса-ю, ботинига эътибор етарли бўлмаса, дин хурофтога айланади. Маънавият учун турли динлараро фарқлар мұхим эмас, инсон қалбидаги эътиқод нури мұхим. Бундай ёндошув кўпроқ тасаввух ирфони соҳибларига оидdir. Ҳар не бўлганда ҳам, эътиқод дилда бўлади, у инсоннинг ўзи учундир, ибодатлар ташки хатти-харакат билан ифодаланади, бунда ҳам инсон ўз шахсий эътиқод туйғусини қондиради, ҳам қайси динда эканлигини ўзгаларга зоҳир этади. Ибодатни адо этмасликнинг ҳам икки сабаби бўлиши мумкин. Бири — агар шахс ўзгалар учун бирор-бир савобли ишни бажаришни ўзи учун (ибодат доим инсоннинг ўзи учундир) бажариладиган ибодатдан ортиқ билса (албатта, бунда янгишуви ҳам мумкин). Иккинчиси, ўз шахсий барази йўлида ибодат ўрнига бошқа бир юмушга чалғиса. Ҳар икки ҳолатда ҳам инсон ўз келажак тақдирини хавфга кўяди. Оллоҳ олдида бунинг жавоби қандай — ёлғиз Яратганга аён. Ҳар ҳолда маънавият уйғунликка интилади, шу жиҳатдан мўъмин фақат ибодат билан қониқиб, ўзга амалларини эзгулик билан уйғунлаштиришга эътибор қилмаса, бундай инсонни маънавий баркамол дейиш қийин.

Динда эътиқод, тақво, ҳалол ва ҳаром масалалари асосийлардан бўлиб, булар бевосита инсон маънавиятига алоқадордир. Маънавият муайян маънода диннинг ботиний жиҳатидир. Тақво маънавият белгиси бўлиб, ҳалол ризқ тақвонинг энг ўзак тушунчаси ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтганларидек, ҳалол ризқ йўлида уриниш ибодатнинг 9/10 қисмини ташкил этади.* Ҳар бир инсон зиммасида иқтисодий мустақиллик масъулияти бор. Ҳеч ким ўзга бир киши мени боқиши (иқтисодий жиҳатдан таъминлаши) керак деб ҳисоблаши тўғри эмас. Ҳар бир эр киши ўз оиласини (рафиқаси, балоғат ёшига етмаган фарзандлари, кекса ота-оналари, баъзан ёш ука-сингиллари ёки бошқа яқин қариндошларини) иқтисодий жиҳатдан

таъминлаш ҳаракатида бўлмоғи керак. Бироқ, оила аъзолари ўз бокувчисини ошиқча харажатларга мажбур қилмасликлари лозим.

Мусулмонлар учун бир қатор моддий ва ғайримоддий тақиқлар мавжуд, яъни уларга баъзи таом, ичимлик, гап-сўз, хатти-ҳаракатлар ҳаром қилинган. Куръонда аниқ айтилган истеъмол учун ҳаром ҳисобланувчи нарсалар шахс маънавиятига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қиласи. Масалан, маст қилувчи ичимликлар инсон маънавиятига ҳам бевосита, уларни ичган пайтнинг ўзида салбий таъсир ўтказиб, турли ғайриахлоқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ва энг хавфлиси, келажакда ичувчининг фарзандлари ирсиятида жиддий қусурлар шаклланишига сабаб бўлиб, зурриётини баҳтиқаро этиши, жамиятнинг маънавий ҳаётига ҳам зарар келтириши мумкин.

Биз ичкилиқ, тўнғиз гўшти сингари таомлардан ўзини тиймаганларни қоралаймиз. Аммо баъзан мусулмонлик даъво қилган ҳолда Оллоҳ китобида рўйи рост тақиқ этилган кўп хатти-ҳаракатлардан ўзимизни тиймаймиз. Жумладан, ёлғон сўзлаш, фийбат, туҳмат, ўзга ҳаққига хиёнат, таъмагирлик, кибру ҳаво, турли маънавий бузилишлар исломда ва миллий маънавиятимиз анъанасида кескин қораланиб келинишига қарамай кечаги кунимизда, очиги, одатий кўниқмаларга айланиб қолаёзган эди ва бугун ҳам ҳануз улардан фориф бўла олганимиз йўқ. Энг ачинарлиси, биз уларга шунчалик кўниқиб қолганмизки, ўзимиз қилмаган тақдирда ҳам ўзгалар қилмишига муроса билан қараймиз. Асли биз бепарво қарайдиган бундай иллатлардан сақланиш ҳар бир инсон учун маънавий нуқтаи назардан баъзи моддий тақиқлардан муҳимроқдир (ўз вақтида Исо алайҳиссалом ҳам буни таъкид этган эдилар). Айниқса, пораҳўрлик ва зинокорлик энг хавфли ва ашаддий фасод бўлиб, инсон маънавиятини буткул ҳароб этувчи омиллардандир. Баъзилар қонунга чап бера олса, кўнгли хотиржам бўлади. Аммо Ҳақдан ва халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди.

«Халқни алдаб бўлмайди», дейди Президент, халқнинг назаридан қолиш эса ўзлигини билган одамга ўлим билан баробардир. Ҳар бир ишда ташаббускор, ғайратли шахслар ютиб кетади. Аммо дилда имон бўлса. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг машҳур ҳикмати баъзан бир ёқлама талқин этилади. «Дил ба ёру даст ба кор» деганда ҳар икки жиҳат, яъни «ёр» ҳам муҳим,

«кор» ҳам муҳим, ташаббускор бўлгин, қуруқ зоҳид бўлма, элга фойда етказгувчи қасб эгаси бўл, деган даъват қанча муҳим бўлса, бир ишга қўл урганда, бир амалий ниятга қасд этганда, кўнгила Оллоҳни сақла, ҳақиқат ва инсоф мезонларидан бир баҳя ҳам чекинишга ўзингга изн берма, деган йўриқ ҳам шунчалар эътиборлидир. Бирини қўйиб, бирига ружу этилса, меъёр бузилади ва инсон тўғри йўлдан ёки бу тарафга тойиб кета бошлади. Агар шу одам раҳбар бўлса, ўз орқасидан яна кўпларни ҳалокат сари етаклаши турган гап.

Аммо зиёлилар аталмиш жамиятдаги катта бир тоифа учун бу қусурлардан сақланиш ниҳоятда долзарб масаладир. Чунки зиёлилар халқнинг раҳнамолари, етакчилари. Улар кўпчиликни бир йўлга бошлашга қодир одамлар, демак, улар йўл қўйган хато бир ўзлари ёки оила аъзолари, шогирдлари, фарзандларинигина эмас, халқнинг кўпчилик қисмини йўлдан озириши, адостириши мумкин.

Большевиклар асосан кимларни қатағон қилди? Зиёлиларни. Чунки айни шу тоифанинг халққа таъсири яхши маълум эди. Пролетар диктатурасини мадҳ этувчиларга большевиклар ҳамма моддий ва майший шароитларини муҳайё қилиб қўйдилар. Миллатпарастларни, ҳақиқатпарастларни эса «халқ душмани» эълон қилиб, жисман маҳв этдилар. Иккиланганларни исканжага одилар.

Зиёлининг ёлғони оддий ёлғон эмас, ижтимоий ёлғон, халқни гумроҳликка бошловчи ёлғондир. Зиёлининг ўз виждонига хиёнати ҳақиқатга хиёнатидир. Зиёлининг гумроҳлиги унинг хиёнатидан ҳам, ёлғонидан ҳам бадтардир, унинг чаласаводлиги халқни жоҳилиятга етакловчи йўлдир.

Эътиқод маънавиятнинг ўзак томири. Эътиқодсиз кишида маънавият бўлмайди, ташқи маданий қўриниш, олифтагарчилик, ҳатто анча-мунча билим ҳам бўлиши мумкин, аммо мағзида маънавият бўлмайди.

Кишида умуртқа поғонаси шикастланган бўлса, ундей инсон гавдасини тик тутиб тура олмайди. Маънавий олам учун эътиқод ҳам шундай бир нарсадир. Коммунистлар олға сурган ғояларга халқ озми-кўпми ишонган, умид боғлаган даврда Совет давлати анча-мунча ўси, ривожланди. «Коммунизм» ғоялари пуч нарса экани маълум бўлиб қолгач, аста-секин бу тузум ич-ичидан емирила бошлади ва охири барбод бўлди.

Шунинг учун ёлғон ғояларга ишониш, ўйлаб топилган ақидаларнинг этагини тутиш яхшиликка олиб бормайди. Эътиқод масаласи — жиддий масала. Тарихда турли ёлғон пайғамбарлар кўп бўлган. Улар охир-оқибат бебурдликка маҳкум бўлгандар. Башарият, эл, халқ қабул қилган Олий ҳақиқатлар эса асл маъноси билан илоҳий, азалий ва абадий манбага эгадир. Ислом динимиз ана шундай илоҳий иноят ҳисобланади. Бизни 70 йил бу эътиқоддан қайтаришга уриндилар, жазоладилар, масхараладилар, тақиқладилар. Бари бефойда бўлди. СССРда мағкуравий тазийк кучайган сари, жаҳонда исломнинг нуфузи ошиб борди. Америка, Европа, Австралияга ислом дадил кириб бормоқда. Марксист даҳрийлар исломни араб босқинчилиги билан боғла-моҳчи бўлдилар. Наҳот, 1400 йил аввалги босқинчилик асорати шунча кучли бўлиши ақлга тўғри келса? Александр Македонский, Чингизхон, чор Россияси олиб келган эътиқодлар қани? Ҳақиқат бошқа нарса, босқинчилик бошқа.

Имом Бухорийлар бирорнинг тазийки билан мусулмон бўладиган шахслар эмасди. Улар ҳақиқат фидойилари эди.

«Ло икроҳа фи-д-дин», яъни «динда мажбурлаш ўйқ» дейилган. Аввало, исломда тадрижийлик мавжуд, Мұхаммад (САВ)га нозил этилган илоҳий китобда ўзидан аввалги китоблар ва барча пайғамбарлар, жумладан, Мусо ва Исо алайҳиссаломлар тўлиқ эътироф этилади ва барча пайғамбарларнинг ҳурмати баробар эканлиги таъкидланади. Қолаверса, маънавият аҳли учун юзта мусулмонлик даъвосини қилувчи риёкордан битта эътиқодли даҳрий ёки бутпараст афзал. Аждодларимиз бизга шундай таълим беради. Масалан, Амир Ҳусрав Дехлавий «Ширин ва Ҳусрав» достонининг «Дар фазилати ишқ» бобида ёзади:

*Ба ишқ ар бутпарасти, дин-т пок аст,
Ва-гар тоат куни бе ишқ хок аст.*

*(Сен ишқда бутпараст бўлсанг — дининг пок,
Агар ишқ бўлмаса, тоат эрур хок.)*

Пайғамбаримиз учун ватан ва имон тушунчалари бир-биридан ажралмас эди. Макқадан Ясрибга ҳижрат қилиш ул жанобнинг имонларини янада бақувват қилди. Бугун ҳам хориждаги биродарларимизнинг кўпчилиги учун имон ва Ватан меҳри бир-бирини қувватлаб

турибди, зеро Ватанига тош отган кимсалардан имон умиди ҳам бехудадир.

Б. МАЊНАВИЯТ ВА МАНТИҚИЙ ТАФАККУР

Аввало илм ва имон бир-биридан жудо эмас. Бир-бирига зид ҳам эмас. Алишер Навоий «Насойим ул-маҳабба мин шамойим ул-футувва» китобида шайх Абу-бакр Тоҳир Абхарий ҳақида шундай ривоят келтиради: «Андин сўрдиларки: ҳақиқат недур? Дедиким: барчаси илмдир. Дедилар: илм недир? Дедиким: барчаси ҳақиқатдур.»

Аммо эътиқод ва илм аро фарқли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Эътиқод ҳаётга яхлит ёндошади. Илм эса доимо ҳаётнинг ўёки бу алоҳида ҳодисасини ўрганади. Илм — макон ва замонда чексиз, бир киши ҳатто муайян бир соҳада ҳам ҳеч қачон барча билимни тўлиқ қамрай олмайди. Ҳозирги замон илми икки устунга таянади, бири тажриба ва бири мантиқий тафаккур қонунлари. Мантиқий тафаккур, илм инсон мањнавиятида жуда муҳим ўрин тутади, аммо мањнавият илмдан ҳам, мантиқий тафаккурдан ҳам қамрови кенгроқдир. Янги давргача илм кўпроқ ҳаётий кузатишларнинг соғ мантиқий таҳлилига таянган, маҳсус тажрибалар кам ўтказилган. XV асрдан Европада маҳсус илмий асослардаги тажрибага ихлос ва эътибор кучайди.

Мантиқий тафаккур ҳаётни, атроф-воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг бир-бирига муносабатини идрок этиш, тушуниб этища ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб, аждодларимиз бу ҳақиқатни IX—X асрлардаёқ теран англаб етганлар. Сунна давридаёқ мўътазила йўналиши намояндалари Оллоҳнинг ягоналиги ва адолатини мантиқий далиллаш йўлларини қидира бошладилар. Кейинча ботинийлар Қуръон ояллари таъвилини мантиқ қонуниятлари билан мувофиқ олиб боришига интилдилар. Аста-секин Калом илмининг ашария ва матуридия йўналишлари шаклланди. Улар билан бир пайтда соғ ислом фалсафаси ва мантиқ илми кенг тараққий эта бошлади. Ислом қонуншунослиги, яъни фиқҳ илми ҳам доимо мантиқ қоидаларидан кенг истефода этиб келди. Илмлар таснифи билан шуғулланган кўлчилик алломаларимиз аниқ фанлар (риёзиёт, ҳандаса) ва табиий фанлар (физика, минералогия, кимё ва ҳоказолар)га фалсафанинг таркибий қисми сифатида қарадилар.

Мантиқий тафаккур инсонни фикрлаш маданиятига ўргатади. Башарият маънавий такомил тарихида мантиқий тафаккурнинг энг буюк хизмати инсон онгидағи асотир тафаккур асоратларини енгіб ўтища бўлди. Юнонда шаклланган мантиқ илми улуғ файласуфлар тафаккурини чархлаб, аста-секинлик билан ўша даврнинг ҳукмрон тасаввури — мушрикликни (Европа илмида политеизм деб юритилади) енгіб ўта бошлади. Юнон донишманлари Борлиқнинг ягона моҳиятини қидириб, уни гоҳ сув, гоҳ олов, гоҳ тупроқ, гоҳ «атом» тушунчалари билан боғладилар. Бу жараён Аристотель фалсафасида ўзининг ниҳойи чўққисига эришди ва шу сабабли кейинчалик уни «Биринчи муаллим» деб улуғлай бошлашди. Мантиқ илми асотир тафаккур ва унинг эътиқоддаги асорати — мушрикликни шубҳа остига олишда етакчи аҳамиятга эга бўлганилигидан ислом минтақа маданиятида жиддий эҳтиромга сазовор бўлди. Ал-Киндий, ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Туфайл, Ибн Рушд каби улуғ файласуфлар бу тафаккур тарзини юксак даражада ривожлантирилар. Улар мероси Европа Ўйғонишига ҳал қилувчи туртки берди. Мантиқий тафаккур фалсафий ва илмий тафаккурнинг асосини ташкил қиласи, шу сабабли ёшларга «Мантиқ илми»дан сабоқ бермоқ ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, бутунги кунда ахборот тизимлари ва компьютер илми ҳаётимизга кириб келган чоғда бу илмнинг ўта зарурати сезилмоқда.

Аммо мантиқий тафаккур асло Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг ягона йўли эмас. Масалан, тасаввувир ирфони мутлақо ўзига хос тафаккур тарзи бўлиб, мантиқий тафаккур воситасида уни англаб етиш мушкул. Мантиқ фақат ақлга таянса, ирфон соликнинг бутун ақли ва руҳий қувватини сафарбар этади.

В. САНЬАТ, АДАБИЁТ, МАЪНАВИЯТ

Борлиқ ҳақиқати — макон ва замонда ҳудудсиздир. Уни инсон онги яхлит қамрай олмайди. Шу сабабли аҳли башар ҳақиқатни идрок этишнинг турли йўллари ни қидиради.

Асотир тафаккур моҳиятни бирор муайян ашё ёки ҳодиса билан боғлаб тасаввур этишга уринишдир. Масалан, ягона Ҳақ моҳиятини бирор зот, ашё, нарса — ҳодисага боғлаб тушунишга уриниш мушриклик, яъни кўпхудоликни келтириб чиқаради. Бунга, айниқса, Тав-

ротда қўп мисоллар келтирилган. Кейинчалик мантиқий тафаккур ривож олгач, у билан ҳамзамон бадиий тафаккур ҳам шакланди.

Агар мантиқий тафаккур ҳар бир нарса-ҳодисани қисмларга ажратиб итмий тушунчалар ёрдамида таҳлил қилишга уринса, бадиий тафаккур воқеликни яхлит уйғуныкда идрок этишга уринади. Бунинг учун турли рамзлар, тимсоллар, ишора ва ташбек (ўхшатиш)лардан фойдаланади.

Бадиий тил — рамзу ишоралар тилидир. Агар илм тилини мутахассисларгина тушунса, бадиий ижод маҳсули кўпчиликка тақдим этилади. Бадиий тафаккур яратган дунё санъат дунёсиdir. Илм фақат инсон ақлига мурожаат қилса, ҳақиқий санъат асари инсоннинг ҳам ақли, ҳам туйгуларини жунбушга келтиради. Шу сабабдан санъатнинг илмдан қамрови кенгроқидир. Санъаткор файласуф сингари воқеликни илмий изоҳлашга уринмайди, балки унинг муайян талқинини яратиб, уни ўзгаларга беихтиёр юқтириш йўлидан боради. Санъатнинг таъсир кучи ундаги тимсолий тафаккур қудратидандир. Асотир (миф) билан бадиий асарнинг умумий томони улар ҳар иккиси ҳам моҳиятни ҳаётий ёки хаёлий тимсоллар асосида англатишга уринадилар, фарқ қилувчи томони — асотирга ўз даврининг одами ҳақиқат сифатида ишонади, бадиий тимсол эса фақат ҳақиқатга ишора қиласи, ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди.

Қадим элатлар маълум муддат турли бутлар қудратига ишонганлар ва уларга топинганлар. Зевс, Аполлон, Афродита ва Олимп тоғида абадий яшайди деб тасаввур қилинган бошқа санамлар шарафига юононлар ибодатхоналар қуриб, курбонликлар келтирганлар. Аммо Атторнинг «Мантиқут-тайр», Навоийнинг «Лисон уттайр» асаридаги жаҳон қушларининг афсонавий ҳукмдори Симурғ фақат бадиий тимсол, Ҳақиқат сирларига ишорадир.

Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби қаҳрамонлар ҳам шоир кўнглидаги муайян тасаввурларга ишора қиласи, достонларнинг бадиий мазмуни шоирнинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги фикру ўйларига бизни ошно этади. Санъат турлари беҳисоб, уларнинг ҳар бири воқеликда мавжуд муайян имкондан фойдаланади. Ҳайкалтарош тошни жонлантиради, мусаввир ранглар товланишни ишга солади, мусиқа санъати қадимгилар ишончига кўра, инсон туйгуларига бевосита

коинот уйғунлигини олиб киругчи восита ҳисобланади. Аммо бадий тафаккурнинг энг құдратли ва имкониятлари чексиз воситаси, назаримизда, бадий сүздейдір.

Инсон хатти-харакат, имо-ишора билан ҳам күп нарсани тушунтира олади. Аммо барибир сүз, инсон нутқы ахборот алмашувининг бош воситасидир.

Санъатни ҳам ахли башарнинг ўзига хос ахборот алмашув воситаларидан бири деб қарасак, сүз санъати ушбу бадиият дунёсида алоқида мавқега әгадир.

Адабиёт инсон тафаккурининг, маънавиятининг асоси ва бош озиғидир. Чунки унда ҳаёт акс этади. Аммо ўз ҳолища, күзгудагидек әмас, балки муаллиф мақсадига бўйинсуниб, унинг нигоҳи орқали сизга кўринади. Адабий асар кўз олдингиздан кечеётган айқаш-уйқаш ҳодисалар гирдобини маълум маъно тизимиға жойлаб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради.

Эндиғина ҳарфни ҳарфга уришириб китоб ўқишига ўрганган беш-етти ёшли бола теварак-атрофдаги ҳаётни қандай таҳлил қилиб тўғри хуласалар чиқара олади? Бунинг учун унга ким ёрдам беради? Албатта, биринчи навбатда, она ва отаси, опа-акалари, тарбиячилари, атроф-муҳитдаги инсонлар таъсири бўлади. Бироқ ушбу инсонлар кўрсатадиган таъсир, улар гапирадиган гаплар ўз навбатида уларнинг онг ва савия даражасига, уларнинг ўзи ҳаётни қандай тушунишига боғлиқ. Китоб эса, агар арзигулик китоб бўлса, маълум маънода, умумбашарият тажрибаси асосида ёзилган, ҳаётнинг бир қиррасини бола учун тушунарли усулда умумбашарият маънавий олами кўзгуси орқали хайрли бир ният сари йўналтириб акс эттирган бўлади. Мана шу маънода адабиётни инсон маънавий дунёсининг шаклланишидаги илк ва озиқ восита дея оламиз. Фалсафий ва илмий дунё даҳолари ҳам одатан бадиий адабиёт йўргагида вояга етадилар.

Менимча, китоб ҳақида ёшлигидан китобга меҳри тушган, китоб ичида ўсган одамгина гапиришга ҳақли. Кейинча катта бўлиб, сабаби тирикчилик адабиётшуносликка қўл урган кишиларнинг сўзлари бу даргоҳ учун бегона сўзлардир. Улар ё ўзгалардан кўчирма қиласидилар, ё чинакам адабиёт учун ёт бўлган қарашларни унга тиркамоқчи бўладилар. Бу ишларни кўра била туриб қиласидиларми, ё кўр-кўронами, бунисининг охирнатижа учун унчалик аҳамияти йўқ.

Ёшлигидан китоб ўқишига ўрганган одам одатда фалсафий, сиёсий, диний адабиётдан бошламайди, аввал бадий адабиёт намуналари билан танишади. Агар бошқа бирор тур адабиёт қўлига тушганда ҳам, табиийки, бола тафаккури билан уни тушунишга қодир бўлмайди. Бадий адабиётни ўзнига олади. Адабиёт — ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт Борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш кудратига эга.

Адабиёт замираидан зиддиятли негиз бор — адабиёт инсониятининг болалик одатидан ривожланиб чиқсан. Бола ўйнайди, бола учун ҳаёт ўйиндан иборат. Боланинг ўйини — бегараз. Катталарнинг ўйинига доимо гараз хавф солиб туради. Адабиёт ҳам шундай. Адаб ва шоир бегараз бўлса, у ҳаёт ҳақиқатини ўйғун акс эттира олади. Аммо гараз аралашса, гаразли адабиёт вужудга келади. Фаразли адабиёт инсон дилига зулмат келтиради, руҳини туманлаштиради, ақлини адаштиради. Мумтоз адабиёт бегараздир. Адабиёт негизида ўйин бор, у ўйнаб туриб ўргатади, унинг тимсоллари ҳаёт ибратларидир.

Адабиёт инсон руҳини Борлиқ ҳақиқати билан ўйгуналаштиришга интилувчи асосий воситалардан-дир.

Мавжуд адабиётшунослик фани адабиётнинг шаклини ўрганади, мазмуний моҳиятини ўрганмайди. Адабиётшунослик бадий адабиётни ўйин сифатида ўрганади, яъни ундаги ўйин қоидаларини таҳлил этади. Албатта, адабий асар мазмунини тўғри тушунишимиз учун ундаги «ўйин қоидаларини», яъни шаклий, услубий ўзига хосликларни тўғри англашимиз керак. Аммо, барибир, бадий тафаккур қонунияtlарини билиш, шакл ва услубни фарқлаш ҳали асар мазмунини тўлиқ, аслига мувофиқ тушуниб этиш дегани эмас. Чунки адабиётдан ҳар бир шахс ўз ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, тафаккур даражасига кўра, қисқаси, ўзига яраша ибрат олади.

Мумтоз ўзбек адабиётини шеъриятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ўзбек тилида етиб келган маънавий меросимизнинг 80 фоизини шеърият ташкил этади. Она заминимизга Ислом дини билан бирга араб тили ва шеърият илми ҳам кириб келди. Мадрасаларда Қуръони

карим, тафсир, ҳадис илми, араб тили сарфу нахви билан бир қаторда шеър илми — аruz назарияси — қонун-қоидалари ҳам ўқитиб, ёдлатилар эди. Ёд олиш эса ақлни пешлатиб чиниқтирап, тиниқлаштирап, тафаккурни чуқурлаштириб ойдинлаштирап ва фасоҳат билан сўзлашга асос бўларди. Қомусий олимларимизнинг деярли барчалари шеърият билан ошно бўлиб, ё шеърий қасида битганлар, ё шеърият назарияси — аruzга оид асарлар яратгандар.

Қарамлик даврида миллий адабий меросни ўрганиш ҳам большевистик қолилларга зўрлик билан мослаштирилди. Натижада, ўтмиш адабиётимиз «реакцион» ва «прогрессив» аталмиш икки гуруҳга сунъий бўлиниб, реакцион саналган қисми мутлақо ўрганилмаган ҳолда фақат қораланди. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Рабгузий, Убайдий, Сӯфи Оллоёр, Фируз, Амирий каби қатор шоирлар ижодини танқидий йўналишда ўрганиш ҳам қатағон этилди. Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кутб, Сайфи Саройи, Алишер Навоий, Бобур каби шоирлар ижодида «прогрессив» жиҳатлар таъкид этилган эса-да, улар меросининг талай қисмлари яна коммунистик ақидапараастлик мезонларига сифмагани туфайли нашрларда қисқартирилди, таҳлилларда ё кўз юмиб ўтилди ёки алломалар «дунёқарашининг чекланганилиги» натижаси деб баҳоланди. Аммо, назаримизда, асосий қусур бунда ҳам эмас. Маълумки, ҳар бир минтақа маданиятининг ўз мезонлари бор. Улар ўша минтақа халқлари маънавий такомили жараённида, узоқ йиллик тарихий тажриба асосида шаклланади. Жумладан, ислом минтақа адабиётининг ривожланиши мобайнида унинг ўзига хос назарий асослари ҳам яратилди. Бу анъанага мувофиқ бизда адабиёт назариясига оид бир қатор илмлар вужудга келди. Жумладан, аruz илми, қоғия илми, бадиий санъатлар назарияси (илми бадеъ), илми баён, илми маъоний ва ҳ.к. Ислом минтақасида дастлаб бу илм йўналишлари араб тилидаги адабиёт тажрибасига таянган бўлса, кўп ўтмай бошқа халқлар ҳам бу соҳага ўз ҳиссаларини қўша бошладилар. Бу ҳақдаги маълумотлар илмлар таснифига оид турли қомусий китоблар мундарижасидан жой олди.

Форобий ва Ибн Сино каби улуғ файласуф алломаларимиз меросида адабиёт назариясига оид маҳсус рисолалар учрайди. Уларда бадиий тафаккурниң назарий жиҳатларига алоҳида эътибор ажратилган, юонон шеърият илмига оид асарлар танқидий таҳлил этилган.

Х—XV асрларда бу йўналишда ижод этган қатор алломаримизнинг қомусий асарлари жаҳон маънавият хазинасининг боқий мулкига айланган. Масалан, X асрда яшаб араб тилида ижод қилган ватандошимиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» (Илмларнинг калитлари) асарида адабиётшуносликка оид илми маъоний ва баён, аruz ва қофия, бадиий санъатларга алоҳида боблар ажратиб, бу илмлардаги ҳар бир атамага таъриф ва тавсиф бериштирилган.

XI асрда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик аллома Абу Ҳафс ан-Насафий ўзининг «Мажмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум» (Илмларнинг жам бўлиши — юлдузларнинг чиқиши) қомусий рисолалар тўпламига аruz илмига оид «Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз» асарини ҳам киритган. XI асрда ватандошимиз Абул Ҳасан Наср ал-Марғилоний бадиият илми бўйича араб тилида «Маҳосин ал-калом» асарини яратди.

Шу асрда яшаган Абу Қоҳир Журжоний Куръони карим бадиий қудрати таҳлилига бағишлиланган «Да-лойил ул-эъжоз» ва «Асрор ул-балоға» асарларида мутлақо ўзига хос бадиий тимсол назариясини қашф этди. XI аср охири — XII асрдан бошлаб форс тилида ҳам поэтикага оид маҳсус асарлар яратила бошланди. Уларнинг биринчиси Родуёнийнинг «Таржумон ул-балоға» асари бўлса, иккинчиси хоразмлик улуғ аллома Рашидиддин Ватвотнинг қатор асарлари, айниқса, машҳур «Ҳадойик ас-сехр фи дақоийқ аш-шевъ» (Шеъриятнинг теран гўзалликларида сехр боғлари) рисоласидир.

XII—XIII асрларда яшаган «араб ва ажам фахри» бўйлиш хоразмлик аллома Маҳмуд аз-Замаҳшарий «Ал-қустос фил аруз» номли илмий рисолани яратди. Унинг кичик замондоши ва юртдоши Юсуф ас-Саккокий ўзининг филологияга оид «Мифтоҳ ул-улум» китобининг катта бир бобини «Шеър илми»га бағишилади. Кейинги асрларда минтақада туркӣ тилда ҳам адабиёт назариясига оид асарлар яратилди. Жумладан, Тарозийнинг Мирзо Улубек замонида яратилган ушбу мавзудаги илгари фанга номаълум бўлган «Фунун ал-балоға» рисоласининг қўллэзмаси бир неча йил олдин АҚШга илмий сафар билан борган тилшунос олим Э.Умаров томонидан топилиб илмий истеъмолга киритилди. Алишер Навоийнинг бу йўналишдаги алоҳида хизматлари олдинги рисоламизда маҳсус таъкид этилган. Алломаримизнинг тилга олинган асарлари кейинги неча асрлар давомида ислом минтақасининг турли давлатларида

қайта-қайта күчирилиб, илм ахли томонидан чукур ўрганилган, олий мадрасаларда унинг асосида шеър илми алоҳида фан сифатида ўргатилган.*

Шундай қилиб буюк аждодларимиз адабиётшунослик фанини мустақил назарий тизим дараҷасига кўтартганлар. Аждодларимиз яратган бу илм нафақат Хоразм ёки Мовароуннаҳр, балки бутун Ислом минтақасида кенг ўрганилган ва амалда қўлланилган. Ушбу қимматли назарий меросни жиддий таҳлил этиб, алломаларимизнинг хизматларини юзага чиқариш, мумтоз шоирларимиз шеъриятига уни татбиқ этиш, бадиият илмининг кўз илғамас нозик томонларини ҳозирги замон шоирларига очиб бериш ва уларни ҳам буюкларимиз яратиб кетган улуг меросдан баҳраманд этиш бугунги кун адабиётшунослигининг долзарб масаласидир.

Г. ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАҲНАВИЯТ

Албатта, барча маънавий бойликни халқ яратади. Аммо Европа илмидан мумтоз (классик) санъат ва халқ ижоди (фольклор)ни фарқлаш удум бўлган. Бунинг маъдум асослари ҳам бор.

Ўрта асрларда мумтоз санъат намуналари кўпроқ ҳукмдорлар ёки йирик зодагонлар, кейинчалик, бизнинг минтақада, тасаввуф сулуклари доирасида яратилган.

Аммо оддий меҳнаткаш косиблар, шаҳар ахли, дехонлар орасида ҳам ўзига хос санъат турлари, йўналишлари вужудга келган бўлиб, уларни бир неча тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш сўз санъатига оид бўлиб, халқ достонлари, термалар, турли маросим қўшиқлари, халқ қиссалари, эртаклар, афсоналар, топишмоқлар, маталлар, мақоллар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Буларнинг кўпчилиги халқ орасида оғзаки ижро этилган. Аммо халқ китоблари шаклида қўлёзма ҳолида тарқалган достон ва қиссалар ҳам кўп.

Иккинчи йўналиш — ижрочилик ёки халқ театри шаклида бўлиб, муқаллидлик, масхарабоз-қизиқчилик, асқиябозлик, ҳофизлик, раққослик санъати, қўғирчоқ ўйинлари, дорбозлик, турли спорт ўйинлари, сеҳргарлик (кўзбойлоғичлик) ва бошқалар бўлиб, булардан айниқса баҳшилар, қиссанхонлар ижросида мусиқа, ижро ва сўз санъати чатишиб кетган.

Учинчи йўналиш — халқ амалий санъати деган умумий ном остида бирлаштиурса бўладиган кулолчилик,

мисгарлик, қандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, деворий нақш ишлаш, ганчкорлик, зардўзлик, каштачилик, заргарлик ва бошқа қатор санъат турлари бўлиб, уларнинг ўзига хос умумий томони бундай санъат асарларининг кўпчилиги инсон турмушида муайян амалий вазифа ҳам бажаришга мўлжалланган бўлишидадир. Халқ амалий санъати усталарининг кўпчилиги атоқли косиб-хунармандлардан саналади. Бу санъатларнинг ўзига хос сир-асорри, маҳорат мактаби устоз-шогирдлик шаклида асрдан-асрга ўтиб келган.

Халқ ижоди намуналари одатда турли тоифалар дид-фаросатини чархлашга, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришга, уларда назокат, нафосат туйгуларини тарбиялашга хизмат қилади, дунёни уйғун идрок этишга ёрдам беради.

Халқ ижоди асотир (миф) ва маросимларга яқин туради. Халқ ижоди асли халқ санъати — биз одатда унинг муаллифи халқ деб ҳисоблаймиз. Аммо Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул каби бахшилар, Қодиржон Ҳайдаров, Уста Ширин каби ўймакор ва ганчкорлар, Тўйчи Хоғиз ва Юсуф қизиқ Шакаржоновлар ўз санъатининг буюк на-мояндалари эмасми? Муайян асарни муайян шахс яратади. Аммо бизнинг минтақа анъанасида муаллифлик мутлақ тушунча эмас. Бизда ҳар бир муаллиф мутлақо янгича услугуб, янги йўналиш, янги мавзу ва янги қаҳрамонлар яратишга ортиқча уринмайди. Китобхон ҳам ундан буни кутмайди. Амир Ҳусрав 9 та достон ёзган. Ундан 4 таси мутлақо мустақил мавзуларда яратилган. Аммо кўпчилик минтақа халқлари орасида бу буюк ҳинд шоири Низомийга жавобан ёзилган «Хамса» муаллифи сифатида шуҳрат қозонди, унинг мустақил мавзудаги асарлари унчалик эл оғзига тушмади. Улардан фақат бири — «Дўвалрони ва Хизрхон» машхур бўлди — сабаби, қаҳрамонлари янги бўлса ҳам, мавзу йўналиши анъанавий («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқ ва Узро» каби ишқий мавзуда) эди. Анъанавийлик, албаттга мумтоз адабиётда ўзига хос шаклда, халқ адабиётида — бошқачароқ намоён бўлади. Аммо улар орасида зиддият, ўтиб бўлмас жарлик йўқ. Бу ердаги асосий фарқлар муаллиф қайси доира, қайси тоифага мансублиги, асар кимга мўлжаллаб яратилганилиги ва қай даражада теранлиги, қандай шароитда ижро этилиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Масалан, Сўфи Оллоёр ҳам, Машраб ҳам тасаввуф адабиёти вакиллари.

Аммо Машраб шеърияти билан Сўфи Оллоёр назми орасида Борлиқ моҳиятини англаб етиш, мазмуний тे-ранликлар жуда сезиларли фарқ бор. Биз ҳар иккиси-нинг меросини ҳам ёзма адабиётта тааллуқли деб биламиз. Аслида Машраб кўпроқ Фил-бадиҳа, оғзаки ижод этган. Шунга қарамай, унинг ижоди мумтоз шеърият саналади, Сўфи Оллоёр ижоди ҳақида бундай қатъий ҳукм чиқариш қийин.

Бахшилар ижодини оғзаки адабиётта мансуб биламиз. Аммо Эргаш Жуманбулбул — мадраса кўрган шоир, кўп асарларини ёзма ҳолда ижод этган. Асли Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан ва бошқалардан ёзиб олинган қатор достонлар ўз мазмуний салмоғи ва маҳорат даражасига кўра чинакам мумтоз асарлар, аммо улар Навоий, Машраб, Нодира шеъриятидан кескин фарқ этувчи йўналишга мансубдир. Меймурларимиз, ганчкор ва ўймакорларимиз, наққош, қандакор ва заргарларимиз, кошинкор ва мусаввирларимиз яратган асарлар ҳар бири жаҳон аҳлини ҳануз ҳайратга солиб келаётган мўъжизалар эмасми? Уларнинг кўпи мумтоз санъат даражасидадир. Мен ҳалқ ижоди бўйича мутахассис эмасман. Аммо, неча йилларки мумтоз санъатлар ва ҳалқ ижоди орасидаги мураккаб нисбатларни жиддий ўрганич зарурлигини ҳис қилиб келмоқдаман.

Д. МАРОСИМЛАР МАЪННИЯТИ

Ҳалқ бадиий тафаккурининг анъанавийлик энг кучли намоён бўладиган, энг кам ўзгаришга учрайдиган шакли ҳалқ урф-одатлари ва маросимларидир. Маросимлар масаласида биз учун муҳим жиҳат ҳалқ онгидаги асотир унсурлари ва бадиий тафаккур нисбати бўлиб, баъзи тадқиқотларда ҳалқ асотирлари ва асотир маросимлар билан ҳалқ ижоди (яъни ҳалқ санъаткорлиги)ни аралаштириб юбориш ҳолатлари учрамоқда. Албатта, маросим фольклори деган тушунча бор, ҳалқ маросимларида бадиий ижод унсурлари учрайди. Аммо асотир бошқа, маросим бошқа, ҳалқ бадиий ижоди яна алоҳида ҳодисалардир. Уларни бир-биридан фарқламоқ лозим. Бадиий ижод — ўйин, у шартли, рамзий ва тимсолийдир. Асотирда ҳам рамз бор, шартлилик, тимсолийлик мавжуд. Аммо асотир ўйин эмас, у жиддий нарса, асотир билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ҳалқ маросимлари икки тоифага бўлинади: бири — асотир маро-

симлар (мифологик ритуаллар), иккинчиси — анъанавий урф-одатлар, күпроқ этикетта оид маросимлар, эл орасида қабул қилинган расм-руссумлар. Албатта, келиб чиқишига күра бу икки тур маросимлар орасида боғланыш бўлиши мумкин, аммо уларнинг турмушдаги вазифаси (функционал йўналиши) жiddий фарқ қиласди. Асотир маросим, масалан, ўзбеклардаги ёмғир чақириш нияти билан боғлиқ «Суст хотин» (ёки «Сув хотин») маросими ўз даврида дәҳон учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган ва бунинг бадиий ижодга алоқаси йўқ. Ҳозир уни халқ томошаси сифатида бадиийлаштириб ижро этилса, мақсад буткул ўзгаради. Бадиий ижод ибрата асосланади, асосан тарбиявий мақсадни кўзлади, асотир маросим эса бевосита амалий натижалар кутиш билан боғлиқ.*

Даволаш билан боғлиқ маросимлар — кинна, кўчириқ (бадик), авраш кабилар ҳам асотир маросимга оидири. Улардан ҳам мақсад — амалий, яъни беморга шифо бахш этишдир. Бундай маросимларнинг ўз матнлари ҳам бор, уларнинг бадиийлик даражаси ҳар хил — аммо бадиийлик бу матнлар учун қўшимча таъсир қуввати нуқтаи назаридан эътиборга олинади, холос. Ибрат функцияси (вазифаси) бу ҳолатларда мавжуд эмас. Албатта, уларни ҳам халқ ижоди сифатида ўрганиш мумкин, аммо асл моҳият бошқа эканлиги ёдда турмоги зарур.

Баъзан никоҳ маросимлари, мотам маросимларидан ҳам асотир унсурлари учраб туради. Аммо халқ орасида бугунги кунда мавжуд бўлган кўп маросимлар ва улар билан боғлиқ матнлар эстетик тарбия воситасига айлангандир. Уларни шу жиҳатдан нақш (орнамент) санъатига қиёс этиш мумкин. Биз уйларимизни турли нақш-тасвиirlар билан безаган сингари ҳаётимиздаги турли ўзгариш воқеа-ҳодисаларни ҳам миллий урф-одатлар, маросимлар билан бойитиб, уларнинг аҳамиятини таъкид этамиз, турли рамзу ишоралар билан тарбиявий куч бағиашлашга интиламиз. Қатталар ёшларга сўз билан, рамзий хатти-ҳаракатлар билан таълим беришга, ўйин билан ўргатишга уринадилар. «Ўйин билан ўргатиш» айни бадиийликдир, «адабиёт» сўзининг ўзагида «адаб» ётганидек, бугунги турли миллий маросимларимиз замирида яхшилик ибрати яшириндир. Маросимларимиз маънавияти айни шу эзгулик ибратида, шу жиҳати бўлмаса, қолганларининг деярли маънавиятга алоқаси йўқ.

АДОЛАТ

Адолат муаммоси доимо инсониятнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу тушунча сиёсатшунослик фанининг бош тушунчаларидан эканлиги яхши маълум. Аммо адолат аввало маънавий қадриятдир. У аслида маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги зухуридир. Бунга буюк аждодларимизнинг кўп асрли мероси гувоҳ. Албатта, ижтимоий ҳаётда адолатнинг қай даражада барқарор бўлиши башарият маънавий такомилининг турли даврларида, турли минтақаларда турлича омилларга боғлиқ бўлган. Масалан, ибтидоий жамоа одами ўз уруғи ва қабиласи кўламида фикр юритган бўлса, қадим Юнонистонда бу тушунча бир хил, Ўрта аср христиан дунёсида бошқачароқ, ислом минтақасида ўзгача бир тусда талқин этилган.

Адолат тимсоли анъанага кўра икки паллали тарозу шаклида тасаввур қилинади. Қазоватда, икки томон даъволашганда, қатъий ҳукм чиқариш учун, балки ноилож тарозунинг бир палласига тош қўйишга тўғри келар. Аммо бугунги кун воқелигига ижтимоий адолат мезони унчалик жўн эмаслигини тушуниб етмоғимиз зарур. Миллий маънавиятимизнинг минг йиллик тажрибаси, ҳаёт мантиқи, башарият фикри етишган илфор тамойиллар бизни шунга унダメқда.

Фикрни ойдинлаштириш учун ташбеҳни бадиий дунёсидан бошласак. Маълумки, ҳар бир санъат ўз имкон доирасида ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришга уринади. Янги-янги тасвир воситалари топилган сари воқеликни бадиий идрок этишимиз ҳам такомиллашиб боради. Санъат турлари ичida тарихан энг янгилари бўлмиш кин ва телекўрсатувлар ўз имкониятлари билан ҳаётни асл мураккаблигига ёрқин идрок этиш имконини бера олганлиги туфайли XX аср авлодининг энг севимли томошасига айландилар. Аммо дастлаб экранда воқелик фақат қора ва оқ бўёқлар алмашинуvida ифодаланар эди. Уша пайтларда биз ҳам фақат «бизникилар» ва «душманлар» («қизиллар» ва «оқлар», «советлар» ва «фашистлар», «мехнаткашлар» ва «эзувчилар»)ни кўрар эдик. Дунё наздимизда зулмат ва нур, «социализм» ва «капитализм», «прогрессив» ва «реакцион» кучларга тақсимланган эди.

Аста-секин ҳаётимизга рангли фильмлар, рангли телевизор кириб кела бошлади. Атроф-воқеликнинг турфа жилоларга бой эканлиги жаҳоннамода рўйи-рост

кўринди. Аммо то 90-йиллар бошланишигача дунё ўзгарса ҳам, собиқ СССРнинг ҳукмрон мафкураси ўзгармади: воқеъликнинг моҳиятини изоҳлашда асл ҳақиқат битта — Маркс таълимоти, қолган барча нуқтаи назарлар ё номукаммал, ёки ҳақиқатга зид, яъни реакцион деб қараш давом этди. Шунга биноан дунё ҳам икки қутбли талқин этилди. Ҳаёт икки ўзаро зид кучнинг муросасиз курашидан иборат бўлиб гавдаланди. Бу курашда ҳар бир инсон жабҳанинг ё у тарафида, яъни «душман», ё бу тарафида, яъни, «дўст», «ўзимизники» бўлиши шарт эди. Бундай ёндошув қанча-қанча бегуноҳ жонларни қурбон этганини, не-не эзгу ниятларни барбод айлагани ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, бундай алаҳсираш, ваҳшатли босинқираш биз учун ўтмиш бўлиб қолди. Мустақиллик шарофатидан дунёга очик кўз билан қараш имкониятини қўлга киритдик. Энди билсак, дунё кўп қутбли экан, ҳаёт мураккаб, кўп қиррали тизимдан иборат экан. Келажак ҳам муросасиз кураш, зидлашув билан эмас, яратувчилик меҳнати, дўстлик ва инсонларнинг ўзаро бир-бирини тушунишга интилиши билан файзли бўлар экан. Ҳатто бир миллатнинг хавфсизлигини таъмин этиш, жамият барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёт кафолатлари ҳам бир эмас, икки эмас, турли омилларнинг ўзаро уйғунлиги билан боғлиқ экан. Рисоланинг биринчи қисмida Президентимизнинг янги китоби муносабати билан бу ҳақда батафсил гапирилди. Бу бобда биз миллий маънавиятимизнинг ижтимоий ҳаётда ўзлигини қандай намоён этиши хусусида сўз юритмоқчи эканмиз, аввало мавзуга оид энг умумий соҳалар масаласида келишиб олиш лозим.

Илоҳий китоблар таълим беришича, Борлиқнинг асоси — ваҳдатда, яъни Оллоҳ ҳақиқатининг ягоналигига. Аммо бу дунё, моддий воқеълик касрат дунёсидир, мураккаб воқелиқdir. Жумладан, инсон ва жамият ҳаёттида уч асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар — **сиёсат, иқтисод, маънавият** бўлиб, ижтимоий адолат тушунчаси шу уч йўналишнинг ўзаро нисбатида таҳлил этилмоғи маъқул кўринади.

12 - ф а с л. Сиёсат, иқтисод, маънавият

Марксизм ўз моддиянчилик ақидасидан келиб чиқиб, иқтисодни инсон ҳаётининг бутун соҳаларига замин сифатида тасаввур этди ва сиёсий иқтисод фанига

алоҳида ургу берди. Сиёсатни ва маънавиятни тўлиқ иқтисодга бўйсундирди. Назарияда сиёсат иқтисоддан, мафкура сиёсатдан келиб чиқиб белгиланди. Аммо тақдирнинг ўйинини қарангки, амалда акси бўлди. Пролетар диктатураси амалиётида сиёсат мафкурага, иқтисод эса охир-натижада сиёсатга бўйинсуниб келди.

Асли тарихда бу соҳалар турили тамаддун ўчоқларида турлича эътиборга сазовор бўлиб келган. Масалан, Шарқда, бизнинг фикри ожизимизча, асосан, маънавият биринчи ўринга кўйилган. Қадим зардуштийликда муғлар (ёки оташподегон, яъни муқаддас оловни сақловчилар), Ҳиндистонда браҳманлар энг олий тоифа санаалган. Хитойдаги Конфуций таълимотида, илк бор Ҳиндистонда шаклланиб, кейин Марказий Осиё ва Хитойга кенг тарқалган буддавийлик эътиқодида ёки маънавийлик бидъатида, қадим Арабистон яриморолида тамал тоши кўйилган илк христианлик динида — қайсисини олиб қарамайлик, барчасида маънавий қадрияtlар етакчи ўрин эгаллаганини кўрамиз.

Аммо Қадим Миср ва Юнонистон тарихига назар солсак, сиёсат масалалари кўпроқ инсонлар онгини банд этгани кўзга ташланади. Қадим Ашшур ва Эронда ҳам сиёсатга алоҳида аҳамият берилгани сезилади. Фиръавнларнинг илоҳийлаштирилиши, уларга маҳобатли эхромлар қурилиши, Эрон шоҳларининг тошбитиклари, Ашшурбанипал қонунлари, Юон жангномалари, асли Европада тарқалган «политика» (политикос) атамасининг асосида ётган «полис» (шаҳар-давлат) тушунчасининг Юнонистонда шаклланиши — буларнинг жаъми сиёсат билан боғлиқ ҳодисалардир.

Бугун жамият ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, бир ҳақиқатни тан олиш керакки, сиёсат, иқтисод ва маънавият инсон ҳамда жамият ҳаётининг мустақил соҳалари бўлиб, улардан ҳар бирининг манбаси ҳам, мақсади ҳам алоҳида экан. Уларнинг бирини бирига бўйсундиришга уриниш, бирини биридан келтириб чиқариш яхши натижаларга олиб келмас экан. Тарих ибрати ва мантиқ хulosаси шундан дарак беради.

Аммо бу уч соҳа манфаатлари воқеликда ниҳоятда чатишиб кетган, ҳар бир воқеъ ҳодисада ҳар уч соҳа унсурлари учрайди. Бундан ташқари умуман мавжуд уч соҳадан бирининг муйян муддат ўзгаларидан орқада қолиши, оқсанни қолганларига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, уларни орқага торта бошлар экан. Бу балки

1 кунда, 1 йилда, ҳатто 10 йилда билинмаслиги мумкин, аммо бир авлод ҳаёти давомида ўзини кўрсатади.

Сиёсат жамиятда инсонларни уюштириш, улар ҳаётини бир муайян тартибга келтириш воситасидир. Турли сиёсий уюшмалар, жумладан, давлат ушбу вазифага масъул бўладилар.

Иқтисод инсоннинг моддий мавжудлигини таъминлаш воситасидир. У ишлаб чиқариш, фойдали меҳнат билан алоқадор. Куруқ муомала ёки фикрлаш билан моддий неъмат яратилмайди.

Маънавият инсоннинг руҳияти билан боғлиқ. Инсон руҳияти, албатта, ташқи таъсиrlар натижасида ўзгариб туради. Инсоннинг иқтисодий аҳволи, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи унинг маънавиятига таъсиr қилмай қолмайди. Аммо, барибир маънавият ҳам ўз мустақил йўналишига эга. Масалан, инсон қанчалик бой, ўзига тўқ бўлса, шунчалик унинг маънавий камолоти юқори ёки, аксинча, паст бўлади, десак, ҳар икки хукмда ҳам янгишиб қоламиз. Алишер Навоий, Хожа Ахори Валий, Маҳдуми Аъзам, Хожа Сайд Жўйборий каби алломалар ҳам маънавий баркамол, ҳам ниҳоятда бадавлат бўлишган. Шу билан бирга, дунё молидан юз ўғирган, умрини зоҳидликда ўтказган буюк алломаларимиз ҳам кам эмас. Аксинча, ниҳоятда зиёд мол-давлат соҳиби бўлган ҳолда маънавий камолотдан узоқ кимсалар ҳам ҳаётда учраб туришини ҳамма билади.

Сиёсат ва иқтисоднинг манбаси ҳам, мақсади ҳам ушбу фоний дунёдан ташқарида эмас. Инсон зоти бу синов дунёсига кириб келар экан, ундаги моддий вужуд иқтисодий эҳтиёжни тугдиради, ҳар бир тирик зот тугилганидан кейин кун кечириш ташвишига тушади. Сиёсат эса жамиятга оид тушунча, инсонлар жамияти шаклланган экан, унда турли шахслар, тоифалар манфаатларини қайсидир бир усулда мувофиқлаштириб туриш эҳтиёжи мавжуд. Ушбу эҳтиёж сиёсатни пайдо қиласди.

Маънавият эса ўз манбасига кўра ҳам, мақсадига кўра ҳам бу фоний дунёдан ташқарига — бақога йўналган. Маънавият асли бақонинг фанода зухур этишидир. Маънавият инсон учун моддий эҳтиёж ҳам, сиёсий зарурат ҳам эмас. Маънавият инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллигидир. Унинг моҳияти эса Борлиқ абавиятига дахлдор.

Сиёсат, иқтисод ва маънавият ҳар бири мустақил йўналишлар, аммо уларни инсон ҳаёти, аҳли башарнинг бу дунёдаги умргузарлиги бир нуқтага бирлашти-

риб туради, инсон ҳаётида улар бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Инсон ҳаёти бир нафас ҳам буларнинг бирортасидан холи бўла олмайди. Бу соҳаларни ўзаро мувозанатда ривожлантириб бориш жамиятнинг тарақ-қиёт қонунларига боғлиқ, алоҳида бир инсон хоҳлаган бир пайтда уларни мувозанатлаб олишга қодир эмас.

Хуллас, мавзунинг қирралари беҳисоб, агар Оллоҳ нинг баракоти бўлмаса, уларнинг бирини ечишга инсон умри етмаслиги мумкин. Биз бу ўринда фақат бир неча долзарб муаммога тўхталиш билан чекланамиз.

Уларнинг биринчиси қонун ва маънавият нисбати хусусида.

А. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ СИЁСАТДАГИ МАЪНАВИЯТДИР

Сиёсат ва ахлоқнинг бир-биридан фарқи шундаки, сиёсат қонунлари мажбурий ижро этилади, ахлоқ қоидалари, маълум маънода, ихтиёрий. Яъни, сиёсат қонунларини бу ёруғ дунёда инсонлар аро муносабатда фарз десақ, ахлоқ қоидаларини суннатга қиёс қилиш мумкин. Оллоҳнинг фарзлари илоҳий китоб оятлари орқали аён этилган, инсонлар эса ўзаро муносабатларини ўз ақл-идрокларига таяниб ишлаб чиқадилар. Шу сабабли Оллоҳ фарзлари абадий ва мутлақ бўлиб, уларнинг юзасидан охирги ҳукм қиёмат кунидир. Одамлар ўрнатган қонун-қоидалар уларнинг маънавий такомил даражасига боғлиқ бўлиб, ҳар замоннинг, ҳар мамлакатнинг ўз қонунчилиги бор ва улар ўзгариб, мукаммаллашиб боради.

Ибтидоий жамоада ҳаётий таомил, ҳуқуқ ва ахлоқ, дин ва эътиқод бир-биридан алоҳида, мустақил ҳолда бўлган эмас. Чунки катта бир оила шаклида биргаликда турмуш кечирган кичик қондош жамоа аъзолари аро ички уйғунликни таъминлаш кўп мураккаб юмуш эмас эди. Аммо бу уйғунлик фақат кичик жамоа ичida бўлиб, бир жамоа аҳли бошқа жамоа вакилини ўзига тенг санамаган ва у билан ҳисоблашмаган. Содда қилиб айтганда, ҳар бир жамоа вакили учун ўз жамоаси аъзолари — инсон, қолганлар инсон эмасдек даражада эди ва шунга яраша муюмалада бўлинарди. Қадим юнонларнинг қарашлари ва жоҳилия арабларининг ҳаёти ҳақидаги манбалар шундан далолат беради. Қулдорлик тузуми илк империячилик маҳсулни бўлиб, ибтидоий уруғ жамоа асосида пайдо бўлган илк шаҳарлардан баъзила-

рининг ўзгалари устидан қудрат қасб этиши билан боғлиқ. Қадим юнонлар ўзга ҳалқларни **варвар** (яъни «ёввойи») деб ҳисоблар, улар билан урушиб, енгганда баъзиларини қатл этмай, кул сифатида сақлаб қолиши қулдорнинг нуқтаи назаридан балки бениҳоя савоб иш, инсонийлик намунаси бўлгандир. Бу тартиб-қоидаларнинг жиддий ўзгариши Исо алайҳиссалом таваллуди билан бошланди, дейиш мумкин. Исо алайҳиссаломга-ча юборилган пайғамбарлар ҳар бири бир қавмга Оллоҳ ҳақиқатидан хабар берган бўлсалар, Рухуллоҳ барча инсониятга тегишли Ҳақиқат хабарини келтирди. У биринчи бўлиб, барча инсонлар ўзаро оға-ини, опа-сингил, биродар деб, Оллоҳ номидан эълон қилди. Аммо бу Олий ҳақиқат осонликча қабул қилингани йўқ. Бундай улуғ хабарни берган пайғамбар чормихга ҳукм этилди, чунки юнонлар сиёсий ҳукмронликни қўлдан беришни истамадилар. Бутун Ўрта асрларда хос ва авом, зодагон ва фуқаро орасидаги реал фарқ сақланиб қолаберди. Европада черков ва феодаллар ўзаро зиддиятларидан кутула олмаган бўлсалар ҳам, авомга нисбатан имтиёзларини сақлаб қолдилар. «Ўрта асрлар» деган тушунча бехуда эмас, бу давр инсоният учун Қадим дунёдан Янги тафаккурга ўтиш босқичидир.

Исо алайҳиссалом келтирган ваҳий инсон руҳини озод этди, Ҳақиқатдан мужда берди. VII асрга келиб, Мұхаммад (САВ)га нозил этилган Куръони карим ниҳоят узил-кесил Ҳақни ботилдан жудо қилди, инсонларни жаҳолатдан қутқариб, қалбларни Ҳақиқат нури ила ёритди. IX—XV асрлар Тавҳид ҳақиқатини англаб этиш даври бўлди. Бу даврда ислом минтақа ҳалқлари маънавий такомилнинг **4 асосий босқичини** босиб ўтдилар. Булар **ибрат** (Сунна босқичи), **илем** (маърифатчилик), **ирфон** (тасаввуф тариқатлари) ва **мехр** («мажоз тариқи») мактабларидир. Маърифат йўли тўкис ўтади. Аммо биз учун аламли бўлса ҳам, воқеликни тан олмомиз керак, ислом минтақасида Ҳақиқат тантанаси маънавиятда қолди, сиёсатга тугал кўчмади. Ижтимоий муносабатларда ҳақиқатнинг воқеъ, очиқ-ойдин тантанаси Европа минтақасида бошланди. Қадим Юнонда мушриклик тафаккури қаъридан Аристотель фалсафаси ўсиб чиққанидек, Ўрта асрлар феодал бошбодоқлиги зулматидан **«ҳалқ ҳокимиияти»** тушунчаси ўсиб чиқди.

Тавҳид таълимотининг Алишер Навоий «қушлар тили» билан ифода этган фалсафий-маънавий талқини Европада амалий ҳаракатга айланиб, аввал диний та-

факкурда (Реформация), кейинча бориб сиёсий тафаккурда (Нидерландия ва Англия буржуа инқолоблари) тўлиқ янгиланишга олиб келди. Қирол ҳукмронлиги тоғаси баронлар ёки буржуа ҳукмронлиги тоғаси билан эмас, «халқ ҳокимияти» тоғаси билан алмашди. Бу Куръони каримда ҳидоят этилган бани башарнинг «Ер юзида халифалити» тоғасига энг мувофиқ сиёсий тафаккур йўналиши эди. Европада бу янгича сиёсий тафаккур ғалабаси миллионлаб инсонларнинг қонлари ва жонлари эвазига таъминланди.

Аммо шу ўринда бир мураккаблик юзага келади. Агар жамиятни бир шахс (қирол, сulton, шоҳ) бошқарса, у муайян қонунларга таяниб, муайян шахсларни машваратга жалб қилиб, мустақил қарор қабул қила беради. Аммо «халқ ҳокимияти»ни қандай амалга ошириш мумкин? Уруғ жамоа, ҳатто илк шаҳар-давлат ҳудудида агар жамоанинг умумий йигини имкон доирасида (илк шаҳар аҳолиси кўпі билан бир неча минг оиласдан ташкил топган) бўлса, ҳозирги даврда ҳатто бир туман (шаҳар тумани) аҳолисини ҳам бир ерга йигиб бўлмайди. Демак, «халқ ҳокимияти» аслида қонун ҳукмронлиги маъносини ифода этади. Чунки бир мамлакатнинг миллионлаб фуқароси биргалашиб ҳокимиятни идора этиши фақат пухта ўйланган қонунлар асосида юзага чиқиши мумкин. Қирол ва сultonлар даврида ҳам қонунлар бўлган. Аммо бу қонунлар мутлақ ҳукмдорнинг идора усулини енгиллаштириш вазифасини баҳарган. «Халқ ҳокимияти» даврида давлат бошлигининг фаолияти ўзи қонунлар орқали халқ томонидан назорат этилади ва йўналтирилади. Қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш сайлаб қўйилган халқ вакиллари уҳдасидадир.

Бизнинг миллий маънавиятимизда ҳуқуқ илми «фиқҳ» дейилган ва ислом таълимоти асосида Урта асрларда (айниқса, IX—XII асрларда) ниҳоятда юксалиб, ривож топган. Муҳаммад аш-Шайбондан Бурҳониддин Марғинонийгача бўлган даврни ислом минтақасида фиқҳ илмининг «олтин даври» деб баҳолаш мумкин. Ушбу давр охирги 70 йил давомида «совет ҳуқуқшунслиги» томонидан мутлақо инкор этилди, аммо ислом олами учун бу қимматли мерос доимо дастуруламал бўлиб келган, бугун эса яна янгидан долзарблик касб этмоқда. Тан олиш керакки, ислом минтақасида доимо ҳокимият тақсимоти ўзига хос тарзда амалда бўлган. Бунда ижроия ҳокимияти дунёвий ҳукмдор ва унинг

девони қўлида, судлов ишлари шариат қозилари тасар-руфида, маҳаллий бошқарув демократик тамойилларга асосланган маҳалла оқсоқоллари ва маҳалла кенгаши шаклида, қонун чиқариш эса фақиҳ ва муфтийлар то-монидан амалга оширилган. Мусулмон фақиҳ ва муфтийлари Оллоҳ ва уламолар олдида ўзини масъул сез-ган, шоҳ ва султонларга мутлақо қарамлиги бўлмаган. Улар Оллоҳнинг каломи ва пайғамбар ҳадисларига, буюк алломаларнинг тадқиқотларига, раъй ва қиёсга таянганлар, уламолар жамоасининг умумий нуқтаи на-зарини (ижмоъ) ҳисобга олиб, мустақил ҳукм чиқаргандар.

Қисқаси, сиёsat асосан икки йўналишда намоён бўлади: 1) якка шахс иродаси; 2) қонун ҳукми. Аҳли башарнинг сиёsat соҳасидаги такомили биринчи йўна-лиш етакчилигидан иккинчи йўналиш қудратининг юк-салиши сари кетмоқда. Шу сабабли борган сари ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасининг аҳамияти ошиб бориши ку-затил-моқда.

Қонун сиёsatдаги маънавиятдир. Чунки қонун ҳам-ма учун баробар ҳуқуқ ва масъулият юклайди ва инсон-лар аро муомала меъёрини таъминлашга хизмат қиласди. Якка шахс иродасининг устуворлигидан қонун устивор-лиги томон мойиллик кучайган сари сиёsatда маънавиятнинг аҳамияти ҳам ошиб боради. Албаттга, якка шахс адолатли бўлиши, Оллоҳ йўлида, Ҳақ йўлида со-битлик кўрсатиши ҳам мумкин ва бунга тарихда мисол-лар бор. Аммо алоҳида инсон ақли ҳам, маънавий камо-лоти ҳам мутлақ эмас, ноқислигидан кафолат йўқ. Де-мак, адолатни таъминлашнинг энг ишончли усули — давр руҳига мувофиқ мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш ва қонун устиворлигини таъминлашдир.

Қонун адолат мезонидир. Унинг вазифаси — иж-тимоий мўътадилликни сақлаш. Асосий қонун, яъни конституция мамлакатда узоқ мuddат ижтимоий барқа-рорликни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлмо-ғи кўзда тутилади. Шу сабабли унинг ҳар бир моддаси ихчам, лўнда ва пухта, яъни ҳар жиҳатдан мўътадил бўлиши, шу билан бирга Асосий қонуннинг барча мод-да ва қисмлари бир-бирига нисбатан тўғри мувозанатда туриши мақсадга мувофиқдир. Мен ҳукуқшунос эмас-ман, аммо шу азиз юртимнинг фуқароси сифатида Ўз-бекистон Конституциясини ўқир эканман, борган сари унинг кўп жиҳатдан юқоридаги талабларга мувофиқ равищда тузиб чиқилганига амин бўламан. Мустақил

Ўзбекистонимизнинг ривожига хизмат қилувчи Олий Мажлисимиzinинг қонун чиқариш фаолиятига ушбу Асосий қонун мана неча йилдирки, мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Қонунлар халқ сайлаган вакиллар томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Қонунлар тизимининг яратилиши, жамиятни бошқаришдаги уларнинг алоҳида аҳамияти қонуншунослик фани ва шу соҳа мутахассисларига эҳтиёж туғдиради. Фуқаролик жамиятида қонун асосан ҳар бир шахснинг давлат ва жамиятга нисбатан ҳукуқларини, ўз навбатида давлат органларининг ҳар бир фуқарога нисбатан ҳукуқларини белгилайди. Ҳукуқ органлари ҳар бир шахснинг қонун томонидан берилган ҳукуқларини ҳимоя қиласди. Шу сабабли қонуншунос мутахассислар ва ҳукуқ органлари ходимлари ҳукуқшунос, фан эса ҳукуқшунослик деб аталиб келмоқда. Юрист асли қонуншуносири. Юриспруденция эса қонуншунослик илмидир.

Ҳукуқ ва маънавият икки ёндош соҳа бўлиб, бирбирига доимо таъсир кўрсатиб туради. Уларнинг туташув ўринлари бениҳоя кўп. Қонун ва маънавиятнинг энг умумий томони ҳар иккисининг ҳам асоси мувозанат, уйғунликдир. Қонун жамиятдаги турли ижтимоий тоифалар, фуқаролар аро мувозанат ва уйғунликни, маънавият эса инсон руҳидаги уйғунликни белгилайди. Фарқи шундаки, қонуннинг мукаммаллиги уни қабул қилган инсонларнинг маънавий даражаси билан боғлиқ, яъни инсонларнинг маънавий такомил даражаси охир-оқибат қонунлар мукаммаллигини белгиловчи омилдир. Аммо масаланинг нозик томонлари ҳам бор. Агар Оллоҳ иноят этса, давлат раҳбарининг ўз мақоми олдидаги масъулияти ва умумхалқ маънавиятидаги ижобий тамойил ўзаро мувофиқ келиб бирор жамиятда, жаҳондаги алоҳида бир давлатда башарият маънавий такомили даражасидаги қонун қабул қилиниши мумкин. Аммо унинг воқеъ ҳаётга татбиқ этилиши масъул ижрочиларнинг маънавий моҳияти ва миллатнинг онгли фаоллик даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабли қонун мукаммаллиги билан ижро мувофиқлиги орасида анчагина муаммолар, жумладан, маънавий тарбияга доир муаммолар мавжуд. Мукаммал қонун қабул қилиниши учун давлат раҳбарининг идроки ва маълумоти, маслаҳатчилар донолиги ва умумжаҳон ижобий тажрибаси мавжудлиги ёнига умумхалқ сайлаб қўйган вакилларнинг аксарият хайриҳоҳлиги қўшилса кифоя.

Аммо уни тушуниб этиб, моҳиятига мувофиқ ижро этишни ўзи бўлмайди. Ижрочи аввало ҳалол бўлиши, қолаверса, ақли, билими, салоҳияти ўзи эгаллаб турган маҳомга мувофиқ бўлиши, табиатан ғайратли ва шижоатли, ташаббускор ва ҳушёр бўлмоғи лозим. Агар ўнта ҳалол ва уддабурро ижрочига битта ландовур ёки товламачи тўғри келиб қолса ҳам иш мураккаблашади. Олтида комил инсонга тўртта муттаҳам тўғри келса-чи? Унда жамиятнинг аҳволи қандай кечади?

Бундай нохуш ҳолатларни бартараф қилишнинг ягона йўли ҳалқ ҳокимиятилиги (демократия) ва эркин фуқаролар жамиятини шакиллантириб боришидир. Аввали, Оллоҳ қўлласин. Аммо «ҳаракатда баракат», деган нақл бежиз эмас. Эзгулик йўлидаги астойдил ҳаракатни Оллоҳ ҳам қўллашига умид боелаймиз.

Б. ОЛЛОҲНИНГ ИМТИҲОНИ

Миллий маънавиятимизда демократияга муносабат масаласи ниҳоятда муҳим, ҳам ўта мураккаб. Манбалар аҳволи, уларни ўрганиши даражаси, талқинлар ва умуман қамров масаласи бир кишига бениҳоя оғирлик қиласди. Келгусида бу йўналишда жиддий тадқиқотлар талаб этилади, ҳозирча бор маълумотларга таяниб, масаланинг фақат бир-икки жиҳатига ишора этиб ўтиш билан чекланамиз.

Оллоҳ Одамни Ер юзида халифа қилиб яратган. Аҳли башардан ҳар бир фарднинг (алоҳида инсоннинг) масъулияти ҳам, демак, инсон сифатидаги ҳуқуқлари ҳам азал ва абад тенгдир. Фақат турли инсонларда ўзлигини англаш даражаси ҳар хил. Йлоҳий китоблар инсонга Ер юзидағи ижтимоий тартибларни қандай белгилаш юзасидан эркинлик ато этган. Ер юзида зулм салтанати барқарор бўладими, адолат устуворлигими — инсоннинг ўзига боғлиқ. Оллоҳнинг имтиҳони — бу. Аммо Парвардигорнинг ваъдаси аниқ; ким ўз умрида бир мисқол савоб қилса ҳам ажрини олади, бир ботмон гуноҳ қилса ҳам.

Адолат тушунчаси ҳудди ана шу синов майдонида маънавият, иқтисод ва сиёсат йўналишларининг кесишувида ўзлигини намоён этади. Миллий маънавиятимиз такомилида бу тушунчага қандай муносабат шаклланиб борган, яъни адолат мезони қандай талқин этилган? Суҳбатимиз мавзуи шу ҳақда.

Исломгача жоҳилия тўзуми ҳукмрон эди. Бу тузум-

нинг маънавий моҳияти шундаки, ҳар бир инсон ўзлигини фақат ўз уруғ жамоаси, нари борса, шаҳари, ўлкаси миқёсида англаб етган, холос. Бундай маънавий муҳитда бегона жамоа, уруғ ва элат вакили инсон даражасида идрок этилмаган, тенг кўрилмаган. Масалан, Қадим Юонон элининг энг улуғ алломаси Аристотель ҳам барча ҳуқуқ ва имтиёзларни фақат ўз ҳалқига — юононларга лозим кўрган, дунёдаги ўзга элат вакилларига «варвар» (ёввойи) деб қараб, уларга фақат қулликни раво билган. Юонон демократияси худди шу дунёқарашга мувофиқ бўлиб, фақат озод эллинларга таалуқли эди, қуллар бу демократиядан ташқари ҳисобланарди.

Халқ ҳокимиюти, озод фуқаролар жамиятига таянувчи тузумнинг умумбашарий маънавий асослари, олдинги фаслда айтиб ўтилганидек, илк бор Исо тилидан баён қилинди. Исо алайҳиссалом Тавротдаги қонунқоидалар фақат яхудийлар учун эмас, балки бутун инсоният учун нозил этилганлигини эълон қилиб, Оллоҳнинг ҳукмини билдириди. Аммо илк черков оталари талқинида адолатли жамият ердан осмонга кўчиб, инсон руҳининг озодлиги ҳам черков ҳукмларига боғланиб қолди. Ва ниҳоят, охирги илоҳий китоб бўлмиш Куръони каримда инсонлар ягона Оллоҳнинг Ер юзидағи халифалари экани очиқ-ойдин баён этилиб, муаммонинг назарий асослари равшан бўлди.

Туркий элатлар ягона эл, миллат сифатида V—VII асрларда ўзлигини англаб етдилар. Турк элининг миллий тафаккури энг ёрқин акс этган манбалар — шу даврда яратилган тош битиклар бўлиб, Култегин ёдномаси, Билка ҳоқон, Тўнёқуқ, Ўнгин битикларида миллий ўз-ўзини англаш, миллий давлатчилик, мустақиллик учун кураш фоялари жиддий ифодасини топган. Туркий битикларда етакчи тушунча бўлмиш «будун» атамаси қабила, уруғ номидан олийроқ моҳиятдан дарак беради. Будуннинг бутунлиги, яхлитлиги, иноқлиги туркий тошбитикларнинг етакчи фоясига айланган. Аммо ҳар бир миллат ўзининг башариятга нисбатан, Борлиқнинг олий ҳақиқатига нисбатан мавқеини, ўрнини англаб етмаса, у ҳақиқий миллат бўла олмайди, жаҳон ҳамжамиятияда муқим ўрнини топа олмайди.

Буюк аждодларимиз давлат, жамият, маънавият масалаларининг ўзаро уйғунлигига доимо қатта аҳамият бериб келганлар. Бу масала «Авесто» китобида ҳам кенг ўрин олган. Аммо туркий битиклар, Форобий мероси, «Қутадғу билик» каби қомусий ёдгорликларда бу муам-

мо ҳар бири ўз даври учун бутун ички мураккаблиги билан очиб ва ечиб берилган. Улар нисбатан батафсил ўрганилган ва ҳозир алоҳида тўхтаб ўтиш имкони ҳам йўқлиги сабабли биз фақат қисқача эслаб ўтамиз, холос.

VIII—XV асрларни миллий маънавиятимиз учун юксак балоғат даври деб атасак бўлади. Бу даврда юртимизнинг улуғ алломалари илоҳий китобнинг асосий foяси — тавҳид таълимотини борган сари теранроқ ва мукаммалроқ талқин қилиб бориш орқали Янги давр қадриятларини биринчи бўлиб идрок этиш даражасига етишилар ва фахр билан айтиш мумкинки, Европадаги кейинги беш асрлик ижтимоий тараққиёт йўлини бевосита олдиндан башорат эта билдилар.

VIII—XV асрлар миллий маънавиятимизнинг умумбашарий миқёста юксалиш даври бўлиб, бу даврда миллатимиз ўзини башариятнинг узвий бир қисми сифатида англаб етди. XVI—XIX юэйилликлар Ўрта асрлар тафаккуридан Янги давр маънавиятига ўтиш мashaққатлари ичра миллатнинг маънавий такомилини акслантирувчи давр бўлиб, бу даврда давлат, жамият, маънавият аро муносабатлар ўта мураккаблиги билан ажralиб туради.

Афсус ва надоматли жиҳати шундаки, Европа ислом маънавий қудратидан турткি олиб, фаол ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга киришганда, тан олиб айтсан бўлади, бизнинг минтақа орқада қола бошлади, давлат ва жамият қурилишидаги баъзи хурофий таомойилларни ўз вақтида, дадил енгиги ўта олмай, аросатга тушиб қолди. Кейинчалик ушбу аросат ҳолати минг йилдан ошиқ дунёнинг катта қисмини бемалол идора қилиб келган туркий халқларни қарамлик вазиятига тушиб қолишига сабабчи бўлди.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср охирларигача миллатимиз учун фоже бир давр бўлди — яъни 150 йиллик миллий қарамлик вазиятида ўтди. Бу давр ичida бир томондан халқимиз Европа маданияти унсурларини турли жабхаларда фаол ўзлаштиришган бўлса, иккинчи жиҳатдан, айниқса, большевистик қатағонлар сиёсати натижасида аҳолининг кўп қатламларида неча минг йиллик миллий маънавият тажрибасидан маълум даражада узоқлашув ва ҳатто бегоналашув юз бера бошлади, бу фожеий ҳодисага Чингиз оға «манқуртлик қасали» сифатида баҳо берган эди. Албатта, миллий зиёлиларимиз бу жараённинг олдини олишга имкон дара-

жасида қаттиқ ҳаракат қилиб келдилар. Оллоҳга беадад шукурким, Миллий мустақилликнинг қайта тикланиши ушбу хатарни астойдил бартараф қилишга қулай имкониятлар яратди.

Бугунги кунда миллиятни ниҳоятда умидвор қиласидан, қувонтирадиган, кўнгилга ишонч бағишлийдиган нарса — 1) мустақиллик Конституциямизнинг ушбу маънавиятимиз қувватига жавоб берадиган даражада мукаммал эканлиги, 2) Президентмизнинг фикрий кўлами ва дадиллиги, 3) халқимизнинг Мустақил Ватан келажаги йўлидаги буюк изланиши амалида бардош ва қатъиятидир.

Олдимизда улуф ва эзгу мақсад — ҳар бир инсоннинг ўз ички имкониятлари, турфа иқтидори ва салоҳиятини намоён қилишга, фаровон ва ўз қадрига муносаб турмуш кечиришига барча шароит мұхайё бўлган, қонун устиворлигига, барча тоифаларнинг ўзаро тенг ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат фаоллигига асосланган ҳур ва озод жамият қуриш, жаҳон ҳамжамиятида ўз муносаб ўрнини эгаллаб турган мустақил давлат, илгор миллият сифатида башарият тараққиётига ҳисса қўшиш турипти.

Президентнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида айтилганидек, «шу улуф мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидларни аниқ тушуниш жамиятни бирлаштиради, жисслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъуиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта ўйлаш, янада чуқурроқ англаш имконини беради».

Сиёсатга маънавият нуқтаи назаридан ёндошганда икки мұхим муаммо биринчи навбатда кўзга ташланади. Биринчиси ҳокимият манбай масаласи, иккинчиси — инсонлар ва ижтимоий тоифаларнинг жамиятдаги ўзаро муносабати асослари. Ҳар икки масала бир-бири билан бевосита боғлиқ ва туташ, шу сабабли ҳам кўпгина алломаларимиз уларни бирга олиб қараганлар. Шу билан бирга уларнинг мустақиллиги ҳам доим сезилиб туради.

В. МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИГА МУНОСАБАТ

Исломдан илгари инсонлар онгидаги асотир тафаккур ҳукмрон эди. Бу ҳодиса «Авесто» китоби мазмунидаги ҳам рўйи-рост сезилиб туради. Жумладан, ҳукмдорлик ҳуқуқининг белгиланишида «фарр» («Авесто» тилида «хвар-

но») принципи қонуний асос сифатида қабул қилингандык. Унинг маъноси шуки, олий дунёвий ҳокимият сулола-нинг бир вакилидан иккинчисига ўтишида муайян ило-хий белги содир бўлади, яъни муайян бир жонивор, куш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танланган кишини ажратиб кўрсатади. Халқимиз орасида тарқалган «фалончининг бошига баҳт қуши қўнипти» ибораси ушбу қадим анъананинг изларига ишора этади. «Фарр» одатда ҳукмдор сулола вакиллари билан боғлиқ тасаввур этилган, Эрондаги Аҳамонийлар, Сосонийлар даврида ушбу принципга изчил риоя этилган.

Жоҳилия даврида «фарр» соҳибининг ҳукми мутлақ бўлған ва унга ҳеч ким эътироz билдиришга ҳаққи бўлмаган. «Халқ ҳукми», «халқ иродаси» деган тушунчалар у давр учун нотаниш. Ислом эътиқоди бу қараашларни тубдан янгилади. Куръони каримда инсоннинг Ердаги халифа эканлиги қайта-қайта таъкид этилиб, тавҳид эътиқодини қабул қилганлар ўзаро тенг, биродар деб қабул қилинди. Мусулмонлар жамоаси маъносини билдирувчи «умма» тушунчаси шаклланди. Унинг ҳеч бир аъзоси Оллоҳ олдида ўзгалардан ортиқ имтиёзга эга эмас эди. Албатта, «умма»нинг моҳияти бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда тўлиқ англаб этилганий йўқ. Исломдаги «умма» тушунчасининг маъноси аста-секин тे-ранлашиб, маънавий ва сиёсий ҳаётдаги қатор ўзгаришлар натижасида VIII аср иккинчи ярми — IX аср бошларида минтақада ягона маданият шаклланди. Минтақадаги уч буюк миллат — араб, форс, турк ҳалқларининг орасида сабит мувозанат қарор топди. Араб тили диний ва аниқ фанларда, форс тили иш юритиш, тарих, шеъриятда урф бўлиб, турклар қўпроқ ҳарбий соҳада устуворликка эришдилар. Вазир ва мирзолар қўпроқ форс тилига, дин уламолари ва файласуфлар, қомусий алломалар араб тилига суюндилаr. X—XI асрларга келиб Ислом минтақаси асосан туркий сулолалар қўлига ўтди. Туркий тилдаги адабиёт ҳам минтақанинг турли марказларида ривож ола бошлади.

Ислом ҳукукшунослари мусулмон жамиятини бошқариш асосларини ишлаб чиқа бошладилар. XI асрнинг буюк сиёsatшуноси Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мавардий (974—1058) машҳур «Ал-аҳқом ас-султония» (Ҳукмдорлик қонунлари) китобида ҳукмдор ва мусулмон жамоаси орасида ижтимоий шартнома (ақд) асосини ишлаб чиқди.* Куръони каримда инсонларнинг энг муҳтарамлари энг тақводорлариdir, деган ҳукм бор.

Шундан келиб чиқиб, юрт ҳукмдорининг тайинланишида ислом жамоасининг мўътабар кишилари — мужтаҳид фақиҳлар, уламолар ва олий мартабали аёnlарнинг мулоҳазалари инобатга олинган. Ҳукмдорлар, одатда, муҳим қарорлар қабул қилиш олдидан юртнинг йирик уламо ва фақиҳлари, обрўли аёnlарни йигиб маслаҳат солардилар.

Аббосийлар халифалиги то мўгуллар босқинига қадар расман бўлса ҳам ушбу қоидага мувофиқ амал қилган. Халифа тирик чоғида ўзига ворис тайинламоқчи бўлса ҳам, ушбу мўътабар жамоа розилигини олиши зарур бўлган. Агар юрт ҳукмдори ўз вазифасига муносиб иш олиб бормаса, мусулмон жамоаси уни ўз мавқеига нолойиқлиги ҳақида хуласа бериш ҳуқуқига эга бўлиб, муаммони қандай ҳал қилиш тартиблари ҳам ҳукуқшунослик илмida батафсил ишлаб чиқилган эди. Аббосий халифалари муҳим қарорлар қабул қилиш олдидан юртнинг йирик уламо ва фақиҳлари, обрўли аёnlарни йигиб маслаҳат солган. Қоидага кўра ислом дунёсида ҳукмдор фақат ижро ҳокимиятини бошқариб боради, қонун ишлаб чиқиш эса, мужтаҳид фақиҳлар вазифаси ҳисобланган. Судлов ҳокимияти мустақил равишда юрт қозилари томонидан амалга оширилган.

XIV асрнинг буюк файласуф-тариҳчиси ва сиёсатшуноси, Амир Темурнинг замондоши ва суҳбатдоши Ибн Ҳалдун (1334—1406) ўзидан олдинги қонуншунослярнинг қарашларини ривожлантириб, бир қатор янги мулоҳазаларни баён қилди. У диний ва дунёвий ҳокимиятни бир-биридан фарқлаш ва ажратиш тарафдори бўлиб, давлат бошқаришни дунёвий ҳокимият сифатида талқин қилади. Ибн Ҳалдун, шунингдек, халифа фақат арабларнинг курайш қабиласидан бўлиши керак, деган хурофотни ҳам кескин рад этди.*

Давлатни қандай асосларда идора этиш масаласида фақат мусулмон ҳукуқшунослари, фиқҳ уламоларигина эмас, ислом маърифатчилигининг бошқа йўналиш вакиллари ҳам жиддий мулоҳазалар баён этганлар. Жумладан, Форобий «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» рисоласида давлат ҳукмдори қандай фазилатларга эга бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши лозим эканлигини батафсил таҳлил этиб берган. Ботинийлар ва мутакаллимларнинг ҳам бу хусусдаги ўзига хос қарашлари маълум. «Қобуснома», «Сиёсатнома», «Ахлоқи Муҳсиний» каби дидактик рисолалар, XI аср туркий шеъриятнинг юксак намунаси бўлмиш «Қутадғу билик»

ижтимоий-фалсафий достонида давлатни бошқариш, турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро муносабатлари ва жамиятдаги мавқелари хусусида муфассал таҳдил ва хуносалар мавжуд.

Г. ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТИ – МАЊНАВИЙ ВОҚЕЛИК

Бизни қизиқтирган иккинчи масала фуқаролар жамияти қандай асосларда ташкил топиши бўлиб, аждодларимиз бу соҳада ҳам ибратга лойиқ мерос қолдиришган.

Яқингача марксистлар бизни ишонтироқчи бўлдиларки, гўё Карл Марксгacha ҳеч ким башариятнинг тарихий тараққиёти қонуниятларини илмий изоҳлаб бера олган эмас. Ваҳдоланки, аждодларимиз – буюк ислом мутафаккирлари бу соҳада жиддий ютуқларни кўлга киритган эдилар. Жумладан, Форобий юқорида тилга олинган асарида инсон жамоасининг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади, аммо бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тугилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради... Натижада инсон жамоаси вужудга келади». Буюк алломанинг бу қарашлари кейинчалик Ибн Халдуннинг «Китоб-ал-умрон» асарида ўз ривожини топиб, тарихда биринчи марта инсониятнинг тарихий-ижтимоий такомил жараёни ва унинг босқичлари ҳақидаги таълимотга, яъни башарият тарихининг ривожланиш назариясига айлантирилди. Ибн Халдун инсонлар жамоасининг шаклланиши ва ривожида икки йирик босқични ажратиб кўрсатди. Уларнинг биринчисини ибтидоий жамоа ва иккинчисини шаҳар жамоаси деб номлади.

Аждодларимиз ўз асарларида давлатнинг турли шаклларини тасвирлаб, унинг асосий вазифаси инсонларни баҳт-саодатга олиб борища деб талқин этдилар. Бу жиҳатдан XI аср туркий шеъриятнинг буюк намояндини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билик» ижтимоий-фалсафий достони алоҳида эътиборга лойиқ.* Унда давлатни бошқариш, турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро муносабатлари ва жамиятдаги мавқелари

хусусида муфассал таҳлил ва хулосалар юксак бадиий шаклда ифодалаб берилган.

Юсуф Ҳожибининг асарини ислом маънавияти нинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб бемалол таърифлаш мумкин. Фирдавсий «Шоҳнома»да минтақа ҳалқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттирган бўлса, «Кутадгу билик» достони ислом даври ижтимоий воқелигининг бадиий-фалсафий таҳлил ва талқинини ўзида мужассам этган. Беҳуда эмаски, шоирнинг ўзи китоби ҳақида гапириб, унинг «Адаб ул-мулук» (Ҳукмдорлар одоби) ва «Ойин ул-мамлакат» (Мамлакатни идора этиш қоидалари) номлари остида ҳам шуҳрат топганини таъкидлайди. Асарнинг асосий қаҳрамонлари ўша давр жамияти бош тимсолларининг рамзий ифодаси бўлиб гавдаланади. Улардан биринчиси Адолат — у бош ҳукмдор, исми — Қунтуғди, у қуёшдек барчага баробар нур таратади. Иккинчи тимсол — Кут ёки Давлат бўлиб, бу тушунча ички мазмунига кўра Бойлик, Барака, Омад, Бахт, Кудрат маъноларини ўзида жамлаган, унинг исми Ойтўлди, у ҳукмдорнинг таянчи, унинг белига қувват, қўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош маслаҳатчи ва вазир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний. Давлат, Бахт, Омад каби нарсалар пойдор эмас. Осмондаги Ой янглиғ гоҳ тўлиб балқииди, гоҳ Ҳилол сингари нозиклашиб, қувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Ўгдулмиш ўринбосар, ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш Ақл ва Билим рамзи (Ўг — қадим туркийда «ақл», «билим» маъноларини беради). Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши кўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Китобнинг асл номи — «Кутадгу билик» (Бахт келтирувчи билим) — асарнинг бош тимсоли, энг асосий қаҳрамони Ўгдулмиш яъни, Ақл ва Билим эканлигига ишора қилиб туради. Асардаги тўртинчи тимсол — Қаноат. Агар инсонда, жамиядга қаноат бўлмаса, унинг барча фазилатлари бир пул, оқибати аяңчли. Қаноатнинг исми Ўзгурмиш бўлиб, у Ойтўлдининг, яъни Бахт ва Давлатнинг, Ўгдулмишнинг, яъни Ақл ва Билимнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди, Бахт ва Омад қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (шоир ҳукмдорни Элиг деб атайди), қариндоши Ўзгурмиш ҳақида Ўгдулмиш эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида

Қаноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Ўзгурмиш билан бўлган суҳбатлар таъсирида Ўгдулмишнинг ҳам руҳида ўзгаришлар юз беради. У маълум вақт тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочишига интилади. Аммо Ўзгурмиш ва Кунтўлди уни бу ниятдан қайтарадилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Ўзгурмиш орқали Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф таълимотига ўз муносабатини билдиради. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва фақр шоир наздига Қаноатнинг тимсоли. Адолат Қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор суфийнинг, зоҳиднинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Суфий ҳукмдорни қидириб келмайди, ҳукмдор уни ўзи қидириши, суҳбатига интиқ бўлиши керак. Кунтуғди Ўгдулмишни мактуб билан Ўзгурмиш олдига уч марта жўнатади. Шоир фикрича, агар ҳукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдиурса, суфий унинг суҳбатидан бош тортиши яхши эмас. Аммо Ўзгурмиш сарой аёнига айланмайди, маълум вақт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтади. Қаноат Оқибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (руҳий осойишталик, қоникиш) келтиради. Шоир уларни маънодош тушунчалар сифатида талқин этади.

Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан муносабатда бўлади, аммо жамият, ҳалқ баҳти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлиганилар унинг энг суюкли қаҳрамонлариdir. Асар охирида Ўзгурмиш ҳам бу фоний дунёни тарқ этади. Кунтўлди ва Ўгдулмиш, Адолат ва Ақл шоир бадиий оламида боқий қоладилар.

Илоҳий китоблар орқали инсониятга аён этилган тавҳид ҳақиқати тасаввуф таълимоти туфайли инсон руҳининг мулкига айланди. Буюк суфий шайхлари аввало инсонга ўзлигини англаб етишни ўргатдилар. Тасаввуф тарихий такомил жараёнида турли босқичларни босиб ўтиб, XIV аср Нақшбандия тариқати тимсолида яна соликни ҳалқقا, ҳаётга қайтарди, фақат энди суфий ўзлигини, Ҳақни англаб етган, дилини худбинлик зангидан поклаб, «Ҳақиқат асрорининг ганжинаси»га айлантирган ҳолда ҳаётга қайтиб келди. У энди ўз шахсий манфаатлари учун эмас, балки Ҳақ учун, холис Оллоҳ йўлида моддий ҳаёт воқелигида фаол қатнаша бошлади. Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам каби улуғ суфий шайхлари сиёсий ва ижтимоий ҳаётда юксак мавқе касб этдилар. Махдуми Аъзам сиёсатга оид қатор рисолалар яратди.

Миллий маънавиятимизда азалдан бадиий адабиёт фалсафа, ирфон, тарих каби дунёни идрок этишнинг мустақил ва мукаммал тафаккур йўналиши бўлиб ўз қудратини тўлақонли намоён этиб келган. Бунга туркий тошбитиклар ва Юсуф Хос Ҳожиб ижоди яққол намуна бўла олади.

Бу йўналишнинг асл ибтидосига XII аср иккинчи ярмининг забардаст аллома шоири Низомий Ганжавий ижодида тамал тоши қўйилган бўлиб, фақат XIII аср бошларидағи мўғул босқини яна тасаввуф тариқатлари ва ирфоний тафаккурнинг етакчи мавқеини тақозо этди. XIII аср охири — XIV аср бошларидан ислом минтақа адабиётида «Мажоз тариқи» узил-кесил етакчиликни қўлга киритди. XIV аср эса бу йўналишнинг энг юксак камолот даражаси ва мукаммал кўзгуси бўлмиш Алишер Навоий ижодини авлодларга боқий мерос қилиб берди.

Демократиянинг бошлангич шартлари бобокалонимиз Алишер Навоийнинг асарларида мукаммал назарий асосда тушунтириб берилган эмасми? Ҳеч бўлмагандан «Лисон-ут тайр» достонининг «Маърифат водийси васфи»га бағишланган қисмини диққат билан ўқиган одам бу ҳақиқатга шубҳаси қолмайди.

Умуман олганда, туркий адабиёт ижтимоий масалаларга ниҳоятда жиддий эътибор бериб келган. Биз тошбитиклар ва Юсуф Хос Ҳожиб асаридан буни яхши биламиз. Аммо Низомий «Хамса»сидан бошланган бадиий тафаккурнинг мураккаб изланишлари ижтимоий мавзуни — давлат, жамият ва шахс маънавияти орасидаги уйғунлик масаласини бениҳоя теран таҳлил қилиб беради ва бу таҳлил Алишер Навоий ижодига келиб айтиш мумкинки, бир миллат ёки минтақа эмас, ҳатто жаҳон аҳли маънавияти ривожида бутқул янги, юксак камолот босқичини мукаммал намоён қилди. Навоийнинг бутун мероси — девонларидаги ғазал, қитъя, қасида, таржебанд ва соқийномалар, достонлари ва насрый асарлари, илмий ижоди — барчаси яхлит бир манзара — Навоий давридан бир неча асрлар кейин — бизнинг замонамизда воелилкка айланиши мумкин бўлган Янги бир ижтимоий маънавий уйғунликдан башорат қиласи.* Конун устуворлигига асосланган, ҳақиқий фуқаролар жамияти деса арзидиган, том маънода ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти амал қиласётган, давлат, жамият, халқ маънавиятининг юксак уйғунлиги асослари бундан 500 йил илгари шу

даражай ёрқин тасаввур этилгани ва бадиий ифодалаб берилгани инсонни ҳайратта солмай иложи йўқ. Бизнинг миллий маънавиятимиз шу даражада улуғ ва қимматли — буюк аждодларимиз маънавияти ҳануз бутунги кунимиздан олдинда, келажагимизни ёритиб турипти. Биз фақат ўз бегоналашув ҳолатимизни енгигиб ўта олсак, бас.

Навоий яратган уйғун жамият манзараси қандай белгиларга эга?

Аввало, бу манзара хаёлий (утопик) эмас, воқеъ асосга қурилган манзарадир. Иккинчидан, бу манзара моддий тенглик ва беҳисоб тўкинчилик ҳолати эмас, маънавий воқеликдир. Учинчидан, Навоий яратган ижтимоий-маънавий уйғунлик манзараси зўрлик, муайян кичик бир гуруҳнинг зўравонлиги йўли билан жорий этилган мажбурий тенглик жамоаси эмас, умумбашариятнинг чексиз адашувлар, оғир мاشаққат ва изтироблар аро неча асрлар давомида аста-секин ва ихтиёрий эришган маънавий камолот ҳолатидир. Унда ҳали ҳам адашувлар, қийинчиликлар, изтироблар, йўқотишлар бўлиши мумкин, аммо баҳамжиҳатлик, инсоннинг бир-бирини тушунишга интилиши охир-натижада голиб чиқиши эҳтимоли кенгайган, шунга мувофиқ маънавий муҳит шаклланган. Бу жамиятда мулқдор ҳам бор, мулксиз ҳам, аммо ҳар иккови ҳам ўз ихтиёри билан ушбу ҳолатни касб этган.

Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзлигини англаб етган, ўз мавқеига эга: давлат арбоби ҳам, олим ҳам, дехқон ҳам, савдогар ҳам; гўдак ҳам, кекса ҳам; эркак ҳам, аёл ҳам. Ҳеч ким бир-бирига ҳасад қилмайди, қўлидан келмаган юмушга даъво қилмайди, ўз юкини бошқага ағдармайди, кўтара олмайдиган юкни елкага олишга беҳуда уринмайди.

Чунки инсонларда Борлиқнинг олий ҳақиқатини тушуниш бор, унга чексиз интилиш бор, нафақат ақл, балки бутун вужуд билан, бутун эҳтирос билан англаб этилган имон, эътиқод бор. Бу эътиқод барчада бир хил тусда эмас, яъни ягона мағкуранинг ялпи хукмонлиги тарзида эмас, балки ўзаро меҳр, бир-бирини тушуниш ва Ҳаққа интилишдаги самимият заминида шакллангандир. Риоя, андиша, меҳр-оқибат, ҳилм (муомалада ҳалимлик), сабр-тоқат ва Олий Ҳақиқат олдидаги мастьулият ҳисси ушбу эътиқоднинг мевала-ридир. Бу жамият кишилари гўзалликка интиладилар, аммо покликка хиёнат этмайдилар; фидойиликка улар

қодир, аммо мутаассиблик уларга бегона; ҳар бир кишига юксак эҳтиром билан ёндошадилар, аммо ҳеч кимга тилёғламалик қилмайдилар; ҳар бир шахс ўз қадрини билади, аммо такаббурликни билмайди; улар ҳар бири ўз эътиқодига содик, аммо бирорни нодон деб ўлламайди, улар қалбида эҳтирос жўш уради, аммо у эҳтиросларнинг қули эмаслар; улар ақсли, аммо маккорликдан ор қиласидилар. Бундай хислатларни чексиз санаш мумкин, аммо Навоий яратган бу манзарани яққол кўриш учун нима талаб этилади, шоир ўзи бу даражада башоратга қандай эриша олган? — деган савол туғилиши мумкин. Сабаби битта — барча салафлари сингари Алишер Навоий ҳам ўзидан олдин яратилган буюк маънавий меросни имкони даражасида мукаммал ўзлаштирган, фақат ақли билан эмас, бутун вужуди, борлиғи билан, меҳру самимияти билан ўзлаштирган, бут имон, эътиқод билан Ҳақиқатни излаган ва Ҳақиқат унга юз очган. Бу Оллоҳнинг инояти инсоннинг самимияти, ўзлигини англашга чексиз интилиши туфайлидир. Кимки ихлос билан имон ва эътиқод билан, эзгу ният билан миллий ва умумбашарий маънавий меросни ўрганишига, унинг мағзини англаб етишга уринса, иншооллоҳ, унга ҳам Ҳақиқат жамоли насиб ўлгусидир.

13 - фасл. Бозор иқтисоди ва маънавият

Аввало, 70 йил бизни «қайта тарбия қилиш»га уринишган бўлишларига қарамай, ўзбек халқи, ўлкамиз халқлари бозорни унутмади, чунки бозор муносабатлари миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик қадриятларидандир.

Бозор инсонни ўз-ўзини қадрлашга ўргатади, муомала одобига ўргатади, ўзга меҳнатининг қадрига етишга ўргатади. Бизга яқингача «таълим» берганларидек, бозор товламачилар, «спекулянтлар» макони эмас, балки ибрат ва тарбия мактабидир. Бозор айланган киши она-еर, табиатимиз саховатини кўриб, Ватанга меҳрутойгулари қалбини тўлдиради. Албатта, буни ҳис этиш учун ҳам инсон маънавий камолотининг маълум дараҷаси талаб этилади. Дехқоннинг, хунар эгасининг меҳнати ва бардошига, маҳорати ва дидига бозор айланганда, бир яхши нарса харид этганда баҳо берамиз, тасанно айтамиз. Диңдизлик, укувсизлик, ўз ишига эътиборсиз-

лик бозорда дарҳол ўзини ошкор этади. Демак, бозор ва маънавият асло зид тушунчалар эмас. Биз бозор иқти-
садига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, айни ўз
миллий анъана ва қадриятларимизга қайтган бўламиз,
келажак сари уларга таяниб олға силжиймиз. Албатта,
бу янги тузум шундайича олдинги асрларни қайтариш
бўлмайди, XX асрнинг жаҳон тараққиёти эришган бар-
ча ютуқларидан ижодий фойдаланилади, аммо ҳеч бир
ўринда кўр-кўрона нусха кўчириш наф келтирмаслиги-
ни ҳам унутмаслик лозим.

Бу мавзунинг икки алоҳида жиҳатини кўриб чи-
қайлик.

А. БОЗОР ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳақиқий бозор иқтисодий адолатдир. Чунки унда
ҳеч ким ўз қарашларини бирорвга зўрлик билан ўтказа
олмайди. Буржуа синфининг диктатураси (мутлақ ис-
тибоди) ҳақиқий бозор эмас, балки иқтисодий зўра-
вонликдир. «Ёввойи бозор» («дикий капитализм») мут-
лақо орзу қиласидан нарса эмас. У ҳам инсоният учун
бир синов босқичидир.

Масалан, рақобат (конкуренция) масаласи. Агар ра-
қобатни кураш маъносида тушунилса, уни фақат ра-
қибни молиявий синдириш йўлларини излаш сифатида
талқин этилса, натижада ҳамма — тадбиркор ҳам, харидор
ҳам, жамият ҳам ютқазади. Агар рақобатни ўзгалар-
дан сифатлироқ, ўзгалар молидан арzonроқ маҳсулот
ишлаб чиқаришга интилиш, бунинг учун янги техноло-
гиялар, унумли иш усусларига таяниш деб тушунилса,
бу, албатта, охир натижада инсон манфаатига хизмат
қиласиди. Биз бозор маънавияти деганда, биринчи нав-
батда, инсоф ва диёнатни инсонлар кўнглида қайта
уйғотиш заруратини англаймиз.

Инсоф ва диёнат, ҳалоллик, харидорга муносабатда
самимилик ва ҳилм (юмшоқ муюмала, ҳалимлик) ха-
ридор кўнглини топишга интилиш, унинг эҳтиёжлари-
ни тушуниш — тадбиркор сармоясига Оллоҳнинг бара-
катини ёғдирувчи маънавий фазилатлардир.

Харидор ҳаққига хиёнат, товламачилик — ҳеч қачон
бозорга аралашган одамга омад келтирган эмас. Буни
бизнинг аждодларимиз яхши билганлар.

Бугунги жаҳон бозорининг муҳим жиҳати — унинг
илмий асосга кўйилганлигидир. Маркетинг фани, яъни
бозорни ўрганиш илми илгари асосан савдогар ё косиб-

нинг фаросатига боғлиқ бўлган бўлса, бугун жиддий илм соҳасига айлангандир, илгари бир минтақани қамраган бўлса, бугун жаҳон миқёсида яхлит фикрлашни тақозо қиласди. Демак, бозор ва маънавият турли нуқтадарда туташув ҳосил қилмоқда. Уларнинг бири эътиқод бўлса, иккинчиси — илм. Яна бири фаросат бўлса, бошқаси — инсонни тушуниш. Бизга марксизм олабўжи қилиб кўрсатган тузум бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошганда — ахлатхона. Ҳар соҳада ҳам чиқиндилар бўлади, шу жумладан бозорда ҳам. Ўша барча чиқиндини бир жойга уйиб ташласа, ифлос ва кўримсиз бир уюм ҳосил бўлади, ана шуни бизга капитализм деб рўбарў қилиб келишиди. Ваҳоланки, «социализм» деб аталган тоталитар тузумдаги қабоҳатлардан ташкил топган бутун бошли «архипелаг»лар ҳақида эл энди хабардор бўляяпти.

Дастлабки «капитализм»да баъзилар ночор яшаган бўлса, «коммунизмнинг биринчи босқичи»да миллионлаб бегуноҳ одамлар очликдан қирилиб кетди. Ёлғон фоялар учун ука акани ўлдиргани, бола отасини сотгани алоҳида масала.

Асосини олганда, на «капитализм», на «социализм» инсониятга баҳт келтирмайди. Асосий масала инсон маънавиятида. Чунки маънавият аввало меъёр, у уйғунликни таъминлайди. Ҳусусий мулкнинг ягона ҳукмронлиги ҳам, унинг буткул тақиқланиши ҳам меъёрнинг бузилишига олиб келади, демак, ҳаётдаги уйғунликни бузади. Бугунги бозор эътиқод, илм, риёзат, меҳр уйғунлиги томон кетмоқда. Эътиқод бозорда инсоф кўринишда намоён бўлади. «Теша бўлмагин, арра бўлгин», дейди Амир Ҳусрав. Чунки теша доим ўзи томонга чопади, пайраҳа фақат чопаётган киши тарафга тўпланади. Арра икки тарафга бориб келади, қипиқ ҳам икки тарафга баробар тўкилади. «Қарс икки қўлдан чиқади», дейди халқимиз. «Фақат ўзим бўлай», деган одам узоққа бормайди. «Инсоф сари барака» — маънавиятини йўқотмаган миллатнинг бозоридаги бош қонундир. Илм ва инсоф, риёзат ва фаросат бугунги кун тадбиркорларининг асосий маънавий фазилатлари бўлиши лозим. Тадбиркорнинг бош фазилати фаросат. Фаросат бўлмаса тадбиркорликка уриниш беҳуда оврагарчиликдир. Фаросат нима? Фаросат, аввало, ўзингни англаш, ўз ҳолингни тўғри идрок этишдир. Иккинчидан, ўзгани тушуниш, ўзгаларнинг эҳтиёжи, хоҳиши, имкони ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қила билишдир.

Қолаверса, фаросат — воқеликни аслига мувофиқ ид-рок этиш, унга түгри муносабат ҳосил қыла билмоқлиkdir. Фаросат нафақат тушуниш, балки воқелик талабиға мувофиқ тадбир ишлаб чиқыш ва уни ҳаётта татбиқ эта билиш ҳамдир. Бу фаросатнинг амалий тарафини баъзан алоҳида ном билан уддабуронлик ёки тадбиркорлик ҳам дейишади. Бизда «уддабурон» сўзи бироз салбий муносабатга ишора этади. Дарҳақиқат, устамонлик ва уддабуронликни яқинлашиб кетган ўринлари йўқ эмас. Аммо фаросат етишмаган жойда уддабуронлик бирорни алдаб ўтиш йўлини излай бошласа, ундан товламачиликнинг ҳиди кела бошлади. Бундай устамонлик жиноят сари етакловчи тамойил бўлиб, сармояни хатарга қўйишдан бошқа натижа бермайди. Устамонлик — шайтон васвасасидир, фаросат — Оллоҳнинг инояти. Шайтон васвасаси 1-2 марта омад келтириб инсоннинг кўзини шира бостиради, сўнг уни ҳалокатга етаклайди. Фаросат инсонга доимий ободлик келтиради.

Бугунги кунда биз баъзи жойлардаги каби бир қирдан иккинчи қирга сакрашга уринмай, инсоф ва диёнатни сақлаган ҳолда, қадим миллий анъаналаримизнинг энг илфор жиҳатларига таяниб, фаросатли, инсофли, илмий асосга қўйилган, жаҳондаги энг илфор тамойилларга мувофиқ фаросатли бозор иқтисоди сари интилиб бораёт-тирмиз. Албатта, хатолар ҳам кўп, аммо беайб Парвардигор дейдилар, ният ҳолис бўлса, натижа ёмон бўлмас.

Б. МАЊНАВИЯТ ВА БОЗОР

Мањнавиятнинг бозори борми? Йўқ. Чунки бозор инсонларо иқтисодий муомала майдони, иқтисод эса мањнавиятга эмас, моддиятга алоқадор ҳодиса. Аммо инсон моддий вужуд экан, унинг мањнавияти ҳам моддий воқеликда ўзлигини намоён этиши табиий. Бу — маданиятдир. Маданият — инсон мањнавиятининг моддий воқелик шаклида намоён бўлиши. Демак, мањнавият ва бозор муносабатларининг иккинчи муҳим жиҳати маданият ва бозор нисбати тариқасида бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб турипти. Маданият ўз-ўзича олиб қаралмайди, у кимгадир нима учундир керак. Масалан, шўролар тузумида «социалистик маданият» деган тушунча бўларди. Бу коммунистик партия ва унинг мутлақ ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилган «совет давлати» учун керак бўлган «маданият»

эди. «Социалистик маданият» тоталитар тузум «қадрият»ларини инсонлар онгига сингдиришга йўналтирилган эди. «Буржуа маданияти» эса хусусий мулк эгалири учун қадрли бўлган тимсолларни илгари суради.

Дунёда ижтимоий тоифалар кўп. Ҳар бири ўзи қадрли деб билган нарсаларни, ўз манфаати учун хизмат қилувчи ғояларни ҳимоя қиласди. Аммо ҳақиқий маданиятни ўзлигидан кечиб қўйган, холис Оллоҳ берган истеъоддни Унинг розилиги йўлида юзага чиқаришни ўзига бурч деб билган инсонлар яратади.

Ҳақиқий маданият намунасидан маънавият нури ёғилиб туради. Чунки истеъоддли шахс қалбидаги нур унинг асарига кўчади. Бундай асарлар инсониятнинг боқий мулкидир. Аммо инсон моддий, бу дунё моддий воқелик, шундай экан истеъоддли инсонларнинг ҳам рўзгори, оддий инсонга яраша турмуш ташвишлари бор. Маданият бозори энг мураккаб воқеликдир. Бозор иқтисодининг ибтидоий босқичларида бу бозор бутқул пароканда шаклда бўлади, унда ноқислик комиллик баҳосида, юксак истеъодд бир қоп сомон баҳосида кетиши мумкин.

Аммо бу бозорнинг ноқислиги, ибтидоийлиги белгисидир, бозор иқтисоди ривожлангани сари маданиятнинг баҳоси ошиб, маънавиятнинг мавқеи юксалиб бора беради. Бугун жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатларида илм, аҳборот, сифат кўрсаткичлари (масалан, дизайн), жумладан, озиқ-овқат сифати, борган сари юқори баҳоланмоқда. Инсонни тушуниш эндиғи инсоният ривожининг белгиловчи омилига айланиб бораётгани бунга далилларидир.

Демак, маънавиятга, маданиятга эътибор бозор иқтисодининг бугунги жаҳон талаблари даражасига кўтарилиб боришида етакчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Биз — маънавият ва маданият соҳасининг одамлари, ўзини зиёли санаб юрганлар ҳам эски ақидалардан, кўникумлардан иложи борича тезроқ фориғ бўлишимиз, Оллоҳ берган фаросатимизни ишга солиб, ўз соҳамиизда мантиқли тадбирлар ишлаб чиқишимиш керак. Ё олимлигимизни, устозлигимизни, қўлимииздан келмаслигини тан олиб, йиғиширийлик ва тадбиркорлик йўлига ўтайлик. Ё олим ва устоз бўлишдан умидимиз бўлса, ҳақиқий олим, ҳақиқий устоз бўлайлик, яъни олимлигимизни, устозлигимизни бугунги воқеликка қанчалик мувофиқ экани устида ўйлаб кўриб, эл тилаган ишни қилайлик,

ўзимиз ўрганган «эски пластинка»ни қайта-қайта айлантира бермайлик. «Социализм» йўқ, унинг талаблари бугун бекор бўлди. Бутуннинг талаблари қандай? Шу саволни ўз олдимиизга қўйиб, бир танамизга ўйлаб кўрайлик. Қисқаси, яна фаросат масаласига қайтиш зарур бўлади. Тадбиркорга фаросат керак, лекин бутунги маънавият ва маданият соҳаси ходимларига ўн карра фаросат лозим. Ўз ҳолимизни тўғри идрок этиб, ўзгани ҳам тушунишга интилиб, воқелик ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қўлмас эканмиз, ўзимизга ҳам, жамиятга ҳам, миллатга ҳам тайинли фойдамиз тегмайди. Бозор иқтисоди инсонни ўйлашга, фаросатини ишлатишга мажбур қилиши билан құмматлидир.

14 - ф а с л. Ижтимоий тоифалар табиати ва маънавияти. Ижтимоий уйғунлик муаммоси

Фуқаролар жамиятининг асосий хусусияти — ижтимоий уйғунликдир. Ижтимоий уйғунлик эса инсонларнинг бир-бирини тушуниши билан бўлади. Коммунистик ғоянинг энг катта камчилиги ҳам турли ижтимоий тоифалар табиатидаги ўзига хосликларни англаб етишга ҳафсала қўлмай, мураккаб воқеликни фақат мулкчилик ва меҳнатга муносабат доирасида талқин этганлиги бўлди. Мулкка муносабати қандай — яъни, хусусий мулки борми, йўқми? Меҳнатга муносабати қандай — яъни, моддий бойлик яратиш жараёнида бевосита қатнашадими, йўқми? Коммунистлар учун асосий масала шундан иборат бўлди. Хусусий мулк эгаси бўлиш — салбий жиҳат, моддий бойлик яратишда бевосита қатнашиш — ижобий жиҳат сифатида баҳоланди. Мутлақо хусусий мулки бўлмаган, аммо бевосита жисмоний меҳнат қилиб, моддий бойлик яратишда иштирок этган тоифа — ишчилар энг ижобий, энг илгор синф деб; жисмоний меҳнатда бевосита иштирок этмаган, аммо хусусий мулк эгаси бўлган тоифа — буржуазия — энг салбий, энг реакцион синф, «эксплуататор», «капиталист» деб баҳоланди. Жамиятдаги ўзга тоифалар ушбу икки «антагонистик», яъни умуман бир-бири билан муросага келиши мумкин бўлмаган икки зид кутб орасига жойлаштирилди. «Доҳийлар» талқинида, буржуазиянинг феодализм тартибларини йўқ қилишдаги хизматлари тан олинса ҳам, гражданлик жамиятида ўзига яраша

ижобий мавқеи, ўрни мавжудлиги ҳақида чуқур мuloҳа-за юритилмади. Бошқа тоифаларнинг асл табиати ҳам марксистларга аён бўлмади. Масалан, Лениннинг энг кўп фазабига икки тоифа: интеллигенция ва деҳқонлар дучор бўлишгани кўпчиликка маълум. Деҳқон меҳнат-кашлиги учун табиатан ишчига иттифоқдош деб қарап-са ҳам, унинг хусусий мулкка мойиллиги «доҳий»нинг кўп фазабини қўзғатар эди. Бу «кусур»га барҳам бериш учун «содик шогирд» (Сталин) томонидан ялпи колек-тивизация ўтказилди, натижада деҳқонлар тўлиқ тата-литар давлат асоратига тушди. Бунинг холосаси дунё-нинг олтидан бир қисмини эгаллаган давлатда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари четдан нақд валютага сотиб олинишига ўтиш бўлди. Зиё ахлини ҳам большевиклар тоталитар тузумнинг итоаткор хизматчиларига айлан-тирдилар. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши во-қелик моҳиятининг ўзак қонуни сифатида идрок этили-ши барча нарса-ҳодисалар моҳиятини жуфтликда кў-риб, уларни албатта бир-бири билан чексиз кураш ҳо-латида тасаввур қилишга олиб келади. Назарияда албат-та зид томонлар бир-бирини тақозо қилиши тан олина-ди, аммо инсон фаол зот, у бир ишни бошласа, ниҳоя-сига етказмай қўймайди: ҳаётнинг моҳияти курашми — демак, курашни бошлаб, охиригача олиб бориш керак, яъни мухолифни буткул маҳв этиш (йўқ қилиб ташлаш) керак. Агар мухолиф томон курашни ҳаётнинг моҳияти деб билмаса, бадтар бўлсин, уни енгиш қайтага осон-роқ. Нега Россияда буржуазия енгилди, чунки ҳеч қайси «капиталист», ёки, ҳатто, «феодал» ишчи ёки деҳқонни буткул йўқ қилиб ташлаш керак деб ҳисобла-майди, аммо ишчи назарида (аниқроғи, марксизм кўзи билан қараганда) «капиталист»лар синфи умуман жа-мият учун бефойда унсур, уни қанча тез йўқ қилиб ташланса, шунча тез «коммунизм» қурилади. Негадир ҳаёт бу фаразларни тасдиқламади, фақат инсон қони дарё-дарё бўлиб оққани қолди.

Марксистлар ўзларидан олдин ўтган барча инсон-ларни, улар қанчалик улуғ бўлмасин, барибир дунёқа-раши чекланган деб ҳисоблаб келдилар. Совет даврида ўтмиш алломаларнинг бутун «хизмати» келажакда яра-тилаjak «диалектик материализм» назариясига қанча-лик мувофиқ фикр юритганликлари билан белгиланди. Агар номувофиқ бўлса, демак, «реакцион». Улар назарида, ўтмишнинг энг «прогрессив» алломалари ҳам, айниқса Шарқдан бўлса, «синфлар курашининг» мо-

ҳиятига етиб бормаган. Жумладан, «социалистик реализм» назариётчилари Алишер Навоий тафаккурини ҳам бу қусурдан холи эмас, деб ҳисоблашган. У «золим подшоҳлар» ва «риёкор шайхлар»ни қоралагани — ниҳоятда «прогрессив» ҳодиса саналса-да, аммо жамиятдаги икки мухолиф синф, дейлик, феодаллар ва деҳқонлар орасидаги «муросасиз зиддият»ни тўғри очиб бера олмагани — буюк шоир тафаккуридано қисилик сифатида баҳоланганд. Аслида, ақлимизни пешлаб, инсонлар жамиятини Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз тушунганидек тушунсак эди — аллақачонлар кўп муаммоларимиз ечишган бўлур эди. Буюк аждодларимизнинг маънавий мероси туганмас ҳазинадир. Уларда нафақат бир инсон, балки бутун инсоният ўтмиши, бугунги ва келажаги яхлит намоён бўлган. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-кулуб» асарларига мурожаат қилсак, бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз.

А. ИНСОН ЯРАТУВЧИДИР

Ҳаётда синфлар эмас, турли ижтимоий тоифалар мавжуд. Уларнинг ҳар бири жамиятда ўз аниқ мақом ва мавқега эга. Шунга яраша ҳар бирининг ўз табиати, эҳтиёжлари, бурч ва вазифалари, ўз маънавий олами мавжуд.

«Лисон ут-тайр» бадиий асар, шу сабабли ундаги ғоя илмий таҳлил эмас, рамзий ишоралар воситасида баён этилган. Уттиз қуш (Симурғ) тимсоли жамиятдаги ижтимоий тоифаларнинг кўплиги ва ранг-баранглигига ишора. Улар барчаси бир бўлиб, яхлит воқеликни ташкил этади. Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да бу қарашни бевосита, очиқ ижтимоий таҳлил орқали ифодалаган.*

Унда ўша давр жамиятига хос қирқ тоифага таъриф берилади ва уларнинг турли жиҳатлари мукаммал тавсифланади. Ҳар бирининг табиатидаги фазилат ва қусурлар холис очиб ташланади.

Инсон аввало яратувчидир. Бу унга Оллоҳ томонидан инъом этилган мумтоз фазилат. Чунки бани башарга «Ер юзида халифалик» масъулиятини юклар экан, Оллоҳ унга ўз мутлақ сифатларига мувофиқ қатор фазилатлар ҳам бахшида этган. Албатта, инсон фоний, унинг курдати, фазилатлари ҳам тўқис эмас, нокомил ва ўткинчи. Аммо инсон фазилатларида маънавият нури зоҳирдир. Бу нур унга боқий дунё билан туташлик

имконини беради. Оллоҳнинг инсонга энг буюк инояти ҳам шунда. Ана шу фазилатларнинг энг аввалида инсоннинг яратувчилиги туради. Бу яратувчилик икки йўналишда зоҳир бўлади — бири инсонлар эҳтиёжи учун зарур моддий неъматлар ҳосил қилиш, иккинчиси — инсонлар қалбига маънавий зиё таратиш, уларни боқий дунё билан туташув ҳосил қилишига кўмак етказиш. Ҳар икки яратувчилик фаолияти ҳам Оллоҳ инояти билан амалга ошади, аммо бу йўлда инсонлар ўзлари бир-бирига восита этиб кўйилгандинлар. Навоий асарига назар солайлик. Шоир наздида, инсон яратувчилигининг ибтидоси зироатдадир. «Маҳбуб ул-қулуб»-нинг бош ва суюкли Қаҳрамонлари, менинг тасаввуримга кўра, шоҳ ва сultonлар, мунажжим ва воизлар эмас, балки деҳқон ва дарвешдир: «Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар...» Дунёга дил кўзи билан қарашни ўргангандан шоир деҳқонни Одам атога, ўзгаларни унинг қарамоғидаги фарзандларга ўхшатади, оламнинг ободлигини деҳқон мөҳнатидан деб ҳисоблайди. Табиатдаги жуда кўп жонзорлар ҳам деҳқон мөҳнати самараларидан баҳраманд бўладилар. Чорвадор ва боғбон ҳам асли шу тоифадан. Шоир таъкидича, улар жамиятдаги асосий яратувчи кучдир. Бу тоифанинг яна бир буюк фазилати — инсонлар ва табиат орасидаги мувозанатни сақлашда кўринади.

Табаррук китоб «Авесто»да замин аёлга қиёс этилади, уни эркалаш, парвариш этиш улуғ ва муқаддас юмуш сифатида деҳқон зиммасига юкланди. Аждодларимиз ўзлигини танигандан бошлаб ер, сув ва оловни улуғлаганлар ва дастлабки иккисини пок сақлаш, эзгу ниятларда истифода этиш деҳқон учун ҳам ҳуқуқ, ҳам масъулият санаётган.

Мугафаккир адаб жамиятдаги яна бир тоифага — дарвешларга ҳам алоҳида меҳр кўргазган. Афсуски, Навоий асарларидаги айрим мағкурачиларга маъқул келмаган жиҳатлар кўплаб нашрлардан аёвсиз қирқиб ташланарди. Жумладан, «Дарвешлар зикрида» деб номланган 1-бўлимнинг 40-фасли ҳам биз тилга олган асардан «тушиб» қолган. Ҳолбуки, Навоий бу тоифа мисолида ҳақиқий зиёли образини яратади. Ҳақиқий зиёли, яъни дарвеш элга фақат маърифат, илм нурини тарқатиш билан кифояланмайди, инсонлар дилига поклик, меҳроқибат, эзгуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш туйгуларини сингдиради: «Ичи таши билан мувофиқ, балки ориғроқ (покроқ), ботини зоҳир била мусови (тeng муз

возанатда), балки ёруғроқ...» Албатта, моддий ва маънавий қиёфа доим мутаносиб бўлавермайди. «Дарвеш тўни йиртуқ, андоқ турур ким, ганж (хазина) макони бузук».

Форобий, Беруний, Ибн Синолар ҳукмдорни файласуф бўлишга даъват қилган бўлсалар, Навоий ўз асарларида Ҳусайн Бойқорони «дарвеш-шоҳ» бўлишга унданган. Ўша замонда дарвешлар деганда кўпроқ сўфийлар, тасаввуф аҳли тушунилган. Уларнинг яратувчилиги, аввало руҳий огоҳлик, маънавий поклик тимсолларини ўзларида жонли тажассум этишлари билан боғлиқ бўлган. Шу боис улар — маъно (яъни, Ҳақ моҳиятидан огоҳликка интилиш) ва сафо (покликка, маънавий қусурларни енгигб ўтишга жаҳд қилиш) аҳли сифатида улуғланганлар. Алишер Навоийнинг асл дарвешлар — маъно ва сафо, зиё ва ишқ аҳли — ҳақидаги мукаммал китоби «Насойимул-муҳабbat мин шамоимул-футувват»dir. Биз ҳануз унинг тўлиқ нашридан умидвормиз.

Деҳқон ва зиёлидан ташқари яна икки асосий ижтимоий тоифа мавжуд бўлиб, улар ҳам жамият учун зарурыйдир. Бири — барча ижтимоий соҳалардаги ташкил этувчилар, иккинчиси — қосиб-хунармандлар, яъни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардир. Ташкил этувчилар гурухи ўз табиатига кўра, то қадим дунёдаги қабила бошлиғидан тортиб, ўрга асрлардаги шоҳ ва сultonлар, янги даврдаги буржуа синфигача кўпинча ҳукмронлик мавқенини эгаллаб келганлар. Навоий бу табақа вакилларини биринчи бўлиб таърифлайди: сultonлар, беклар, ноиблар, вазирлар, садрлар, шайхулислом ва қозилар, лашкарбоши ва ясовуллар... Буларнинг аксарияти мутафаккир шоирнинг аччиқ гиналарига сазовор бўлади. Уларсиз жамият тўқис эмас, аммо уларнинг «ташкил этиш» усуслари давр тақозоси ва ҳукмронликнинг мураккаб ботиний қонуниятлари таъсирида ўта жоҳил ва аёвсиз шаклларда намоён бўлар ва шу сабабли Навоий сингари орифлар ва меҳр аҳли дилида изтироблар уйғотар эди.

Адид асарида «бозор қосиблари» ва ўзга ҳунар аҳлини ҳам аямайди. «Бозорда савдогар қосиб — Тенгрига хоин ва ваъдага қозиб (ёлғончи). Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингта тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ зарра ўёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлиқ ва ваъдага вафо аларға бадкирдорлик...» Кўриниб турибдики, Навоий қосибни бозорда,

иқтисодий муомалада тасвир этмоқда. Бу ерда у хусусий мулқор, ушбу ҳолатда унинг савдо гардан, сармоясини кўпайтириш ғамида юрган корчалон (бизнесмен)дан фарқи йўқдир. Хунар аҳлиниң дехқондан фарқи — у яратувчи сифатида она-табиатдан узилиб қолганлигидир. У табиат билан эмас, бозор билан боғлиқ, бозорда ҳамма нарса нисбий, ё сен алдайсан, ё сени алдайдилар. Дехқон эса табиат билан мулоқотда, табиатни алдаб бўлмайди, охир-оқибат ўзинг алданиб қоласан. Бу билимни дехқон ва чорвадор минг йиллик амалий тажрибаси билан чукур ўзлаштирган.

Яратувчи косиб, хунар аҳли ўз пухта маънавий асосини ишлаб чиқмаган, инсонлик моҳиятини англаб етмаган бўлса, оддий бозор товламачиси даражасига тушиб қолиши ёки хонавайрон бўлиши ҳеч гап эмас. Сабаби — инсон табиати ҳам барча воқелик ҳодисалари сингари ички мураккабликка эгадир. У бир тарафдан ҳайвонот оламига, иккинчи томондан Ҳаққа, борлиқнинг маънавий моҳиятига тутащдир. «Лисон ут-тайр»да таъкидланишича, инсон жисмида тўрт бир-бирига зид моддий унсур бирлашган, дили эса ҳақиқат асрорининг ганжинасиdir. Ҳайвонларнинг ҳар қандай тоифаси, аввало қориннинг қули, қолаверса ўз наслидан авлод қолдириш вазифасини, табиат буюрган вазифани бажаридилар, яна бир-бирига емиш бўладилар. Инсонда ҳам ҳайвонларда бўлган барча табиий эҳтиёжлар мавжуд. Агар инсон ўз ақлини маърифат зиёси билан ёритмаса, яратувчилик вазифасини адо этишга онгли муносабатда бўлиб, астойдил шуғулланмаса, дилида ўзгаларга меҳр-шафқат туйгуси ёлқинланмаса, у икки оёқли маҳлук, қориннинг қулидир.

Инсонга ақл Ҳақни таниш учун берилган. Агар ақл вазифасидан адашса, дорилик учун мўлжалланган жавҳардан заҳар сифатида фойдаланиш каби ҳолат вужудга келади. Заҳар вазифасини бажара бошлаган ақл қурдати бутун инсониятни заҳарлашга қодирдир. Ўтмиш «лисон-ул-файб» эгаларининг асосий фаолият мазмуни ушбу фалокатнинг олдини олишга қаратилган эди.

Б. ФУТУВВА АҲЛИ

Собиқ шўролар даврида биз соғ материализм ва жанговар атеизм позицияларида событқадамлик кўрсатиб, аждодларимиз меросидан ҳам даҳрийлик унсурларини қидирар эдик. Мўлжалимиизга бир оз мос келади-

ган фикр ё жумла топсак, уни ҳар томонлама кўз-кўз қиласардик. Бордию аксинча бўлса, уларни оммавий нашрлардан тушириб қолдира, мураккаб ўринларни кўриб-кўрмасликка олиб ўтиб кетар эдик. Мустақиллик шарофати туфайли исломга кўнгилли маънавий қайтиш жараёни ривож олиб, биз ҳам буюк аждодларимиз асарларидаги динга алоқадор ўринларга айрича аҳамият бера бошладик. Ўтмиш алломалар учун ўз-ўзидан табиий бўлган эътиқодлилик кўзимизга тўтиё бўлиб, «Мана фалончи ҳам эътиқодли мусулмон бўлган, Оллоҳга муножот этган», деб таъкидлаш бугун бизга фаҳр туйғуси баҳш эта бошлади. Тасаввуфни улуғлаш, барча ўтмиш алломаларимизнинг мутасаввуп эканлигига эътибор қаратиш ҳам ушбу жараённинг узвий қисмидир. Ҳар ишда меъёр тузук. Инсон табиати фақат руҳий дунёдан иборат бўлмагани сабабли, у агар тўлиқ моддий дунё эҳтиёжларини рад этса, ё бу фоний дунёни тарқ этмоғи, ё иккюзламачиликни, яъни риёкорликни касб этмоғи лозим. Аҳли футувва ушбу зиддиятни енгиб ўта олган жамоадир.

Футувва маънавиятини ўзлаштирган киши амалда яратувчи ва руҳиятда дарвешдир. Унинг ахлоқий жиҳатдан сифати — жавонмардлик, яъни саховатлилик, олийҳимматлик, камтаринлик, тўғрисүзлик, мардлик каби хислатларнинг узвий яхлитликда намоён бўлишидир. «Бу гуруҳ меҳнат билан топган нонини бойлик деб билгай», деб ёзади Унсуралмаолий Кайковус. Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат мин шамоимул-футувват» асарида тилга олинган машойих ва авлиёнинг ҳаёт тарзидаги асосий хусусиятлардан аввали уларнинг ҳар бири бир касб билан машғул бўлиб ҳалол меҳнатлари ҳисобига рўзгор тебратишларидир: Абу Сайд Ҳарроҳ — этикдўз, Муҳаммад Саккок — пичоқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод — темирчи, Абулаббос Омилий — қассоб, Иброҳим Ожирӣ — гишт қуювчи, яна бирлари ҳаммол, бошқалари наjjор, ҳеч бўлмаса, ўтин ташувчи ва ҳоказо.

Ҳунар аҳлининг икки қиёфаси бор: бири жамият учун зарур ашёни яратишда намоён бўлса, иккинчиси бозорда ясаган буюмини пуллашда кўринади. Агар кошибининг яратувчилиги фақат моддий эҳтиёжларни қондириш учун заруратан ижро этилса ва у ўз инсонлик моҳиятини, бинобарин, Ҳақни англаб етмаган бўлса, уни бозор фойда излашга ўргатади, олибсотарликка, ўзгаларнинг соддалиги ва ҳалоллигидан фойдаланиб

имкон борича ўз ўчоғига күл торғышга одатлантиради. Асли бозор муносабатлари ҳукмронлиги ўзи ҳам инсониятнинг камолот сари интилишида бир босқич, жамиятни ташкил этишда ҳарбий ва сиёсий зўрлик ишлатиш усулидан иқтисодий муносабатлар йўлига ўтишдир. Бозор ҳар бир инсонни ҳушёрикка, фурсатни беҳуда ўтказмасликка ўргатади. Аммо агар жамиятдаги тури тоифалар ўзлигини англаб етмаган бўлсалар, бозор корчалонларининг танҳо ҳукмронлиги инсониятни разолатдан қутқармайди, табиатни эса ҳалокат сари элтиши мумкин. Буни унутмаслигимиз керак. Шу жиҳатдан қараганда, аждодларимиз бизга қолдирган табаррук мөрос — футувва ахлоқи — яратувчилик меҳнатини руҳий камолот билан уйғунлаштириб, инсон табиатидаги мөддий ва маънавий жиҳатлар мавзунлигини таъминлашга қаратилгани билан ибратга сазовордир.

В. САВДОГАРЛИК КАСБМИ?

Навоий ҳақиқий савдогарни (тижорат аҳли) олиб-сотарлардан фарқ қиласди. Савдогар ҳалол ризқ топаман деб узоқ, машаққатли йўлларни босиб ўтади, яъни у инсон жамоалари аро иқтисодий муносабатларнинг ташкилотчисидир. Бир юртдаги маълум ашёларнинг ортиқча серобгарчилиги ва қадрсизлиги олдини олиб, ўзга юртдаги камёбгарчиликка барҳам беради, иқтисодий мувозанатни таъминлади. Бу касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва завқлари бор. Аммо тожир бошида «бирни юз қилиш савдоси ва бўзни шойига айлантириш таманноси» бор. Шаҳар олибсотарларида эса ушбу ҳирс буткул инсоф ўрнини эгаллаб олган. Демак: ҳунарманд яратувчилигини унутса ва савдогар ўз ижтимоий вазифасини адо қилмаса, ҳар иккиси ҳам бозор товламачи-сига айланади.

Янги даврга келиб ҳунарманд ва савдогар янги жиҳатлар касб этди ва сармоядор билан ишчига айланди. Ишни ташкил этиш сармоя эгасининг вазифаси, тайёр иш қуролларида тайёр хомашёни қайта ишлаш ишчининг вазифаси бўлиб қолди. Албатта, XIX аср Европасидаги собиқ савдогар ҳануз «бирни юз қилиш» кайфиятини сақлаб қолган ва ишчига оз ҳақ бериб, ўзи кўп фойда олиш ҳаракатидан қайтмаган эди. Аммо ишчилар ҳам бу даврда аста-секин ўз ҳақларини таниб, бирлаша бошладилар ва сармоя эгаси билан кураш усуllibарини ишлаб чиқдилар.

Г. ЙЎҚСИЛЛАР ВА ИСТИБДОД

Пролетар диктатураси зўрликка зўрлик билан жавоб берувчи куч сифатида пайдо бўлди. Йўқсиллар янги жамият барпо этиш йўлидаги асосий тўсиқ эзувчилар синфи ва хусусий мулк муносабатлари деб билдилар ва уларнинг йўқ қилиниши барча мушкулни ҳал қиласи деб ўйладилар. XIX аср Европасида ушбу кайфиятларни акс эттирувчи қатор назариялар пайдо бўлиб, уларнинг авж нуқтаси Карл Маркс ва Фридрих Энгельс қарашла-рида намоён бўлди. Россияяда бу қарашларнинг оддий саводсиз ялангоёқ (пролетар) онгида қандай талқин топиши мумкинлигини буюк истеъдод ва фожеъ тақдир эгаси Андрей Платонов «Чевенгур» романида бадиий ифодалаб берди.* Асар қаҳрамони Чепурний йўқсиллар қурмоқчи бўлаётган «адолатли» жамоанинг асосий ху-сусиятини аниқ ифодалайди: «Чевенгур мулк йигмайди у мулкни йўқ қиласи». Улар ташкил этган коммунанин таянч гояси: «Йўқсиллар бошқа синфларсиз ёлгиз яша-са, коммунизм ўз-ўзидан пайдо бўлади». Бу жуда хавф ли хаёлпарастлик эди, шунинг учун Платонов сингари соғдил ва андишлиси санъаткорлар уни алоҳида бўргти-риб акс эттиридилар. Афсуски, уларга қулоқ соладиган одам бўлмади. Сталин диктатураси пролетар диктатура-сининг қонуний ҳосиласи эди, биз бугун бир ижтимоий гурух ҳатосини бир ёки бир неча шахс бўйнига юкла шимиз асло инсофдан ҳам, адолатдан ҳам эмас ва бу ўтмиш тажрибасидан тўғри хуносалар чиқаришимизга ёрдам бермайди. Ленин йўл қўйилган ҳатони вақтида сезиб қолиб муайян чегарада ислоҳ киритишга ҳаракат қилган бўлса ҳам, танланган йўлнинг умумий мантиқи буни кўттармади: кўпчилик большевик арбоблар зўрликни ва бутун жамиятни пролетарлаштиришни янги жамият қуришнинг ўзак омиллари ҳисоблар эдилар. Бухарин ёзади: «Пролетарча мажбур қилиш (пролетарское принуждение) ўзининг барча шаклларида — оммавий отиб ташлашлардан тортиб мажбурий меҳнатгача (трудовая повинность) — қанчалик ақлга хилоф кўринмасин, барибир капитализм даврида шаклланган инсон ашёсидан (человеческий материал) коммунистик инсо-ниятни барпо этишнинг асл усулидир». «Қайта қуриш» пайтида баъзилар Сталинга Бухаринни қарама-қарши қўймоқчи бўлишди. Балки, уларнинг бири маккорроқ, иккинчиси самимирироқ бўлгандир ва шу сабабдан жабр кўргандир. Аммо танланган йўл моҳиятда бир эди, буни

тан олмоқ керак. Биз шу кунгача ишчининг меҳнаткаш — яратувчи эканлиги, уюшган ва жанговар синф эканини таъкидлаб келдик. Дехқонга ҳам, зиёлига ҳам ишчини ўрнак қилиб кўрсатдик. Бу билан ҳам чекланмай миллионлаб дехқонларни совхоз, яъни давлат хўжалиги ишчиларига айлантиридик. Барча зиёлиларни давлат хизматчисига, умумдавлат машинасининг мурвати ва фидиракчаларига айлантиридик. 30-йиллардаги зўраки колективлаштиришдан сўнг ялпи пролетарлаштирилган жамият социализм деб эълон қилинди, барча «шаккоклар» ёки шундай гумон қилинганлар, том маънода қириб ташланди. Аслида эса бизда ижтимоий адолат тимсоли ҳисобланган тузумнинг зидди қурилган эди.

Ишчининг ихтиёри ўзида эмас. Мажбуран пролетарлаштирилган барча мамлакатларда шундай бўлиши табиий. Ҳатто давлат хизматчисининг ҳам аҳволи шу, чунки у юқоридан туширилган бўйруқни бажаради. Агар виждони буюргандек иш олиб бормоқчи бўлса, ютқазади, чунки маош виждон ўлчовлари асосида тўланмайди. Ишчига ҳам онг ўлчови билан ҳақ берилмайди — неча милтиқ ёки бомба ясаганига қараб маош белтиланади. Энди давлат хизматчisi, ижодкор зиёли, дехқон — барчasi ягона пролетар идеологияси, ягона пролетар сиёсати, ягона пролетар иқтисодий системасига бўйсуниши зарурий ва мажбурий бўлган жамиятни ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Советлар даврида доимо коммунистик партия ишчилар, дехқонлар ва зиёлиларнинг муштарак манфаатларини ҳимоя қиласди, деб даъво қилиб келинди. Ҳатто охирги XXVIII съезд дастурий баёнотида ҳам бу қайд этилган эди. Асли на назарий, на амалий жиҳатдан бу даъво тўғри эмас эди. Коммунистик партия эътиқоди ва амалий йўналишига қўра (биз тоталитар тузум ва риёкор партноменклатурани эмас, соф тоявиј йўналишни назарда тутмоқдамиз, чунки тоталитаризм ва номенклатура тоянинг амалдаги ҳосиласидир), ишчилар синфи нинг муайян қисми — йўқсил ёлланма меҳнатчилар ва социал ҳимояга муҳтоҷ бўлган кишилар манфаатини ифодалаб, ўз назариясида уларнинг радикал қарашларини ифода этади. Бугунги янгиланаётган Россияда, афсуски, вазият тубдан ўзгариб ултургани йўқ, ҳануз йўқсил ва муҳтоjlар етарли. Шу сабабли у ерда коммунистик партия ижтимоий мавқеи ва омманинг муайян қисми орасидаги таъсирини тўлиқ йўқотган эмас. Ва-

зиятнинг мураккаблиги шундаки, Россия воқелигидаги ҳозирги оғир аҳволнинг асли сабабчиси коммунистик партияning собиқ яккаҳокимлиги бўлгани ҳолда, бугунги коммунистлар энди оппозицияда туриб, яна бошқаларни айблашга уринмоқдалар. Албатта, ишчилар — меҳнаткаш синф, шу сабабли унинг илтори (соғ фоя даражасида олганда) бошқа меҳнаткаш гуруҳлар манфаатини ҳам маълум даражада, яъни йўқсил ёлланма меҳнатчилар манфаатига мос келган ҳолларда ифодалиши мумкин. Мос келмаган ўринларда-чи? Шўролар ҳокимиюти тарихи дехқонлар ва зиёлилар ҳар доим камситилиб, чекланиб келганини кўрсатади. «Коллективлаштириш»да неча миллионлаб дехқон очликдан ўлди, хонавайрон бўлди, чунки улар ёлланма ишчи эмас, хусусий мулқдор эдилар. Октябр тўнтаришидан кейинги 70 йил ичидаги неча юз минглаб зиёлилар «халқ душмани» тамфаси билан қатл этилдилар, миллионлаб авахта ва сургуналarda жафо чекиб, яна қанчалари ватангандо бўлдилар. Бу жараён 1917 йилдан 1987 йилгача тўхтосиз давом этиб келди ва унинг асоратлари собиқ СССР ҳудудида, айниқса, Россиянинг ўзида, ҳануз тўлиқ бартараф этилгани йўқ.

Д. БОБОЛАР ВАСИЯТИ

Хуллас, миллатлар йўқ бўлмаганидек, турли ижтимоий тоифалар ҳам ҳаётда йўқ бўлиб кетмас экан. Уларни расман бекор қилиш мумкин, тақиқлаш мумкин, қириб ташлаш мумкин. Аммо улар бошқача бир қиёфада яна пайдо бўлаверади, фақат беҳуда қурбонлар кўпаяди, жамият ривожида оғишлар юз беради, нотўғри шакллар (мутантлар) яралиши мумкин. Бундай хавфли ва қонли «тажриба»лардан инсоният наф кўрмаслиги аниқ бўлди. Танҳо бир синф, танҳо бир дунё қараш, танҳо бир эътиқоднинг яккаҳокимлигини ҳар қандай усул билан таъминлашга уриниш ниҳоятда мудхиш, аммо, шукурлар бўлсинки, воқеликда имкондан ташқари хәёл экан, инсоният бу тажрибани ҳам, бир бўлсада, бошидан ўтказди. Инсониятнинг ўз-ўзини англаб этишида балки бу ҳам зарурий босқич бўлгандир.

Аждодларимиз кўп марта таъкид этганларидек, Ҳақиқат ягона, аммо унга элтувчи йўллар ҳад-худудсиз. Биз инсонлар энди маълум даражада камолга эришганимизни намоён этайлик: ҳар қайсимиз ўз йўналиш, ўз дунё қарашимизда имонимиз собит бўлсин, бироқ шу билан бирга бизнинг йўлдан юрмаган, бизнинг қўзимиз

билин дунёга қарамаган кишиларни душман деб ҳисобламайлик, уларни ҳам тушунишни, ҳеч бўлмаганда тоқат қилишни ўрганайлик. Оллоҳга минг шукурки, миллий маънавиятимиз анъаналарида бу удум ҳам мавжуд.

Дунё ранг-баранг. Ундаги ҳар жисм, ҳар ҳодиса, ҳар шахс, ҳар гуруҳ ўз мустақил суврат ва сийратини на-моён этади ва бу дунё гўзалигининг заминидир. Бу ҳуснни, тароватни, моҳиятни кўра билмоқ инсон учун баҳтидир.

Ўзбек эли тоифалар, ижтимоий гуруҳлар нисбатида дехқонни мўътабар тутмоғи тарих ва макон тақозосидир. Шоҳ ва дарвешни тенг тутмоқ ҳам аждодларимизнинг табаррук анъанаси бўлиб келган. Иқтисодда бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз. Бечора ишчи коммунистик ғоядан баҳт қидириб кулфатга, ҳурлик истаб қулликка дуч келди. Бозор тимсоли тарозу, анъанага кўра адолат тимсоли ҳам тарозу бўлиб келган. Фарб жамиятларида ҳар ким ўз фойдасини ўйлашидан умум манфаати шаклланиб бормоқда. Тадбиркор фаросат ишлатиб, даромад олса, ош бўлсин, иқтисод ташкилотчилари саъй-ҳаракатларига яраша ҳосилга, ҳурматга эга бўлсинлар. Бугунги мустақил Ўзбекистонда тадбиркор ҳам, зиёли ҳам ўз илфорини, мустақил сиёсий намояндасини шакллантириб, ҳукуқларини мустақил ҳимоя қилиш томон бормоқдалар. Дехқон аҳли ҳам бугунги кун талабларига мувофиқ тадбиркорлик хислатларини касб этиб бормоқда. Ижод кишилари мустақил уюшмаларини ўзлари бошқариб боришга ўрганмоқдалар. Фақат аҳли футувва анъаналарини унутмайлик, ўтмиш боларимиз васиятини ёдда тутайлик.

Жамиятимиз турли тоифалар, турли диний эътиқод вакиллари, турли ёшдаги, турли қизиқишлиарга эга бўлган инсонлардан иборат. Аммо Ўзбекистон ягона ва кимки ўз келажаги, ўз тақдирини ушбу Ватан билан боғлаган экан, мамлакатимизнинг юксалиши, эл фаронлигининг ошиши барчамиз учун, ҳар бир шахс учун шахсий ютуқдир. Зиёлиларимиз, турли раҳбарлик бўғинида сидқидил жон кўйдираётганлар ушбу фикрни ёшу қари онгига сингдирив бормоғи ҳам фарз, ҳам қарз.

15 - ф а с л. Зиёли масъулияти

Ўзбекнинг сўзи чиройли. Зиёли. Рус тилида «интеллигент» дейилганда, кўпроқ ўша шахснинг билим доиласи, тафаккури, қолаверса, маданийлик даражаси на-

зарда тутилади. Зеро, «интеллигент» атамаси «интеллект», яъни ақл билан боғлиқ ва демакки, аслида ўзбекларнинг «оқил», «ақл эгаси» деган сўзлари билан муқобилдир. Аммо чинакам зиёли фақат ақл ва билим эмас, қалб ва эҳтирос эгаси ҳам бўлмоғи зарур.

У ориф ва ошиқ бўлсагина бутун вужуди, хатти-ҳаракати, ижодий фаолияти билан атроф-муҳитга зиё, эзгу нур тарата олади. Зиёли — теран ақл ва ҳассос қалб эгаси — Маърифат ва Муҳаббат ёдудларининг сарчашмасидир. Биз 70 йиллик йўқосилар истибоди давомида мураккаб ички курилиши инсонлар жамоасини зўрлик билан жўнлаштиридик, моҳиятан сийқалаштиридик. Савдогарни йўқотиб ўрнига олибсотарни шакллантиридик, косиб-хунармандни фабрика-заводнинг безабон қулига, «парраги» ва «винти»га айлантиридик, эркин саноатчи ўрнига қоғозбозликни дўндириб, йўқни оғизда йўндириувчи лўтгибоз «раҳбар»лар силсиласини вужудга келтиридик. Бизнинг жамиятимиз расман уч ижтимоий гуруҳдан иборат бўлиб қолди: ишчи, деҳқон, «хизматчи». Яъни зиёли асл мавқеини йўқотиб, таҳдид ва тазиқ остида мажбуран пролетар диктатурасининг «хизматчи»сига айлантирилди. У энди «халқ номидан» ўз ҳушига келганини амалга оширувчи мустабид давлатнинг дастёри, удайчиси, малайи бўлишга маҳкум этилди. Бу «тақдирга» ўзи «тушуниб» бўйинсунмаганлар отилди, кесилди, томири куритилди. Зиёлисини йўқотган халқ аста-секин манқуртга айлана борди.

Хизматчининг бош хусусияти — хўжайнинг ҳар қандай буйруғини қулоқ қоқмай, дўндириб бажариш. Шунда у намунали хизматчи бўлади. Ўзининг кўнглига келганини қиласиган хизматчининг кимга кераги бор?

Зиёли эса...

Дарвоқе, зиёли халққа хизмат қилиш керак, деган ақида томир-томиримизга сингиб кетган. Дарҳақиқат, шундайми? Халқ ўзи ким? Мустақилликгача 70 йиллик «жонажон» совет ҳукумати, «доно» партия қўрсатган йўлдан оғишмай қадам ташлашни билдирамасмиди — «халққа хизмат» дегани?

Совет тарбиясини олган онгимизга номақбул эшилса ҳам, очиқ айтадиган пайт келди — зиёли аввало Ҳаққа, Олий Ҳақиқатга хизмат қилиши керак. Агар у Олий Ҳақиқатга интилмаса, халққа ҳам нафи тегиши қийин. Бирор-бир маҳлуққа қилинган хизмат эса халқ-

қа хизмат саналмайды, хоҳ түгри маңнода бўлсин, хоҳ мажозий.

Зиёли Ҳақиқатни севиши, ёниқ дил билан тинимсиз унга талпиниши, унинг хаёли билан яшамоги лозим. Шундагина ўзидан зиё таратиб, инсонлар йўлини ёрита олади.

Баъзи ўқиганлар бу сўзларни муболага деб билар, «жа ошириб юборибди-ку» дер. Асли ундан эмас. Форобий ва Ибн ал-Арабий ҳаётда яшаб ўтмаганми? Алишер Навоий хаёлимиздаги шахсми? Албатта, булар — ниҳоятда буюк сиймолар. Аммо кўнглига Зиё аҳлидан ақалли бир учкун сараган инсон ўзига қулоқ солиб кўрсин — сира юраги орзиқиб улуғ бир моҳият сари интилмаганмикан? Олий бир Ҳақиқатни изламаганмикан? Агар бундай хаёл кўнгил қўчасидан лоақал бир марта ўтмаган бўлса — у сўймасдан уйланган аёлинни уйида беҳуда банди қилиб ўтирасин, бошқа касб қилсин, Зиёліман демасин. Олий маълумотли бўлса — минг раҳмат, тирикчилигига яратсан, аммо кун кечиришнинг бошқа йўлини қидирсан, ишбилармон бўлар, малакали ишчи бўлар, хизматчи бўлса ҳам ихтиёри.

Зиёли бу — врач, муҳандис, муаллим, тадқиқотчи, тарбиячи, ер илмининг билимдони. Агар унинг қалбida Ҳақ жой олмаган бўлса, Ҳақиқатга меҳри товланиб турмаса, у беморга шифо ато эта олмайди, мурғак ақлга билим зиёсини сингдира олмайди, одоб бера олмайди. Унинг муҳандислиги ҳам бир пул, ерни эса у ўлдиради. Олий Ҳақиқатни изламай туриб кичик ҳақиқатларни топиб бўлмайди, чунки Ҳақиқат — битта, биз эса унинг баъзи жузъий қирраларинигина пайқай оламиз, агар астойдил Асл ҳақиқатни қидирсак.

Араблар «қидирган — топади» дейишади. Пулни қидирган врач уни топади. Аммо ундан бемор шифо топиши даргумон. Агар шифокор ўз йўлидан бориб Ҳақиқатни қидирса, у жуда кўп эҳтиёжмандларга нафи тегиши мумкин. Шоир ёки олим турли унвонларни алвон усувлар билан қўлга киритиши мумкин, аммо Ҳақиқатга ташналик бўлмаса, улар ёзган жилд-жилд китоблар фақат қофоз исрофгарчилигига олиб келади, холос.

Асли бу гаплар — маълум гаплар. Аммо яқин ўтмишдаги чалкаш замонда турли ёлғонлар билан қоришиб кетганлигидан бугун аллақачон аён бўлган ҳақиқатларни яна ойдинлаштириб олиш эҳтиёжи сезилмоқда.

Зиёли — маънавиятли инсондир. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай касб эгаси, барча тоифа вакиллари зиёэгаси бўлиши мумкин. Ҳатто ҳат-саводи бор-йўқлиги ҳам муҳим эмас. Маълумки, ҳазрати Расулиллоҳ ҳат-савод соҳиби бўлмаганлар. Неъмат Аминовнинг падари бузруквори — оддий темирчи касби билан юртга танилган ёзувчи-ўғлига кўп ўринда ибрат бўлиб келган.*

Баъзан оддий деҳқон учун маълум бўлган сир-синоат олий маълумотли агроном тасаввуридан ташқари бўлади. Маънавий камолот йўли ҳеч бир одам боласига, ҳеч бир тоифа намояндасига қатағон этилган эмас. Шундай экан, маънавият зиёси билан қалби нурланган ҳар бир инсонни зиёли дейиш мумкиндай кўринади. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда ҳеч бир тоифа қатъий ўзгармас гуруҳни ташкил этмайди, сафлар доим ўзгариб туради. Инсонларнинг табиати, маънавий қиёфаси ва касби доим ҳам ўзаро мувофиқ келавермаслиги маълум, ҳаёт мураккаб. Бироқ, барибир, ҳар бир шахс ҳар бир тоифа вакили бошқа тоифага ўтиб кетиши осонликча кечмайди ва йўқотишларсиз бўлмайди. Масалан, юксак маънавиятли деҳқон ёки ҳунарманд зиёли тоифасига ўз-ўзидан ўтиб қолиши қийин. Зиёли — олим, ориф, устоз-муаллим. Албатта, барча олий маълумот ҳақидаги дипломга эга бўлган кишини зиёли деябериш ҳақиқатдан ўзини оқламаслиги мумкин. Аммо тадқиқотчи ёки муаллим бўлиш учун табиий истеъододнинг ўзи кифоя қилмайди, муайян билимлар мажмунини ўзлаштириш талаб этилади. Масалан, деҳқон ёки ҳунарманд сифатида юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган одам муаллимлик ёки тадқиқотчиликка даъво қилабошласа, бунда ўтиш жараёни осон кечмайди. Ҳаётда шундай ҳодисалар кузатилганки, яхши педагог ёки олим ўз соҳасида сал юқори лавозимга кўтарилиши билан маънавий қусурлар пайдо қила бошлайди. Олим ёки устоз сифатида ҳамма унга ҳавас билан қараган бўлса, раҳбар сифатида одамларда норозилик уйғонишига сабаб бўлади. Ёки жуда яхши хонанда тадқиқотчилик даъвоси билан чиқиб, мутахассисларнинг энсасини қотириши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳаётда кўп учрайди. Қисқаси, ҳар бир инсоннинг маънавияти унинг табиати, касби, ижтиёмий мавқеи билан бевосита боғлиқ ва шу маънода бетакрордир. Инсон ўз табиий камолотида ёши ўтган сари улғайиб, ўзгариб борганидек, ўз касб соҳасини, йўналишини ўзгартирмоқчи бўлса, бунинг учун муайян тайёргарлик кўрмоги, янгидан янги сифатлар, фазилат-

лар касб этиб бормоги тақозо этилади. Инсон туғилгандан улуғ аллома ёки мумтоз адигба айланиб қолмайды. У оддий ишчи ёки деҳқон сифатида ҳаёт йўлини бошлиши мумкин. Агар ёши улгайтан сари ўзида истеъод, ички қувват ва интилиш сезса, илмий ёки бадиий ижод йўлига аста-секин ўтиб боради. Аммо ҳар қанча қобилият бўлмасин, бутунги ишчи эртага жиддий тадқиқотчига, ёки деҳқон бир йўла мумтоз адигба айланиб қолиши қийин, бунинг учун муайян билимлар, кўникмалар ҳосил қилиш, шунга яраша муайян фазилатлар соҳибига айланиш талаб этилади. Бу — оддий жараён эмас.

Шундай экан, зиёли тоифаси умуман маънавият эгасини эмас, одатда ҳаётнинг муайян соҳасига бевосита алоқадор ижтимоий гурӯҳни билдиради, десак маъқулроқдир.

Улар моҳиятган ҳаётда етакчи, таъбир жоиз бўлса, ҳодий вазифасини ўтайдилар. Бунинг учун муайян ирсий қобилият, табиий мойиллик, истеъод лозим. Совет даврида русча машҳур ибора пайдо бўлган: «Незаменимых людей нет». Бу мутлақо нотўғри фикр, бу фикр ҳаётни конвейер тасмаси сифатида тасаввур қилишга асосланган, ҳаётда ўзлигини топмаган, бани одам хилқатини асли моҳиятида англамаган одамларнинг қараши. Ҳаётда ҳеч бир инсон ўзгасининг ўрнини тўлиқ боса олмайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаётдан кўз юмиши маънавият ўлчовларида инсоният учун мутлақ йўқотиш бўлади. Зиёлиларга нисбатан бу мумтозлик хислати айниқса хосдир.

Президентимизнинг зиёлиларни эъзозлаш ҳақидаги қарашлари шу жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Йўлбошчимиз айниқса, замонимизнинг аллома шоири Fafur Fулом таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш оқшомида сўзлаган самимий нутқида бу масалага алоҳида ургу берган эди. Ижод аҳлига лозим шароитни яратиб бериш «буюк давлатнинг асосий талабларидан» ва «давлатнинг ўзини дунёга машҳур қилишнинг асосий шарти» деб қаттиқ таъкид этилади бу маърузада. И.А. Каримовнинг қатор маърузалари мазмунида яна бир мулоҳаза англашилиб туради. Биз яқин ўтмишимиз, аниғи, «совет даври»да юзага келтирилган маънавий меросдан асло воз кечишимиз, унга менсимай қарашимиз мумкин эмас. Ҳамза ва Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон ва Fafur Fулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳдор

адабий мероси ўзбек халқининг маънавият ҳазинасидан муносиб жой олгандир. Албатта, улар ижодида замона-созлик ҳам, бадиий меъёрга етмаган баъзи асарлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бадиий салоҳияти, ўзбек халқи ва Ватанга меҳри, халқ маънавий камолоти учун қўшган ҳиссаси беназир эканини фахр билан тан олсак арзиди. «Совет даври» деб аталган 70 йиллик мураккаб тарихий жараён давомида миллий зиёлиларимиз ҳар бири ташқи имкон ва ички салоҳият даражасида халқ қўнглини ўстириб, маънавий оламини бойитиб келдилар, биз буни эътироф этишимиз ва миннатдорчилик билан улар иззатини жойига қўйиб, асарларини янгича нуқтаи назар билан қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Умуман, большевиклар одатини такрорлаб, бу — мутараққий, нариги — мутаассиб ёки реакцион деб тамға босиш инсофдан ҳам эмас, илмга ҳам мувофиқ эмас. Ҳар тўқисда бир айб. Биз фазилатни кўра билайлик.

Зиёлининг мулкка муносабати, унинг моддий таъминоти масаласи алоҳида таҳдилни талаб қиласди. Зиёли агар бир пайтнинг ўзида ишбилармон ҳам бўла олса, қандини урсин. Аммо бундай қобилият бўлмасачи? Фақат бир нарса аниқ — Ҳақиқатни қидирган Зиёлисини кундалик қорин тўйдирниш ташвишларига банд қилиб қўйган жамият манқуртликка маҳкумдир, хоҳ пролетар истибоди аталсин, хоҳ бозор иқтисоди. Дарвоқе, ушбу муаммонинг қандай ҳал қилиниши ҳам яна зиёли тоифасининг ўзига боғлиқ. Бу муаммонинг баъзи долзарб жиҳатлари ҳақида юқорида «Маънавият ва бозор» нисбати муносабати билан бироз тўхтаб ўтилди.

Маркс ҳам олим сифатида интелигенция тоифасига мансуб эди. Аммо давр руҳига берилиб, даҳриёна йўналишда қарама-қаршиликлар орасидаги аёвсиз кураш гоясини тараққиётнинг асоси деб исбот этишга уринди ва натижада, биринчи навбатда, зиёлилар тоифаси манфаатларини зарба остига қўйди. Чунки зиёлининг бош фазилати кураш эмас, Ҳақни излаш, Ҳақиқатни англаб этишга, Борлиқни, жумладан, инсонни тушунишга уриниш. Кураш — ҳарбийлар иши, қурол билан иш кўрувчилар шиори, у бузгунчилик сари йўналгандир, ҳар ҳолда файласуф учун мос иш эмас. Зиёли инсониятни бирлаштирувчи кучdir, инсонларни қарама-қарши

қутбларга бўлиб ташлаш ғоясини олға сурган ақл эгаси — таназзулга юз тутган бемор жамиятнинг руҳияти адашган фарзанди бўлиш мумкин, холос, асл маънодаги зиёли эмас.

А. РАҲБАР ХОДИМ МАЪНАВИЯТИ

Инсоният сулолаларо таҳт талашувлар, диний ниғоқлар, мафкуравий жанжаллар, ижтимоий инқилоблардан чарчади, тўйди. Курраи замин даҳшатли ялпи қирғин қуролларига тўлиб кетди. XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, жаҳон ҳамжамияти ўзаро душманлик йўлидан муроса ва ҳамкорлик йўлига ўта бошлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро нуфузи ўсиг бормоқда. Коммунистлар яқин ўтмишда бу ташкилот аъзоларини ҳам икки қутбга бўлиб ташлашга уриндилар, аммо натижа улар кутгандек бўлмади. Ривожланган мамлакатларда аста-секин олий раҳбарлик лавозимлари ҳарбийлар қўлидан интеллигенция тоифаси вакилларига ўтиб борди. Қатор мамлакатларда ҳатто мудофаа масалалари ҳам касби ҳарбий бўлмаган кишилар қўлига топширилмоқда. Бу жуда ижобий тамойил сифатида баҳоланмоғи керак. XXI аср жамияти, иншооллоҳ, инсонни тушуниш, муроса, аҳиллик ва ҳамжиҳатликка таянган жамият бўлса; инсонлар, ижтимоий тоифалараро муомалада қаҳр эмас, меҳр йўналиши устунлик қиласа.

Башарият ҳаётида илм ва ижоднинг мавқеи ошиб борган сари, зиёли тоифасининг сафлари кундан-кун кенгайгани сайин, ижтимоий ҳаётда ҳам куч ўрнини ақл, зугум ўрнини фаросат эгаллаб бораверади. Сиёsat майдонида авторитар ва тоталитар тузумлар касодга учраб, қонун устуворлиги, халқ ҳокимияти ва фуқаролар жамияти қудрат касб этиб борар экан, халқ йўлбошлиларига, раҳбар ходимларга бўлган талаблар ҳам ўзгариб бораверади.

Миллий маънавиятимизнинг қадим удумига кўра раҳбарнинг, юрт бошқарувчининг энг асосий фазилати — адолат саналган. Бугун ҳам шундай. Аммо бугунги давримизда адолат тушунчаси илгариги тасаввурлардан анча фарқ қиласи. Бугун воқеан адолатли бўлиш учун бир гуруҳ инсонлар жамоасини бошқариб боришни уҳдасига олган одамдан кўп нарса талаб этилади.

Яқин ўтмишда, халқымиз ўзининг неча минг йиллик миллий маънавий меросидан бегоналаштирилиб, файриинсоний даражада ақидапараастлик жаҳолатига ботган ёт мағкурага зуғум билан күл қилдирилган даврда, зиёли ва раҳбар ходимдан илм, иқтидор, ташаббускорлик ва маънавий камолот эмас, юқоридан туширилган ҳар қандай кўрсатмани сўзсиз бажариш, халқни қуллик итоатида тутиш талаб этиларди. Назарий билимлар даҳриёна ақидабозлик ва турли ижтимоий тоифаларни бир-бирига қарши қўйишдан нари ўтмасди. Бунинг натижасида халқ йўлбошчилари, ташаббускор раҳбарлар ўрнини ўзлигини мутлақо танимайдиган, миллий гурурни хиёнат деб тушунадиган, ўз тилини, халқ дилидаги юксак эътиқодни менсимайдиган манкурт тоифа эгаллаган, ҳассос лавозимларга асосан шундай шахслар тайинланиб келган эди. Халқни сиёсий ва иқтисодий қарамлика сақлаб туриш учун, маънавиятини буткул йўқотиш учун ўша давр ҳукмдорларига шундай тоифа хизматчилар керак эди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда вазият таомила ўзгарди. Мустақил Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёsat, айниқса унинг халқ маънавиятини юксалтириш йўлидаги алоҳида хизматлари китобнинг биринчи қисмида анча батафсил баён этилди. Раҳбарлик масъулияти ҳақида ҳам гапириб ўтилди.

Аммо юртни бошқариш, халқ осойишталиги, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун фақат олий раҳбариятнинг саъӣ-ҳаракатлари камлик қиласди. Президентнинг қатор нутқларида, айниқса Давлат ва жамият қурилиши академияси очилишида сўзлаган маърузаларида ўрта даражадаги раҳбар ходимларга бўлган эҳтиёж, фидоий ва тажрибали ташкилотчиларнинг камлиги, эски тузум етиштирган кадрларнинг аксарияти бугунги кун учун яроқсизлиги таъкид этилиб, мустақил юртни турли даражада ва йўналишларда бошқариб бора олиш учун биринчи навбатда нималар талаб этилиши батафсил баён этилган. Биз бу ерда уларни такрорлаб ўтирамаймиз.

Бугунги ҳассос шароитда юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни ҳаётга самарали жорий этиш, буюк келажакни яқинлаштириш учун бел боғлаб ишга киришган раҳбар ходимлар маънавияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида, албатта, маҳсус тадқиқотлар ўткази-

лади. Ҳозирча эса биз асосий мақсаддан чалғимаслик учун бир-икки енгил чизгилар билан кифояланамиз.

Жамиятдаги ўзга тоифаларга нисбатан зиёлиниң юки оғир. Аммо 4 нафар одамга раҳбарлик маъсулиятини уҳдасига олган кишига янада оғирроқдир. Зиёли олим бўлса, масалан, ҳаётни илмий асосда тадқиқ этади, шу асосда тавсиялар беради. Шоир ёки адаб бўлса, воқеликнинг муайян қирраларини бадиий тимсолларда акс этириб, ибрат йўли билан одамларга ижобий таъсир этишга уринади. Муаллим сабоқ беради. Аммо раҳбар қўл остидагилар тақдири учун масъулдир, уларни муайян йўлдан етаклаб, муайян амалий натижаларга эриштиришни уҳдасига олган. Агар йўл тўғри танланиб, натижага режага мувофиқ чиқса — барча жамоанинг ютуғи, аммо шундай бўлмаса-чи? Инсонлар умри, уларнинг ақли ва жисмоний қуввати, улар эришиши керак бўлган натижага кўз тикиб кутганлар умиди, қанча оила, ўғил-қиз, ота-оналар орзу-армони қархисида қандай жавоб бериш мумкин, қандай бош кўтариб юриш мумкин? Раҳбарлик — оғир савдо, мушкул юмуш.

Бугун бевосита давлат раҳбари, Президентимиз халқ маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизни бутун кўлами ва виқори билан тикилашга мунтазам жон кўйдириб келмоқда. Бу ҳақда қатор фармонлар содир этилиб, маҳсус тузилмалар ташкил этилмоқда, кўплаб маблағ ажратилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиди. Бундай шароитда раҳбар маънавияти ҳам устувор маъно касб этади. Чунки маънавият — раҳбарнинг жамият, халқ ва миллат олдидаги ички қоим масъулиятини таъминловчи энг бош омил, таянч нуқтадир. Маънавий огоҳ ва баркамол бўлмаган инсондан Ватани ва халқига холис бир яхшилик умид қилиш қийин.

Академияда йўлга қўйилган миллий маънавият таълими ва тарбияси икки жиҳатни назарда тутади. Бири — огоҳликни таъминлаш, яъни маънавият соҳасида зарурий билим ва маълумотлар бериш, вазият билан амалий таништириш. Иккинчиси — ҳар бир тингловчи шахсининг маънавий камолотига кўмаклашиш, унинг шуурига ва руҳига ижобий таъсир этиш.

Маънавият — ўзликни англашдир. Раҳбарлик масъулиятини тўлақонли ҳис қилиш ва бу залворли юкни елкага олишга маънан тайёр бўлиш учун кўп жиҳатдан баркамол инсон бўлиш тақозо этилади. Имом Фаззолий айтмишлар: «Шуни билсингларки, одамзодни азбаройи ўйин учун яратмамишлар, аниг амали улуғ ва унинг учун буюк хатар бордир». Ана шу «улуг амал» ва «буюк хатар» оралиғида йўналишни тўғри белгилаб олмоқ учун нафақат малака ва иқтидор, нафақат ҳар томонлама чукур иқтисодий, ҳукуқий, сиёсий билимлар, балки биринчи навбатда юксак маънавий камолот ва огоҳлик талаб этилади. Маънавий огоҳлик эса ўзликни англаш, ўзини ва ўзгани тушуниш, Борлиқ Ҳақиқатини англаб етиб, ўз руҳиятини Борлиқнинг улуғ Ҳақиқати билан ўйгунлаштира олишни тақозо этади. Ушбу китобнинг асосий мақсади ҳам имкон даражасида шу йўлда интилганларга кўмак етказишидир. Албатта, ҳар бир инсоннинг маънавий камолоти, аввало, Оллоҳ баракати ва, қолаверса, ўз ички интилиши, қалб риёзати билан амалга ошади.

V б о б. ҲАҚИҚАТ

Энг масъулиятли мавзуга етиб келдик. Олдинги бобларда маънавиятга турли таърифлар берилди. Аввало, маънавият инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи моҳият бўлиб, инсон — табиатнинг, барча тирик мавжудотнинг гултожи, дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имкони назарда тутилгандир. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз. Агар ҳайвонот дунёсини фақат моддий ҳаётга тегишли, фаришталар эса соф маънавий хилқатлар деб тасаввур қилинса, одам боласида моддият ҳам, маънавият ҳам мавжуддир. Маънавият Инсон қалбидаги илоҳий нур, Олий ҳақиқат нури бўлиб, шу сабабдан буюк бобокалонларимиз инсон қалбини «Ҳақиқат асрорининг ганжинаси» деб атаганлар. Ҳақ асрори эса шундай сеҳрли тилсимки, уни тутгал ечишга аҳли башар қудрати етмайди. Зотан, ҳеч бир одам боласи «уни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди».

Маънавият ўзликни англашдир, деб ҳам кўрдик. Инсон нафақат ўзгани, балки ўз моҳиятини ҳам ҳеч қачон охиригача англаб ета олмайди. Аммо ўзликни англашга интилмаган инсон ҳам инсон эмас. Албатта, бир кун эмас бир кун инсон ўзига ўзи «Мен кимман?» деб савол беради. Аммо ҳеч ким бу саволга охиригача жавоб бера олмайди. Чунки инсон маънавияти туфайли файбга туташдир. У Ҳақдан ибтидо олган ва интиҳода ҳам Ҳаққа бориб туташади. «Маънавият — инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламидир» дейди баъзилар. Бошқалар уни «одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи» деб атайди. Албатта бу таърифлар ҳам жуда асоссиз эмасдир. Аммо мен маънавиятни **инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунык** деган бўлур эдим. Чунки инсонлар ақли ҳам, руҳияти ҳам турли қусурлардан, адашувлардан, баъзан ҳатто шайтоний васвасалардан холи эмас. Инсон, барибир, моддий. Унинг моддий моҳияти зиддиятлардан холи эмас. Унда нафс бор, гафлат ва шаҳват, кибр ва ҳасад бор. Маънавиятни шуларга аралашиб юборсак, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам чалғитиб кўямиз. Маънавият инсон руҳида Олий ҳақиқат билан уйғунликни таъминлаб турувчи илоҳий файздир. У ҳар кимга бир хил даражада насиб эта бермайди. Нопоклик, ғараз инсондан илоҳий файзни қочиради. Бундай инсон қалбини аввал губор, бора-бора зулмат қоплаб боради. Нопоклик ва ғараз йўлининг ниҳояси аянчдир.

Ҳақиқат — чексиз. Куръони каримнинг «Бақара» сурасидаги «Оят ал-курси» номи билан машҳур бўлган 255-оят ниҳоятда эл ичидаги мўътабар тутилади. Сабаби, унда Оллоҳ ҳақиқатига жуда ихчам, аммо мукаммал ишора мавжуддир. «Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ» деб бошланувчи ушбу оятнинг фақат икки жумласини эслаб ўтамиш: «Самоват ва ердаги бор нарсалар Унингдир»..., «Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгdir», деб ўзбек тилига ўгиради уларни муҳтарам таржимон.

Миллий маънавиятимизда Борлиқ ҳақиқати Тавҳид эътиқодида ифодаланади. Барча буюк аждодларимиз ана шу улуғ ҳақиқатни тушуниш учун интилиб яшаганлар ва ҳар ким ўз холи даражасида уни тавсиф ва талқин этишга уринган. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида ушбу талқин энг мукаммал суратда

ифода этилган. Биз ундан бир ривоятнинг насрий баёнини келтириш билан чекланамиз. Шоир «Мърифат водийси» таърифини бергач, уни изоҳлаш учун Саноийдан бир ривоят келтиради:

«Эшит, бунга ушбу можаро жуда муносиб мисол бўла олади. Нақл қилишлари, бир гуруҳ кўрлар тўдаси бир сабаб билан: мусофирик ёки асирик туфайли Ҳиндистонга бориб қолишибди. Сўнгра фалакнинг гардиши билан улар ўз юртига қайтиб келишибди. Бу ерда улардан бир киши: «Филни кўрдиларингизми?» — деб сўрабди. Улар: «Ҳа», — деб жавоб беридилар. «Кўрган бўлсангиз, далил келтиринг», — дебди бояги киши.

Улар аслида филни кўрмаган, у ҳақда ҳатто яхши сўраб ҳам олмаган эдилар. Ҳар бири филнинг бир аъзосини пайпаслаб, ундан билим ҳосил қилиб олган эди. Шу сабабли филнинг оёқларини ушлаган киши фил сутунга ўхшар экан, деса, қорнини пайпаслаган, йўқ, у бесутун, деди. Хартумини ушлаган, фил аждаҳога ўхшаш бир нарса экан, деса, тишларини баён қилувчи киши, фил иккита суяқдан иборат, деди. Кўйругидан хабар берган киши филни осилиб турган илонга қиёс этди. Кўли билан филнинг бошини пайпаслаган киши уни бир чўққининг тумшуғи деб шарҳ қилди. Филнинг кулогига кўл етказган киши уни қимирлаб турган икки елпигич экан, деди.

Уларнинг барчаси шу тариқа кўрлик юзасидан турли сўзлар айтдилар. Гарчи улар айтган сўзларнинг барчаси тўғри бўлса-да, уларнинг ҳаммаси нуқсонли эди, уларда тартиб мавжуд эмас эди.

Шунинг учун ҳам филбоњлик соҳасида устод ҳисобланган етук файлласуф, ўзи ҳинҷ наслидан бўлган киши улар айтган сўзларни тинглаб, нақл қилганларга таъна сўз айтмади ва шундай деди:

— Ҳар бир киши фил ҳақида ўзи билганиларни айтиб, у ҳақда нишон берди. Улар бир-бирларига зид фикр айтган бўлсалар-да кечираплидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз билганича сўз айтди, аммо улардан ҳеч бири филни кўрган эмас эди. Лекин улар айтган бу сифатларнинг барчаси бир ерга жамъ қилинса, улардан фил ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлади.

Узоқни кўрувчи кишига бу жуда яқин бўлгани учун у ҳеч иккиланмасдан кўрлар айтган барча сўзларни чин деб баҳолади».

Юқоридаги оятда яна ишора қилинади: «Ва улар (яňни инсонлар) У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар». Демак, ҳар бир инсоннинг билимлари чегарали. Шу сабабли Борлик ҳақиқатини англаб етиш учун аввало инсонлар бир-бирига эътибор қилиши, бир-бирини тушунишга интилиши лозим. Та-биятни, ундаги ҳар бир заррани, майсанни, тирик жонни тушунишга интилиб яшамоқ, доим ўзгани тушунишга интилоқ — маънавият йўли шудир.

Суфийлар айтадики, Ҳаққа етишиш учун ўзлигинги англашиб етмоғинг лозим. «Мажоз тариқи» намояндалари кўшимича қиласидилар: «Тўғри. Аммо инсон ўзлигини англашиб етиши учун ҳам, аввало, ўзгаларни тушунишга интилоғи керак бўлади». Ҳар бир одам боласининг Ҳаққа нисбати унинг ўзгаларга нисбати билан белгиланади, шунинг учун ҳам ҳар бир шахс маънавияти бетакрор ва ўзига хосдир. Демак, ушбу шахслар маънавияти мажмуидан иборат бўлган миллат маънавияти ҳам бетакрор ва яхлит ҳодисадир.

Билимни инсон ҳам ҳаётдан, ҳам китоблардан ўрганади. Аммо ҳаётни, инсонни, илмни англашиб етиш учун, аввало, унга меҳр билан, беғараз, «холисанлилоҳ» ёндошмоқ зарур. Биз қатор бобларда Ватан ва табиат, шахс ва миллат, дин ва маданият, сиёсат ва иқтисод, қонун ва адолат хусусида, уларнинг маънавиятга нисбати ҳақида мулоҳазалар юритдик. Булар барчаси ягона Ҳақиқатнинг турли қирраларидир. Энди бевосита илмлар таснифи ҳақида сўз юритамиз.

16 - ф а с л. Миллий маънавият ва илмлар таснифи

Ўз билимларини муайян тизимга келтириб, тартибга солишга уриниш нафақат ҳар бир инсон, балки ҳар бир миллат, ҳалқ учун ҳам хос нарса. Илмлар таснифи йўналиши ушбу табиий эҳтиёждан келиб чиқди.* Турли минтақаларда, турли ҳалқ вакиллари томонидан ишлаб чиқилган илм таснифлари бир-бирига тамомила мос ва мувофиқ кела бермайди. Чунки улар тузилган давр, ҳалқнинг эҳтиёжлар кўлами, қизиқиш доираси бир тусда эмас. Бир-биридан ўрганиш, ибрат олиш эса бошқа гап. Масалан, ислом минтақа маданияти намояндалари

қадим Юнон илмидан кўп нарсани ўрганишган. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо юнонлар фалсафага биринчи даражали эътибор беришган бўлса, араблар филологияни аввалги ўринга қўйишган, форслар тарих фанига алоҳида меҳр билан ёндошган бўлсалар, туркий халқларни ижтимоий ва ахлоқий муаммолар уйғуналиги кўпроқ қизиқтирган. Натижада таснифлар ҳам борган сари мукаммаллашиб борган.

Неча минг йиллик тарихий такомил йўлини босиб ўтган Марказий Осиё халқлари маънавияти VIII аср охири — IX аср бошларидан янги камолот пилапояларига кўтарила бошлади. Абу Муслим жиҳоди билан тамал тоши қўйилган бу янги даврда туркий, эроний, арабий халқларнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳамкорлиги кенг миқёс касб этди ва IX—XV асрлар мобайнида ягона ислом минтақа маданияти шаклида намоён бўлди. Араб, форс, турк тиллари бу ягона иқлимда тенг қўлланилиб, ҳар бири муайян соҳаларда ихтисослашди. Жумладан, араб тили диний-фалсафий ва аниқ фанлар соҳасига, форс тили кўпроқ шеърият ва тарих соҳасига татбиқ этилди. Туркий тил ҳам аста-секин бутун минтақага ёйилиб, аввал асосан ҳарбий ва бошқарув соҳасида урф бўлган бўлса, кейинча бошқарга ҳам кириб борди. Албатта, ягона минтақа маданияти унинг таркибига кирган ҳар бир халқнинг ўз маънавий қиёфасини йўқотишига олиб келгани йўқ, балки уни ўзаро бойитди ва мукаммаллаштириди. Бу ягона минтақа маданиятини бирлаштириб турган ички бош маънавий омил тавҳид эътиқодини борган сари теранроқ ва мукаммалроқ тушунишга интилиш эди. Илмлар таснифи ушбу ҳаракатнинг бошланғич жараёнларига оид муҳим бир қирраси бўлиб, Борлиқ ҳақиқатини уйғун идрок этишнинг ибтидоси эди, дейиш мумкин. Европада кейинча «ilmshunoслик» (науковедение) деб ном олган бу йўналиш ислом минтақасида IX аср ўрталаридан бошланиб то XVII—XVIII асрларгача такомиллашиб борган. Ушбу жараёнда бизнинг аждодларимиз ҳам етакчи мавқеларда бўлишган. Айниқса, Форобий ва Ибн Синонинг буюк хизматлари бутунги кунда барчага маълум. Аммо ўлкамиздан етишиб чиқсан қомусий аллома-ilmshunoслар ичida биз ҳали яхши билмаганларимиз ҳам кўп. Ислом минтақасида илмлар таснифи масаласини

кенг қамровли тарихий тадрижийликда ўрганиш бугунги күн миilliй ўзликни англашимиизда муҳим муаммо бўлиб, олимларимиз бу йўналишда хайрли ишларни бошлаб юбордилар.

VIII—XV асрлар ислом минтақа маънавияти ўз такомилида бир қатор босқичларни босиб ўтганлиги ҳақида биринчи китобда батафсил ёзилган эди. Уларнинг ибтидоси VIII—IX асрларни қамраб олган Сунна босқичи бўлиб, бу даврда буюк муҳаддислар томонидан пайғамбаримиз ҳадислари манба ва матн жиҳатидан чукур тадқиқ ва таҳдил этилиб, «Ишончли тўплам» (Жомеъ ас-Саҳиҳ)лар тузилди. Шу билан баробар IX—X асрлардан бошлаб минтақада буюк маърифатчилик ҳаракати бошланди. Бунинг маъноси шуки, Оллоҳ китобини тушунишда пайғамбар ибратлари (Сунна) жиддий ўзлаштирилиб, энди минтақа зиёлилари исломгача бутун жаҳон аҳли яратган маънавий меросни Тавҳид таълимоти нуқтаи назаридан ўрганишга киришдилар ва натижада минтақа ҳалқлари маънавиятини янги юқорироқ босқичга юксалтирилар. Қадим Ҳинд ва Юон, Сурия ва Византия, Эрон ва Туронда шаклланган мислсиз хазина араб тилига кенг миқёсда таржима этила бошланди. Тез орада бутун ислом минтақасида қатор қомусий алломалар етишиб чиқди. Асли араб анъанасидан бошланган мумтоз филология (манбашунослик ва матншунослик, тиљшунослик, адабиётшунослик) илмлари қаторига Қадим Юондан фалсафа ва тибб, Ҳиндистондан риёзиёт ва ҳандаса, Бобилдан илми нужум, Эрондан тарих ва бошқа илмлар келиб қўшилди.

Фалсафа ва мантиқ ривожланиши билан илмлар таснифи (классификация наук)га эҳтиёж туғилди. Қадим Юонда Афлотун ва Арасту асос солган анъана — мавжуд илмларнинг фалсафий-мантикий таснифи — ислом минтақа маданиятига биринчи бўлиб ислом даври перипатетик фалсафа йўналиши асосчиси Ёқуб ал-Киндий (801—866) томонидан олиб кирилди. Ал-Киндий Юон донишмандлари изидан бориб, барча билимлар асосига фалсафани қўйди ва ўз таснифини шунга асосан қурди. Фалсафанинг бошланишида эса унинг назарida риёзиёт (яъни математика) турар эди.

Агар бизгача ал-Киндийдан фақат биргина рисола етиб келган бўлса, Арастудан кейин жаҳон илмидаги «иккинчи устоз» («муаллими соний») деб тан олинган юрт-

дошимиз Абу Наср ал-Форобий (873—950)нинг 160 дан ошиқ асар ёзганлиги маълум. Улардан бизгача етиб келганларининг ўзи ҳам бир неча жилд китоб бўлади. (Аллома асарларининг мукаммал илмий нашри ҳануз бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб турипти). Ал-Форобий ўз даври жаҳон илмининг ютуқларига таяниб, биринчи энг мукаммал илмлар таснифини яратди ва бу ҳақда қатор асарлар ёзди. Унинг таснифи фақат Юнон олимлари анъаналарига суюниб қолмай, балки инсон билимларининг ички мантиқидан келиб чиқади ва унда турли илмлар ўзаро узвий боғлиқликда таснифланади. Ал-Киндий ва ал-Форобийлар бошлаб берган ушбу қомусий ёндошув ислом минтақа илмининг кейинги ривож йўналишига асос бўлди ва X асрда «Софлик биродарлари ва содиқ дўстлар» (Ихвон-ус-сафо ва хуллон-ул-вафо) деб ном олган илмий гуруҳ томонидан 52 рисоладан иборат йирик илмлар қомуси яратилди. Унинг таркибида риёзиёт ва мантиққа бағищланган 14 та, табиий билимлар ҳақида 17 та, мавҳум тушунчалар ва руҳшуносликка оид 10 та, илоҳиётга оид 10 та асар мавжуд бўлиб, ўша давр жаҳон илми ютуқларини рўйи-рост ўзида акс эттирган эди. «Ихвон ус-сафо» гуруҳининг илмлар таснифи ҳам ўзига хос бўлиб, улар илмларни инсон ўзлаштириши нуқтai назарилан уч даражага тақсимлайдилар: 1) дастлабки билимлар мажмуи (пропедевтика) бўлиб, ҳар бир инсон учун ўз ҳаётини тартибга солишда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ўқиш ва ёзиш, ҳисоблаш, лугатшунослик ва грамматика, олди-сотди ва тибб илми, тарих каби ибтидой билимларни ўз ичига олади. 2) Шариат илми (Куръон ва унинг тафсири, ҳадис илми, фикҳ, яъни ҳукуқшунослик). 3) Энг юқори босқичда фалсафий билимлар мажмуи туради.

Х асрга келиб илмлар таснифи билан жиддий шуғулланган олимлар сафи кенгайиб кетди ва уларнинг ҳар бири бу соҳага ўзига яраша ўзгариш киритиб, улуш қўша бошладилар. Булардан «ал-Фикрист» (Рўйхат) асарининг муаллифи Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим, Абу Ҳайрон ат-Тавҳидий (вафоти 990) ва бошқаларини эслаш мумкин. Шу ўлуғ алломалар қаторида бизнинг ватандошимиз «ал-Котиб» лақаби билан машҳур бўлган адид ва файласуф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий номи ҳам жаҳон

миқёсида эҳтиром билан тилга олинади. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замаҳшар, Қиёт шаҳарларида ўтган бўлиб, X аср охирги чорагида Сомонийлар ҳуқмдори Нуҳ II нинг вазири, улуғ олим ва адаб Абдулҳасан ал-Утбий (вазирлик йиллари 977—982) ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилди. 997 йилда вафот этган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийдан бизгача ягона асар «Мафотиҳ ал-улум» (Илмларнинг калитлари) етиб келган.

Ўрта асрдаги ҳар бир аллома илмлар таснифини ўзига хос ўзгаришлар билан келтиради. Бу ўзгаришлар ҳар бир олимнинг дунёқараси, қизиқишилар доираси, билимлар миқёси ва йўналиши, даврнинг умумий руҳияти ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифини икки қисмдан иборат қилиб тузади: биринчи қисми — шариат ва у билан боғлиқ «араб» илмлари; иккинчи қисми — «араб бўлмаган» ҳалқлар асос солган илмлар (бу қисмни баъзан «улум-ул-ажам» деб аташади). «Мафотиҳ ал-улум»нинг биринчи қисми 6 бўлимдан иборат бўлиб, 11 боб фиқҳ (хуқуқшунослик), 7 боб қалом (дин фалсафа-си), 12 боб грамматика (араб тили сарфу наҳви), 8 боб иш юритиш (солиқлар, ўлчов бирликлари, турли сув иншоотларига, почта девони, аскарлик таъминотига оид маълумотлар), 5 боб шеърият илмлари, 9 боб тарих (хронология) илмидан таркиб топган.

«Араб бўлмаган» илмлар қисми эса 3 боб фалсафа асослари, 9 боб мантиқ, 8 боб тибб, 5 боб риёзиёт (арифметика), 4 боб ҳандаса (геометрия), 3 боб мусиқа илми (ўша даврларда мусиқа илми фалсафий илмлар таркибиға кирган), 2 боб механика ва 3 боб кимё фанларини ўз ичига қамраб олган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асари қисқа ва лўнда услубда битилганига қарамай, жуда кўп ноёб маълумотларни ўзида жам этган ва X асрда бизнинг ўлкада илм нечоғлиқ тараққий этганлигидан ёрқин далолат бериб туради. Аллома, масалан, Қалом бўлимида дин тарих-чиси сифатида ўзини кўрсатиб, мўътазила мазҳабининг турли фирмалари, уларнинг асосчилари ҳақида хабар бериш билан бир қаторда бошқа мусулмон мазҳаблари, христиан дини ва унинг ўша даврдаги турли тоифалари, исломгача миңтақада тарқалган хилма-хил диний эътиқодлар хусусида кенг маълумотлар келтирган. Асарнинг механика («ilm ал-хийал») бўлимида озгина куч билан

офирилкларнинг жойини ўзгартирувчи мосламалар, пишанглар, винтлар, поналар, ҳарбий машиналар, пневматик қурилмалар, сув насослари, жўмраклар, тегирмон, чархпалак ва бошқалар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Асарда айтилишича, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу бобни ёзишда Героннинг «Автоматика», Филон Византийнинг «Пневматика» асарларидан фойдаланган ва уларга қўшимчалар қилган.

Асарда исломдан олдинги минтаقا тарихига оид турли қизиқарли ва муҳим маълумотлар ҳам жой олган. Масалан, — Хусрав Анушироннинг турк хоқонига куёв бўлганлиги ва унинг фарзанди (Хусрав Парвизнинг отаси) Хурмузнинг турк маликасининг ўғли бўлганлиги, «ҳайотила» (эфталитлар)ларнинг туркий элатларга мансублиги ва ҳ.к.

Китобда исломдан олдинги араб давлатлари Ҳимайярийлар, Лаҳмийлар, Юнон ва Рим қайсар (император)лари ҳақидаги, қадим Эрон ва Турон тарихига оид ноёб маълумотлар ҳам учрайди.

Илмлар таснифи соҳасида X асрдан кейин ҳам катта ишлар амалга оширилди. Абу Али ибн Сино, Абу Ҳомид ал-Фаззолий (1058—1111), Фахриддин ар-Розий (1148—1210), Ибн Рушд (1126—1198), Насриддин Тусий (1201—1272), Ибн Ҳалдун (1334—1406), Жалолуддин ас-Суютий (1445—1505) каби қатор атоқли олимларнинг бу соҳага бағишлиланган асарларининг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш бутунги кун зиёлилари тасаввурини маънавий меросимизнинг муҳим соҳаси бўйича бойитишга хизмат қиласди.

Маънавий меросимизнинг кўлами, қадимийлиги ва бутун жаҳон маданияти билан ўша даврлардан туташ эканлиги бугунги кунда бизга ҳақли равишида фахр туйғулари баҳш этибгина қолмай, бизнинг шууримизда Ватан келажаги учун масъулият ҳиссини ҳам оширади. Шу билан бирга бугунги мустақиллик шароитида аждодларимиз қолдирган мероснинг ибратли жиҳатларидан унумли фойдаланишимиз, жумладан, яқинда Олий Мажлис тасдиқлаган «Таълим ҳақидаги қонун» ва Миллий дастурни амалда кўллаш пайтида бевосита ушбу тажрибага мурожаат қилишимиз ўринли бўлади. Бу жиҳатдан, айниқса, ижтимоий фанлар тизимини қайта кўриб чиқишига жиддий зарурат бор.

А. ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ВА МАЬНАВИЯТ

«Совет» даврида ижтимоий (жамиятга оид) ва гуманитар (инсонга оид) деб сифатланувчи қатор фанлар мавжуд бўлиб, улар уч соҳани — сиёсат (яъни инсонлар аро муомала)га оид, иқтисод (яъни, инсоннинг моддий таъминоти)га оид ва маънавият (яъни, инсоннинг ўзлигини англаши, аниқроғи, инсоннинг Ҳақ билан нисбати)га оид фанларни қамраб олган. Аждодларимиз асослаб кетган анъанага мувофиқ давлатни (жамиятни), оилани ва инсоннинг ўз-ўзини бошқаришига оид фанлар бир туркумга бирлаштирилиб, амалий фалсафа сифатида қаралган. Ҳозирги Европада уларга «Сиёсатшунослик» (Политология), «Хуқуқшунослик» (Правоведение) ёки «Қонуншунослик» (Юриспруденция), «Жамиятшунослик» (Социология), «Ахлоқшунослик» (Этика) фанлари киради. «Оилашунослик» (баъзан «Домоводство» — «Ўйни бошқариш» деб аталувчи соҳанинг маъноси бошқачароқ) алоҳида фан сифатида Европа илмида шаклланганлиги менга маълум эмас, аммо марксизм оиласига кўп назарий эътибор бермаганлиги амалиётдан аён. «Тарих» фани ҳам аслида сиёсий тарихга кўпроқ аҳамият бериши нуқтаи назаридан ушбу биринчи гуруҳга алоқадор дейиш мумкин.

Иккинчи туркум фанлар ҳам марксизмда сиёсатга бўйсиндирилиб уларнинг асосига «Сиёсий иқтисод» фани қўйилган эди. Ҳозир энди «Маркетинг», «Менежмент» каби, дарҳақиқат, иқтисодий муомалага оид фанлар ҳаётимизга кириб кела бошлади. Иқтисод инсон ҳаётиди муҳим, ҳатто яшаш учун ҳал қиливчи соҳа деса бўлади. Иқтисоднинг асосини яратувчилик меҳнати ташкил қилади. Шу жиҳатдан иқтисод фанлари техника фанлари билан муайян боғлиқликка эга ҳам дейиш мумкин. Аммо техника ишлаб чиқариш қуроллари ҳақидаги фанлар мажмуини ўз ичига олса, соф иқтисодий фанлар — турли даражадаги ишлаб чиқариш ва тақсимотга оид муомалалар соҳасини қамраб олади.

Ва ниҳоят учинчи соҳа — маънавиятга оид бўлиб, бу гуруҳга «Диншунослик», «Фалсафа», «Руҳшунослик» (Психология), «Тарбияшунослик» (Педагогика), «Маданиятшунослик» (Культурология), «Қадриятшунослик» (Аксиология), «Элшунослик» (Этнография), «Нарфосатшунослик» (Эстетика) каби фанлар киради.

Булардан ташқари «Адабиётшунослик» (Литературо-ведение), «Тилшунослик» (Лингвистика), «Манбашунослик ва матншунослик» (Источникование и текстология) каби фанларни бирлаштириб «Филология» фанлари деб аташадики, Шарқда бу соҳа 20 дан ошиқ фанларни қамраб олган ва уларга шарҳ илмлари (илми тафсир, илми ҳошия ва ҳ.к. — ҳозирги Европада «Герменевтика») ҳам ёндошиб келган. «Филология» ва «Герменевтика» фанлари матнлар таҳлили ва шарҳи билан боғлиқ бўлиб, муайян маънода маънавият фанлари туркумига алоқадордир.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, Ислом мінтақасида «филология» ва «герменевтика»га оид фанлар жуда қадимдан кенг ривожланган ва муайян маънода барча инсон ва жамиятга оид фанларнинг аввалига қўйилган. Бунинг асосий сабаби илоҳий китобларга ва маънавий меросста айрича аҳамият билан боғлиқ бўлиб, Европада индивидуализм тамойили, ҳар бир шахснинг (жумладан, олимнинг) орiginalликка, бетакрорликка интилиши устун турса, Ислом мінтақасида ҳар бир алоҳида инсон ўз билимларини ягона ва чексиз (ғайбга уланиб кетувчи) Борлиқ ҳақиқатининг жузвий қисми, хусусий шарҳи деб англашидан келиб чиқади. Натижада, Европада ҳар бир шахс ўз фикрини ўзгалар қарашидан фарқ қилиб туришига эътибор қаратса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра ҳар бир улуғ аллома ўзи англаб етган ҳақиқатларни илоҳий калом ва ўзидан олдинги ўтган салафларга аён бўлган ҳақиқатлар билан ўйғун жиҳатларини таъкидлашга уринган. Натижада, Европа олимлари баъзан Шарқни оригинал (янгича) фикрлай олмасликда айблаш сингари тушунмовчиликлар келиб чиқсан.

Совет даврида бизда фалсафа — биринчи навбатда, қолаверса, бошқа барча фанлар ҳам Европа маданияти анъаналари асосида, унинг ҳам асосан бир йўналиш — марксистик материализм йўналиши билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Ҳатто ўз маънавий меросимизни ҳам бегона қолипларга мослаб ўрганишга уриндик. Шу сабабли ҳам бугунги кунда миллий маънавиятга эътибор биринчи ўринга кўтарила бошлади. Ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ҳеч қачон жаҳон маданияти, маънавиятидан тамомила айру, алоҳида бир йўлдан ривожланган эмас, ҳамиша бошқа халқлар маънавий бойли-

гини ижодий ўзлаштириб, ўзи ҳам жаҳон маданийтини бойитиб борган. Аммо миллатимизнинг ўз мустақил маънавий қиёфаси мавжуд, у асрлар, балки минг йиллар давомида шаклланган, у умуминсоний қадриятларга ёт эмас, аммо борлиқнинг Олий ҳақиқатига нисбатан ўз талқинлари, ўз ёндошуви, ўз тушунчаларига эга.

Ана шуларга биринчи навбатда эътибор бериш миллий маънавиятимизнинг ўз қадриятлари, ўз андаза ва ёндошувлари, ўз тушунча ва талқинларини илмий асосда ўрганишини изчил ва мунаzzам йўлга қўйиш учун «Миллий маънавият назарияси» фанини шакллантириш ва асослаш лозим. Миллий маънавият назарияси юқорида санаб ўтилган маънавиятга оид фанларнинг миллий маънавиятимиз анъаналари, аждодларимиз яратган мерос билан боғлиқ энг умумий жиҳатларини тадқиқ этади, уларнинг инсон ва Ҳақиқат нисбати билан боғлиқ томонларига эътибор қиласди, уларнинг бош мавзулари билан туташади, ўзаро ички уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қиласди. Аммо маънавиятнинг асоси айни меъёр, уйғунлик бўлгани сабабли санаб ўтилган фанларнинг ҳеч бирига алоҳида ва батафсил киришиб кетмайди. Шу билан бирга, айни тилга олинган уйғунликка интилиш боис, инсон моҳиятига эътиборни қаратувчи қай бир соҳа бошқа фанлар мавзу доирасидан четда қолган бўлса, Миллий маънавият фани ўша соҳа билан кенгроқ шугулдана бошлайди ва балки шу билан янги фан соҳасига асос солишига ҳисса қўшади. Одоб-ахлоқа оид муаммолар, санъат ва адабиёт, ҳалқ ижоди бевосита миллий маънавият фани қизиқиши доирасида алоҳида, муфассал ўрин эгаллайди. Чунки одоб-ахлоқ ва нафосат маънавиятга табиий рашида энг яқин соҳалардир. Нафосат уйғунликка асосланади, шу сабабли маънавий тарбиянинг энг таъсирчан воситасидир. Унинг устига бадиий асарлар инсонга ҳам ибрат, ҳам ақл, тафаккур, ҳам туйғу, ҳис-ҳаяжон, ҳам тимсоллар воситасида таъсир этишга уринади. Маънавий тарбиянинг воситалари фақат ақл эмас, балки ибрат, ирода, меҳр ҳамдир. Миллий маънавиятимизда шулар барчаси мужассам. Ундан ташқари миллий маънавиятимизнинг таркибий қисмларида қалом илми, тасаввуф тариқатлари ва ирфони, ботиния каби ўзига хос йўналишлар мавжудки, Европа илми ўзи уларни Шарқдан, биздан ўрганмоқда.

«Ахлоқ — маънавиятнинг ўзагидир», деб ёзади Президент. Бунинг маъноси шуки, ахлоқ — маънавиятнинг амали билан боғлиқдир. Исломда азалдан илм ва амал уйғунылиги таъкид этилади. Шу жиҳатдан илм ва имон, дунёқараш ва идрок маънавият орқали амалга кўчади, ахлоқда акс этади. Шахс ва миллат руҳияти ҳам маънавият билан туташ бўлиб, асосий фарқларидан бири — руҳият мураккаб воқелик сифатида ўзида ҳам раҳмоний, ҳам шайтоний хислатларни, ҳам фазилат, ҳам қусурларни, ҳам табиий-ирсий, ҳам атроф-муҳит таъсиридаги ҳолатларни акс эттираса, маънавият шаҳснинг, миллатнинг инсоний фазилатларини, унинг қалбидаги илоҳий нур инъикосини намоён қиласди.

Бунинг устига руҳият билан руҳиятшунослик (психология), дунёқараш билан фалсафа, билимнинг ҳар бир соҳаси билан ўз маҳсус фани, кўпроқ назарий жиҳатларга эътибор ажратган ҳолда, шуғулланса, маънавият масалаларини маҳсус ўрганадиган фаннинг шаклланиши ҳануз муаммолигича қолмоқда. Тўғри «маданиятшунослик» ва «ахлоқшунослик» фанлари мавжуд ва улар таркибида маънавият масалаларига ҳам гоҳо тегиб ўтилади. Аммо «маданиятшунослик» фани нисбатан янги бўлиши билан бирга, кўпроқ фактология (ташқи жиҳатларни, маданиятнинг моддий кўринишларини тасвирлаш ва таснифлаш)га асосий эътиборни қаратади. Бу ҳам муҳим. Аммо бундай ёндошув маънавият муаммоларини изчил тадқиқ этиш учун етарли бўлмайди. Ахлоқ маънавиятнинг муҳим таркибий қисми эканлиги айтилди. Аммо ахлоқшунослик фаннинг қамрови ва диққат йўналиши ҳам маънавият масалалари доирасидан анча тор ва балки бир ёқлама ҳамдир. Унинг устига ахлоқшунослик ҳам кўпроқ маънавиятнинг ташқи натижаларига аҳамият ажратади. Умуман ахлоқ ва маънавият ўзаро турли жиҳатдан туташ ҳодисалар бўлгани сабабли ҳали улар аро муносабатга қайта-қайта тўхталишга тўғри келади.

Юқорида тилга олинган фанлар, жумладан, «Фалсафа», миллий маънавиятимизнинг таркибий қисмларини ташкил этиб, улар ҳар бири бир муайян соҳа ёки йўналишни изчил ва ҳар тарафлама тадқиқ этади. Маънавият эса инсоннинг Борлик ҳақиқати билан нисбатига асос эътиборини қаратади. Маънавият инсонни фандан бақоға элтувчи ягона йўлдир. Асли фалсафа ҳам,

барча ўзга фанлар ҳам Борлик ҳақиқатини излайди, аммо Миллий маънавият назарияси фани ўз изланишларини, биринчидан, миллий маънавиятимизнинг тे-ран томирлари билан, аждодларимиз бизга қолдирган бебаҳо маънавий мерос билан боғлайди, иккинчидан, фақат мантиқий, илмий тафаккурга таяниб қолмай, ўзга йўналишларга ҳам teng эътибор қаратади.

Б. ФАЛСАФА ВА МАЪНАВИЯТ

Қадим Юнонда барча фанларнинг асоси фалсафа деб қарашган. Чунки авом тафаккури ўша даврда асостирип даражасида эди, эътиқод ҳам шунга мувофиқ мушриклик эди. Тавҳид тафаккури дастлаб фалсафий тафаккур сифатида шакл ола бошлагани учун қадим юонон зиёлисига воқелик ҳақиқидаги энг тӯғри билим фалсафа бўлиб англашилди. Фалсафа мантиқий тафаккурга таянади. Аммо илмий мантиқ ягона тафаккур тарзи эмас. Демак, фалсафада ҳақиқат тўлиғича намоён бўлмайди. Бизнинг миллий маънавиятимизда ҳақиқатни англаб етишдаги бу мураккаблик аллақачон идрок ва қайд этилган. Ҳақиқатни англаб етишда ибрат ва тақво, ирфоний, бадиий, тарихий, ҳуқуқий, иқтисодий тафаккур тарзлари, ижодий-яратувчилик тажрибаси ва бошқалар мантиқий тафаккур билан уйғунликда инсон йўлини ёритмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавият назарияси фани асосида бутун кўлами билан аждодларимизнинг минг йиллар давомида эришган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси ётади десак хато бўлмайди.

Маънавиятнинг асоси уйғунликдадир. Янги давр Европа илми ҳам қуруқ схоластикага эмас, амалий тажриба хулосаларига (опыт, эксперимент, социологический опрос, психологические наблюдения и др.) таянади. Аммо Европада эътиқод (дин) ва илм орасидаги зиддият XVII—XX асрларда анча жиддий чуқурлашуви кузатилди, атеизм (даҳрийлик) қудрат касб этди. Ислом маданиятида эса атеизм (аникрофи, пайғамбарлик ва илоҳий ваҳийга ишончсизлик) IX—X асрларда ёқ босиб ўтилган ва X—XII асрларда уйғунликка эришилган эди.

XIX аср Европасида мантиқий тафаккурнинг энг юксак чўққиси Ҳегел фалсафаси бўлди. Олмон ҳалқининг буюк файласуфи Георг Вильгельм Фридрих Ҳегел-

нинг «Мантиқ илми» асари Европа фалсафасининг катта бир йўналишига асос солди. Унинг Борлиқ, моҳият ва тушунча ҳақидаги таълимоти ўз даврида Европа фалсафий онгига ҳал қўйувчи бурилиш ясади. Аммо биз бугун Ҳегел деганда бир идеалистни, диалектика қонунларини идеалистик талқинда кашф этган ярим «реакцион», ярим «прогрессив» тоялар кашшофини тасаввур этамиз. Чунки бутунгача ҳам ҳаммамиз Ҳегелни Маркс ва Ленин талқинида, ўша «пролетар доҳийлари» кўзи билан кўриб келмоқдамиз. Ваҳоланки, марксизм асосчилари Ҳегелни мутлақо субъектив, ўз «инқиlobий» мақсадларига мослаб талқин, аниқроғи, «тахрир» этганлар. Собиқ совет ўкув юртларида марксистик таълим билан «суяги қотган» файласуфларимиз бугун ҳам бу буюк файласуф таълимотини қўйидагича талқин этиб келмоқдалар: «Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафасидаги икки томонни — диалектик усул ва метафизик консерватив системани фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзида «рационал мағизни» — тараққиёт тўғрисидаги таълимотни гавдалантирган фалсафа шакли бўлса, унинг доктриник идеалистик системаси эса консерватив, яъни тараққиётнинг тўхтаб қолишини талаб этади ва шунинг натижасида диалектик усулга тубдан зиддир». «Гегелнинг дунёдаги барча ҳодисалар «мутлақ тоянинг», «руҳ»нинг турли кўринишларидан иборат деган фикри дунёни худо яратган деб ҳисобловчи диний таълимотнинг бошқача баён қилиниши эди».*

Бу талқинлар буюк файласуфни фараз билан аҳмоқона ҳақорат қилишдан бўлак нарса эмаслигини бизнинг «собиқ» марксистлар мутлақо ҳис этмайдилар, шекилли, мустақиллигимизнинг еттинчи йилида ҳам аллақачон ёрилиб бўлган эски ноғорани дўпирлатиб чалиб ётишипти.

Ҳегел ўз асарини беҳуда «Мантиқ илми» деб атамаган. У соғ фалсафий тушунчалар бўлмиш Борлиқ, сифат, миқдор, меъёр, моҳият, ҳодиса, воқелик, мантиқий атама — тушунча, ҳукм, ҳулоса, тоя кабиларни мутлақо янгича талқинини яратган бўлиб, марксистлар Ҳегелни мақтаганда ҳам, танқид қилганида (аниқроғи, беписандлик билан ҳақорат қилганиларида) ҳам буюк файласуфнинг мураккаб ички үйғунлик билан баён қилинган мулоҳазаларидан фақат ўзларининг синфий кураш ҳа-

қидаги муросасиз қарашларига мос келувчи жиҳатлари-ни ажратиб олиб усталык билан фойдаланганлар. Масалан, Карл Маркснинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши масаласида Ҳегел таълимотига муносабати түлигича пролетариат ва буржуазия орасидаги зиддиятнинг муросасизлиги ва албатта инқилобий исён билан якунланишни исбот қилишга Ҳегел фалсафасининг обрўйидан унумли фойдаланишни назарда тутади.

Иккинчи бир улуг олмон мутафаккири диншунос ва файласуф Людвиг Фейербах ҳам ҳануз Ҳегел «идеализми»нинг фош этувчиси ва янгидан «материализм фалабаси»ни таъминлаган шахс сифатида эсланади.

Ваҳоланки, «Христианликнинг моҳияти» китобида олға сурилган ғоялар фақатгина марксистик материализмга «хизмат қилиш» мақсадига бўйсундирилган эмаслиги ҳар бир жиддий олимга аёндир. Хуллас, фалсафа ва мантиқ илми ўта жиддий фанлар бўлиб, XIX — XX аср Европа файласуфларининг ижодий мероси мустақил ва атрофлича ўрганишга лойиқ.Faқат бу жиддий машгулот билан алоҳида фалсафий йўналишидаги илм ва таълим даргоҳларида шуғулланиб, асл манбалар асосида таълим ва тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун ҳозирги Европа фанининг етакчи на-мояндалари билан яқин мuloқотда бўлиб улар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши талаб этилади.

Бугунги Европа фалсафасининг етакчи йўналишлари — Аквиналик Тома издошлари («янги томизм»), Зигмунд Фрейд, Берtrand Рассел, Людвиг Витгенштеен, Эрих Фромм, Мартин Хайдеггер, Карл Ясперс, рус мутафаккирлари Владимир Соловьев, Павел Флоренский, Николай Бердяев ва жаҳоннинг бошқа таниқли файласуфлари ижодини холис ўрганиш сергайрат замондошимизнинг фикрий дунёсини бениҳоя кенгайтиришга хизмат қиласди. Бундан ташқари қадим ва ҳозирги замон араб, ҳинд, бутун жаҳон фалсафий тафаккури меваларини ҳар томонлама ўрганиш фойдадан холи эмас. Албатта, Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва XX асрнинг бошқа бир қатор марксист файласуфлари (Плеханов, Ленин, Грамши ва ҳоказолар) меросини танқидий ўрганиш ҳам маълум хulosаларга асос берishi мумкин. Аммо бир нарсани ёддан чиқармаслик лозимки, аввало, фалсафа инсон маънавиятини шакл-

лантирувчи ягона омил эмас, қолаверса, дунёнинг ҳамма илмини ҳар бир киши ўзлаштириб етказа олмайди.

Шу сабабли бугунги кунда фалсафа фанини қайси чегараларда ва кимлар ўрганиши лозимлиги ҳақида атрофлича мулоҳаза билан бир фикрлашиб олиш ва керакли хulosалар чиқариш лозим.

Шу ўринда яна бир жиддий муаммога қисқа тўхталиб ўтишга тўғри келади. Маълумки, бизга 70 йил мобайнида диалектик материализм қонун ва категорияларини барча илм соҳалари учун энг умумий методологик асос деб тушунтириб келдилар. Бугун тоталитар диктат йўқ. Аммо қатор олимлар онгида ўрнашиб қолган асроратнинг таъсири ҳануз мавжуд.

Дарҳақиқат, барча файласуф ҳам Борлиқ ҳақиқатининг асл моҳиятини англаб етишга интилади. Аммо, агар у ҳақиқий истеъодди аллома бўлган тақдирда ҳам аслида чексиз Борлиқ ҳақиқатининг бир қирраси хусусида муайян хulosалар бера олади, муайян янги жиҳатларни ёрита олади, асло охирги ҳақиқатни ифода этмайди. Шу нуқтаи назардан, Гегель диалектикаси ҳам воқеликнинг моҳиятини эмас, унинг байзи янги қирраларини кашф этган, аниқроғи, ўз давридаги мавжуд тасаввурларга нисбатан уларни теранроқ идрок этган деб қаралса, ҳақиқатга мувофиқроқ бўлса керак. Бугунги кунга келиб, Гегель талқинлари ҳам ҳаётни, Борлиқни тўғри англаб етиш учун етарли бўлмай қолди, чунки замон ўзгарди, XIX аср воқелиги кечаги кунга айланди.


Миллий маънавиятимиз анъаналари **меъёр қонунига** таянади, мураккаб воқеликнинг турли жиҳатлари аро мутаносиблик, уйғунлик бўлишигина инсоният тараққиёти учун, ҳаёт мукаммаллиги учун асосий шарт эканлигини улуғ алломаларимиз ўз давридаёқ англаб етганлар ва ўз асарларида ифодалаб берганлар. Диалектика қонунлари эса бу мураккаб дунёни, бугунги кун нуқтаи назаридан олганда, анчайин жўнлаштириб тушунтиришга уриниш сифатида баҳоланиши мумкин, шу сабабли воқеликни **ўта мураккаб структурали система** деб қараш Farb илмида ҳам аллақачон шаклланган. Унда баъзан «қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши», баъзан «инкорни инкор» ёки «миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтиш» тарзida тасаввур қилса бўладиган ҳодисалар учраб туради, аммо бу қонунларни воқеликни англаб етишнинг асосий вosi-

та ва усуллари деб мутлоқлаштира бошласак, дархол сунъий муаммолар ҳосил қила бошлаймиз. Барчанинг фикрига ҳурмат билан қарашга ўрганиб борганимиз дуруст. Ушбу китоб саҳифаларида ўзим ҳам баъзан қизишиб кетган ўринларим йўқ эмас. Бунинг учун китобхонлардан, ўзим сиртдан мунозарага киришган ҳурматли устоз ва тенгдош, ака ва укалардан минг бора узр сўрайман. Ягона методология — ҳар бир мавзу доирасида тадқиқот ва таҳлилга киришганда салафлар фикрини иложи борича кенгроқ доирада инобатга олиб мулоҳаза юритиш ва воқеликнинг мураккаб эканлигини унутмаслик бўлиши мумкин. Албатта, инсон фикри чекланган ва у доим воқелик моҳиятини аслидан жўнроқ тасаввур қиласди. Аммо ният холис бўлса, ишга жиддий тайёргарлик билан киришилса — натижага хайрли бўлишига Оллоҳдан умид тутмоқ жоиздир. Ноумид — шайтон.

Биз совет даврида мустабид мафкурага бўйсуниб марксизм фалсафасини энг олий ҳақиқат деб қабул қилиб, барча илм ва тарбия йўналишлари марказига қўйиб келдик. Ваҳоланки, миллий маънавиятимиз тажрибасида фалсафа йўналиши, ўзининг бутун тўлами билан, инсоннинг Борлик ҳақиқатини излашидаги турли йўналишлардан бири деб қаралган. Дарҳақиқат, фалсафа ўзининг барча оқимларида мантиқий тафаккурга таянади. Ваҳоланки, инсоннинг воқеликка ёндошуви фақат мантиқий тафаккур билан чекланмайди, ибрат ва ибодат, ирфон ва риёзат, санъат ва нафосат, дид ва фаросат, ва ниҳоят, амалий яратувчилик фаолиятининг турли йўналишлари — барчаси инсонга ҳақиқатни тушуниб етишда ёрдам беради. Асотир тафаккур, бадиий тафаккур, ирфоний тафаккур, тарихий тафаккур ва ҳоказо инсон тафаккурининг йўналишлари беҳисоб. Маънавият бир тафаккур тарзи билан, Борлик моҳиятини ва ўзининг унга нисбатини англаб етишига уринишида фақат ақлга таяниш билан чекланмайди, балки ақлни ҳам кўнгил кўзгусига сайқал бериш учун бир восита деб қарайди.

Хуллас, маънавиятнинг бош мавзуси (объекти) инсон қалби, кўнгил кўзгусидир. Вазифаси ушбу кўзгуга сайқал беришда ҳар бир шахсга кўмаклашувдир. Таянчи аждодлар мероси, халқ донишмандлигининг турли суратларда намоён бўлишидир.

Бир сўз билан айтганда, Миллий маънавият инсоннинг Олий ҳақиқатта нисбатини ўрганади, аммо фалсафадан фарқли ўлароқ, ўз мулоҳазаларини соф мантиқий тафаккур асосида эмас, балки маънавий меросга, аждодлар тажрибасига таяниб олиб боради, яъни «Миллий маънавият назарияси» фани маълум маънода миллий фалсафий-тарихий заминга эта. Ундан ташқари, миллий маънавият халқнинг тирик хотирасига, унинг маънавий қадриятларига, тарих тажрибаси ва синовларидан ўтган қийматларга таянади. Миллий маънавият назарияси фани воқеликни фақат онг билан, ақли билан тушуниб етиш тажрибасига эмас, Ҳақиқатни англаб етишнинг барча воситалари: эътиқод, ибрат, тақво, риёзат, ирфон, меҳр, дид-фаросат, амалий яратувчилик фаолиятининг барча турларига эътибор қаратади, миллатнинг барча амалий ва назарий тажрибасини ўрганишга интилади, ушбу тажрибани онгли ўзлаштиришда ҳар бир инсонга кўмаклашади, мақсад — битта, кўнгил кўзгусига сайқал беришда ҳар бир шахсга иложи борича ёрдам бериш.



ҲАҚИҚАТ ЗА МАЭНГОЗ

(Бадиий тафаккур оламида
мәйнавият жилолари)

ЧИЖИК
КИСИ

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз.

Алишер Навоий

Иккинчи қисмда таъкидлаб ўтилганидек, фалсафадан фарқли ўлароқ, миллий маънавиятимиз Борлик ҳақиқатини ва инсоннинг унга нисбатини англаб этишга уринишида биргина мантиқий тафаккур тарзи билан чекланмайди, балки ўз имкониятидаги барча воситаларни сафарбар этишга ҳаракат қиласди. Тарих тақоғозоси миллатимиз маънавий такомилига шундай ўзига хос йўналиш баҳши этдики, унга кўра энг олий босқич, яъни Борлик ҳақиқатининг энг мукаммал талқини ва инсоннинг Ҳақиқатга нисбатидаги олий ўйғунлик можияти айни бадиий тафаккур тимсолларида юксак ифодасини топди.

Алишер Навоий инсон кўнглини «ҳақиқат асрорининг ганжинаси» деб улуғлаган ва уни сеҳрли «тилсим»га менззаган эди. Аслида, энг мураккаб, энг жозибали ва пурмаъно сеҳрли «тилсим» улуғ шоир асарларида бадиий оламнинг ўзиидир десак, хато қўлмаймиз. Унда теран кўнгил булогидан тошиб чиқсан беҳудуд маънолар уммони буюк истеъдоғдинг бутун қўярати, мумтоз адабиётнинг барча имкониятлари билан йўғрилиб намоён бўлади. Ушбу уммондаги маънавий «обиҳаёт»дан бир-икки томчи тотинмоқ умидида илк изланишларимиз 1986—87 йилларда бошланган бўлиб, уларнинг дастлабки натижалари мақолалар туркуми тарзида 1988—91 йилларда «Шарқ ўлдузи» ва «Мулоқот» журнallари саҳифаларида эълон қилинган эди.

Назаримизда, Алишер Навоий бадиий олами атальмиш сеҳрли «тилсим»нинг бош очқичлари «Ҳақиқат» ва «мажоз» тимсол-тушунчалари бўлиб, уларнинг ўзига хос талқинлари ва ўзаро нисбатини тўғри идрок этиши кўп сирларни оидинлаштиради. Бу ҳақда очиқ ишоралар шоир ижодининг айниқса охирги босқичида мавжуд. Шу сабабли миллий маънавиятимизнинг ўзак тушунчалари мумтоз адабиётимизнинг юксак намуналарида қандай бадиий талқин этилганилиги муҳим муаммо бўлиб, бу хусусда бироз батофсил тасаввур бериш мақсадида юқорида тилга олинган дастлабки изланишларни муайян ислоҳлар билан ушбу рисола таркибига киритиш мақбул кўринди. Зоро, бугунги мустақил давлатчилигинизниг долзарб муаммолари — ижтимоий адолат, меҳр ва масъулият, фуқаролар жамиятининг маънавий асосларига оид башоратли орзулар ва теран мулоҳазалар буюк шоир тимсолларида ибратли бир тарзда зуҳур этгандир.

«ҲАҚИҚАТ ТАРИҚИНИНГ СУХАНВАРИ»

Атроф саҳро. Ҳудудсиз қум денгизи жазирамада олов янглиғ жимирлаб кўзни қамаштиради. Ҳоргин йўловчилар бир ютум сувга зор ўлароқ олға қараб бемадор сургалишади. Барчанинг нигоҳи олис уфқларда. Ниҳоят, сафларнинг олди қаторидан хаста ва ҳазин овоз келади: «Олдинда бир кўм-кўк водий нишона бермоқда». Беҳисоб кўзлар умидвор ўша томон талпинади: «Қани? Қани ўша водий? Ҳаёт водийси! Баҳт водийси!»

Аммо йўловчининг нигоҳи яна алданади. Уфқларда ҳеч нарса йўқ. Фақат жазирама қум денгизи. Кўринган шарпа эса — аёвсиз саҳронинг навбатдаги «ҳазили» — сароб.

Сув — бу ҳақиқат. Йўловчилар — инсоният. Асрлар оша «баҳт» дея, «обиҳаёт» дея, «Ҳақиқат» дея олға силжиб келаётган инсоният. У ўз йўлида не-не кичик, жузъий ҳақиқатларни қўлга киритмади, не-не қудуқлар, сардобалар, булоқ ва жилғалардан ўз ташналигини муваққатан, бир муддат қондириб бормади. Аммо йўлдан тўхтагани йўқ. Чунки унга Инсонлик моҳиятини, аҳли башар тушунчасининг асл мазмунини ечиб бергувчи, ҳар бир инсоннинг тўқис ва устувор баҳтини таъмин этиш тариқини ёритиб бергувчи улуғ Ҳақиқат керак. Жузъий, кичик ҳақиқатлар — бу қудуқ ва сарdobалар — йўлчи учун бир дам ҳордиқ, нафасни ростлаб олмоқ учун бир кичик имкон, холос.

Ўрта асрлар Шарқ мумтоз шеъриятининг энг ёрқин сиймоларидан бири, буюк форс суфий шоири Фариддин Аттор ана шундай олий Ҳақиқатни умр бўйи ёниб излаганлардан бири эди.

Шоир XII аср иккинчи ярми — XIII аср бошларида яшаб ижод қилди. Бу давр ислом минтаقا маданияти ривожида муайян сиёсий юксалиш босқичининг тугай бошлаганидан нишоналар берувчи дастрлабки сиёсий, ғоявий ва маданий инқизорз унсурлари билан тўлиб тошган замон эди. Салжуқийлар сулоласининг инқизорзи, Ҳиндистондан Фурийлар, Хоразмдан Абулмузаффар

Такаш ва охирги Салжүкій султонларининг ўзаро та-лашлари, айниұса, туркманларнинг фуз қабиласи бос-қынлари шоир ватани Нишопур шахрини қаттық вай-рон этди. Аттор умранинг сүнгги даврига тұғри келган мұғул босқыни буларнинг барчасидан ўтиб тушди. Шоир асарларидаги чексиз алам билан йүғрилган умид-сизлик кайфиятининг объектив асослари ушбу тарихий инқизорз вазияти билан изоҳланса, әхтимол. У ўзининг бевақт түғилганини яхши билади, аммо барибир шун-дай фожиавий шароитда ҳам юраги баҳтта интиқ, ўзини яратған Олий құдратдан најот тилайди.

Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этгандын Хелмут Риттер, Абдулваҳоб Аъзам, Абдулхусайн Зарринкуб, Маҳди Ҳомидий ва бошқа бир қатор хорижий Шарқ ва Farb олимлари унинг асарларыда асосан ирфоний гоя-лар ифодасини күрадилар. Аттор ирфони алоҳида мав-зу. Биз бу соҳадаги забардаст тадқиқотчилар билдирган фикр ва холосаларни жиддий қабул қиласынан да үлар билан бирор тарзда баҳсга киришувга ўзимизда журыята-ва қувват сезмаймыз. Аммо Аттор аввало истеъодиди шоир, бадиий тафаккур эгаси. Шу нұқтаи назардан, биринчи галда унинг шеърий сатрлари остида яши-ринган буюк ижодкор шахснинг дил дардлари, қаттол замона зулмiga қарши исәнкор руҳи, мазлум халқ күргуликларига күйиниши, эңг муҳими, давр тарихий воқөлиги күйгөн мушкүл ва бешафқат саволларга ўр-таниб жавоб излашлари бизнинг диққатимизни торта-ди. Аттор тасаввуф шоири, Алишер Навоий таъбири билан айтганды, «ҳақиқат тариқи»нинг йүлчиси. Биз уни тасаввуф назариётчиси эмас, балки воқеликни бадиий идрок этувчи ва бадиий тимсолларда акс этти-рувчи ҳассос шоир сифатида күришга ҳаракат қил-дик.

Аттор, дунёқарашига күра, ўзини башариятдан, Бор-лиқдан айру күрмайды, унингча инсон ва инсоният, барча жонзор ва бутун коинот бир бугун, яхлит. Шун-дай экан, атроф-жамиятдаги барча адолатсизлик, фа-сад, «булғанчлик» шоирга, ҳар бир инсонга бевосита алоқадор. Бундай нұқтаи назар ўша даврдаги мураккаб сиёсий-ижтимоий воқелик ва унинг идроки даражасида инсон «нафси»ни, унинг моддийлигини, яъни унинг асл мөхиятига дахлдор жиҳатларни мутлақо рад этиш кайфиятларини туғдириши табиий эди.

«Булғанчлик» манбаини моддий инсонга хос ҳирсу ҳавасларда, худбин интилишларда күрган шоир, жүшиб

кетганды, ўзининг эҳтиросли вужудини ҳам инкор эта-ди. Мавжуд жамиятнинг булғанчлигига, фасод бойлаб кетганига тоқат эта олмаган шоир бутун башарият учун айбни ўз бўйнига олади.

Аттор идеали, унинг интилган Ҳақиқати, аввало, Поклик тимсолида намоён бўлади. Унингча, Поклик Олий руҳий қудратнинг асосий сифатидир. Унинг тасаввуридаги «Мутлақ пок борлиқ» ўша давр ислом динига эътиқод этувчи кўпчилик тасаввуридаги Тавҳид тушунчасининг талқинидан фарқ қиласи. Шоир ирфоний шатҳиёт жазабасида баъзан ҳатто барча диний китоблар, жумладан, Куръон матнининг талқинларини ҳам Олий моҳиятни англашга тўсқинлик қилувчи бир парда деб ҳисоблаб, бутпарастлар топинувчи санамларга қиёс этишдан қайтмайди. Пайғамбар ва расулларнинг сўзларини илоҳий калом билан тенглаштириш тамойилларини кескин қоралайди.

«Атторнинг худо ҳақидаги тасаввури, — деб ёзади А.Муҳаммадхўжаев «Фаридиддин Атторнинг дунёқараш» китобида, — Ибн Сино, Умар Ҳайём ва бошқа кўпчилик Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг худо ҳақидаги тасаввурларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди». Унинг тасаввуридаги Олий пок борлиқ — барча моддий дунё ашёларининг ягона мутлақ моҳиятидан иборат бўлиб, уни алоҳида кўриш ва тасаввур қилиш мумкин эмас:

*Жўмла олам бе ту мибинам аён,
Ва-з ту дар олам намибинам нишон.¹*

*(Барча оламни сенсиз аён кўриб турибман,
Ва оламда сендан ҳеч бир нишона кўраётганим йўқ.)*

XIII аср тасаввуф шеъриятининг бу буюк намоянда-си, назаримизда, ҳаётий мураккаб жараёнларни изчил ички ривожланишда олиб қарамайди. Ушбу хусусият унинг асарларида умумий пессимистик руҳнинг кучли намоён бўлишига сабаб бўлган ва кейинги асрларда унинг ижодини турли гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида турлича талқин этишларига имкон берган. Бу ўринда

¹ А.Муҳаммадхўжаев ўз китобида Техрон нусхаси асосида ушбу байт биринчи сатрини «жўмла олам ба ту бинам аён» (Барча оламни сен туфайли аён кўриб турибман) шаклида келтиради. Бундай фарқлар яна бир марта Аттор асарлари матнига ёндошув гояйвий мақсадлардан холи эмаслигини исботлайди.

Аттор қўлёзмаларига атайн «тузатишлар» киритиш, шоирнинг исёнкорлик руҳини ошкор этиб қўювчи маълум сатрларни «қисқартириш», кейинги асрларда «ижод қилинганд» ўта тенденциоз «асарлар»ни шоирга нисбат бериш каби сохталашибишининг тури усуллари қўлланилган бўлиши мумкинлигини ҳам назардан соқит этиб бўлмайдики, ушбу ҳолатлар, биринчи навбатда, шоир мероси устида жиддий матншунослик тадқиқотларини талаб қиласди.

А.Мұҳаммадхўжаев ёзишича, шоир ўша даврларда шаҳар хунарманд доиралари орасида урф бўлган футувва (жавонмардлик, саховатпешалик, ўз манфаатларидан ўзганинг манфаатини устун қўйиш принципларига асосланган ўртоқлик жамоалари) таълимотининг тарафдори бўлган ва бу соҳада, ҳатто маҳсус «Футувватномай манзум» (Шеърий футувватнома) номли достон битган.¹ Бу достонда Аттор футувва аҳлининг 72 фазилатини таърифлаб беради, жумладан, ростгўйлик, аҳдга вафо, ўзгага холис ёрдамга доим тайёр туриш, баҳти қайтган инсонларни баҳтли этиш йўлида Фидойилик каби ажойиб умуминсоний хислатлар ушбу таълимотнинг асосини ташкил этарди.

Албатта, Аттор ижодининг бутун моҳиятини жузъий кузатишлар билан қамраб олишга уриниш бефойда. Унинг бой ва муракқаб бадиий олами кенг ва муфассал тадқиқотларни талаб қиласди. Бизнинг асосий мақсадимиз Фаридиддин Аттор ижодининг муфассал тадқиқи эмас, балки унинг Алишер Навоий туфайли ўзбек адабиёти ихлосмандлари орасида машҳур бўлган «Мантиқ ут-тайр» достони мазмуни ҳақида баъзи мулоҳазалар билдиришдир.

Маълумки, Шарқ адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси академик Е.Э. Бертельс 1928 йилда ёзилган «Навоий ва Аттор» асарида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонини «Мантиқ ут-тайр»нинг 1857 йилда

¹ Тадқиқотчи бу достон ҳақида мукаммал маълумот бормайди, аммо Атторнинг биринчи издоши, XIV асрда ижод қилинган турк шоири Гулшахрий ёзган «Мантиқ ут-тайр» асари тўлиғича футувва гояларини тартиб қўлишга багишланганлиги Ш.Шариповнинг «Лисон ут-тайр» генезиси ҳақида ёзилган асаридан китобхонга маълум. Аммо шу нарсани афсус билан қайд этмоқ керакки, ўзбек кенг китобхон аҳлига яқингача ҳам ахийлик, футувва, жавонмардлик жамоалари ва уларнинг фалсафий-социал асослари ҳақида старли маълумот берувчи адабиёт йўқ эди ва ҳатто 14 томлик «Ўзбек совет энциклопедияси»да ҳам бу каби атамаларнинг шарҳи берилган эмас. Ваҳоланки, Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари ўз даврида бу тушунчаларга алоҳида ёътибор билан қарашган. Мустақиллик шарофати билан Воиз Кошифийнинг «Футувватномай сultonоний» рисоласи Н.Комилов томонидан ўзбекчага ўтирилиб нашр этилганлиги бу соҳада катта ютуқ бўлди.

француз шарқшуноси Гарсин де Тасси тайёрлаган илмий-танқидий матнига қиёслаган эди. Биз француз олимининг жиддий меҳнатга жилла бўлса ҳам ҳурматимизни камайтиргаган ҳолда, Навоий даврига яқин қўлёзмани қидиришни лозим кўрдик ва шундай қўлёзмани Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондидан топишга муваффақ бўлдик. Бу 813-инвентарь тартиб рақами остида сақланётган «Ситтайи Фаридиддин Аттор» (Фаридиддин Аттор олтилиги) номли ноёб қўлёзма экан. «Мантиқ ут-тайр»дан ташқари яна тўрт достон ва шоир девонини ўз ичига олган бу китоб баъзи маълумотларга кўра 1424 йилда Ҳирот шаҳрида кўчирилган.

Достоннинг асосий сюжетига 200 дан зиёд ҳикоят-тамсиллар ва бир йирик қисса қўритилган. Аттор «тавхид», «ҳамд», «наът» каби анъанавий боблардан сўнг «Ақлга хитоб» сарлавҳаси остида Ҳудхудга мурожаат билан асосий мавзуга киришади:

*Марҳабо, эй Ҳудхуди ҳодийшуда,
Дар ҳақиқат пайки ҳар водий шуда.
Эй ба сарҳадди Сабо сайри ту хуш,
Бо Сулаймон «мантиқ ут-тайр»и ту хуш...*

(Хуш келибсан, эй йўлбошловчи бўлиб етишган Ҳудхуд,
Ҳақиқатни билишда сен ҳар бир водийдан
хабар берувчи бўлиб етишидинг.
Сабо мамлакатига сенинг сайринг қуттуғ бўлсин,
Сулаймон билан қушлар тилида сұхбатинг
қуттуғ бўлсин...)

Бу сатрларнинг мажозий мазмуни жуда теран. Улар машҳур ривоятдаги Ҳудхуднинг Сулаймон пайғамбар билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўргасида-ги элчилигига ишора қилмоқда. Бундан ташқари, Аттор Ҳудхуд тимсолида Ақлни назарда тутади (Ҳудхуднинг бошидаги тожи бу рамзга ишора ва Ақл инсон ҳистийгуларини етаклашда йўлбошловчи бўлиб етишгани, Ҳақиқатни англаб етишида инсон учун асосий восита деб тан олингани таъкидланмоқда). У Сабо мамлакатига — ишқ оламига сайр этади, Сулаймон, яъни Олий қудрат даракчиси билан қушлар тилида сұхбат қура олади. Кейинги сатрлар ушбу талқинни тўлиқ тасдиқлаш баробарида яна Атторнинг асосий концепциясига китобхон диққатини қаратади:

*Девро дар банди зиндон боз дор,
То Сулаймонвор боши роздор.
Девро вакъти ки дар зиндон куни,
Бо Сулаймон қасди шодирвон куни.*

*(Девни зиндонда банди этиб сақла,
Шундагина Сулаймон сингари
(ҳақиқат) сирини англай оласан.
Девни зиндонга қамагачгина,
Сулаймон билан шоҳ ҷодирида
сүхбат қуришни ўйласанг бўлади).*

«Дев» деганда Аттор яна ўша мoddий ҳирсу ҳавасларни назарда тутмоқда. Яъни, Инсон ақл қудрати билан мoddий истакларини енгигб ўтгандагина, Олий ҳақиқатни англаш даражасига етиша олади, демоқчи.

Шу тартибда Аттор яна ўн икки турли тоифа қушларга мажозий мурожаат қиласди.

Шундан сўнг Ҳудҳуднинг қушлар жамоасига мурожаати бошланади. Унинг сўзларидан маълум бўлишича, у ўз подшоҳини таниган, фақат ҳузурига танҳо йўлга чиқишга қудрати етмайди. Лекин бошқа қушлар унга ҳамроҳлик қилишса, ул шоҳ ва ул олий даргоҳга маҳрам бўлиш насиб этиши мумкин. Бу олий ҳукмдорнинг номи Симурғдир. Қушларнинг саволларига жавобан Ҳудҳуд уни таъриф этади ва барчалари Симурғга етишиш орзуисида йўлга отланадилар. Аттор асосий сюжетда эпик тасвирга кўп мойил эмас, унинг достонида ҳисҳаяжон, туйгулар тошқини кучли, эпик ҳикоя кўп ўринда жуда қисқа ва шартлидир. Масалан, қушларнинг Ҳудҳуд тарғиботи таъсирида йўлга отланишлари ва йўл қийинчиликлари атиги уч байтда муҳтасар ифода этилган, холос. Кейин яна қушлар ва Ҳудҳуд орасида баҳсмунозара бошланиб кетади. Ҳар бир қуш йўл қийинчиликларидан зорланиб, ўз аҳволини баён этиб, умумий мақсад йўлида интилишдан тўхташга баҳона излай бошлайди. Ҳудҳуд эса уларнинг ҳар бир узрига ўринли инкор жавоблари бериб, гапининг исботи учун ибратли ҳикоялар келтиради, уларни ўз интилишларида сабитқадамликка унрайди.

Қушлар йўлбошловчидан Симурғнинг ўзларига нисбатан қандай эканлигини суриштириб, шундай жавоб олишади:

*Сурати мурғони олам сар басар
Сояй уст, ин бедон, эй бехабар.
Ин бедонисти, бубин онгаҳ бибош,
Чун бидонисти, макун он роз фош.*

*(Оламдаги барча қушларнинг сурати
Унинг соясидир, буни бил, эй, бехабар.
Буни билдингми, қара, энди жим бўл,
Билган бўлсанг, ул сирни фош этма.)*

Аттор достонининг ўзак ҳикояти Шайх Санъон қиссасидир. Бу достон ичра достон асарга қуйидаги сабаб билан киритилади. Қушлар барча узр ва саволларига мукаммал жавоб олгач, «йўл кайфиятини» сўрайдилар, яъни Симурғ сари интилган йўлчидан аввало қандай сифат талаб қилинишини билмоқчи бўладилар. Ҳудхуд айтадики, бу йўлда асосий сифат фидойи ва беғараз ишқдир. Аттор қаҳрамони тилидан ишқни таъриф этар экан, ниҳоятда жўшиб кетади:

*Гар туро гўянд аз имон бар ой,
Ва-р хитоб ояд туро к-аз жон бар ой,
Ту гаҳ инро ва гаҳ онро барфишон,
Тарки имон гируг жонро барфишон.
Сангари гўянд ки ин бас сангар аст,
Ишқ гў аз куфру имон бартар аст.
Ишқро бо куфру бо имон чи кор,
Ошиқонро лаҳзае бо жон чи кор!*

*(Агар сенга шмондан кеч деб айтишиса,
Агар «жондан кеч» деб хитоб янграса,
Сен дарҳол бунисидан ҳам, унисидан ҳам
воз кечиб қўй,
Имонни тарк этгину, жондан юз ўгир.
Бу тўсиқ (яъни куфр ва имон орасидаги
тўсиқ) жуда маҳкам дейишади,
Айттинки, ишқ куфр ва имон (аро
зиддият)дан юксакроқдир,
Мұхаббатнинг куфру имон билан қанчалик иши
бор??
Ошиқларнинг бирор лаҳза жон билан ишлари
борми??)*

Шоир қалбидан тошиб келган бу эҳтиросли хитоблар тасаввуф маънавиятининг юксак парвозларидир.

Мурғак Алишерни ўз сеҳрига чулғаган, унинг истеъдо-дига чўф туташтирган худди шу сатрлар бўлса, не ажаб! Ушбу чақмоқли мисралар давомида баён этилган қисса ҳам «Мантиқ ут-тайр» достонининг авж пардаларини ташкил этади.

Каъбада эллик йил улуғ шайх бўлмиш Санъон тушида бир насроний маликани кўриб севиб қолгани ва барча обрў рутбалиридан кечиб, ўша тарсобачча санамнинг йўлига борлигини, дину имонини багишлагани ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя ўқувчига яхши маълум, бу ҳақда озар шоири Ҳусайн Жовид яратган драма ҳам кўп театрлар саҳнасида кўрсатилган. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонида воқеанинг асосий мазмунини мукаммал гавдалантириб берган. Шу сабабли биз достон мазмунини такрорлаб ўтирумай, факат баъзи жиҳатларига китобхон эътиборини тортмоқчимиз.

Аттор ўз достонини:

*Шайх Санъон сири аҳди хеш буд,
Дар камолаш ҳар чи гўяям беш буд —
(Шайх Санъон ўз даврининг сири эди,
Камолоти, ҳар қанча таъриф этмай,
ундан юқорироқ эди)*

деб бошлайди. Бу сўзлар бутун қисса мазмунига қалитдир. Дарҳақиқат, эллик йил Каъбада шайх бўлган, эллик марта ҳаж шартларини бажарган ислом динининг пешвоси аллақандай бир тарсо қизига хобида ошиқ бўлиб, ҳамма мартаба ва имтиёзларидан, орттирган обрўсидан воз кечиб йўлга чиқиши ва охир натижада тарсо қиз висолига етмоқ учун исломдан, имондан кечиб, ўзга динга ўтмоғи, унинг учун энг табаррук китоб «Қуръон»ни ўтга ёқиб, исломда энг ҳаром жонзорот ҳисобланган чўчқаларни парвариш қилишга рози бўлмоқлиги — булас асло ҳирсу ҳавас түғёнининг белгиси бўла олмас эди. Унинг маънавий камолотини таъкидланиши ҳам бунга далолатдир. Назаримизда, бу 1221 йилда ёзилган асар Фаззолийнинг ислом минтақасида турли оқимлар аро мўътадилликни таъминлашга қаратилган маънавий ислоҳотларидан, айниқса, унинг тасаввуф ирфонини муайян шариат қоидалари чегарасида талқин этишидан қониқмаслик руҳини ифодалар эди. Чунки Аттор ирфонида ҳам Ҳақиқат ишқи, Навоий талқинидаги Мансур Ҳаллоҳ хаёл қилганидек, дунёдаги барча

мазҳаб намояндаларини бирлаштира олиши мумкин бўлган умумий бир эътиқод сифатида тасаввур этиларди. Шу сабабли бўлса керак, ўзи ақлдан туйгунни устун кўришига қарамай, гўё юон фалсафа илмини танқид этган Фаззолийга қасдма-қасд Рум гўзалига ошиқ бўлган Санъонни ўз асарига марказий қаҳрамон қилиб олади. Аттор асарининг етакчи гояси Навоийнинг ҳам дилидаги армон, унинг учун ҳам мафтункор ва ўта оҳанрабо орзу эди.

Аммо XII асрда ҳануз шайх Санъон жасорати, маълум мъянода, Атторнинг ўзи учун ҳам сир эди. Балким, шу сабабли буюк форс тасаввув шоири ўз фояларининг ҳимоясида изчил бўла олмади, унинг зиддиятли тафаккури доимо «ишқ» ва «имон» орасида тараддуудда турди. У ўз қаҳрамонини юрак билан ёқлайди, ақл билан қоралайди, ботиний эҳтирос билан кўкка кўтаради, зоҳирий мулоҳазалар билан ерга уради. Румдаги дайрда тарсо қизининг шоир томонидан ички ҳавас билан муфассал таъриф этилган сулув жамолини кўргач —

*Шайх имон дод, тарсоий хариd,
Оқибат бифрухт, расвоий хариd.*

*(Шайх имонини қўлдан бериб, тарсоликни сотиб олди,
Келажак дунёсини сотиб, расволикни олди.)*

Аттор қиссасини бошлашдан бурун —

*Ишқро дарди бебояд пардасўз,
Гоҳ жонро пардадар, гаҳ пардадўз, —*

*(Ишқ дарди пардани куйдирувчи бўлиши,
Гоҳ жон пардасини йиртувчи, гоҳ тикувчи
бўлиши лозим.)*

деган эди. Бу сатрлар мазмунни шоирнинг ўзига тамомила дахлдордир. Шайхнинг инсонлар орасидаги барча зоҳирий тўсиқларни куйдиргувчи алангали муҳаббати Аттор дилидан учқунлангандир, шайх Санъоннинг ўтли нидолари орқали Ошиқ шоир ўзи «пардани йиртиб чиқиб», дил дардларини тўкиб солади ва яна қаҳрамон эҳтиросларини парда қилиб ўзини пана-лайди.

Қисса бошида ишқни имондан юқори қўйган шоир якунлашда яна қушлар Санъон ишқини фақат бир тамсил, «ҳақиқий ишқ» (Симурғ ишқи) йўлида рамз (алле-

гория) деб қабул қылғанларига ишора қиласы, яни бадий тафаккур даражасыда замона ақидаларига риндана исөн күтартган ҳолда, суфий сифатыда яна мұтадил-ликни сақлаб қолади.

Қушлар бир муддат олға парвоз этиб, йүлнинг поёнсиз мاشаққатларидан толиқадилар ва яна Ҳудхұд билан ораларыда баҳс бошланади. Қисқаси, то тариқат водийлари шархига ўтилгунча (тәкрибан 1,5 минг байт давомида) ўн бешга яқын қүшнинг Ҳудхұд билан саволжавоби берилади. Ҳар бир жавоб бир неча ҳикоят орқали далилланади.

Охирги қисм водийларга бағищланған. Йүлбошчи Ҳудхұд навбатдаги қүшнинг саволига жавобан аввал 7 водий (талаб, ишқ, маърифат, истигно, тавхид, ҳайрат, факру фано водийлари)ни номма-ном санағ, сүнг ҳар бирини алоҳида васф этади ва ҳар сафар 5-6 ҳикоят билан тавсифни муайянлаштиради.

Асар охирда минг машаққат ичра ҳудудсиз йүл босиб, күпчилігі сафар давомида қолиб кетген қүшларнинг жуда оз қисми «ул Олий даргоҳ»га етиб борадилар:

*Олами пур мурғ мибурданد роҳ,
Беш нарасиданд си он жойигоҳ.*

*(Улар йўлга тушганда бир олам қуш эдилар,
Ул даргоҳга ўттизмадан ортиги етиб келмади.)*

Аммо улар етиб келган жой жуда маҳобатли бўлиб, бунда юз минглаб офтоб бир зарра каби арзимас туяларди. Ожиз ва бенаво ўттиз қуш қалбини яна қўрқинч ва умидсизлик қоплади:

*Кай падид оем мо ин жойигоҳ,
Эй дариго, ранжи бурди мо зи роҳ...*

*(Биз бу даргоҳда қандай ҳам кўзга ташланана олар эдик,
Эҳ, афсус, шунча йўл босиб тортган
азоб-уқубатларимиз...)*

Қушлар шундай тараддуд ичра турғанларидан парда ортидан «Иzzат човуши» (худайчиси) чиқиб келиб, улардан нега келғанликларини сўрайди. Қушлар ўз ахволларини баён этиб, биз шунча йўл босиб, дард чекиб, Симурғдан бизга подшоҳ бўлишини илтимос қилиб келдик, дейишади. Човуш жавоб қиласы, «агар сиз-

лар жаҳонда бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам у мутлоқ ва абадий подшоҳдир».

«Иzzат човуши»нинг бу хитобига жавоб сифатида Аттор парвона ва шам ҳақида ҳикоят келтириб, қушлар кайфиятини билвосита изҳор этади. Шу пайт умидсизликка тушган йўлчилар олдида «ҳожиби лутф» (муруват дарвозабони) пайдо бўлиб, қушлар олдидаги пардаларни бирма-бир кўтаради ва уларни бир нурли парда қаршисига етказиб, «яқинлик остонаси»да «ҳашамат ва иззат курсилари»га ўтқазгач, қўлларига бир руқъа (хат битилган қофоз) бериб, шуни охиригача ўқинглар, дейди.

Шоир шу ўринда Юсуф пайғамбар ва унинг биродарлари ҳақидаги ҳикоятни тамсил сифатида келтиради. Маълумки, отасининг севимли кенжা ўғли бўлмиш гўзал Юсуфни биродарлари рашик қилиб, саҳрода бир қудуққа элтиб ташлашган, сўнг савдогарга қул қилиб сотишган ва унинг кўйлагини қонга бўяб, йиртқичлар еб кетди, деб отасига хабар келтиришган эди. Орадан кўп ҳодисалар ўтиб, Юсуф тақдир тақозоси, ўзининг соғ кўнгиллiği ва ақл-идроқи туфайли Миср ўлкасида ҳукмронликка етишади. Юртда қаҳатчилик бошланиб, очликдан қийналган акалари ўз биродарларини танимай, олдига нон сўраб келишади. Юсуф уларга айтадики, «менда бир яхудий тилида битилган ёзув бор, ҳеч ким уни ўқий олмаётир, агар сизлар шуни ўқишига ёрдам берсаларингиз, сизга қанча бўлса нон бераман» (Юсуф ва акалари, ривоятдан маълумки, яхудий эдилар. Мисрнинг ўша даврдаги аҳолиси эса бошқа, аниқроғи, қибитий тилида сўзлашар эдилар). Биродарлар шодмон бўлишиб, «хатни келтир», дейишади. Юсуф хат ўрнига биродарлари олдига ўзининг қонли кўйлагини келтириб ташлайди...

Ҳикоят ниҳоятда ибратлидир. Атторнинг юрагидаги бутун оғриқ яна бир карра шу тимсол орқали ярқ этиб юзага уради, шоир асос фоясини қайта-қайта таъкид этади:

*Чун нигоҳ карданд он си мурғи зор
Дар хати он руқъайи пурэътибор,
Ҳар чи ишон карда буданд он ҳама,
Буд карда нақши он тобон ҳама.
Он ҳама худ буд саҳт, он буд лек,
К-он асирон чун нигаҳ карданд нек,
Рафта буданду тариқе соҳта,
Юсуфи худро ба чоҳ андохта,*

*Жони Юсуфро ба хори сүхта,
В-онгаҳ уро бар сари бифрухта.*

(Ул бечора ўттиз қүш эътиборга сазовор номадаги
Ёзувга нигоҳ ташлагач, (кўришиди)
Улар ҳаётларида нимайики иш қилган бўлсалар, барчаси
Ушибу (ёзув)да равшан акс этган эди.
У барчаси жуда оғир эди, лекин ул асиirlар яхшилаб
Назар ташлаша, айни ўша қилмишлари эди,
Яъни улар ўзларига бир йўналиши олиб йўл босишган,
Аммо (йўл бошидаёқ) ўз Юсуфларини чоҳга ташлаб
юборган эдилар.

*Юсуфнинг жонини хорлик билан куйдиришган,
Ва уни бир бегонага сотиб юборишган эди).*

Аттор жўшиб кетиб хитоб қиласиди:

*Минадони ту — гадойи ҳеч кас,
Мифуруши Юсуфи дар ҳар нафас.
Юсуфат чун подшоҳ ҳоҳад шудан,
Пешгоҳу пешво ҳоҳад шудан,
Ту ба охир ҳам гадо, ҳам гўрисна,
Пеши у ҳоҳи шудан тан бараҳна.*

*(Сен — ҳеч ким бўлмаган гадо, ўзинг билмай —
Ҳар нафасда бир Юсуфнингни сотасан,
Юсуфинг подшоҳ бўлиб етишганда эса,
Олий зот ва етакчига айланганда эса,
Ўзинг охир-натижада ҳам гадо, ҳам оч ҳолатда
Ялангоч тана билан унинг олдига (тиланиб борасан).*

Кушлар бундай қиёсдан шарманда ва уят ичра қолиб, соф йўқлилка чўмдилар ва танлари тўтиёга айланди. Шундан сўнг улар буткул покланиб, янгидан жон пайдо қилдилар.

*Чун нигаҳ карданд он си мурғ зуд,
Бешак он Симурғ он си мурғ буд.*

*(Ул ўттиз қуш тезлик билан нигоҳ ташласа,
Шак-шубҳасиз ул Симурғ ўша ўттиз қушнинг ўзи эди.)*

Кушлар барчаси ҳайратдан бошлари қотади, «бу» қандай қилиб «у» бўлиб қолганини тушуна олишмайди. Ўзларига қарашса, «си мурғ» (ўттиз қуш), Симурғга боқишишса, яна «си мурғ»нинг ўзи. Улар «тилсиз» (безабон) ул Олий даргоҳга савол қилишади, у ердан ҳам «безабон» жавоб келади:

...К-оийнаст ин ҳазрати чун офтоб,
Хар ки ояд хешро бинад дар у,
Жону тан ҳам жону тан бинад дар у.
Чун шумо си мурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чиҳил, панжоҳ мурғ оянд боз,
Пардаро аз хеш бегушоянд боз.
Гарчи бисёри ба сар гардидаид,
Хеш мибиниду худро диддаид.
Ҳеч касро дида бар мо кай расад.
Чашми мўри бар сурайё кай расад.
Дийдайи мўри ке сандон бар гирифт,
Паша кай пили ба дандон дар гирифт...

(«...Бу офтоб каби (чарақлаган) даргоҳ кўзгудир,
Унда ҳар ким келса ўзини кўради,
Жон ва тан ҳам унда жон ва тани кўради.
Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриниларинг,
Агар бошқа сафар қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан парданни кўтарадилар.
Агарчи кўп нарсаларни бошдан кечирган
бўлсаларинг ҳам,
Ўзларингни кўриб келдиларинг ва
ўзларингни кўриб турибсизлар.
(Сиз каби) ҳеч ким бўлганлар нигоҳи бизга қачон
етарди,
Чумоли кўзи билан сандонни яхлит кўриб
бўладими?
Паша филни тишида бутун тишлий оладими?..)

Шоир хulosасидан шуни англаш мумкинки, аввало Олий мутлақ борлиқ ўзга нарса, унга интилувчи «толиблар» — ўзга; қолаверса, камолот йўлининг охирида ҳам улар ўз аксларини, ўз қилмиш-қидирмишларинигина кўрадилар, фақат улар ўз «Юсуф»ларини олдиндан чоҳга ташламасликлари маъқул, яъни доимо ўз сийратларини пок сақлаб қолишга уринмоқлари, булғанчликка берилмасликлари лозим. Асар бошида айтилган «ниманики излаётган бўлсанг, нимагаки интилаётган бўлсанг, ўша сен ўзингсан, ўзингни англа, яна юз маротаба ўзингни англа» деб қилинган хитобнинг маъноси ҳам шу, яъни инсондаги Поклик ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир foяларининг ижобий руҳи шунда. Аммо, кўриб ўтганимиздек, бу ижобий ният

Атторда изчил эмас. У бани башарнинг моддий ҳаёт чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончсизлик билан қарайди.

Атторнинг ирфоний қарашларида ўша таҳликали замонлардаги адолатсизлик, ижтимоий нотўқисликлардан қониқмаслик, норизолик кайфияти намоён бўлди, аммо бу кайфият, объектив олганда, умидсизлик, моддий инсоннинг маънавий қудратига ишончсизлик кўринишида юзага чиқди. Биз агар шоирни тўғри тушунсак, моддий ҳирсу ҳавасларга ружу қўйиш ўша жамиятда фақат бир гурух тўқлилек шўхлик қилаётган фосиқларгагина алоқадор эди, бир бурда ҳалол луқма учун астойдил тер тўкиб ўтаётган меҳнаткашнинг нима нопоклиги бор эди, ахир? Аммо Аттор инсон руҳидаги шаҳват ва ғафлат, кибр ва ғазаб олудалигини ижтимоий жараёнлардан алоҳида, фақат бир умумий, мавхум инсон фитратига хос нуқсон сифатида кўриб, ҳалол ва меҳнаткаш инсонни ҳаромтомоқ, қорин тўқлигидан эрмакталаблик кўчасига юз бурган фосиқ каслардан мөҳиятан фарқ қила билмади. Унинг умри охиридаги асарларида намоён бўлган фожеъ руҳ, моддий дунё ислоҳидан умидсизлик кайфиятларининг илдизи ҳам, назаримизда, шу сабабдан эди.

Алишер Навоий тасаввуф шеъриятининг буюк сиймолари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар маънавиятига ниҳоятда теран ички эҳтиром билан ёндошиди, уларни «ҳақиқат тариқининг сұханварлари» деб улуттанды ва уларнинг бадиий ижод тариқи (яъни методи)га ихчам ва бикр таъриф бериб, ирфоний йўналиш вакилларини «нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин фаний» (илоҳий маърифат ҳазинаси жавоҳирлари билан бойиган) ва «халқ таърифидин мустағнний» (халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлар) деб тушуниради. Бу таърифларнинг талқини кейинги суҳбатлар мавзусидир.

II б о 6.

ФАРҲОДНИНГ ЮНОНГА САФАРИ

Ҳақиқат Борлиқ янглиғ мураккаб, ранго-рангдир. Ҳар бир инсон уни маълум нисбийликдагина англаб етишга қодир. Бунинг устига турли даврлардаги одамларнинг тафаккур даражаси турлича. Асотир тафаккури, илмий тафаккур, ирфоний тафаккур...

Инсоннинг дунёни, ҳақиқатни англаб этиш жараёнига хос бўлган тарихий такомил турли миқёсда: 1) умуминсоният ривожида, 2) инсонлар жамоасининг турли замоний ва маконий бирлашмалари доирасида, 3) ҳар фард инсон умри давомида рўй беради. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқаси билан мураккаб боғланиш, туташув ҳосил қўлмасдан иложи йўқ. Демакки, агар бирор ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритишга, унинг моҳиятини жиддий англаб этишга қасд қилинса, уни атроф-воқелик, ўзи мансуб бўлган умумий ва хусусий ҳодисалар силсиласида олиб қаралмоғи, макон ва замонидан узиб олмай идрок этилмоғи асли ҳақиқатни, яъни ўша ҳодиса моҳиятини тўғри ёритишга ёрдам бериши мумкин.

Бадиий тафаккур меваси бўлмиш адабиётни олайлик.

Яқингача илмий тадқиқотлар ва дарсликларда XII—XV асрлар ўзбек адабиётидаги яхлит жараённи «дунёвий адабиёт» деб номланган тараққийпарвар йўналиш; «диний-мистик» ва «феодал-сарой» адабиётлари деб тамға босилган «реакцион» оқимларга ажратиб, уларни бир-бирига кескин қарши қўйиб келингандиги ҳаммамизга маълум. Аммо бу атамалар давр бадиий тафаккури моҳиятини унинг асосий бадиий мезонлар силсиласига мос ҳолда очиб бера олмади. Чунки улар аслида марксистик мафкура нуқтаи назарини ифодалаб, ушбу мафкура тарғиботчисининг дунёни идрок этиш меъёрларини ўтмиш аждодлар меросига жиддий таҳрирсиз татбиқ этишга асосланарди. Шундай ёндошиш оқибатида, масалан, Алишер Навоий бадиий тафаккур олами ўз яхлитлигига тўғри талқинини топмади, сунъий равишда турли методлар, турли услубларнинг қовушмаган йигиндисига «айланиб қолди». Натижада, шоир асарларини кенг китобхонга тақдим этиш жараённида унинг ижодидаги баъзи жиҳатлар, боб ва қисмлар «ошиқча», «кераксиз» ҳисобланиб, тушириб қолдирилди. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг китобхон кўзидан «яшириб» қўлинган кириш боблари ва биринчи, иккинчи мақолатларида нафақат ёлғиз бу асар, балки бутун «Ҳамса», демакки, шоир ижодининг асосий моҳиятини, ундаги такомил босқичлари силсиласини тўғри тушуниб олиш учун калит мавжуд эди. Уларни чоп этмаслик билан улуғ шоир ижодининг асос моҳиятини тўғри англаш йўлига мутлақо оқлаб бўлмайдиган ғовлар ташланди.

Алишер Навоийнинг дунёни бадиий идрок этиши ўзига хос мураккаб жиҳатларга эга. Агар биз унинг

бадий тафаккури моҳиятини давр истилоҳ ва тушунчаларига таянган ҳолда, уларнинг ички мазмунини тӯғри тушуниб етишга жиддий интилиб, талқин ва таъриф этмасак, ўзимиз ўйлаб топган, бугунги кунга хос, ёки ўзга маданият анъаналарига мосланган атамалар билан ифодалашга уринсак, улуғ даҳо қараашларини маълум даражада жўнлаштириб тушуна бошлаймиз, натижада ўз маънавий уфқларимизни муайян қолиллар доирасида чеклаб қўйиш хавфига рўбарў бўламиз. Шу сабабли Навоий фикрларини унинг ўз истилоҳларида англаб етишга уринганимиз хайрлидир.

Аввало, оддий бир ҳақиқатни эътироф этиш керакки, XII—XV асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида форс-тожик ва туркий тилларда яратилган адабиётнинг юксак намуналарида ижтимоий-фалсафий ва бадий тафаккурнинг маълум муштарақлиги мавжуд. Шу сабабли Алишер Навоий илмий-адабий мушоҳадаларида форс-тожик тилида ёзган шоирларни мутлақо бегона санамайди, уларнинг кўпини ўзига ғойибона устоз деб билади.

Адабиётшунос А.Ҳайитметов илк илмий тадқиқотларида таъкидлаганидек, Навоий ижоди учун маълум даражада якунловчи асар бўлган «Маҳбуб ул-қулуб» рисоласида XII—XV асрлар минтақа адабиётининг энг йирик намояндалари дунёни бадий идрок этиш ва акслантириш мезонларига кўра бир неча гуруҳга ажратилади. Булардан биринчиси олдинги мақола хуносасида тилга олинган «илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва ҳалқ таърифига эҳтиёж сезмаганлар» бўлиб, бу гуруҳнинг энг кўзга кўринган вакиллари буюк тасаввуф шоирлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлардир, уларнинг бадий тафаккур методлари ва адабий йўналишлари Навоий тилида «ҳақиқат тариқи» деб ном олади.

Иккинчи гуруҳга Саъдий Шерозий, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Саноий, Ҳофиз Шерозий каби улуғ шоирлар мансуб ҳисобланиб, уларнинг бадий идрок ва тасвир мезонлари «ҳақиқат асрорига мажоз тариқини маҳлут қилиш» (аралаштириш) билан белгиланиши қайд этилади.

Учинчи жамоа форс-тожик шеъриятининг Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Ҳожумий Кирмоний каби ўз даврида донг таратган кўплаб намояндаларини ўз ичига олиб, бу гуруҳга «мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар» деб баҳоланади.

Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ижоди эса «ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва воғир» деб таърифланаб, унинг мазмуний ва услубий мураккаблигига алоҳида урғу берилади.

Қолган шоирлик даъвогарларини адиб «паст табақа» деб номлайди ва бу гуруҳга «юз машаққат билан бир байтни боғлаштирувчи» қоғиябозларни киритади. Устознинг бу мулоҳазалари ўша давр шеърияти моҳиятини англаб етишда ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга ва асло тасодифий мулоҳаза ёки шахсий дид ва тасаввур доирасидаги таърифлар эмас эди. «Ҳолати Паҳлавон Мұхаммад» асарида ёш Алишер билан Паҳлавон ўргасидаги суҳбат «ҳақиқат тариқи» ва «мажоз тариқи» истилоҳдарининг ўша даврда шеърият нуктадонлари орасида маълум ва машхур бўлганидан очиқ-ойдин дарак беради. Хўш, бу истилоҳларнинг туб маъноси нима, устод тилга олган адабий йўналишлар бир-биридан нимаси билан фарқ қиласи ва ҳар бирининг моҳияти нимадан иборат бўлган? Алишер Навоийнинг ўзи қайси йўналишни ихтиёр этган? Бу саволлар юзасидан илмий адабиётларда маълум мушоҳадалар йўқ эмас, албатта. Аммо биз масалага улуғ устоднинг ўз кўзлари билан қараш ва ўз сўзларидан жавоб қидиришга уриндик. Навоий ўзига устоз тутган шоирларнинг кўпчилигини «мажоз тариқи»га, янада аниқроғи, «ҳақиқат асрорига мажоз тариқини маҳлут этганлар» сирасига киритади. Аммо «Маҳбуб ул-қулуబ»дан бир йил бурун ёзилган «Лисон ут-тайр» достони «ҳақиқат тариқи» пешволаридан буюк форс тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор асарига татаббубъ-жавоб сифатида битилган эди. Навоий ўзининг бу достонига хос бадиий тафаккур йўналишини «Муҳокамат ул-лугатайн»да аниқ қилиб, «ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузупмен», деб таъкидлаган. Аввало шуни айтиш керакки, Аттор «мажоз» тушиунчасини ўзига хос идрок этади ва «ҳақиқат»ни «мажозга» аралаشتиргандарни кўп ҳам ёқтиравермайди. «Мантиқ ут-тайр»да Ҳудҳуд қушлардан бирига шундай хитоб қиласи:

*Эй гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз.*

(...Эй, мажоз тузогига илинган,
(Ички) сифатдан узоқлашиб, (ташқи)
суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

Атторнинг бундай қараашлари маълум фалсафий-ирфоний асосларга эга эди. Навоий ўз салафи дилидаги дардларни чуқур ҳис қиласи ва унинг қараашларига ниҳоятда эҳтиром билан муносабатда бўлади. Аммо унинг охирги достони мутлақо мустақил қийматга эга, унда шоир ўзи умр бўйи изланиб топган мураккаб, аммо яхлит ва теран Ҳақиқатни муносаб бадиий шаклда гавдалантириб берган. Бу асарнинг бадиий олами, айтиш мумкинки, Яқин ва Ўрта Шарқ бадиий тафаккури ривожининг катта бир босқичи — XII—XV асрлар эпик шеъриятининг ички маънавий юксалишида энг олий поғонани ташкил қиласи эди. Шу билан биргаликда бу асар мазмун-моҳиятига кўра шоир ижодидаги теран маънавият ганжиналарини чарақлатиб нурлантирувчи, уларга янги-янги товланишлар баҳш этувчи ажойиб бир машъала, уларнинг тилсимли қулфларини жаранглатиб очиб юборгувчи калит вазифасини ўтар эди.

Биз ҳозирча бу достонни тўлиқ талқин этишдан сақланиб, фақат мавзуга таалдуқли бир ўринга диққатни жалб этсак.

Аттор достонининг бошланишида Ҳудҳуд тилидан Симурғ сифатларининг таърифи келтирилиб, «ҳақиқат тариқи» йўналиши моҳиятини теран очувчи нозик ишоралар орасида бу афсонавий күшнинг бир пати Чин иқлимига тушганлиги борасида етти байтли мўъжаз ах-борот учрагани маълум. Навоий ушбу ушоқ хамиртурушдан йигирма беш байтли «Чин шаҳри сифати ва Симурғ пари анда тушганининг кайфияти» деган алоҳида боб яратади. Бу бобда аввало Чин ўлкаси васф қилинади, кейин Симурғ патининг Чин ўлкасига тушганлиги Моний номи ва унинг ажойиб санъати таърифи билан боғлаб бериладики, бу ажаб таассурот қолдидари:

*Ҳар киши боғлаб тахайюлдин қалам,
Қилмиш ул пар нақшидин тарҳи рақам,
Борчанинг нақшу хаёл андешаси,
Бу иш ондин бўлмиш ул эл пешаси.
Бир кишини қилмиш ул нақшу хаёл,
Нақшу тасвир амрида соҳибкамол.
Оти Моний, хомаси — мўъжизнамой,
Санъати наззораси ҳайратфизой.
Бўйла нисбатлардин аҳли маънавий¹
Чинда дерлар коргоҳи монавий...*

¹ Аҳли маънавий — маънавият аҳли, дунёнинг моҳияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритувчилар.

Ажабким, Симурғ пати тушганлиги сабабли Хитойда Моний нақшу нигор корхонаси (яъни, ҳозирги тушунчаларни қўлласак — монийлик тасвирий мактаби — «коргоҳи монавий») ривож олиб кетибди. Агар биз монийлик бидъатида тажалли таълимоти унсурлари ва ижтимоий адолат учун кураш гоялари анча кучли ифодаланганлиги ва бу диний-фалсафий оқим Фарб христиан маданияти ва Шарқдаги турли фалсафий тамойилларнинг шакланишида катта таъсир кўрсатганлигини эсласак, бу ерда ҳам Навоийнинг масалага нақадар жиддий ёндошганлиги ва тимсолларининг нақадар сермаънолигига қойил қолмай иложимиз йўқ.

Навоий учун Моний мактаби¹ онгли равища «Симурғ пати» рамзига реал тагзамин бўлганлиги кейинги байтлардаги ишораларда янада очиқ кўрсатилади:

*Ул пар эмди гўёким Чиндадир,
Хурдек ул мулки ҳулдойиндадир.
Бу эмиш ул пар зуҳурининг иши,
Мундин ортуқ фаҳм қўлмайдур киши.
Кўрмагидан кимса дам урмайдурур,
Сўзни бу гоятқа еткурмайдурур...*

Яъни шоир «Симурғ пати» тимсолини рамзий ишора сифатида тушуниш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди ва шу билан бирга ўз талқинини ҳам асло мутлақ-лаштирумайди.

Нима бўлганда ҳам, Моний мусаввирлик мактабининг «Симурғ пати» билан боғланиши бежиз эмас. «Ҳамса» туркумининг Алишер Навоий томонидан энг тагзаминдан қайта ишланган достони «Фарҳод ва Ширин» бўлиб, ушбу достон етакчи қаҳрамони, айтиш мумкинки, бўтун «Ҳамса» учун марказий тимсолидир. Нақош ва мусаввир Моний ана шу қаҳрамон — Фарҳоднинг севимли устози. Фарҳод — Чин диёрининг шаҳзодаси. «Симурғ пати» — Моний мактабига ишора бўлса, Фарҳод ушбу мактабнинг энг истеъододли шогирди, Моний санъатининг давомчисидир. Симурғ — Олий ҳақиқат тимсоли деб қаралса, унинг «пати» мъянавият гулханидан бир шарора бўлиб, туғилишидан Фарҳод дилига ишқ оловини туташтиради.

¹ Навоий монийлик ҳақида гапирганда уни тасвирий санъат мактаби қилиб кўрсатанига сабаб шуки, монийлик билъати гояларини маъдум дунёқараш сифатида очиқ тан олиш, ўша давр учун бениҳоя шаккоқлик бўлар ва имкондан ташқари эди.

Достон воқеаларига мурожаат қиласылған. Шоирнинг севимли қаҳрамони Чин хоқонининг яккаю ёлғиз, арзанда фарзанди. Аммо бу фарзанд туғилишиданоқ ўзгача бир хислатларни ошкор этади:

*Юзинда ишқ асроди ёзилғон,
Ичинда дард таъвизи қозилғон...
Мұхаббат нури олинда ҳувайдо,
Жамолида вафо түргроси пайдо.*

Хатто унинг исмини ҳам ишқ белгилайди:

*Фироқу рашку ҳажру ох ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.
Борин устоди ишқ этган мураккаб,
Тараккубдин бу исем ўлди мураттаб.*

Сутни ҳам бу гүдакка «ишқ энагаси» (дояи ишқ) ичиради, у ичган сутнинг ҳар қатраси шоир тарафидан «маънавият дурлари»га қиёс этилади.

Шайх Санъон 50 йил Каъбада хизмат бажарғач, күнглига ишқ олови туташган бўлса, энди Чин шаҳзодаси туғилишиданоқ дилида Олий меҳр — мұхаббат дарди билан дунёга юзланиб турибди. Бу Симургнинг сирли пати таъсири эмасми? Фарҳоднинг инсонлар көрига ярагувчи илк ўрганган ҳунарларига ҳам бири — тошкесар Қоран ва иккинчиси — моҳир наққош ва мусаввир Монийлар устозлик қиласидилар.

Монийлик нафақат юксак санъат, балки эзгу эътиқод ҳамдир. Бу сулукни танлаганлар жаҳонда, инсонлар онгида Эзгуликнинг порлоқ ғалабасини таъминлаш, борлиқни зиёга чўмдириш учун, зулмат тимсоли Ахриманга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқлари, унинг ҳукмронлигига узил-кесил барҳам бермоққа отланишлари керак. Фарҳод ҳам Юонга отланади. Навоий учун Юон фалсафаси (ҳикмати) инсониятнинг камолот сарби олга силжишида эришилган юксак босқич, аммо унга етишиш, ундаги улуғ ҳикматларни ўзлаштириб олиш йўли машаққатли йўл.

Тарихда Чин ўлкаси билан Юоннни боғлаб турувчи муайян восита нима? Бу — Искандарнинг Чинга юриши. Искандар истилолари — унинг хатти-ҳаракати ва эришган натижаси — бу барча шоҳ ва шаҳзодалар учун ибратли ойина. Тақдир кўзгуси.

Искандар ойинаси — хоқон хазиналарининг ичидаги қимматли ва сирлиси. Унда инсон ўз асл тақдирини

томоша қила олади. Бироқ бу күзгү тилсими Юнон ҳикматини эгаллаган кишигагина ечилади. Фарҳоднинг Юнонга сафари — унинг ўз инсонлик сиридан воқиф бўлиш, ҳақиқатни билиш йўлидаги жиҳодидир. Кўнглида меҳр нури билан яралган бу мард ва зукко ўғлон Чин ўлкаси — ўз юртининг барча мавжуд назарий ва амалий билимларини ўзлаштиргач, энди Юнон сари йўл олмоқда.

Юнон мулкида унинг биринчи етишгани ҳаким Суҳайло суҳбатидир. Қоронги форда «неча юз ранжу тимор ичра» юзлаб йиллар шу кунни кутган Суҳайло Фарҳодга Жомосп васиятини етказади. Достон қаҳрамонининг бу давр саргузаштларини муфассал тавсиф ва талқин этган устоз А.П. Қаюмов китобида таъкид этилишича, Жомосп тарихда зардустийлик эътиқодининг машҳур тарғиботчиларидан ҳисобланган, Моний мактаби эса бу эътиқод йўналиши билан узвий туаш эди. Жомосп васиятига кўра Чин шаҳзодаси:

*Тутуб ранжу анога жону жисмин,
Омар Искандар Румий тилисмин.
Ва лекин икки манзил бўлгусидир,
Ки онинг қатъи мушкил бўлгусидир.
Бирида аждар айлаб жонситониғ,
Дамидин қылғуси оташвишонлиғ.
Бирида Аҳриман айлаб ситам фош,
Хаводин бошиға ёғдургуси тош...*

Дарҳақиқат, достонда кейинги икки боб — бири Фарҳоднинг баҳайбат аждаҳони енгиши, иккинчиси қаттол Аҳриман устидан голиб чиқиши тасвирига бағишиланган. Навоий ҳар икки бобда ҳалқ эртаклари руҳидаги афсонавий олишувлар манзарасини классик шеъриятга хос сержилу услубда батафсил гавдалантириб беради. Асарни дастлабки ўқиган одамда муайян қаҳрамоннинг бениҳоя забардастлиги ва мардлиги ҳақидаги тасаввурдан ўзга фикр туғилмаслиги мумкин. Аммо бутун умр улуғ Ҳақиқат излаган мутафаккир шоир даҳосининг сехри шундаки, унинг ҳар бир асари ҳар қайта кўздан кечирилганда ва, айниқса, қиёсан ўрганилганда, янги-янги маъно товланишлари очила боради. Агар «Лисон ут-тайр»ни Аттор асарига қиёсан ўрганиб чиққач, яна «Хамса»га қайтилса, унда жуда гаройиб ишоралар бор экани сезилиб қолади.

Аждаҳо — нима? У кўп ҳалқлар оғзаки ижодида ёвузлик тимсоли, эртакларда эзгулик учун, ўз бахти

учун курашган гўзал ва довюрак қаҳрамонлар йўлига фов бўлувчи қора куч. Яъни ёзув маданияти вужудга келгунча бўлган инсонлар маънавияти учун эзгулик, баҳт ва ҳақиқат ғалабасини таъминлаш аждаҳони енгигб ўтиш рамзи билан бевосита боғлиқдир. **Аҳриман** эса эртаклардаги Аждаҳога қараганда мураккаброқ моҳиятга эга, бу тимсол ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ўлкалари учун энг қадимги муштарак ёзма маданият асоси «Авесто» асотирларида гавдаланувчи ёвуз куч тимсоли, зулмат рамзидир. Нур сари интилган инсоният йўлида янги ғовдир. Фарҳод ўз-ўзини англашга интилиб борар экан, аввал Аждаҳони, сўнг Аҳриманни аёвсиз жангда мағлуб этади.

Навоий иккинчи бобни тугатар экан, соқийга мурожаат қилиб айтади:

*Кел, эй соқий, манга май қил ҳавола,
Этибон Аҳриман бошин пиёла,
Ки қилғай ул қадаҳтин руҳи мастим,
Замоне нафс девин зери дастим.*

Эътибор қилинг, Аҳриман «нафс деви» билан чоғиширилмоқда. Фарҳодни ёвуз кучлар устидан ҳар бир ғалабаси унинг кейинги кураши учун зарурый яроғ билан таъмин этади. Аждарни енгигб қилич ва қалқон (моддий воситалар) топган бўлса, Аҳриманни енгигб Сулаймон узутини (тилсимли куч) кўлга киритади. У очилган хазиналарнинг ҳаммасини отасига ва лашкарга бағишлади, ўзига фақат кураш яроғинигина қолдиради.

Учинчи манзилда Фарҳод ҳозирги замон роботлари типидаги кўксига кўзгу қадалган темир одамга рўбарў келади. У ҳам тилсимли ёвуз кучлардан, унинг кўксидаги ойнага ўқ узиб, синдирилса, Искандар кўзгуси тилсими ҳам ечилади, бу тилсимни энди юксак Юнон маданияти мерос қолдирган Ҳақиқат сирларини англаш йўлида Фарҳод учун охирги фов, деб билса бўлади. Ниҳоят, бу фов ҳам бартараф этилиб, Фарҳод учун Сукрот ҳикматидан баҳраманд бўлиш имкони очилади.

Нега Алишер Навоий Юнон маданиятида эзгулик ва олий ҳикмат тимсоли этиб Афлотунни эмас, Арастуни эмас, донишмандликда энг комил уйғунликка эришган Сукротни танлади экан? Сукротнинг инсон ва олим сифатидаги улуғ хислати — эътиқодда изчиллиги ва илмдан шахсий ғараз изламаганлиги бунга сабаб бўлмадимикин?

Бунча даҳшатли хатарларни матонат билан енгиб, юқсак чўққидаги мўъжизали горга — Суқрот ҳузурига етиб борган Фарҳод у ерда қандай улуғ ҳикмат эшидти? Келинг, яна бир марта дилида ишқ билан туғилган йигитта ҳамнафас бўлиб, биргаликда Суқрот насиҳатларини тинглаб кўрайлик. Донишманд Ҳоқон ва Мулкорони ҳузуридан чиқариб юборгач, ёлғиз Фарҳодга юзланиб, жумладан, ушбу сўзларни айтади (файласуф мулҳазалари қисман насрый баёнда берилмоқда):

«...Мен минг йилдан буён шу төглар орасида пои қадамингга интизорлик тортаман¹. Ҳудога шукрки, энди сени ўзим топтим, юзингни кўзим кўрди². ...Сен шуни билки, бу дунё ўтқинчи бир дунёдир. Ўни ҳақиқат аҳларига бир зиндан деса ҳам бўлади. Яратувчи инсонни вужудга келтирган экан... ҳақиқий маҳбуб унинг ўзи бўлиб, унинг валига етишиш учун йўл босиш зарур...»

Вале бу давлатедур асру олий,
Эрур мушкул анга етмак хаёли.
Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
Узоқ тортар, вале иккى қадамдур:
...Бири ўзлукни қиммоқ бўлди фоний,
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.
Киши ўзлукни кўймай они топмас.
Тенгиз кесмай дури яктони топмас.³
Бу ўзлукдин қутулоқ чорасози,
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози —
Ҳам овозингни оғоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг кўҳсан тоқ ичра солғай.

Маълум бўладики, Фарҳод тақдирни «мажозий ишқ» билан боғлиқ экан, унинг ушбу ишқ ўти бутун оламни

¹ Дарҳақиқат, қадим юон маданияти таназзулидан то Яқин ва Ўрта Шарқ янги маданий тафаккури авж ола бошлаган давргача тақрибан минг йиллик масофа машҳуддир.

² Шарқ файласуфлари Юон тафаккур меросини ўлаштира бошлидилар, деб «тархима» қиласиз.

³ Мавжуд насрый баён давомида «ўзлукни кўймоқ» ибораси «киши ўзлигини йўқотиши», «ўзлигидан воз» кечиши, уни йўқ қилиши маъноларида талқин этилади. «Тенгиз кесмай...» ибораси ҳам шу талқинига мослаб «денгизни маҳв этмай туриб...» деб таржима қилинади, ваҳоланки, денгизни кечиб ўтиш мумкин, уни «маҳв этиш» (яъни йўқ қилиш) асло мумкин эмас. Навоий ундаи маслаҳат ҳам бормоқчи эмас. «Ўзлукни кўймоқ» — худбинликдан, ўз моддий манбаатларини ўйлашдан буткул кесмоқдирки, бусиз Олий ҳақиқатта стишиб бўлмайди.

ёритиб, жаҳонда унинг «яхши оти» абадий машҳур бўлиб, сақланиб қолар экан.

Шундай қилиб, яна «Ҳақиқат» ва «мажоз» нисбатига дуч келдик. «Ҳамса» муаллифи беш достонида «мажозий ишқ»нинг муқаммал бадиий тасвири ва талқинини яратиб беради. Аммо «ҳақиқий ишқ» талқинида ҳали мавжуд анъянадан кескин узоклашмайди, бу бениҳоя оғир вазифа ҳали келгусида, шоир ижодининг охирги босқичида узил-кесил ҳал қилинади. «Ҳамса» гояларининг ушбу йўналишдаги талқинига берилиб кетсак, сўз узалишини назарда тутиб, фақат мавзуга оид икки нуттани шоирнинг ўз сўzlари орқали шарҳ этиш билан кифояланамиз.

Аввало, Навоийнинг ишқ ҳақидаги қарашлари ва уларнинг шеъриятга алоқаси ҳақида.

«Ҳамса» давомида «ҳақиқий ишқ» ҳақидаги ўша давр учун анъана даражасида бўлган суфиёна нуқтаи назар ва шоир бадиий тасаввuri орасидаги очиқ ифода этилмаган номувофиқлик борган сари кучайиб боради. Фақат «Маҳбуб ул-кулуб»да донишманд адаб бу масалага баъзи аниқликлар киритишни ва ўз фикрини давр имкон берган даражада илмий хуласалашни лозим топади. «*Ишқ уч қисмга бўлинади, — деб ёзади у. — Биринчи қисм — оддий одамлар (авом) ишқи бўлиб, ҳалқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси — шарый никоҳдир... Кўйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш — одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир*».

«*Иккинчи қисм — алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишқи мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан бекарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади...*»¹

«*Учинчи қисм — сиддиқлар ишқидурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш бехушлигида идрок қилиш*

¹ Мисоллар тушунишга осон бўлсин учун насрой баёндан олинди ва фақат зарур ўринда асл нусхага мурожаат қилинди. — *M. И.*

қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (*Олий ҳақиқатни бевосита*) кўриши (*истаги*) буткул гарқ этган ва улар гарқ бўлишидан ўтиб, ҳалок бўлиш дараҷасига етгандар...» «Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учирив кетса — улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, булагга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиқкан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...»¹

Ҳар уч қисм ишқ аҳлига Навоийнинг муносабати улар таърифида сўз танлаш ва қайси жиҳатларини ажратиб қўрсатишидан ҳам билиниб турипти. «Маҳбуб ул-қулуб» — ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг маҳсус танланиши орқали изҳор қилиши мумкин. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисм ошиқлар («сиддиқлар»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйгулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганиллари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуддир.

Агар мутафаккир шоирнинг «ишқ» тушунчаси моҳиятини таснифлаш мезонларига эътибор қиласак, уларда Ибн Сино (980—1037) ва Фаззолий (1058—1111) асарларидаги ишқ таърифи ва таснифига нисбатан маълум даражада анъанага таянган ҳолда, мутлақо янтича ёндошувлар таклиф этилаётганлигини сезамиз. Ибн Сино «Ишқ ҳақида» рисоласида масалага дунёнинг моддий асослари ва моҳиятини тадқиқ қилувчи табиатшунос-файласуф сифатида ёндошгани учун «ҳайвоний» ва «илоҳий» ишқни аниқ ажратиб таърифлаб беради, аммо Навоий кейинча «мажозий» (ёки «хос») ишқ деб атаган моҳиятга маҳсус эътибор қўрсатмайди.

Ибн Сино рисоласининг бешинчи бобини «зариф ва мард кишиларнинг гўзал тимсолларга бўлган ишқи ҳақида» деб атаса-да, унинг мундарижасида юқоридаги икки ишқ турини ўзаро биректирмоқчи бўлади, сабаби, у ҳануз табиатшунос ва мантиқшунос сифатида бир тарафдан психофизиологик, иккинчи тарафдан метафизик қарашларга таянади.

Абу Ҳомид ал-Фаззолий эса «Иҳёйи улум-ад-дин»

¹ Ушбу учинчи ишқ таърифи ҳам оммавий нашрларда тушириб қолдирилган ва фақат араб ёзуvida босилган йигма нусхадагина мавжуд. — М. И.

(Диний илмларнинг қайта тикланиши) асарининг маҳсус бобида «ишқ» моҳиятида беш пофона ажратади ва уларнинг барчасини охир-оқибат Олий яратувчи Оллоҳга нисбатан ишқ заруратига олиб бориб боғлади.

Алишер Навоий ўз бадиий ва илмий-ижтимоий тафаккурида салафларидан олдин кетган жойи шундаки, у «ишқ» тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда «мажозий ишқ»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради¹. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

Бу «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ» кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги севги-муҳаббатдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутуслай фарқ қилали. Суқрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақиллик касб этган ва ҳатто ўз ирфоний интилишлари йўлида «идрок этиш қобилятидан бегона бўлган» («алардан шуур маслуб») тасаввуф аҳлининг соғи илоҳий ишқига нисбатан мустақил моҳият касб этгандир.

Шоир адабиётдаги «мажоз тариқи» билан «мажозий» («хос») ишқ орасида бевосита муносабат мавжудлигига асарларида очиқ ишора қиласди, «Маҳбуб ул-кулуб»нинг маҳсус бобида «иккинчи қисм» ишқ таърифидан сўнг, бундай ишққа молик шахслар сифатида яна Амир Ҳусрав Дехлавий, Ҳожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ва унинг туркий ва форсий тилли («гуфтторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт ҳайлида офатангез») шогирдларини (демакки, ўзини ҳам) эслаб ўтади. Адид таъкид этадики, ушбу ижодкорлар «ҳаммасининг ижод қилиш ва шеърият устида бош қотиришдан мақсадлари ишқ изҳоридир». Навоий умуман шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўзким дард ҷошинисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидир ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур». Охирги жумла ниҳоятда гўзал ва маънолидир — шоир назарida инсон ҳаётининг мазмуни ва завқини кўпинча «мажозий» си-

¹ Бу ҳақда ўз вақтида В.Зоҳидов ҳам фикр билдириб ўтган эди.

фати билан тилга олинувчи «хос ишқ»дан ташқаридан тасаввур қилиш мумкин эмас.

Энди Суқрот башорати билан Фарҳод ўз келажак тақдирини кўрган Искандарнинг тилсимли кўзгуси орасида қандай боғланиш мавжуд деган саволга жавоб қидирсак.

Искандар кўзгуси ҳам «жоми Жамшид» сингари жаҳонни кўрсатувчи ойина, яъни «ойинаи жаҳоннамо»дир. Бу эса яна ўша «мажозий» ёки «хос» ишқининг ўзи эканлигини Навоий кейинги достон «Лайли ва Мажнун» хотимасида алоҳида таъкид этади:

*Эй ишқ, фариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.
Ҳам зотингга дарж кимиёлик,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолик...
Хуршеди жаҳонкүшойсен, сен,
Мирзоғи жаҳоннамойсен, сен,
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали иштиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти.*

Демак, «ойинаи жаҳоннамо» бу — ишқ экан. Суқрот таъкид этган «ишқи мажозий». Фарҳод бу сирли кўзгуда нималарни кўрди? Аввал унда қуюнли улкан дашт ва унинг поёнида «қаттиқ тоғ» кўринади. Тоғ «камаргоҳи»да ҳад-худудсиз оломон ариқ қазмоқ билан банд. Уларнинг ичиги қаҳрамонимиз ўз қиёфасини ҳам кўради. Ушбу ҳолатда Ширин ўз канизлари билан пайдо бўлади. Кўзгудаги ва ҳаётдаги Фарҳод маҳбуба жамолини кўриб ўздан кетадилар. «Ишқи мажозий» улар қалбини забт этган эди. Эндиликда «ишқи ҳақиқий» сари машақатли йўл турарди. Фарҳод бу йўлда ўзлигидан буткул кечишини, ўз баҳтини фақатгина қалбидан жой олган ўзга инсон — Ширин баҳтида, унинг мамлакатидаги мушфиқ инсонлар баҳтида кўришни ўрганади. Шу мақсад йўлида фидокорона мешнатга, курашга киришади.

Аммо бу тилга олинган «ишқи ҳақиқий» энди Суқрот таъбиридан фарқ қилувчи Навоий талқини эди. Бу янгича талқиннинг моҳиятини англаб етмоқ учун биз биринчи навбатда «ҳақиқат асрорини мажоз суратида» кўргаза олган «Қушлар тили»нинг мағзини чақишимиз, уни сатрма-сатр Аттор асари билан қиёслаб тадқиқ этишимиз лозим. Адабиётда «мажоз тариқи»нинг ўзига

хос тутган ўрни ва салмоғини ҳис этиш учун эса XII—XV аср бадиий тафаккурининг забардаст алломалари Низомий, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий ва бошқалар ижодини ўзларидан олдин ўтган салафлари ва «ҳақиқат тариқи» устозлари ижоди билан муқоясада, юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларни иnobатга олиб эринмай тадқиқ этмоқ лозим бўлади¹. Шундагина бизнинг фикри ожизимизча, Навоий даҳоси бор бўйи билан ўз асл моҳиятини намоён этиши мумкин.

III б о б.

СИМУРҒ МАШАҚҚАТИ

Адабиётни хаёл ҳосиласи, бекорчиликдаги эрмак деб тушунадиганлар ҳам бор. Тўғри, шоир ё адид деган ном олиб, ёлғон ҳозиржавобликка, замона ҳокимларига ялтоқланиш ёки ҳангоматалаблар кўнглини овлашга ружу кўйганлар барча даврларда бўлган. Аммо ҳақиқий «лисон ул-ғайб» эгалари ҳеч қачон бадиий тафаккур қудратини пастга урган эмаслар, балки бу имкониятни инсониятнинг камолот йўлидаги машаққатли изланишлари пойига тўшаганлар, шу йўлда имдод қидирганлар. Улар меросининг абадиятга даҳлдорлиги, руҳининг «үн саккиз минг олам»га туташлиги шу сабабдандир. Демак, бугунги ҳаётимизнинг, маънавиятимизнинг мураккаб муаммоларига ечим излаганда руҳимиз яна ул табаррук меросга интилса, бобокалонлардан шафеълик тиласа жоиздир.

Алишер Навоий неча йиллар мажоз тариқи устодлари изидан бориб, «Хамса» мулкини тасарруф этгач, умр ниҳоясида «ҳақиқат тариқининг суханвари» Фаридиддин Аттор этагига илик урди, «куш тили ишорати билан ҳақиқат асрорини» талқин этмоққа киришди.

Шоирни гўдаклик чоғидан мафтун этган бу рамзий достонни туркий тилда қайта нақл қилишга қандай эҳтиёж бор эди? Бунинг сабаби Аттор асари мазмуни билан туркий халқларни таништириш деб изоҳлаш етарли бўладими?

«Мантиқ ут-тайр» ҳам, «Лисон ут-тайр» ҳам кўп маъноли, турли-туман фалсафий, руҳоний (яъни, ру-

¹ Табиийки, бу кенг миқёсли вазифа қардош тоҷик, озарбайжон ва ўзбек олимларининг яқин ҳамкорлигитини, эришилган ютуқларни ўзаро ижодий ўзлаштиришни тақозо этади.

ҳиятга тегишли), ахлоқий, ижтимоий, маънавий ва ўзга фояларга бой, ички қурилмаси ниҳоятда мураккаб асарлардир. Бир ўқиши билан уларнинг ҳатто асосий мундарижасини қамраб олиш ҳам қийин. Шунга қўра бу улкан вазифанинг кичик бир бўлагига қўл уриб, бугунги долзарб муаммоларга ҳамоҳанг бўлмиш «Лисон уттайр» достонининг ижтимоий фалсафасини Аттор дostoniga қиёсан ўрганиб кўрайли.

Аттор ижтимоий воқеликни ўзгаришсиз олади, Олий ҳақиқатни ҳақиқий Борлиқ ва унинг моҳияти нима, деган нуқтаи назардан талқин қиласди. Инсон ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати унинг учун энг муҳим муаммодир. «Мантиқ ут-тайр» биринчи навбатда ушбу муаммони ҳал этишга багишланган ва унда Атторнинг хulosаси Симурғ тимсолида энг ёрқин ифодасини топган. Аммо буюк тасаввуф шоири ўз замонаси воқелигига боғлиқ равишда бу хulosада событқадамлик кўрсата олмади. «Пашша ва фил», «Чумоли ва сандон» қиёсий тимсоллари орқали, Олий даргоҳдан чиқарилган руқъя воқеаси орқали яна қушлар ва Симурғ орасидаги фарқни мутлақлаштируди. «Мажоз тариқи» соликлари тарафидан воқеий борлиқ ва Олий моҳият аро нисбатнинг қандай талқин этилиши эса Навоийнинг «Насойимул муҳабbat мин шамойимул футувват» асаридаги шайх Авҳадиддин Кирмоний¹ номидан келтирилган рубоийда ихчам ва лўнда ифода этилган:

*Зон менигарам ба чашм сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар сувarem,
Маъни натвон дид магар дар сурат.*

(Бошидаги кўз билан суратга тикилишишнинг боиси —
Суратда

маънонинг изи борлиги сабаблидир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз.
Маъни суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

Яъни, бу сатрларда борлиқнинг Олий моҳияти ва унинг ташқи моддий намоён бўлиши (мазҳари) аро мураккаб уйгунлик мавжудлиги эътироф этилади. Бу анъянавий тасаввуф ирфони етиб келиб тўхтаган нуқта.

Авҳадиддин Кирмоний XIII асрда яшаб ўтган тасаввуф шайхларидан. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулюб» асарида уни Саъдий, Ҳофиз ва Деҳлавийлар қатори «ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут қилган»лар жумласига қўшади.

Худди ана шу нүкта «Мажоз тариқи» устодлари учун айни ибтидодир. Агар Аттор «мажоз» (сурат)га маҳлиё бўлиш инсонни Олий ҳақиқат («сифат», «маъно»)дан йироқлаштиради, деб ҳисоблаб, бундай гумроҳликни тарк этишга чақирган бўлса, Амир Хусрав Дехлавий «ҳақиқат ишқи» («ишқи ҳақиқий»)дан лоф ургандан кўра, «мажоз ишқи» («ишқи мажозий»)га ўзни Фидо этган мақбулдир, деб билди. Навоий масалани янада ойдинлаштириб, «Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир мажоз» деб тушунтириди.

Низомий инсоннинг Олий моҳиятга нисбати масаласини унинг ижтимоий адолатта муносабати масаласидан айру кўрган эмас. Шоҳ ҳам инсон. Аммо унинг ижтимоий хатти-ҳаракатидаги адолатсизлик нимадан туғилмоқда ва не қудрат шоҳ-инсоннинг моҳиятидаги ушбу қусурни бартараф эта олади? Мана, Низомий «Хамса»сининг бош масаласи. Низомий ўз даври доирасида фикр юритиб, шоҳ табиатидаги қусурлар билан оддий инсон табиатидаги иллатларни бир манбадан қидирди, ҳукмдор ўрнига шоир ўзини қўйиб кўриб, уни адолат йўлига бошлагувчи асос омиллар — ишқ ва илм деб хуласа чиқарди. Умрини султонлар саройида ўтказган Амир Хусрав Дехлавий бутун ижоди билан бу ақидага ишончсизлик билдириб, ошиқлик ва шоҳлик буткул зид моҳиятлардир, тож ва меҳр бир-бирини истисно қиласди, деб қайд этди.

Навоий ўз «Хамса»сида бадиий тафаккур қонуниятларига биноан ушбу қарашларни ҳар бир тимсол, ҳар бир қаҳрамон қиёфасида танқидий тадқиқ этди, янги хуласалар чиқарди. Унинг асосий хуласаси Фарҳод тимсолида мажозий тажассумини топди. Фарҳод — бу бошига тож кийишдан воз кечиб, инсонлигини, мажозий ишқ толиби бўлиш ҳуқуқини сақлаб қола билган шаҳзода, маънавий камолот касб этган хос инсон. Аммо ҳали «Хамса»да «Мажоз тариқи» устодларининг ижтимоий тафаккурига хос маълум чегаралар сақланиб қолган, бу соҳада руҳий инқилоб юз бермаган. «Хамса» ёзилган даврда Навоийнинг воқеий ҳаётдаги эзгу умидлари ҳали буткул поймол бўлмаган эди. Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарони «дарвеш-шоҳ» бўлишга тарғиб этар, Мўмин Мирзога алоҳида умидлар боғларди. Аммо тожу таҳтнинг аёвсиз қонуниятлари, айниқса, ёш шаҳзоданинг ўз бобоси фармони билан ўлдирилиши, бу иккилинишларга узил-кесил барҳам берди.

Мутафаккир санъаткор янги қадриятлар яратиш йў-

лини танлади. Келгуси авлодларга васияти сифатида «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари дунёга келди.

Е.Э. Бертельс 1929 йилда босилиб чиққан «Навоий ва Аттор» мақоласидаёт «Лисон ут-тайр» таржима асар эмаслигини исботлаб берган эди. Олимнинг аниқлашича, ўзбекча маснавийдаги 63 ҳикоятдан фақат 12 таси «Мантиқ ут-тайр» мавзуларига мос бўлиб, қолган 51 таси мутлақо мустақил экан. Бундан ташқари, Навоий тасвири ҳаётйлиги, ақлга мувофиқлиги, ҳикоя тарзининг изчил ва босиқлиги жиҳатидан ҳам Аттор достонидан кескин ажралиб туради. Аммо тасаввуфнинг мухлис тадқиқотчиси нуқтаи назаридан туриб ёзилган бу мақола, бизнинг назаримизда, Навоий асари моҳиятини шоирнинг мустақил дунёкараши заминида етарли даражада мукаммал очиб бера олмаган. Шарқ адабиётининг фидоий тадқиқотчиси Навоий талқинларининг ўз салафларидан анча илгарилаб кетганлигини завқи салиқаси билан сезиб туради. «Навои больше чем суфий» деб эътироф этади олим. Аммо бу жумла маъносини алоҳида шарҳламайди. Кейинги тадқиқотлар (жумладан, В.Зоҳидов, Ш.Шарипов, А.Малехова ишлари)да ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмаган. Аввало, уларда Аттор достони қиёсий таҳлил учун етарлича истифода этилмаган.

Атторда ҳам, Навоийда ҳам биринчи кириш боб дунё ва Одам Атонинг яратилиши, Иблис бўйнига тавқи лаънат илиниши ҳақида, деб ёзади Е.Э. Бертельс. Бу умуман тўғри. Бироқ, батафсил қиёсий таҳлил илк байтларданоқ икки достоннинг мазмуний муносабатларида яширинган кўп сир-синоатларга диққатимизни торта бошлайди.

«Мантиқ ул-тайр»нинг биринчи байти:

*Офарин женоофарини покро,
Он-ки, жон баҳшид мушти хокро.*

*(Бир сиқим тупроққа жон баҳш этган
Ул пок жоняратувчига офарин.)*

Навоий достонининг бошланиши:

*Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тенгри ҳамда бирла оғоз айлагай.*

Маълумки, бадиий тафаккур қонунларига биноан қоғия қиёслаш, яширин зидлаштириш вазифаларини

үтайди. Аттор биринчи сатрларданоқ, бевосита «Жонофарин», яни Ҳаллоқи оламга офарынлар айттар экан, ўз етакчиғояси измида бориб, унинг поклигига алоҳида эътибор қаратмоқда, бу азалий Покликни инсон сийратига хос «хок», яни тупроққа оидликка муайян дараҷада зидлаштириб талқин этмоқда.

Навоийнинг асл мақсади «таржимонлик» эмас, шу сабабли у татаббу анъаналаридан фойдаланиб, сўзни буткул бошқа мавзудан, аниқроғи, салафи таърифида нозик мажозий ишоралар билан бошламоқда. Олий ҳақиқат розини қушлар мантиқи билан илк баён этган ким? Навоий асаридаги «жон қуши» — Аттор. Аммо «Мантиқ ул-тайр»нинг биринчи очқич — байти ҳам унтилмайди, у Навоий достонининг 28-байтида — инсон моҳияти талқинида эсга олинади:

*Ҳам тилисм ул маҳзан узра, ҳам амин.
Офарин сунъингга, эй женофарин!*

Навоий ҳам «Женофарин» қурдатига мадҳия айтмоқда, аммо унинг эътибори «пок» ва «хок» зиддиятида эмас, унинг Ҳаллоқи оламга мадҳу саноси Ҳақ яратган ноёб мӯъжиза («сунъ») — Инсон туфайлидир. Чунки ушбу инсон қўнгли Олий ҳақиқатни англаб ета билиш (ирфон) салоҳиятига эга, шундай улуф ганжинани ўзида яширган «тилсим»дир. Яна у «амин» ҳамдир, яни айтилган Олий маънавий ҳазинанинг ишончли сақловчиси, эҳтиётловчисидир. Ундан илгари Олий ҳақиқат сирини на осмон, на ер қабул қилишга журъат этмаган эдилар. Сабаби — улар бири «залум» — азалий қоронғуликка маҳкум, иккинчиси «жаҳул» — буткул билим қобилиятидан маҳрум. Аттор инсонлар замирада тупроқ (хок) ва ел (бод) ётишини умидсизлик руҳида талқин қилган бўлса («хокиёноро умр бар бод у ниҳод» — «тупроқдан яратилганларнинг умрини ел устига у курди»), Навоий ўтмиш донишмандлари асослаб берган «табиат фалсафаси» анъаналарига таянади:

*Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,
Елини ҳам туфроққа айлаб адув,
Сунъидан кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлиб инсон хилқатида муттаҳид.*

Кўриб турибмизки, инсон моҳияти Атторда оддий зиддиятли жуфтлик («хок» ва «жон») сифатида бадиий талқин этилса, Навоий унинг турли табиат унсурлари-

нинг мураккаб уйғунлиги асосига күрилганилигига эътибор қаратади. Иккинчидан, на осмон ва на заминга мұяссар бўлмаган Олий хазинани дилига жоқила билиш хислати ҳам ёлғиз Инсондагина тажассум топғанлиги таъкидланади. Аттор «чун кунам, чун ман надорам маърифат» — «қандай қиласай, ахир менда маърифат (Олий ҳақиқатни билиш салоҳияти) йўқ бўлса» деб фарёд чекса, Навоий инсон имкониятлари хусусида некбин қарашларни олға суради, Низомий изидан бориб, унинг кўнглини «Олий ҳақиқатни англаш хазинахонаси» («маҳзани ирфон»), деб таърифлайди. Аттор фикрича, инсон ҳар қанча изланса, фақат ўзини ўзи англаб етиши мумкин, Олий ҳақиқат сирлари барибир унинг дил кўзидан тамомила яширин қола беради. У инсондаги жон ва жисм биркувини «тилисм» деб атар экан, фақат «тилисм кўздан йўқолгач, хазина пайдо бўлади», яъни жон жисмдан ажралгачгина Олий ҳақиқат сири ечилади, деб хулоса чиқарди. Навоий бу нисбатларни буткул бошқача талқин этади. У инсон моҳиятининг мураккаблигини инкор қилмайди, аммо айни мана шу мураккаб уйғунлик Олий ҳақиқатни чексиз англаб боришга, камолотга имкон яратувчи қудрат замири эканлигини ҳар жиҳатдан таъкидлайди.

Ҳар икки шоирнинг шайтон тақдири ҳақида турлича мuloҳаза юритишлиари ҳам диққатга сазовор.

Аттор ҳикоя қилишича, Одам Ато яратилгач, барча унга сажда қилиши ҳақида ҳукм бўлди, аммо Азозил бош товлади ва шу сабабли абадий лаънатланди. Бунда суфий шоир «юзи қаро бўлган» иблисни «иш билан таъминлаш» масаласига асосий эътиборни қаратади. «Мантиқ ут-тайр» талқинича, шайтони лаинга инсон дилида қаҳр-ғазаб оловини ёқиши, васваса тугёнини урчиши «вазифа»си топширилган.

Навоий эса инсон фазилатлари таърифида давом этиб, унинг бошига «ҳидоят тожи» — Олий ҳақиқат сари элтувчи йўлни тўғри топа билиш хусусияти — раво кўрилгани, демакки, тақдирида «шараф меърожи» — маънавий камолотга эришиш имконияти мавжудлигини башорат этади ва уни «хайли малакка пешво», яъни соғ руҳий алангадан бино бўлган зотлар — фаришталар ахлига раҳбар, етакчи мақомига лойик имконият эгаси сифатида улуғлайди.¹

¹ Шу ўринлар насрый баёнда ва достоннинг русча таржимасида тўғри талқин этилмаган.

Аммо шайтон ким? Ҳали инсон яралмасдан илгари у худи ана шу мақомда, яъни «жинну малоик (яхшилик ва ёмонлик руҳлари) сарвари» бўлган, бутун олам унинг тасарруфида, ўзи минглаб йиллар Оллоҳ амрига итоат қилиб, тоат-ибодат билан вақт ўтказган, бутун коинотда у саждага бош урмаган бир қарич ер қолган эмас ва шу садоқати туфайли Олий қудратга яқинлик (тақарруб) сурурига эришган. Аммо бундай юксак шарафда шукроналикни унугиб, кўнглини фуур ва такаббурлик эгаллаган шайтон бошқа фаришталардан фарқли ўлароқ Одамга сажда қилишни — инсон ҳурматига бош эгишни — истамади. У Одам лойдан ясалғанлигини — моддий мавжудот эканини — кўрди, аммо унинг «ажиб мазҳар» — Олий ҳақиқат сирини ўз моҳиятига яширган хилқат эканини англаб ета билмади, чунки такаббурлик унинг руҳини заҳарлаган эди, инсонни назарга илмаслик кибру ҳавоси ушбу собиқ «фаришталар пешво»сини то қиёмат маънавий лаънатланишга маҳкум этди, итфеъллик — унинг тақдири, дўзах — макони бўлди. Бу ҳаммаси келажак инсонлар учун бир ибрат эканлигини шоир алоҳида таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, Навоий аввал бошданоқ инсон маънавиятига, инсониятнинг қамолот сари интилиши муаммоларига айрича аҳамият бермоқда.

Албатта, Аттор ҳам бу жиҳатларни бутқул эътибордан соқит қилган эмас. Масалан, «Муножот» бобида ноннинг азизлиги ҳақида ривоят келтирилади. Унда баён қилинишича, бир паҳлавон курашда ўз рақибидан ғолиб келгач, қўлини боғлаб, энди бошини кесиш мўлжалида ханжар олиб келгани кетса, паҳлавоннинг хотини асир қўлига нон тутқазиб қўяди. Паҳлавон тиф билан келиб қараса, асири қўлида нон, «Ким сенга бу нонни берди?» деб хитоб қиласи ғолиб. «Аёлинг берди» дейди асир. Паҳлавон бу сўзни эшигтгач, «бизга энди сени ўлдириш ҳаром бўлди, чунки нонимизни ушатган ҳар қандай кишига биз ортиқ тиф кўтаролмаймиз. Бизнинг нонни еган одамдан (яъни, меҳмонимиздан) жонимизни ҳам аямаймиз-ку, қандай қилиб унинг қонини тўкишга қўл боради», деб мағлуб ҳаётини сақлаб қолади.

Гарчи, Аттор бу ҳикоятни Оллоҳдан шафқат сўраш йўсунинда баён этса ҳам, асли унинг мазмунни замон сардорлари, барча қўлига тиф тутгиларга қаратилгани сезилиб туради. Навоий «Муножот»ида бу тарздаги алоҳида ҳикоят йўқ. Аммо бир таъсирли парча мавжудки,

унинг мажозий мазмунида давр воқелигига оид муракаб муносабатларга бадиий ишора бор:

*Бир тааддипешаликни хўб деб,
Ўзни ошиқ деб, они маҳбуб деб, —*

(Бу «зулм-ситамни касб қилиб олган» — ким бўлди экан? Ҳар ҳолда у «маҳбуба» эмас, эр киши — «маҳбуб». Демак, ошиқлик ҳам ишқибозлиқ эмас, муайян инсонга шоирнинг чин ихлос билан меҳр қўйишидир.)

*Ҳар ситамким тундхўедин етиб,
Ул чу етгач, оҳ уриб, ўздин кетиб.*

(Демак, бу тез феъли маҳбубдан авваллари ҳам шоирга кўп аламлар ўтган.)

*Оташин лаълидин ўт жоним аро,
Рўзгорим зулфу холидин қаро.*

Яна «оташин лаъл!» Эътиборсиз китобхон «маъшуқанинг лаби-да», деб кўя қолиши мумкин. Бу анча жўн талқин бўлар эди. Биз эса шоир сатрларнинг таг-заминини ҳис қилиш учун унинг «Тұхфат ул-афкор» қасида-сидаги биринчи сатрни эслаймиз: «Оташин лаълеки тожи хусравонро зевар аст...» — «Хукмдорлар тожини безатиб турган оташин (оловли, куйдирувчи) лаъл»...

*Васлу ҳажрин умру марг айлаб лақаб,
Бирдин осойиш топиб, бирдин тааб.
Ҳажри андуҳида жоме май ичиб,
Васли жомин чун топиб, жондин кечиб.
Онглабон онсиз тирикликни ўлум,
Жонга айлаб ҳажрида юз уштулум,
Они фаҳм айлаб ҳаётимда мурод.
Ондин ўзга келмайин кўнглумга ёд...
Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон,
Они истарга сени ёд айлабон...*

Навоийнинг бу сатрларида ёлқинли эҳтирос ва чуқур маъноли рамзлар бир бутунлик касб этган. «Васл» ва «ҳижрон» ҳам кейинги ўтли мисралар ёдусида бошқача жаранглайди. Албатта, шоирнинг мажозий ишораларини, яқин ўтмишда урф бўлгани каби, жўн талқин қилмоқ, яъни бир «тааддипешалик маҳбуб»ни бевосита Ҳусайн Бойқаро деб тушунмоқ ҳам мумкин. Аммо, «мажоз тариқи» қонунлари ўзгача, улар масалага теранроқ ёндо-

шувни талаб қиласи. Ҳусайн Бойқаро воқеликдаги муайян шахс, унинг моҳияти воқелик янглиғ мураккаб ва уйғун, Навоийнинг ўз дўстига муносабати ҳам шунга муносиб. Аммо бу ҳаммаси — фоний дунё. Шеър — боқий. Шеърий тимсоллар — булар тарихий Фарҳод, Ҳусрав, Искандар эмас, улар маълум ижтимоий моҳиятларнинг бадиий муайянлашган мажозларири.

Бу моҳиятларнинг баъзиси ҳаётий, демак, ўтмишни тўғри баҳолашга алоқадор, баъзиси хаёлий, яъни келажакни тасаввур этишга қаратилган. Улуғ шоирнинг меҳри қанча юксак ва самимий бўлса, афсус-пушаймони ҳам шунчалар чуқур ва аламлидир:

*Оллоҳ-оллоҳ! Ўлтуур шармандалик,
Ёдима келса бу янгиғ бандалик.
Юзқаролиғ онча бўлмии жаҳл аро,
Ким кўзумга қилди оламни қаро!*

Бу изтироблар илдизи чуқур ва Навоий достони ўзининг асос қирраларида жиддий ижтимоий мазмун билан йўғрилганлигидан дарак беради. Шоирнинг «Харобот аро кирдим ошуфта ҳол» таржеъбандидаги қатор мисралар, «Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай», деб бошланувчи машҳур ғазалдаги дўстидан мажоз услубида изҳор этилган аччиқ гиналари унинг бутун ижоди бўйлаб ўтувчи, умуман шоҳлар ва шоҳлик салтанатига муносабати билан маълум даражада туташиб кетади.

IX—XII асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда етакчи ғоявий йўналиш бўлган сарой маърифатчилигининг ижтимоий соҳадаги нуқтаи назари хаёлий «одил шоҳ», «файласуф ҳукмдор» тимсолида гавдалангандан эди. XII асрдан минтақа аҳли руҳини эгаллай бориб, XIII асрда Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий ижодида мантиқий чўққисига эришган тасаввуф ғоявий йўналиши таъсирида сарой маърифатчилиги олға сурган ижтимоий орзуларнинг анча оҳори тўкилиб қолди. Тасаввуф устозларининг маърифий тарбиясини олган Алишер Навоий ўз ижодининг бошланиш давриданоқ салтанат аҳлига ўта танқидий руҳ билан ёндошади:

*Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардум эрур жаннат анго.*

Тазоднинг кучини қарангки, ҳукмдор бир нафас дўзах ваҳмидан жони тинч эмасмиш-у, дарвеш (яъни

ҳалол мөхнати билан кун кечирувчи донишманд инсон) жаңнатни кераксиз нарса сифатида аллақачон рад қи-либ қўйган эмиш. Албатта, ёш шоирдаги бундай кайфиятлар унинг ўз тождор дўстига муносабатида ҳам муайян бир шаклда аксини топмай қолмасди. Алишер Навоий ижодининг биринчи даврида Форобий талқинидаги «файласуф-шоҳ» ўрнига давр руҳига уйғун «дарвеш-шоҳ» тимсолини олға суради. Ҳусайн Бойқаро таърифида бу гояни очиқ изҳор этиб:

*Шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳики бор
Шоҳиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анго, —*

деб таъкидлайди.

Навоий асарларида яхши ва ёмон, одил ва золим шоҳлар ҳақида гапирса-да, унинг реал воқеаликда «одил шоҳ»ни учратиш умиди қуйидаги ўзи яратган ажойиб ташбеҳда том ифодасини топган деса бўлади:

*Ул сифатким, баҳрнинг аччиқ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам, vale маълум эмас.*

Навоийнинг «Тұхфат ул-афкор» қасидаси, қўплаб ғазаллари, ўзга шеърлари унинг салтанат тизимиға бўлган умумий муносабатини ёрқин очиб беради. Маълумки, классик шеъриятимиз учун энг мўътабар инсоний түйғу — ишқ-муҳаббат түйғусидир. «Ишқ аро душвордир...» деб бошланувчи ғазалида Навоий ҳокимият («жоҳ») эгаси ва ошиқ (дилида ишқ-муҳаббат түйғуси ҳукмрон бўлган инсон) нисбатини ҳар тарафлама очиб берган:

*Шоҳ мендан ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас,
Ким балокашлик менинг хўйимdir, онинг — иззу жоҳ.*

*(Ҳукмдор ишқ борасида мендан ожизроқ бўлса,
ҳеч ажабланарли жойи йўқ,
Чунки менинг одатим зулму жафоларга чидашdir,
ҳукмдор одати эса иззатталаблик ва мансабпастлик.)*

*Шоҳ ким, матбуғиға қуллуқ буоргай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлугдир гувоҳ.*

*(Севгилисидан ўзига таъзим бажо келтириш, бўйсунишни
талаб қилувчи шоҳ түйғусини ишқ деб бўладими?
Кимки чин ошиқ бўлса, ундан ишқ йўлида хокисорлик ва ўтинч
талаб қилинади.)*

Фазал мақтаида ишқ ичра гадолик шоҳликдан ортиқ кўйилади:

*Эй, Навоий, сидқ ила бўлгин гадо ишқ ичра ким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.*

Бундай нуқтаи назар Навоийнинг улуғ салафларига ҳам хос эди, шоир уларга чин кўнгилдан эргашади. Аммо бир оғир ҳаётий масала ҳал қилинмай келарди, у ҳам бўлса қандай қилиб ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий тартиб ва инсоний туйғулар орасида уйгуниликни вужудга келтириш.

Кушларнинг афсонавий подшоҳ сари сафари Абу Али ибн Синонинг «Рисолат ут-тайр» ва Аҳмад Фаззолий (Имом Абу Ҳомид Фаззолий иниси)нинг шу номдаги рисоласида аввал ҳам тасвир этилган бўлиб, уларда қушлар шоҳининг номи Симурғ эмас эди. Аттор достонининг бош тимсолини биринчи бўлиб бундай икки маъноли номлаш билан келгусидаги мажозий тасвирларга маълум тагзамин яратди. Навоий салафи мерос қолдирган ушбу янги тафаккур чизгиларига изчил ривож баҳш этиб ва уларни мантиқий якунлаб, яхлит дунёқараш даражасига кўтарди. Аттор, асосан, эски ақидаларни рад этишга аҳамият берган бўлса, Навоий янги руҳий дунёни шакллантиришга эътиборини қаратди. Мисол учун, Аттор Симурғни «офтоб» ва қушларни «соя»га ташбех этади. Навоий буни инкор этмайди, фақат у масаланинг нозик бир жиҳатига диққатни тортиб айтадики, нимаики воқеан мавжуд бўлса, унинг сояси бор, сояси йўқ нарсанинг ўзи ҳам бўлмайди. Бу ташбиҳ Авҳадиддин Кирмонийнинг юқорида тилга олинган хуносаси билан мосдир. Демак, олий ҳақиқатни англаб этиш учун унинг «сояси» («мажози», «сурати») бўлмиш оддий кўз билан кўриниб турган моддий воқеликни, унинг турли кўринишларини, ҳодисаларини тадқиқ этиш, ички мураккаб боғланишлари, турли-туман жараёнларини таҳлил этиш, ўрганиш лозим. Навоий хотирини ўзига жалб этган нарса ижтимоий жараёнлар, инсонларнинг баҳти ва камолотини белгиловчи ўзаро муносабат қонуниятлариdir. Бу муаммони жиддий ўрганиш шунинг учун ҳам муҳимки, инсон Олий ҳақиқат «мазҳари», унинг кўнгли «ҳақиқат асрори»ни ўзида пинҳон этгандир.

Навоий аввало шоир, шу сабабдан унинг Борлиқ, инсон ва жамият ҳақиқати изланишлари шеъриятида,

бадиий тафаккур қонунлари асосида кечади ва хулослари илмий таърифлар йўсуннинг эмас, мажозий тимсоллар қиёфасида юз кўрсатади. «Мажоз тариқи»нинг яна бир қудрати — унда бир тимсол қабат-қабат маъно беради ёки бир моҳиятнинг айри-айри жиҳатлари бир йўла ўзлигини намоён қиласди. «Мантиқ ут-тайр» муаллифи истифода этган Симурғ тимсоли ҳудди шу мажоз тариқи имкониятларига жуда мос келарди.

Аттор талқинига кўра, жаҳоннинг барча паррандалари йигилишиб, «бу замонда шаҳриёрсиз ҳеч бир шаҳар йўқ, нега энди бизнинг иқлимда шоҳ бўлмас экан, бундан бу ёфи биз ҳам шоҳсиз юришимиз бўлмас, бир-бirimizга кўмакдош бўлсак-да, биз ҳам ўзимизга бир подшоҳ изласак», дейишади.

Ҳудди шу пайт қушлар жамоасига Ҳудҳуд (пўшишак) мурожаат қилиб, «мен ўз подшоҳимни танигандман», агар ўзга қушлар истаса, ул олий даргоҳга бошлаб боришим мумкин, дейди. У шоҳ номини ҳам эълон қиласди:

*Номи у Симурғ — султони тююр,
У ба мо наздику мо з-у дур-дур.*

*(Унинг номи Симурғдир — қушлар султони,
У бизга яқин, аммо биз ундан жуда узоқмиз.)*

Кўриб турганимиздек, ирфоний ҳақиқатлар куйчиси бошиданоқ асл фикрини очиқ айтиб қўйган. Унинг мақсади тасаввух ақидаларининг рамзий тасвири ва шарҳи бўлганилигидан қушлар жамоасининг афсонавий шоҳи Симурғ — фақат аллегория, шоҳу шаҳриёр зарурати (яъни, ижтимоий масала) суфий шоир наздида жиддий муаммо эмас, унга ортиқча тўхталиб ўтириш бекор.

Аммо Навоий достонида бошланишданоқ ўзгача ўйналиш танланади. Аввало сарлавҳа: «Қушлар ижтимои тақдим ва таъхир учун бир-бири билан низоъи». Насрий баён муаллифи ноаниқ талқин бергани туфайли бу сарлавҳа қайта шарҳ этишни талаб қиласди: «Ижтимои тақдим ва таъхир» («Ким олдинроқ ва ким орқароқдан жой олиб ўзаро уюшуви») бирикмаси «ижтимоий иерархия» маъносини билдиради. Демак, сарлавҳа маъноси: «Қушларнинг жамоада ким олдинги ўринларни ва ким орқароқдагиларини эгаллаши лозимлиги ҳақида бир-бирлари билан жанжаллашувлари»дир. Бобнинг мазмуни ҳам сарлавҳасига тўлиқ мос келади.

*Үлтируурда чунки ойин йүк эди,
Хар бирининг ўрни таъянин йүк эди...*

Яъни, агар қушлар инсоният рамзи экани назарда туғилса, инсонлар ўзлигини англаб, кишилик жамияти тузишга эҳтиёж туғилгач, бу жамиятда ким қайси ўринни эгаллаши кераклиги бўйинча даставвал аниқ бир қоида-қонун («ойин») йўқлиги билиниб қолди. Натижада шакаргўфтор тўти пастда қолиб, олақарға юқорига кўтарилиди, хушовоз булбулу қумридан гўнгўрға олдинга ўтиб кетди. Калхат шунқордан олийроқ мақомга эга бўлиб, ўлаксахўр товусдан баланд парвоз этди.

Хуллас, беҳунарлар ҳунарлilar устидан ҳукмрон бўлиб олишди. Шарафлилар гуруҳи бунга норозилик билдириди, аммо разиллар уларнинг сўзига қулоқ осмадилар. Ана шу можарони ҳал қилиш учун бир адолатли шоҳга эҳтиёж туғилди. Кўпчилик умид қилдики, агар бир шукуҳли ва одил Олий ҳукмдор бўлганда пасткаш, тубан кишилардан олий мартабага лойик кишиларга шикаст етмас ва шарафлилар хасислар олдида хор бўлмас эдилар.

Навоий қушлар низосининг асл моҳиятига жиддий ўтибор беради: унинг учун «ижтимои тақдим ва таъхир» масаласи муҳим муаммо. Е.Э. Бертельс Атторда «аниқ қўзга ташланувчи пантеизм» («выраженный пантеизм»)ни кўрган, Навоий ҳақида эса «Атторнинг бениҳоя кескин қарашларини юмшатиб, мўътадил ислом чегараларига жойлаштириди», деб баҳо берган эди. Аслида, Навоийнинг мақсади ирфоний қарашларни мўътадиллаштириш эмас, балки улар заминидан чекинмаган ҳолда янги уфқларни кашф этиш эди. Бунинг учун у «Мантиқ ут-тайр»нинг бадиий тимсоллар тизимида яширинган ички имкониятлардан жуда унумли фойдаланади. Масалан, Аттор асарида ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини акс эттирувчи ҳар бири ўзича жуда ибратли қатор ҳикоятлар мавжуд бўлса-да, уларга тасаввуф шоири фақат тамсил сифатида ёндошиб, бадиий лавҳалардаги воқелик тасвирини, улардаги ички мантиқни асар бош йўналиши билан узвий боғламаган эди. Навоий ҳикоятларидаги ҳаётий қўринишлар эса қушларнинг мажозий сафари ва мақсадлари билан мураккаб ички боғланиш ҳосил қилиб, бутун достон сеҳрли ва кўзни қамаштирувчи сержило кошинлардан тартиб берилган муҳташам ва уйғун манзара янглиф таассурут уйғотади. Биз, албатта, достондаги ҳар бир ҳикоят-

ни ўзимиз танлаган йўналиш асосида талқин қилиб чиқишимиз қийин. Аммо ундаги Шайх Санъон номи билан боғлиқ ўзак қиссанинг мазмуни шундай теранки, бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтиш зарур.

Симурғ (яъни адолатли жамият кафолати сифатида тасаввур қилинган адолатли шоҳ) сари интилган тўда ҳар хил қушлардан ташкил топган. Инсонлар жамияти ҳам аслида турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифа, элат ва миллатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ этувчи алоҳида моҳиятга, фазилат ва қусурларга эга. Дини, эътиқоди, тафаккур йўналиши ҳам ҳар хил. Маълумки, Навоий давридаги анъанавий тасаввурларга кўра турли инсон гуруҳлари орасидаги маънавий жиҳатдан энг катта фарқ икки эътиқод кутби — ислом дунёси ва куфр дунёси аро ҳисобланарди. Шайх Санъон ислом дунёси маркази Каъбадан чиқиб, мусулмон нуқтаи назаридан зид дунё бўлган куфр ўчоги — Рум дайри (яъни христианлар монастири) сари йўлга отланиш билан ўз даврининг энг олис ва ўтиб бўлмас санаалган масофасини босиб ўтишга қасд қилди. Бу журъат комил ва яхлит инсоният оламини шакллантириш йўлида ниҳоятда муҳим қадам бўлиб, қисса мазмуни шу жиҳатдан ҳам Навоийга бу қадар манзур бўлган.

Аттор шайх Санъон қиссанини хulosалаб, қушлар саргузаштига қайтар экан, қушлар шайх ишқини рамзий, яъни Симурғ ишқи («ишқи ҳақиқий»)га ишора маъносида тушунгандикларини алоҳида таъкид этади. «Лисон ут-тайр»да эса қисса хulosаси Симурғ тимсоли билан мутлақо боғланмайди, балки ишқ туйғусининг ўзи мустақил тараннум этилади. Бу ишқ энди авом ишқи, яъни икки инсон орасидаги тор кечинма ҳам, Ҳақ ишқига оддий аллегория ҳам эмас. «Ишқ баҳредурки, поён ийӯқ анга...», «Оламедур ишқ, лекин бас васе» деб таъриф этади шоир. Бу бепоён оламда инсонлар ўзаро ижтимоий мавқелари, билим даражалари билан фарқланмайди:

*Ишқ мулкида гадову шоҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.*

Бу олий туйғу асло кўнгилхуши эмас, унинг масъулияти бениҳоя оғир, эвазига ҳеч қандай имтиёз ваъда этилмайди:

*Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ.*

Бу олий түйғу ихтиёрини банд этган, шавқ үтида ёнган құшлар камолот сари олға интилар экан, йўл қийинчиликлари борган сари ошиб боради ва бир йўл-бошчига эҳтиёж туғилади. Құшлар Ҳудхудга сардорликни таклиф этишади. Ҳудхуд қабул қылмайды. («Айлади табы ҳукуматдан ибо» — «ҳоқимлик қилишни таъби күттармади»)¹.

У, майли, мен йўлни бошқариб боришни зиммамга олай, аммо ортигини таклиф этсангиз, ўргада яна нифоқ тушиш хавфи вужудга келади, дейди.

«Маърифат водийсининг васфи»да эса Навоий жамиятда инсонларнинг ҳар бири гуруҳи Олий ҳақиқатни излашда ўз мустақил йўли билан боришини, ҳар ким ўз йўлини тўғри деб, ўзганинг йўлини тан олмаслигини турли мисоллар билан очиб кўрсатади. Ҳуллас, инсонлар қанча бўлса, йўл ҳам шунча кўп, аммо бир-бири билан доимий ихтилофда бўлган турли мазҳаблар, эътиқодлар мазмунида қўйقا (дурд), яъни хатоликлар кўпроқ, соф (ҳақиқат) эса жуда оз эди, дейди афсус билан шоир.

Құшлар Симурғ даргоҳига яқинлашар эканлар, Ҳудхуддан сўрашади: «Бу йўл нега кимсасиз?» Уларнинг маънавий пешвоси жавоб беради:

*Ким эрур холи улус ғавғосидин,
Шоҳ иззу жоҳу истигносидин.*

Биз улуг ҳодий насиҳатларини бутун ҳам унумаслигимиз керак: кимки ижтимоий адолатга эришиш йўлини қидирмоқчи экан, у бир томондан, «улус ғавғосини» унумтоғлиги, яъни мавжуд вазиятни англаб етишга тоқати етмай, айбни бирорвларга юклашни осон билган оломон ғулусидан юқори турмоғи, иккинчи томондан, давр ҳукмдорларининг кибру ҳавоси, иззатталаблиги, чала мулоҳазалари ва ҳом ишларини оқлаб кўрсатиш, улар истаги билан муроса қилиш заруратидан мутлақо фориғ бўлмоғи лозим. Асл ҳақиқат шундагина юз кўрсатиши мумкин.

Навоий достонидаги құшлар ожиз, ноумидликка бे-рилган бечора нотавонлар эмас, балки мақсад йўлида событқадамлик билан олға босиб бораётган, ҳеч қандай дўйқ-пўписа ёки тескари ташвиқотга учрамайдиган йўлчилардир:

¹ Имоми Аъзам ва Имом ал-Бухорийларнинг қозилик лавозимини эгаллашга пўписа остида ҳам рози бўлмаганликлари эсга тушади.

*Йүл югурмоқдин туну күн ҳормайин,
Хар балоким келса юз қайтармайин...
Ҳам аларда бор эди мардоналик,
Хөдюю комилда ҳам фарзоналик,
Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ерни қилди аларға ошно...*

Бу ерда Навоий «иккинчи фано» түшүнчасидан мөхирона фойдаланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва шайх Суфиёни Сурийлар¹ номидан ифодаланган, дабдурустдан қушларни ноумидликка туширган «биринчи фано», яъни Олий мутлақ зот мөхиятида ўзликдан буткул фориғ бўлиш шахс сифатида ўзликни йўқотиш, жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, шахс маънавий камолотининг муайян дараражаси сифатида талқин этилади ва соликлар ушбу юксаклиқдан «иккинчи фано» босқичига етишадилар. Бу мартабада энди васл боғидан Масиҳонинг жон баҳш этувчи нафасидек майин ел эсади-да, барча нурү зулмат пардаларини ҳар тарафга кўтариб ташлайди.

«Лисон ут-тайр»да Аттор достонидаги маҳобатли, кишини ларзага солувчи сирли даргоҳ ўрнига қушлар ўзларини табиат қўйнида, ажойиб бир бўстонда кўрадилар. Гулу гулзор, «нуру сафо», «софу равшан сув» каби киши кўнглига осудалик, бегубор осойишталик баҳш этувчи фараҳли тасвир намоён бўлади. Бу гулшанда ҳар гул бир кўзгу янглиғ, уларга бокқан қушлар нурга чўмгандек, соғ ва тиниф ёғду аро ўз аксларини кўрар эдилар. Мунча ранжу азоб кўриб, бардош билан шу кунга етишган қушлар —

*Кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойибdir бу сўз!*

(Навоий энг асосий фикрни билдирап экан, яна ўз мулоҳазаларига ургу бериб, «не ажойибdir бу сўз!» деб хитоб қилиб қўяди).

Аттордаги ўттиз қуш (си мурғ) руқъя (ёзуви парча қоғоз)да аксларини кўрган бўлсалар, Навоий қаҳрамонлари учун табиат неъматлари — гул, барглар ва зилол сув кўзгу вазифасини бажаради, яъни инсонлар атроф-табиат билан мулоқотда ўзликларини англаб етадилар. Олий мөхият (Симурғ) билан комил инсон-

¹ Суфиёни Сурий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд каби машхур тасаввуф шайхларидан. Навоий «биринчи фано» талқинини улар тилидан ифодалайди.

лар жамоаси (си мурғ) орасида мутлақ узилиш йўқ, «мажоз кўприги» уларни туташтириб турипти, Аттордаги «чумоли ва сандон», «пашша ва фил» тазодлари Навоийда тушириб қолдирилган. Олий ҳақиқат улуғ мақсад йўлида риёзат чекиш орқали турли ҳирсу ҳаваслардан пок бўлган инсонларнинг соғ «руҳонияти»да ўзини намоён этмоқда. «Нафсоният» тушунчаси ҳам Аттор кўзда тутган маънода, яъни умуман инсоннинг моддий борлиги деб эмас, балки маънавий баркамоллик касб этмаган инсонга хос ҳудбин баразлар мажмуи сифатида тушунилмоқда.

Навоий форс эпик шеъриятининг Низомий, Саъдий, Деҳлавий каби забардаст устозлари анъаналарини изчилик билан давом эттириб, шоирлик салоҳиятини асосан ўз даври ижтимоий муаммоларининг бадиий тадқиқига бағишилади. Шу асосда «ҳақиқат» ва «мажоз» муносабати унинг ижодида тасаввуф анъанасидан кескин фарқ қилувчи янгича талқинга эга бўлиб қолди ва бу талқиннинг калити «Лисон ут-тайр»нинг бош гоясида яширингандир.

Биз асарни «Мантиқ ут-тайр» билан солишириб, орадаги фарқларни Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали ушбу талқинни қайта тикашга уриндик. Ва бу тадқиқот хулосасини қисқа қилиб шундай баён этиш мумкин:

Кушлар — инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари мashaққатли йўли — баҳтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни. Йўл бошида бу кўп асрлик орзу «одил шоҳ» излаш тариқасида намоён бўлади. Юзлаб йўналишларни ўз ичига олиши мумкин бўлган бу шоҳийёнинг ҳадсиз-худудсиз эканлиги Навоий томонидан алоҳида таъкидланади. Тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, камолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб «одил шоҳ» орзуси муаммони асосли ҳал қилиб бера олмаслиги равшан бўлиб қолади. («Биринчи фано»даги вазият: шоҳ, агар Симурғ бўлганда ҳам, оддий халқни назар-писанд этмайди). Кушлар аввал бу ҳақиқатни англаб етгач, изтиробга тушадилар. Аммо улар мақсадларидан чекинмай, «иззат човуши»нинг пўписасидан қўрқмай, мардонавор олға парвоз этишда давом этсалар, «иккинчи фано» босқичига етишадилар:

*Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Еки иш сирринг тааммул айласанг,
Муттасиф бўлсанг сифотилоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила —
Ким сен-ӯқ сен, ҳар не ким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.*

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, сен «одил шоҳ»дан муруват кутиб фаолиятсиз, ўйсиз ўтирадиган бўлсанг, истагинг ўзича амалга ошиши маҳол, улуғ орзу йўлида шахсан фидойилик кўрсатмас экансан, хаёл хаёллигича қолаберади; ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян», демоқда. Бир сўз билан айтганда, «Олий ҳақиқат мазҳари» сифатида олиб қаралаётган комил ижтимоий тартибни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик қудратига боғлиқдир:

*Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр —
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур.
Феъла келса даво мақсуд эрур.*

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат — уйғун ва баҳтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамоллик ва фидойи фооллик лозим.

Масаланинг энг диққатга сазовор жойи шундаки, Навоий талқинида Симурғ — бу бутун Инсониятнинг яхлитлиқда эришуви мумкин бўлган Олий такомил босқичини ифодаловчи бадиий тимсол, унга ҳар бир киши ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргалиқда интилмоғи лозим. Ва бирга-бирга парвоз қилиб, йўл мashaққатлари ни бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ — бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи — Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўтгиз қуш («си мурғ»)нинг

бирлиги — маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоасидир.

Аммо давр оғир эди. Мустақил риёзат чекиб покланмаган (ёки, бошқача айтганда, маърифат йўлининг ибрат, илм, риёзат ва меҳр босқичларини тўлиқ босиб ўтмаган) нафс бандаларига муаммони очиқ тушунтириш фикрни жўнлаштиришга олиб келиши натижасида кутилган самара ўрнига фожиа чиқариши мумкинлигидан мутафаккир шоир минг мулоҳазага боради. Шу сабабли ўз ёлқинли фикрларини мажоз пардасидан ташқари чиқармайди, қайта бошқаларни ҳам мавжуд хавфдан огоҳлантиради, қайта-қайта ҳушёрликка, эҳтиёткорликка чақиради:

Кимки бу маънидин оғоз ўлди бил,
Ким кесилди онга сўз айтурға тил...
Куш тили билган сўзум фаҳм айлагай,
Фаҳм этардин ҳам басе ваҳм айлагай.
Лек зиёрак қуш чу билди бу мақол.
Онглагайким недурур бу сўзда ҳол.
Барча сўзлар мушкулидир бу ҳадис,
Безабонларнинг тилидир бу ҳадис.

Улуғ шоир асарлари замонамизгача омон етиб келди. Аммо улардаги мажозий қобиқ кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўзидан яшириб келмоқда. Кўп ўринда улар анъянавий талқин қилинмоқда. Шу сабабли бўлса керак, биз — шоир ижодининг тадқиқотчилари — ҳануз унинг сатрлари қатига яширинган улуғ асрор ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот топа олмай қолмоқдамиз, иккilanмоқдамиз, жўн таҳтиллар билан буюк ҳикматлар устоди олдида ўзимизни хижолатда қолдирмоқдамиз. Хўш, нега Навоий талқинидаги ўтгиз қуш бизнинг замонамизгача етиб келди? Чунки бу «ўтгиз қуш» — бу «Симурғ» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга бўлган юксак меҳрини улкан қалбларига жо эта олган ва шу билан бақогабадиятга эришган аждодларимиздир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тараққиёт уфқларига қараб толиқиш билмай парвоз этиб бормоқдалар, ҳали ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўпгина армонлари күшойиш топа бошлади. Аммо биз — камолот сари интилаёттан қушлар — бир

нафас йўл машаққатларидан толиқсак, беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак, бутун инсониятнинг минг йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табаррук умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?

IV б о 6.

НАВОИЙШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ

Энди олдинги бобларда айтилган масалалар юзасидан бироз назарий изоҳ ва хуласалар лозим бўлади. Маълумки, фанда «жаҳон адабиёти» деган тушунча мавжуд. Бу тушунча жаҳонда адабиёт пайдо бўлган биринчи кундан бошлаб ўз тўлақонли маъносига эга бўлган эмас, албатта. Аввал жаҳоннинг турли минтақаларида бадиий адабиёт маълум халқларнинг оғзаки ижоди, кенг маънодаги маданияти асосида шаклланиб, ривожланиб, ушбу халқлар маданиятининг алоҳида тармоғи бўлиб ажралиб чиққан. Ҳар бир адабиётнинг асос-ашёсини, тагзамиинини муайян халқ тили ташкил қиласди. Шундай экан, даставвал, миллий тиллар асосида миллий адабиётлар шаклланиши табиийдир. Аммо қадим асрларда маълум эзлатларнинг тиллари муайян тарихий шароитлар оқибатида ўз миллий чегарасидан ташқарига ёйилиб, умуммintaқа аҳамиятидаги тилларга айланган. Масалан, қадимги ҳинд тили-санскрит, қадимги юон ва лотин тиллари, хитой тили, қадимги турк тили, авесто тили, қадимги миср тили, яхудий тили ва ҳоказолар. Кейинги асрларда Куръон ва ислом динининг кенг тарқалиши билан араб тили ҳам катта минтақада адабиёт тил бўлиб шаклланди. Бу тилда бой бадиий, илмий, диний адабиёт яратилди.

X—XI асрларда форс ва турк тиллари ҳам минтақа тиллари сифатида шуҳрат қозондилар. Жумладан, XIII асрларда Ҳиндистонда яшаган Амир Ҳусрав Дехлавий араб, форс, турк тилларини жаҳоний тиллар сифатида талқин этади. Бундай улуғ тиллар ва улар асосида яратилган адабиёт баъзи ҳолда тарих қаърида қолиб кетган бўлса (масалан, қадимги миср тили ва адабиёти), кўплалий йирик минтақа маданиятларининг шаклланишига

асос солдилар. Жумладан, қадимги юонон ва лотин тилларида яратилган бой адабий мерос яхудий тилида нозил этилган «Библия» муқаддас китоби анъаналари билан уйғунлашиб, аввало, бутун Европа халқлари юксак маданияти ва бой адабиётига тагзамин бўлди. Кейинча эса бу умумевропа маданий анъаналари, Шимолий ва Жанубий Американинг ҳозирги кўпчилик аҳолиси, Австралия ва Янги Зеландия, Сибир ўлкаларига келиб жойлашган аҳоли орасида тарқалди.

XIX аср охиридан бошлаб бутун дунёда капиталистик муносабатларнинг мавқеи кучайиб бориши натижасида ўзга минтақа зиёли табақалари орасида ҳам Европа минтақа маданиятига қизиқиш кучайиб борди ва Робиндрантҳ Тҳакур, Жўржи Зайдон, Абдулла Қодирий каби миллий адабиётларнинг таниқли намояндалари онгли равища Европа адабиёти анъаналарини ижодларида фаол ўзлаштира бошладилар. Натижада XX асрга келиб жаҳон адабиёти, жаҳон маданияти деганда биринчи навбатда Европа минтақа адабиёти ва маданияти анъаналари беихтиёр етакчилик мақомида тасаввур қилина бошланди ва бундай қайфият жуда кўп ўринларда сезилиб қолди. Айниқса, адабиёт назарияси, ундаги таъриф ва тушунчалар, ҳатто, ўзга минтақалар адабиётини тадқиқ этишда ҳам Европа минтақасида тарихан шаклланган асос йўналишлардан келиб чиқиб талқин қилинди ва «совет даври» адабиётшунослигида бу тамойил, айниқса, кучайиб кетди.

Узбек классик адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижодини ўрганишда ҳам ушбу тамойил узоқ йиллар ҳукмрон бўлиб келганлиги бутунга келиб баъзи ўринларда ноxуш таассурот қолдирмоқда. XX аср бошлари янги аср маърифатпарварлиги ва жадидчилик ҳаракати адабиёт соҳасида ҳам ўз даври учун муҳим ижобий ҳодиса бўлган эди. Бу даврга келиб Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли ўтмиш ўзбек адабиётини ўрганиш ҳам янгича заминда қаддини тиклай бошлаганди. Аммо, 1937—1938 йиллар қатағонлари ва «социалистик реализм» деб аталган янги пролетар адабиётнинг зўраки жорий қилинган яккаҳокимлиги оқибатида ўзбек адабиёти тарихий илдизларидан деярли узилиб қолди, ўтмиш адабиёт яхши ва ёмонга, «прогрессив» ва «реакцион»га ажратилди, ҳатто Алишер Навоийнинг яхлит дунёқарashi ҳам иккига бўлиб таш-

ланди. Агарчи, 60-йилларда шоир асарларининг асл матнларини жиддий тадқиқ этиш амалга оширилиб, «Хамса» ва «Хазоинул-маоний»нинг тўлиқ матнлари босиб чиқарилган бўлса ҳам, кейинча яна қирқишикисқартишлар кенг урф бўлди, «Маҳбуб ул-қулуб», «Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват» каби муҳим асарларнинг мукаммал матнлари эса ҳанузгача эски ёзувдаги кўлёзмаларни ўқий олмайдиган кўпчилик китобхон ва ҳатто адабиёт мутахассислари нигоҳидан яширин қолмоқда. Бундай ҳолатда, албатта бизнинг ихтиёrimизда Европа адабиётшунослиги қоида ва тушунчаларидан ўзга илмий тадқиқ воситалари мавжуд бўлмайди. Навоий ижодини холис ўрганишга Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов каби етакчи олимларимизнинг қўшган ҳиссаси беқиёс бўлди. Айниқса, А.Ҳайитметовнинг «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» китоблари, Азиз Қаюмовнинг буюк мутафаккир ижодига бағишланган қатор рисолалари, А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» каби асарларида, қатор бошқа мақола ва китобларда назарий жиҳатдан кўплаб қимматли фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Аммо ҳанузгача бу турли илмий манбаларда сочилиб ётган қизиқарли фикрлар бир мустақил ва уйғун тартибга келтирилган эмас. Натижада, мумтоз адабиётимизга оид илмий тадқиқотларда, кўплаб дарсликларда, олий ўқув юртларида ўқитилаётган курслар мазмунида ҳанузгача эскича ёндошув, яъни Европа минтақа адабиёти тажрибаси асосида шаклланган тушунчалар системасига кўр-кўрона боғланиб қолиш кучли даражада сезилмоқда, аниқроғи ҳукмрон мавқе сақлаб келмоқда. Мен Европа адабиётшунослигининг улкан ютуқларини, унинг жаҳон адабиётини ўрганишга қўшган беқиёс ҳиссасини асло инкор қилмоқчи эмасман. Аммо, жаҳон адабиёти таркибида Европа минтақасидан ўзга улкан минтақа адабиётлари ҳам бор. Улар Европа адабиёти анъаналаридан анча-мунча, баъзан кескин фарқ қилувчи, ниҳоятда ўзига хос, бой ва гўзал анъаналар яратгандар. Масалан, Узоқ Шарқ ёки Ҳиндистон минтақа маданиятларида мустақил фалсафий мактаблари, ўзига хос театри, тасвирий санъати, бадиий адабиёти билан бирга бой фалсафий ва бадиий тафаккур тажрибасига

таяниб яратилган поэтика ва адабиёт илмининг мукаммал назарий системалари мавжуд. Биз ҳануз уларни жиддий ўрганишга қунт қилмаймиз.

Хитой ва Ҳинд адабиётшунослигини қўя туриб, ўзимизнинг Марказий Осиёни олайлик. Ватанимиздан етишиб чиққан машхур қомусий алломалар IX—XIII асрларда кўп умрларини Бағдодда, Гургонда, Исафаҳонда, Газнада ва ўзга шаҳарларда ўтказганлар, ўша юртларда баракали ижод қилганлар. Асли қадимда Балх, Ҳирот, Астробод каби шаҳарларни ўз ичига олган Хуросон ҳамда Самарқанд, Бухоро, Ҳўжанд каби маданият марказларига эга бўлган Мовароуннаҳр (Амударёнинг бериги қирғоғи маъносида) ўлкалари юксак маданий мавқедаги яхлит бир минтақа эди.

Масалага янада кенгроқ миқёс билан ёндошилса, яхлит минтақа маданияти маъносида илгари «Яқин ва Ўрта Шарқ» деган шартли атама остида назарда тутилган, деярли икки минг йил давомида шаклланиб келган Хуросон ва Мовароуннаҳр, Эрон ва Шимолий Ҳиндистон, Арабистон ва Шимолий Африка, маълум даврда араб Испаниясидан ҳозирги Шарқий Туркистон, Кавказ, Волгабўйлари ва Сибирнинг маълум қисмларигача ўз ичига қамраб олган улкан бир ҳудудга тегишли маънавий-руҳий ягоналик мавжуддирки, унинг асослари исломдан ҳам олдин, «Авесто» ва монийлик гоялари тарқала бошлаган даврдаёқ юзага кела бошлаган. Бу жараёнда агар Эрон-Ироқ ҳудуди арабий, сурёний ва эроний элатлар маданиятини чатиштирувчи замин бўлган бўлса, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари дарий-туркий ва ҳатто ҳинд элатлари маданиятларининг ўзаро бойиш ва таъсирланиш майдони бўлди. Мелодий эранинг VII—VIII асрларидан бошлаб мусулмон динининг минтақада кенг тарқалиши ушбу тарихий-маданий жараённи янада ривож олдириб юборди. Бу маданият, албатта, ўзга минтақа маданиятларининг баракали таъсиридан холи қолмади. Ҳинд, мўғул ва хитой маданиятлари унга катта таъсир кўрсатди, Византия орқали християн ва юонон-рим маданиятининг унга таъсири исломдан анча илгари бошланди.

IX—X асрларда кенг кўлам олган таржимачилик анъанаси нафақат қадим ҳинд, сурёний, бобил ва византия маданиятлари билан мусулмон алломаларини яқиндан ошно қилди, балки қадим Юонон ва Румнинг

ниҳоятда бой, ранг-баранг фалсафий, тарихий-илмий, адабий меросининг асл манбаларини ислом дунёси тафаккур оламига бевосита олиб кирди. Натижада дунё маданий тараққиётida бир буюк ҳодиса юз берди — Ислом маданияти атамиш янги бир маънавий-руҳий олам шаклланди. Бу оламга мансуб кўпчилик юртдошларимиз номлари китобхонга яхши таниш. Ҳозир Ҳоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний дейилса, ёш бола ҳам билади. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, барча ўзаро қирғинлар, ноҳақ қон тўкишлар, олийзот мутаассибларнинг шафқатсиз қатағонларига қарамай, минтақамизда VIII асрдан диний мазҳаблар хилма-хиллиги, X асрдан эса ҳақиқат изловчиларнинг турли йўналишлари ва ҳурфикрлик тўлиқ маънода мавжуд бўлган ва расман тан олинган эди. Бу воқелик Муҳаммад Фаззолий, Умар Ҳайём асарларида бевосита акс этган ва тарихий далиллангандир.

Бундай умумий маданий-маънавий иқлим бадиий адабиётнинг ҳар томонлама гуллаб яшнаши ва унинг назарий муаммолари мустақил асосда пухта ишлаб чиқилишига олиб келмай қўймас эди. Ҳақиқатан VIII—XIV асрлар давомида Форобий, Ибн Сино, Насридин Тусийларнинг бадиий тафаккур ҳақида чуқур фалсафий-назарий рисолалари яратилди, тазкиранавислик, қофия, аruz, бадиий санъатлар ҳақида алоҳида алоҳида илм соҳалари шаклланди ва ривож олди. Абу Нунос, Мутанаббий, Ал-Мааррий сингари араб, Рудакий, Унсурий, Фирдавсий, Саноий каби форс, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Носируддин Рабгузий сингари турк шоирлари дунёга шуҳрат таратдилар.

Алишер Навоий нафақат ушбу буюк маданий меросни мукаммал ўзлаштириди, балки уни ўзининг ҳам бадиий ижодида, ҳам назарий умумлашмаларида янада юқори босқичга кўтарди, яхлит такомилига етказди, мутлақ янгича бадиий-фалсафий дунёқарашни шакллантиришга муваффақ бўлди. Бунда у бевосита Аттор, Румий, Ироқий, Насимиylар фалсафий поэзиясидан кўмак олди, Низомий, Амир Ҳусрав, Лутфийлар асос солган анъаналарга таянди, устоди ва пири Абдураҳмон Жомий унга ҳам раҳнамо, ҳам сафдош, ҳам кўмакчи бўлди. Навоийнинг назарий мероси ўрганилмаган, деб бўлмайди. Мисолларни юқорида тилга олдик. Аммо бу назарий қарашларни унинг ўз ижодига, салаф ва халаф-

лари ижодига татбиқ этишга жиддий уриниш деярли бўлмади. Бизнинг миллий маданиятимиз яқин ўтмишда табиий минтақа доирасидан сунъий равишда узib олинди. Натижада Европа минтақа маданияти анъаналарини «жаҳон маданияти» деб, ўз минтақа маданиятимиз анъаналарини, нари борса, маҳаллий-миллий чегаралардаги маданият унсурлари, деб қарашга одатландик. Миллий маданиятни жаҳон маданияти даражасига кўтариш, унга эш қилишни нотўғри тушундик. Бугун энди биз учун ўз минтақа маданиятимизни чуқур ўзлаштириб ва мустақил заминда ривожлантирибгина асл маънода жаҳон маданиятига эш бўла бошлашимиз мумкинлигини аста-секин тушуниб етмоқдамиз. Бундай қараш мутлақо бир минтақа маданиятини бошқасига қарши қўйиш ёки бири чегарасида иккинчисини ижодий ўзлаштиришдан тийилиш маъноларини билдирамайди, албатта. Жаҳон халқаридан ким қаерда арзигулик бир натижага эришган бўлса, уни таҳсин қилмоқ, ўрганмоқ, ўзлаштироқ лозим. Аммо ўзлигини унутиш ўзгани тўғри тушунишга йўл очмайди. Аксинча илмда бир ёқламачиликни келтириб чиқаради.

Бугунги навоийшунослик илмининг устоз алломаларидан профессор А.Хайитметов юқорида номи тилга олинган илк рисоласида Навоий адабий танқидий месросини таҳлил этар экан, улуғ мутафаккирнинг форсий ва туркий тили шоирлар ҳақида мулоҳазаларини умумлаштириб ёзган эди: «У (Навоий) бу шоирларнинг ижодий методларини асосан икки турга — ҳақиқат тариқи ва мажоз тариқига ажратади». Дарҳақиқат, олим бу ўринда ўтмиш Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётини ўрганиш учун ниҳоятда муҳим бўлган фикрга диққатни жалб этган. «Метод» тушунчаси «англаб этиш (ва етказиш) йўли, йўналиши» маъносида юонон тилидан араб тилига «тарик» сўзи билан таржима этилади. Ўтмишда, масалан, тасаввуф анъанасида «тариқат» шаклида бу тушунча фалсафий маънода кенг қўлланилган. Алишер Навоий асарларида эса ушбу атама бадиий ижод тариқи маъносида аниқ таърифланиб, илмий тушунча даражасига кўтарилди. Европа адабиётшунослиги анъанасига нисбатан 5 аср илгари рўй берган бу салмоқли илмий кашфиётнинг тўғри таъкидланиши навоийшуноснинг катта ютуғи эди. Аммо афсусланарли жойи шундаки, давр тақозоси билан кейинги тадқиқотларда шоирнинг

ижод тариқи гоҳо «прогрессив анъанавий романтизм», гоҳо «реализм» деб талқин этилди ва Навоийнинг ўз таъкидлари етарли эътибор топмади. Бунга, бир жиҳатдан, ўша даврларда маънавий ҳаётимизнинг барча жаб-ҳаларига чангл урган мафқуравий тазиик бевосита сабаб бўлса, иккинчи жиҳатдан, умуман миллий маънавиятимиз такомилининг изчил ўрганиш имконияти чекланганлиги ҳам таъсир кўрсатди. Ҳар ҳолда «романтизм» XVIII аср охири — XIX аср бошларида муайян тарихий шароитда Европа адабиётида шаклланган адабий ҳодиса эди. Бу муайян тарихий-адабий тушунчани XV аср Шарқ адабиёти намояндалари ижодига нисбатан қўллаш фақат масалани чалкаштиришга олиб келарди. Ўша давр Европа олимлари таъкидлаб ўтишганидек, «романтизм» методи XVIII аср Буюк француз инқилоби натижаларининг давр ижодкор зиёлилари тафаккурига таъсири билан боғлиқ бўлиб, нафақат адабиёт, балки иқтисод илмида ҳам, фалсафий қарашларда ҳам ўз аксини топган ва яхлит бир маънавий-ижодий мұхит ҳосиласи сифатида юз кўрсатган эди.

Алишер Навоий ижод этган ва унинг дунёқараши шаклланган тарихий-минтақавий мұхит эса буткүл ўзгача асосларга таянгани маълум. Бадиий ижод тариқи шоир ё адабининг ўзи маълум даражада тушуниб туриб риоя қилган бадиий тадқиқ йўлини англатади. А.Хайит-метовнинг илк тадқиқотларида ўз вақтида «мажоз йўли билан асар ёзган шоирлар реал ҳаётга яқинроқ эдилар» деб таъкидланган, «Навоий ҳам ўз ижодий йўлини шу мажозий йўлга мансуб, деб атаган ва онгли равишда тобора унинг ичига кириб борган эди» деб билдирилган ниҳоятда тўғри фикрлар кейинги ишларда изчил ривожлантирилмади. Олимнинг «Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан» китобида Шарқ адабиёт назариясига оид ниҳоятда бой ва диққатга сазовор фактик материаллар мавжудлиги баробарида, муаллифнинг юқорида қайд этилган мулоҳазаларига моҳиятан зид хulosалар келтирилди. «Тасаввуф ва мажоз» бобида Навоий ҳамиша чуқур эҳтиром билан ёд этган Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий сингари «ҳақиқат тариқининг сұханварлари» ижодига муайян даражада беписандлик билан ёндошилиб, улар дунёқараши «асос эътибори билан ниҳоятда реакцион» эди, деб баҳолангандигини давр талаби билан боғлаш мумкин, аммо бугун ҳам

муҳим бўлган назарий чалкашлик шундаки, бу китобда «мажоз» тушунчаси тўлигича «аллегория» маъносида талқин қилингани сабабли китобни ўқиган кишида Ясавий ва Бокиронийлар «ҳақиқат тариқига» (суфизм фояларини тўғридан-тўғри аллегориясиз баён қилувчилар сифатида), Аттор ва Румийлар эса «мажоз тариқи»га (пантеистик услуг билан куйловчилар сифатида) мансуб бўлиб қолгандек таассурот туғилади.

Албатта, бугунги ҳурлик замонида илгари ёзилган асарларни танқид қилиш осон. Аммо, эски ақидалар, янгилиш назарларни қайта кўриб чиқмасдан маънавий ҳаётда, жумладан адабиётшунослик илмида, янгила-нишга, янги уфқулар сари интилишга эришиб бўлмас-лигини ҳаёт кўп марта тасдиқдамоқда. Ҳатто, Азиз Қаюмовнинг «Садди Искандарий» ҳақида 70-йиллардаёқ билдирган мутлақо янгича мулоҳазалари, Алибск Рустамовнинг Навоий дунёқараши ҳақидаги жиддий фикрлари ҳалигача кўпчилик назаридан четда қолмоқда. Ваҳоланки, уларни янги дарсликлар ва оммабоп нашрлар мағзига сингдирилиши бугунги кун заруратидир.

Навоийдаги «мажоз тариқи» ниҳоятда теран фалса-фий ва адабий-назарий тушунча. Уни тўғри талқин этиш учун «мажоз» тушунчасининг мазмуний миқёси Европа адабиётшунослигидаги «аллегория» термини маъно доираси билан чекланмаслигини ҳис этмоқ лозим. Бунинг учун эса минтақа маданияти мазмуний такомили ҳақида ҳар тарафлама маълумот ҳосил қилиш талаб этилади. Масалан, тасаввуф шеърияти намояндаларининг «мажоз» тушунчаси ҳақидаги тасаввурлари «мажоз тариқи» намояндаларининг мустақил тасаввурларидан моҳиятан фарқ қилишига жиддий эътибор қаратиш лозим. *Мажоз* — тасаввуф поэзиясида аллегория, Навоий талқинида эса *метафорадир*. «Аллегория» — бир моҳиятни бошқа бир суратда ифодалаш бўлса, «*метафора*» бир йўла бир неча маъно товланишига эга бўлган мураккаб моҳиятни англата билишдир. Аттор ва Румий асарларида мажозий ривоят ва ҳикматлар Низомий, Деҳлавий, Навоий эпик шеъритидаги «мажоз тариқи» тасвир принциплари билан ўз вазифаларига кўра бошқа-бошқа моҳиятлардир. Аттор «мажоз» тушунчасини дунёқарашиб системасидаги унсур сифатида бир маънода ва тасвир принципи сифатида бошқа

маънода тасаввур қилади. Навоий эса «мажоз тариқи» тушунчасини ҳам дунёни англаб етишнинг алоҳида бадиий-фалсафий йўли, ҳам бадиий тасвир принципи маъноларида бир йўла уйғун яхлитликда тушунади ва «мажоз» тушунчаси мазмун-мундарижасини мутлақо янгича талқин қилади. Мутафаккир адид салафлари Низомий, Саъдий ва Ҳофизларга таяниб, бадиий-фалсафий тафаккур такомилида буюк бурилиш ясади ва кейинги авлодларга бу йўналишда буткул янги уфқлар очиб берди. Бадиий-фалсафий тафаккур такомилининг ушбу янги босқичида нафақат туркий Бобур, Фузулий, Андалиб сингари шоир ва адиллар, балки Соиб Табризий, Мирзо Бедил, Асадулло Голиб каби форсийзабон ва ҳатто Кабир сингари ҳиндузабон шоирлар ҳам янада янги ютуқларга эришдилар, инсон руҳий такомилини таъмин этиб бордилар. Бугун энди «Ҳамса» достонлари ни афсона даражасида талқин этиш билан ҳам, ахлоқий ва ирфоний талқинлар билан ҳам қоникиш даври ўтди. Халқ бундан юқорироғини англашга қодир эмас, деб тасаввур қилиш учун ҳам асос қолгани йўқ. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, бугун халқимиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан эркин танишиш имконига эга. Миллий маънавияти-мизнинг энг қадим илдизларидан бошлаб, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаригача ишқибозлар қўлига эркин етиб бормоқда. Ҳар бир шахс ўзлигини борган сари теранроқ англаб бориш имкониятлари кундан-кун кенгаймоқда.

Воқелик мураккаб. Унинг диний ва дунёвий мазмуни, фалсафий ва бадиий талқини мавжуд. Бир тимсолда булярнинг барчасига бир йўла ишора қилиш ўртacha салоҳиятли одми шоирнинг қўлидан келадиган юмуш эмас. Бунинг учун даҳо қудрати лозим. Навоийнинг шеърий салоҳияти шу юкни зўриқиши билмай кўтара оладиган қувватга молик эди. Шу сабаб у «Низомий панжасига панжа урмоқ»⁶ журъат этди. Буюк салафи бошлаган тамойилни такомилига етказди. Шу билан ҳақиқий фалсафий теранликда воқеликни мустақил таҳлил эта олувчи бадиий ижод тариқини Европадан бир неча аср олдин кашф қилди. Биз бу ижод тариқи нима эканини пухта англаб ета олмасак, нафақат ўз адабиётимиз, балки Арабистон ва Туркия, Ҳинд ва Эрон адабиётини ҳам, маданиятини ҳам мукаммал ид-

ХУЛОСА

Тақдир ва тадбир

Куръони каримнинг «Нур» сураси 35-оятида «Оллоҳ — осмонлар ва ернинг нури» деб ҳидоят этилган. Кимнинг дил кўзгуси ушбу нур ила мунаввар этилган бўлса, ўша инсон маънавиятлидир. Бир моддиюнчи дўстимиз «Маънавият инсон қалбидан акс этган илоҳий нурдир» деган таърифни маҳкам ушлаб «маънавият — нур» дедингиз, «нур» моддий нарса, демак, маънавият ҳам моддий экан, деб туриб олса бўладими? Инсон тили ва тафаккурининг ожизлиги шунда билинди. Ахир, илоҳий китобнинг юқорида келтирилган жумлалари Оллоҳ ҳақиқатига ишора, рамз-ку!

«Нур» бу ўринда илмий атама эмас, рамзий тимсол. Оллоҳ ҳақиқати беҳудуд, инсон онги ва тасаввурлари эса чекланган. Шу сабабли, Тавҳид ҳақиқатига фақат ишора қилиш мумкин, таъриф бериб бўлмайди. Инсон илми чекловчи илмидир. Ҳақ илми — чегарасиз.

Шундай экан, биз ожиз бандалар маънавият назарияси ҳақида нима ҳам дея олардик? Фақат баъзи нисбатлар, рамз ва ишоралар билан чекланишга тўғри келади.

Маъно Оллоҳга тегишлидир. Борлиқнинг маъноси Оллоҳ ҳақиқатидан ўзга эмасдир. Уни Ҳақ дерлар. Маънавият эса инсон кўнглида Ҳақ нурининг акс этишидир. Шу сабабли маънавият Борлиқ янглиғ бепоён. Инсон ақли бу бепоёнликни қамраб ола биладими? Даҳриёна тафаккурнинг энг ожиз томони шуки, инсон ақлининг ноқислиги аниқ-равшан бўла туриб, такаббурликка берилади, «дунёга ёлғиз ўзим хўжайнман» демоқчи бўлади.

Биз инсонларнинг даҳрийлигимиз ҳам, бутпарастлигимиз ҳам ақлимизнинг ноқислиги, тахайюлимизнинг ожизлигидандир.

Юқорида бошланиши эсга олинган оят хуносасида «Оллоҳ ўзининг нурига ўзи ҳоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур» деб иноят этилган. Демак, ихтиёр Ўзида, бизда эмас. Буни тақдир дейдилар.

Инсон зотининг барча хатти-ҳаракати эса тадбир холос. Тадбир амалга оширилади, аммо мақсад қўлга

кирадими, йўқми, инсон олдиндан башорат эта олмайди. Нима қилиш керак? Нажот қаерда?

Алишер Навоийнинг буюк «Хамса»си ибрат ва ишоратлар қомусидир. Унинг биринчи достони «Ҳайрат улаброр»нинг биринчи боби («совет» даврида бу боб кўпчилик нашрларда тушириб қолдирилган) «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим» илоҳий калимасининг мажозий шарҳига бағищланган. Унда бу табаррук калиманинг ҳар бир ҳарфига икки карра бадиий шарҳ берилган. Нега икки карра? Чунки биринчи шарҳ — «аҳли қабул» учун, иккинчиси «аҳли рад» учун:

«Қилгувчи бу бодия қатъига майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл».

Инсон учун имтиҳон майдони бўлмиш бу дунё ҳаётига қадам қўйган ҳар бир шахс ўзина икки йўлдан бирини танлайди — инсоф ва диёнат, сабр ва ризолик, ҳалоллик ва меҳр йўлини, ёки норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, ҳаром ва қаҳр йўлини. Бири — адолат ва нурга, иккинчиси — залолат ва зулматга бошлайди. Ҳар биримизнинг Оллоҳдан тилагимиз саодатманд тақдир эрур. Аммо зулму зулмат сари қадам босиб, келажакдан яна нуру ёғду умид этсак, ўзимиз ҳаётда хиёнат ва каззобликни шиор қилиб, Оллоҳдан раҳмату шафоат кутсак, Яратганинг адолатига шак келтирган, ҳатто тухмат этган бўлмаймизми?

Инсон ўз тақдирини олдиндан билмайди. Шундай экан, ким «аҳли қабул» бўлса, ўзгаларга меҳру савобни раво кўрса, ҳаётга яхшилик умиди билан қараса, элюрт олдида, инсонлар олдида, Ҳақ олдида ўзини масъул билиб шунга мувофиқ фаолият кўрсатса, унинг тақдирни ҳам хайрли тадбирига мувофиқ бўлиб чиқса, не ажаб.

Агар ким ҳаётдан, ўзгалардан доим норизо бўлса, дилини худбинлик чирки қоплаб, бировга яхшилик раво кўришга оғриниб турса, ўзбекнинг аччиқ маталига биноан «келтир менга, йўқдир сенга» шиорини байроқ қилиб, фақат ўз нафсини кўзласа, инсоф ва диёнатни ёлғон ва хиёнатга тамом алмаштириб олган бўлса, унинг барча тадбирлари охири бориб пуч бўлиб чиқса, ишонгандари саробга айланса, ушбу тақдирни ниятига, тадбирига яраша бўлмайдими?

Яна бир мулоҳаза:

Агар бу дунёда қилган гуноҳларингиз, йўл қўйган

хатоларингиз учун шу дунёда жазо олсангиз, ажрини тортсангиз, Оллоҳга минг шукр этингки, ўзи сизга иноят этипти, сиздан раҳматини дариф тутмалти, аммо гуноҳ устига гуноҳ, хиёнат устига хиёнат, ёвузлик устига ёвузликни кимки қалашибир ташлаётган бўлса-ю, ишлари кундан-кунга «ривож олиб», омади «олға босиб» кетаётгандек кўринса, ундан зулмат бандаси Оллоҳдан кўрқсин, тақдири олдида титроққа тушсинки, Ҳақ ундан тамом юз ўтирган, охирати буткул куйиб кетмаганимикан?

Инсон умид билан яшайди. Аммо ўз умидига мувофиқ яшаса, эзгулик сари йўналган тадбирни ният қилса ва шу йўлда событидам бўлса, иншооллоҳ, зарар кўрмагай. Яна Оллоҳ билгувчироқдир.

Валлоҳу аълам биссавоб.

ИЗОХЛАР:

С.9. — Иқтибослар «Иқтисод ва ҳисобот» журнали 1996 йил 2-сонида босилган фалсафа фанлари номзоди Абдураҳим Эркаевнинг «Маънивият — устун йўналиши» (с. 20—22) мақоласидан олинди. Бу файласуфнинг ушбу мавзу юзасидан кейинчалик яна бир қатор мақолалари, яқинда бир китоби ҳам нашрдан чиққани маълум бўлди. Аммо биз китоб билан танишиб ултурмадик.

С.18. — Китобда И.А. Каримов асарларининг 1996 йилда нашр этилган 4 жилди, 1994 йилда босилиб чиққан «Истиқлол ва мавният» тўплами, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ва яна алоҳида мақолалардан фойдаланилди. Рисоланинг фақат биринчи қисми эмас, балки иккинчи қисмida ҳам қатор ўринларда Йўлбошчи билдирган мулоҳазалар келтирилган, баъзи саҳифаларда иқтибос қўштириноқ билан ажратиб кўрсатилган, аммо услубий равонликни сақлаш зарурати билан муаллиф номи тилга олинмаган ўринлар ҳам бор.

С.31. — Иқтибослар 1989 йилда Москвада нашр этилган «Философский энциклопедический словарь»дан олинди. Ф.Энгельснинг 1964 йили Москвада босилган «Диалектика природы» асарига ҳам бевосита мурожаат қилинди. Унинг 44-саҳифасида тилга олинган қонун «Закон взаимного проникновения противоположностей» тарзida ифодаланган ва бу Ҳегель талқинига мувофиқроқ. Ушбу баҳс юзасидан бевосита Георг Вильгельм Фридрих Ҳегелнинг 3 жилдли «Мантиқ илми» (Наука логики) асарининг русча таржимасига ҳам бир неча қайта мурожаат қилинди. (М. 1970—1972).

С. 51. — Ж. Туленов, З. Фоуров, «Фалсафа», Т., 1997

С. 67. — «Авесто. Избранные гимны» (И. М. Стеблин-Каменскийнинг рус тилига таржимаси). Душанбе, 1990. Геродотнинг «Гаррих» асарига ҳам қиёсий мурожаат қилинди (Л., 1972).

С. 67. — Иқтибослар Азиз Қаюмовнинг «Қадимият обидалари» (Т., 1972) ва И.А. Стеблеванинг «Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период» (М., 1976) асарларидан олинди.

С. 68. — Қуръони каримдан иқтибослар Алоуддин Мансур таржимасида берилди. (Т. 1991)

С. 72. — Иқтибослар Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони (Т. 1969 йил — шеърий матн, Т. 1984 — насрый баён) ва Азизиддин Насафийнинг «Зубдатул-ҳақойиқ» рисоласи (Н. Комилов таржимасида. — Т. 1994) дан олинди.

С. 75. — Нажмиддин Доя асари фақат кўлёзма ҳолда ЎзФА Шарқшунослик ва Қўлтезмалар институтлари фондида мавжуд. Ушбу форс тилидаги асар Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Соний (Фируз) даврида хон топшириги билан ўзбек тилига ўтирилган. Бу китоб асосидаги дастлабки маълумотлар мақола тарзida «Соғлом авлод учун» журнали 1996 йил 1-сонида эълон қилинган.

С. 76. — Рабгузий. Қисаси Рабгузий. 1-китоб. Т., 1990.

С. 84. — Алишер Навоий. Асарлар. 11-жилд, Т., 1970.

- С. 93.** — Рашид ад-дин Ватвот. «Ҳадойиқ ас-сөхр фи дақоиқ аш-шेър», М., 1981.
- С. 96.** — Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд), Т., 1993.
- С. 107.** — Ушбу маълумотлар филология фанлари номзоди, ЎзФА Кўлёзмалар институти докторантни М.Зиёвудинова изланишлари асосида баён қилинмоқда.
- С. 110.** — Ушбу асотир маросимлар ҳақида Б.Саримсоқовнинг «Ўзбек маросими фольклори» (Т. 1981) китобида батағсил маълумотлар мавжуд.
- С. 124.** — Абулҳасан ал-Мавардий ҳақидаги маълумотлар «Ислам. Энциклопедический словарь» (М. 1989) китоби асосида баён қилинди.
- С. 125.** — Ибн Халдун ҳақидаги маълумотлар «Очерки истории арабской культуры V—XV вв» (М. 1982) китобидан олинди.
- С. 126.** — Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билик. Т., 1972.
- С. 129.**
- а) Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Т., 1967—1970 й.
- б) Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1—12 жилдлар. Т., 1990—1995.
- в) Алишер Навоий. Ҳамса. Т., 1961.
- С. 138.** — Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. (Йигма матн) Т., 1948.
- С. 144.** — Андрей Платонов, Чевенгур. М. 1991.
- С. 150.** — Н.Аминов. Бир аср ҳикояти. Т. 1995.
- С. 159.** — Ушбу фаслни ёзишда Р.М. Баҳодировнинг «Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан» (Т., 1995) китобидан фойдаланилди.
- С. 170.** — Иқтибослар Ж.Туленов, З.Фофуров. Фалсафа. (Т. 1997) дарслигидан олинди.

Биринчи қ и с м**МУСТАҚИЛЛИК МАҢНАВИЯТИ**

1-ғ а с л. Маңнавият нима .	8
2-ғ а с л. Мустақиллик мастьулияты .	15
3-ғ а с л. Қарамлик асорати	25
4-ғ а с л. Мустақыл тафаккур зарурати	34
5-ғ а с л. ХХI аср маңнавияти ҳақыда ўйлар .	46

Иккинчи қ и с м**МАҢНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ**

I б о б. Ватан	64
6-ғ а с л. Табиат ва инсон	66
II б о б. Шахс .	71
7-ғ а с л. Инсон табиати ва маңнавият	71
А. Рұхият ва маңнавият	71
Б. Маңнавият ва ирсият	74
8-ғ а с л. Маърифат йүллари	77
9-ғ а с л. Одоб, ахлоқ, маңнавият	83
А. Шахснинг иқтисодий мустақиллик мастьулияты	86
III б о б. Миллат	89
10-ғ а с л. Шахс, миллат, башарият	89
11-ғ а с л. Маңнавият ва маданият	94
А. Дин ва маңнавият	95
Б. Маңнавият ва мантиқиј тафаккур .	100
В. Санъат, адабиёт, маңнавият	101
Г. Халқ ижоди ва маңнавият	107
Д. Маросимларларимиз маңнавияти	109

IV б о б. Адолат	111
12-ф а с л. Сиёсат, иқтисод, маънавият	112
А. Қонун устуворлиги — сиёсатдаги маънавиятдир	115
Б. Оллоҳнинг имтиҳони	120
В. Маънавий меросимизда ҳалқ ҳокимиятчилигига муносабат	123
Г. Фуқаролар жамияти — маънавий воқелик .	126
13-ф а с л. Бозор иқтисоди ва маънавият	131
А. Бозор ва маънавият	132
Б. Маънавият ва бозор	134
14-ф а с л. Ижтимоий тоифалар табиати ва маънавияти.	
Ижтимоий уйғулук муаммоси	136
А. Инсон яратувчилир	138
Б. Футувва аҳли	141
В. Савдогарлик касбми	143
Г. Йўқсиллар ва истибдод	144
Д. Боболар васияти	146
15-ф а с л. Зиёли масъулияти	147
А. Раҳбар маънавияти	153
V б о б. Ҳақиқат	156
16-ф а с л. Миллий маънавият ва илмлар таснифи .	159
А. Ижтимоий фанлар ва маънавият	165
Б. Фалсафа ва маънавият	169

Учинчи қисм

ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

(Бадиий тафаккур оламида маънавият жилолари)

I б о б. «Ҳақиқат тариқининг суханвари»	177
II б о б. Фарҳоднинг Юнонга сафари	190
III б о б. Симурғ мاشаққати	204
IV б о б. Навоийшунослик ва жаҳон маданияти	223
 Хулоса	233
Тақдир ва тадбир	233
Изоҳлар.	236

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

МУҲАММАДЖОН ИМОМНАЗАРОВ

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ
НАЗАРИЯСИГА ЧИЗГИЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Муҳаррирлар: *Барнобек Эшпӯлатов, Шерматилла Юсупов*

Мусаввир: *Татьяна Гришина*

Бадиий муҳаррир: *Феруза Башарова*

Техникавий муҳаррир: *Лина Хижсова*

Мусахҳидлар: *H. Мұхамедиева, Ю. Бизаатова*

Теришга 10.04.98 берилди. Чоп этишга 22.07.98 да рухсат берилди. Бичими $84 \times 108^{1/3}$, «Таймс UZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 12,6. Нашриёт-ҳисоб табоги 12,0. Буюртма № 2329. Адади 5.000 дона. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.